

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Куронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Жумакул Курбонов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Абдулҳаким
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Ориф Ҳожи



УШБУ СОНДА:

САИД АХМАД ШАВАЛМУДИНИНИҲ 100 ШИЪРИ

Саид АХМАД

КИРРИҚДА ҚОЛГАН ПЮНИ

– Мен аҳмоқ, ризкинғизни қийиб пул йиғибман.
Шундай қилсам ўлиб кетганимда болаларим кунига
ярагади, деб ўйлабман. Бумайрам, кеча айтган гапинг
ўла-ўлгуниқ.

ИИҚИМАС МЕНИ БОНИМ

Абдували ҚУТБИДДИН

ИФҚИМИДИНИ, ҚУЎШ КЕПТАЧ ИИҚИМАСАН

Осима,
Не қилай кўнглим ушмундоқ,
Бир чети осмону, бир чети тупроқ.
Бир тунда подшоман икки кишварга,
Бир кунда зордн.

НАСР

Даврон СУЛТОНОВ

АНДЕРСОНАВИЙ ҚЎЗҒУ СИРИ

Саргузаит-детектив қисса

Андерсон бўйи пастроқ, тўлачадан келган, озроқ
жасораг етишмайдиган одам. Унга иши жуда ёқарди.
Тинч кишлоқ. Одамлар оз, болалар ҳам ювош. Улар
ҳадеб ўрмонга ши, тунги инграшлар, дарахтлар чириб
тўкилиб тушиши...

Мирзо КЕНЖАБЕК

МЕНИ ХАМ СОФИНИАН БИРОР
ЗОТИ БОРМИ?

Шукр дейман, муҳаббатли онларимга,
Қизатим кетгани йўқ.

АДАБИЁТШИНОСЛИК

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

ХАЗРАТИ НАВОИЙ ИЖОДИДАН РУҲ
ОЛИБ...

Исмоил Маҳмуд шоир сифатида ўтган асрнинг
70-йиллари

АДАБИЁТШИНОСЛИК

Дамин ТЎРАЕВ

БОТМОНҚУШ ҚЎШИМИ ЁХУД БИР
НОВЕЛА ТАҲЛИЛИ

Яқинда детектив-саргузашт ва тарихий мавзуларга
қизиқувчи адиб

Минг йиллик билимнинг ўлмас қомуси

Мамарасул
БОБОЕВ

Шоир ва умр

Хона. Ашёларда тартиб ва низом,
Шам ёниб, қолганди қандилда андак.
Тонг юлдузи берар дарчадан салом,
Пастдан баҳор тутар ранг-баранг чечак.

Шоир ҳорғин, маънос кетмиш хаёлга.
Манглайида ажин – йилларнинг юки.
У тинмай ёзади...
Қошу соқолга –
Нуроний тус бермиш кексалик кўрки.

Ҳар ишни қайтадан бошламоқ мумкин,
Азиз умргина бунга бўйсунмас.
Лекин, шоир унинг нафас, минутин
Қадрига етади, елга учирмас.

Умрин қиёс этар эди у шамдан,
У ҳам шамку: ёнган халқнинг ўйида.
Шу халқ деб эзилди ғамдан-аламдан,
Содикдир у ҳамон, умр сўнггида.

Шу зайлда тунлар, юлдуздай бедор –
Кўзлари тонггача тўқади нурун,
Тархи тоза бўлсин, деб қилмас такрор,
Асл ипга тизар шеърят дурун.

Шеър деб, кечди у кайфу сафодан,
Элтмади ҳаётнинг хою ҳаваси.
Не олиб кетади киши дунёдан,
Ҳайкал яратмаса ҳар бир нафаси?

Мамарасул БОБОЕВ – (1911– 1969). Тошкент давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини битирган. Ижодкорнинг “Шодёна”, “Қуёш йўли”, “Севган қўшиқлар”, “Айни ёз”, “Юрагимнинг айтганлари”, “Умрим қўшиқлари”, “Шабада ва япроқлар”, “Танланган асарлар” китоблари нашр этилган.

Умр шошар гўё дарё ёки ел,
Шоир жондан севар диёру ёрни.
Талай хизмат кутар ҳали – қондош эл.
Кўрмак истар яна неча наҳорни.

Ҳаётни севади, севади дилдан,
Халқ ҳам умр тилар билониҳоя,
Аммо, излашарди разиллар зимдан –
Шу умрни кесмоқ учун бир чора.

Шоир ҳорғин, маъюс кетмиш хаёлга,
Манглайида тахлоғ йилларнинг юки.
У тинмай ёзади...
Қошу соқолга –
Нуроний тус бермиш кексалик кўрки.

Хона. Ашёларда тартиб ва низом.
Килкиллаб ёнар шам, қолганди андак.
Тонг юлдузи берар дарчадан салом,
Пастдан баҳор тутар ранг-баранг чечак.

Нариги хужрада бир шум, доғули,
Илондай тўлғаниб шу кун у ғаддор.
Шоир таомига қўшиб оғуни,
Қулай фурсат кутиб ётарди бедор.

Шоир дам ёзади, дам сураб хаёл,
Чуқур: “Уҳ!...” тортади у гоҳи-гоҳи.
Хонтахтада қоғоз...
Ташқарида тонг.
Юракдан қуйилар янги рубой:

“Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак, ондин ортиқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.”

“Занжирланган шер”

*Ўтмишди Навоийни сухандон,
Манзури шааншаи Хуросон.
Фузулий.*

“Занжирланган шер.”
Ў, кўзида ғазаб,
Атрофига лаънат дея боқади.
Агар эркин бўлса, қудрат шунчаки,
Зулм дунёсини тоғдай йиқади.

Қаршисида ҳоким чирик салтанат,
Жаллод кўзларидек манфур ва қонли.
Эрлар таҳқирлию, шерлар занжирли,
Фосих ҳарамларда ҳайвоний ишрат.

У, занжирли, демак, башар занжирли,
Қуллар қилган исён, зафар занжирли.
У занжирли, демак, шеър занжирли,
Меҳнат, ижод, севги, фикр занжирли.

Бу “Занжирланган шер” – мужассам бир халқ,
Бунда гавдаланар – меҳнаткаш деҳқон.
(Беллари дол бўлган омоч учидай),
Тоғ қазувчи, меъмор, қирдаги чўпон,
Виждон, куёш бетли Ҳақиқат ва Ҳақ.

Бу – “Занжирланган шер” – мужассам сиймо,
Бу – ошиқ Мажнундир, донишманд Фарҳод.
Бу – вафоли Ширин ва гўзал Лайло,
Бу – меҳрибон Шопур, аламли Бехзод.

Бу – “Занжирланган шер” – улуғ Алишер,
Минг йиллик билимнинг ўлмас қомуси.
Бир шеърки, ҳаётга мангу келган эр,
Ҳаётбахш ва жўшкин шеър Амуси.

Мангу умр

Эрталаб нонушта қилар кампир, чол,
Патефон овози тинганича йўқ.
Тахтада хилма-хил мева, қаймоқ, бол,
Биридан бир ҳисса ейилганча йўқ.

Қуюқ нонуштада кампир билан чол,
Тиллари ҳазилдан тийилмас сира.
Силкинар кулгидан мош – гуруч соқол,
Кампир лаблари ҳам йиғилмас сира.

Талпинар бобога набираси шўх,
Чолу кампир хурсанд...
Ажойиб айём:
Шу шўх жигарпора,
Соғ бўлса мудом,
Қаримайди улар,
Тугамайди,
Йўқ –
Улар умри мангу этади давом...

* * *

Шеъримдадир ҳаёт-мамотим,
Ҳақиқатим, ҳазил, кулгим ҳам.
Шеърим – менинг ичилган онтим,
Онт ичилмас ёлғон ва мубҳам.

Маърифат устунни



Эркинжон
ТУРДИМОВ

Бир ижодкорнинг асарида: “Китоб ўқишга вақт тополмаслик – айб, ўқишни истамаслик эса катта гуноҳдир”, деган иборани ўқиб қолдим. Жуда ўринли фикр. Негаки, ҳамма даврларда ҳам маърифат инсон руҳиятининг устунни ҳисобланган.

Алломаларнинг илми ва теран хулосалари жамият тараққиётини белгилаб берган. Агар таҳлилий нуқтаи назардан ёндашсак, ривожланган давлатлар иқтисодиётининг, фаровон турмушининг асосида таълимга, фан ютуқларига эътибор турибди.

Шу сабабли, давлатимиз раҳбари бу ҳаётий ҳақиқат ва халқаро тажрибани Ўзбекистондаги ислохотларнинг асосий йўналишига айлантиришга интиломда. Фанлар Академияси, олий ўқув юртлари ва халқ таълими тизимидаги ижобий ўзгаришлар ана шу сиёсат самарасидир. Аслида рақамли иқтисодиёт замирида ҳам таҳлил, пухта ҳисоб-китоб, оқилона режа, яъни билим ва маърифат ётибди.

Бир жиҳат менга доимо фахр бағишлайди. Шу кўхна, табаррук замин ҳудудида, хусусан Эргаш Жуманбулбул ўғли яшаган ҳудудда туғилиб ўсганим, камол топганим билан ғурурланаман. Шунинг учунми, болалигимдан адабиётга меҳр кўйганман. Отам гарчи оддий ҳайдовчи бўлса-да, газета-журналларни қолдирмасдан ўқир, биздан мутолаа қилган китобларимиз мазмунини сўрашдан эринмасди. Айниқса, халқ мақолларини, Эргаш шоир термаларини кўп ёдларди. Қишлоқ муҳитида энг кўп ишлатилган мақолларни ҳамон такрорлаб юраман: *“Чўпоннинг келиши таёғидан, келиннинг келиши. оёғидан маълум”, “Ўйламай гапирган – оғримай ўлади”, “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил”, “Гумон имондан айиради”, “Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди”*.

Умуман, халқ мақоллари биз учун болалигимизда адабиётнинг алифбоси эди.

Ҳаётий тажрибамда бир нарсага ишонч ҳосил қилдимки, маърифат, маърифатли одамлар кишига, айниқса, раҳбарга жуда катта куч-қувват бағишлар экан. Улар элнинг талаб-эҳтиёжини, дардини бошқалардан кўра теранроқ англайди. Бундай инсонларнинг аксарияти ижодкорлар – шоир, ёзувчи, журналистлар, олимлардир. Навоий ва Сурхондарёда ишлаганимда ҳам улар билан самимий мулоқотларда

Эркинжон ТУРДИМОВ – 1969 йилда туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институтини (ҳозирги ТДИУ) тамомлаган.

кўп фойдали таклифлар олганман. Уларнинг эркин ижод қилиши учун шароит яратишга, яхши асарларини рағбатлантиришга интилганман. Негаки яхши бадий асарлар баъзан оғзаки тарғиботдан кўпроқ самара беради.

Самарқанд – маърифат макони. “Агар бойлик истасанг, Ҳиндистонга бор, илм истасанг, Маккага бор, агар ҳар иккаласин истасанг, Самарқандда қол”, деб бежиз айтилмаган. Хусусан, Ҳазрат Алишер Навоийнинг бу табаррук заминда икки йил муддат бўлиши, ўша даврдаёқ аллома номини олган Абулайс Самарқандийдан таҳсил олиши бу кент адабий муҳитининг салоҳияти нечоғлиқ улуғ бўлганини кўрсатиб турибди. Биз ана шу беназир адабий муҳит анъаналарини давом эттириш чораларини кўряпмиз.

Тадқиқотчи олим, манбашунос Комилхон Каттаевга вилоятда яшаб ўтган алломалар асарлари каталогини яратиш, Оқдарё туманида топилган қабртошларни тадқиқ қилишга имкон яратилди. Натижада фидойи олим “Самарқанднинг буюк ҳуқуқшунос алломалари”, “Рисолати Бобурия”, “Калом илми ва Мотуридия равияти алломалари”, “Саид ота ва Яссавия тариқати муршидлари тарихи” каби китоблар ёзди ва бу китобларни чоп этишга ёрдам бердик. Айни пайтда муаллиф яна ўнга яқин тарихий китобларни таржима ва тадқиқ этиш устида ишлаяпти. Бундан ташқари, бизга алломалар меросини оммага етказиш юзасидан таклифлар берапти.

Ўтган йили вилоятимиздаги маданият масканлари яна биттага кўпайди. Машҳур ҳофиз Ҳожи Абулазиз Абдурасуловнинг Регистон майдони яқинидаги ҳовлиси ҳокимият ҳисобига харид қилинди ва тарихий кўриниши ҳолатида таъмирланиб, уй-музейга айлантирилди. Бу уй-музей яқинда Маданият вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Ҳофиз ва бастакорнинг бадий мероси ҳақида рисола тайёрланди. Дарвоқе, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари музейни иштиёқ ва ҳавас билан томоша қилдилар.

Сал бўш вақт топсам, мен вилоятдаги таниқли зиёлилар ижодхонасига бораман, чунки улар билан мулоқот тафаккурни янги хулосалар билан бойитади. Ўтган йили самарқандлик таниқли академиклар Воҳид Абдуллаев ва Ботирхон Валихўжаев хонадонларига бориб, хотирасини ёд этдик, бой кутубхонаси билан танишдик. Бу улуғ зотларнинг оила аъзолари билан уларнинг фазилатлари ҳақида суҳбатлашдик.

Шоир, драматург, адабиётшунос, ўзбек, тожик, рус тилларида бирдек ижод қиладиган Ҳаёт Неъмат билан мулоқотим ҳам жуда самимий кечди. Ҳаёт аканинг ўн минг китобдан иборат бой кутубхонаси билан танишдим, янги асарларидан ўқиб берди. Айниқса, адибнинг, “Ўзбек ва тожик ака-ука, опа-сингил, бу икки миллатни дўст деб эмас, оға-ини деб таърифлашимиз лозим”, деган фикри менга маъқул тушди.

Сартепа масканида яшовчи ҳайкалтарош Тўлаган Ёрқулов болалигидан ҳайкалтарошлик санъати билан шуғулланган. Нурободнинг Жом қишлоғида ўсиб улғайган бу иқтидор эгаси ёшлигидан кумдан ҳайкалчалар ясаб, ўз касбининг устасига айланган. Унинг ноёб асарлари, асосан, Европа мамлакатлари галереяларидан жой олган. Ҳайкалтарош кўпгина халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, миллийлигимизни акс эттирган ҳунармандчилик маҳсулотлари билан хорижлик мутахассисларнинг эътиборига тушган. У ясаган ҳайкаллар

республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўрнатилган. Аммо Самарқандда унинг ижодига эътибор кам бўлган. Шу сабабли вақт топиб Тўлаган аканинг ижодхонасига бордим, ёнимга ижодкорларни ҳам олдим. Уста ва унинг ўнга яқин шогирдлари билан суҳбатлашдик. Т. Ёркулов билан Самарқанд учун ҳам буюртма беришга келишиб олдик. Ҳозир ижодкор вилоятимиздаги жамоат жойлари учун ҳам асарлар тайёрлапти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев жорий йил бошида парламентга қилган Мурожаатномасида буюк жадид Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллигини юртимизда кенг нишонлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Олим ва журналист Ҳалим Саиднинг вилоят газетаси орқали менга мурожаати, очиғи, маъқул тушди. Бу таклифларни вилоят жамоатчилиги, зиёлилар, ижодкорлар билан муҳокама қилдик. Чунки Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқанднинг Тойлоқ туманида туғилиб ўсган. Жадидлик фаолиятини шу ерда Саидризо Ализода, Сиддиқхўжа Ажзий, Шакурый билан бирга бошлаган, биринчи ўзбек драмасини ёзган, ilk миллий газетани очган, халқни маърифатли қилишга муносиб ҳисса қўшган.

Жамоатчилик таклифига кўра, Мир Саид Барака кўчасидаги тарихий бино Маҳмудхўжа Бехбудий ва жадидлар уй-музеи учун бўшатиб берилди. 1909 йилда қурилган бу тарихий бинода Бехбудий ҳозирги “Зарафшон” газетасининг ilk сонларини чиқарган, ўзи ҳам оиласи билан шу ерда яшаган. Айти кунларда музей лойиҳаси яратилиб, бинода таъмирлаш ишлари олиб берилмоқда.

Буюк оқин, Кўрғон бахшичилик мактаби асосчиси Эргаш Жуманбулбул ўғлининг 150 йиллиги ўтган йил чинакам адабиёт фестивалига айланди. Бахшининг уй-музеи ва боғида ижод байрами ўтказилди. Ёзувчи Раҳим Қодиров ва “Зарафшон” газетаси ходимларининг Эргаш оқин фаолиятига оид китобларига ҳомийлик қилдик. Фақат бугина эмас, сўнгги икки йил ичида Мухайё Худойқулова, Нафас Дўсанов, Ғайрат Бобоқулов, Раъно Комилова, Зулфия Данаева, Равшан Мансуров каби ўндан зиёд ижодкорларнинг тўпламларини чоп этишга ёрдам бердик.

Жорий йилдан яна бир савобли ишга қўл урдик. Тажрибали ижодкорлар ёрдамида ижтимоий тармоқлар орқали 2019 йилда чоп этилган китоблар танлови уюштирилди. Проза, шеърят ва публицистика бўйича чиққан учта энг яхши китоб муаллифлари Мамадамин Ражабовнинг “Комиллик гулшани”, бадий публицистика йўналиши бўйича Зухра Бегим Эшонқулованинг “Нима яхши дунёда?”, “Бир кучоқ оташ” шеърый, назмда Хуршид Нуруллаевнинг “Бахтли бўлиш ўзимга боғлиқ” каби китоблари наср йўналиши бўйича “Энг яхши китоб” рағбатлантирилди. Бу тадбирни давом эттирмоқчимиз. Бундан ташқари, ёшижодкорларнинг алоҳида альманахини нашр этмоқчимиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус доирасида аҳолининг китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис ўтган йил вилоятда “Энг яхши китобхон маҳалла”, “Энг яхши китобхон мактаб” ва “Энг яхши китобхон оила” кўрик-танловлари эълон қилдик. Бу танловларни энг қуйи тизимдан бошлаб, вилоят босқичига ўтказдик ҳамда энг яхши китобхон маҳалла деб эътироф этилган Тойлоқ туманидаги “Адас” маҳалла фуқаролар йиғини ва энг китобхон мактаб бўлган Каттақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактабига 100 миллион сўмдан пул мукофоти бердик. Қўшработ

туманидаги Мусурмоновлар оиласи эса “Энг яхши китобхон оила” деб эътироф этилиб, уларга “Спарк” автомашинаси совға қилдик. Эътиборли томони, айнан шу оила фарзанди Камола Мусурмонова жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Мана китобхонликнинг, китобга меҳр қўйишнинг самараси. Пангат қишлоғидаги бу оиланинг 1,5 мингдан кўпроқ китобини ҳозир бутун маҳалла ўқияпти, яхшига ёндашиб, муродига етмоқчи бўлганлар кўпайяпти.

Бундан ташқари, вилоятимиз аҳли, айниқса, ёшлар 2018 йилда “Ёш китобхон” республика танлови ғолиби бўлиб, Президент совғаси – “Spark” автомобиллини қўлга киритган Пахтачи туманидаги 24-умумтаълим мактаби ўқувчиси Махлиё Ўроқова ҳамда нарпайлик Моҳинисо Шомуродованинг муваффақиятини ҳали унутган эмас. Бу китобхон қизлар камолга етган оилаларга биз ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Улар учун янги уй-жойлар совға қилдик. Эндиликда, бу китобхон қизларимизга ҳавас қилган минглаб ўғил-қизларимиз китобга меҳр қўйган, китоб ўқияпти.

Айнан ёшларимизнинг китобга муносабати ўзгараётгани туфайли ўтган йил Президентимиз ташаббуси билан вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ёшлар кутубхоналари бунёд этилди.

Дарвоқе, ўтган йил Самарқанд шаҳридаги А.С.Пушкин номли вилоят ахборот-кутубхона марказига бориб, мазкур маърифат маскани фаолияти билан танишдим. Афсуски, бинодаги шароит ҳам, марказ иши ҳам ўтган асрадагидек қолиб кетган, муассаса эътибордан четда экан. Ваҳоланки, ахборот-кутубхона маркази жуда бой китоб фондига эга, бу ердан Самарқанд тарихи, маданияти, маърифати билан боғлиқ жуда кўп маълумотларни олиш мумкин. Дарҳол бинони замон талабларига мос тарзда таъмирлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди, маҳаллий бюджет ҳисобидан 6,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратдик. Ҳозирда марказни тўла таъмирлаш ишлари якунланиб, муассасада китобхонлар ва ходимлар учун барча шарт-шароит яратилди, китоб фонди кенгайди, мебель жиҳозлари янгиланмоқда. Марказ том маънода вилоятимизнинг замонавий маърифат, маданият марказига айланмоқда.

Энди вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарлари марказларидаги ахборот-кутубхона марказлари учун янги бино қурилишини келгуси йил дастурига киритиш учун лойиҳа ва ер майдони ажратиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Бугун пандемия туфайли иқтисодий қийин шароит бўлишига қарамай нега китоб ва китобхонлик, маданият ва маърифат учун маблағни ҳам, куч ва имкониятни ҳам аямаяпмиз? Сабаби – инсон илмли-маърифатли, маданиятли бўлса, моддий неъматларни ўзи яратиб олишга ҳаракат қилади. Ҳеч бўлмаганда кўп нопок ишлардан, ёмонликлардан тийилади. Президентимиз бежиз, “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашамиз”, демаяпти. Бу шундай қудратли кучки, кишини сабр-қаноатга, маданиятга ўргатади. Маърифат инсон руҳиятининг устунлиги ҳамдир.

ЙЎЛ

Қисса



Фармон ТОШЕВ

*Меҳнат фахрийси, қадрдоним
Илёс Ашуровга бағишлайман.*

Саратон. Қоқ туш пайти. Аннасой этагида ёнбошлаган йўл узала тушганча ўзини офтобга тобламоқда. Ҳар замон тўсатдан пайдо бўлиб қоладиган дайди шамол қовжираган шувоқ, исириқларни учирганча, гўё унинг оромини бузмоқчидек мудраётган йўлга уфуради. Шунда йўл худди бир керишиб, ўзини ўнглаб олмоқчидек, эринибгина қимирлаб кўяди. Мудроқ кўзлари билан атрофга бир кур назар ташлаганча яна ҳансираб заминга бош кўяди. Қулоғи тагида чириллаганча безовталанган калтакесаклар ҳам, элангандек тупроқда эгри-бугри силлиқ из қолдириб йўлни кесиб ўтаётган илон ҳам уни уйғота олмайди. Йўлнинг ҳам жони бор. У ҳам одам танийди, устидан юриб ўтаётган йўловчининг кимлигини, қандай одамлигини билади. Бу гапларни бировга айтиб бўлмайди-ю, лекин ҳозир шу ердан секин одимлаганча келаётган Жозил тоға шундай деб ўйлайди. Жозил тоға саксон йилдан бери, аниқроғи, эсини таниганидан буён шу йўлдан юради. Унинг Бошқудуққа олиб борувчи шу йўл билан боғлиқ. Болалиқда тут териб, чиллак ўйнаб юрган кунларидан тортиб, мўйлаби сабза уриб, қўшни қишлоқда бўлган “қиз давраси”дан қайтаётган ҳамқишлоқ қизларини кузатиб келаётиб биттасига ўғринча қарагани, қиз лабини бургач, уялиб ўзини қўйишга жой топа олмай қолганига ҳам, кейинчалик саноксиз ёзилган хатлардан сўнг эришилган висол онларига ҳам шу йўл гувоҳ. Буни фақат Жозил билади ва шу йўл билади. Бу уларнинг сири. Кейин эса... Қизнинг тўйи куни... Ўшанда Жозил ойдин тунда тонггача шу йўлда ёлғиз тентираган, йўл четида ўтириб, уялмай ростакамига йиғлаган. Қишлоқдан чилдирманинг товуши, ёшларнинг қийқириқлари тун ярмигача чўзилган паллада у аламини, дардларини яширмай йиғлаганча йўлга сўзлайверган-сўзлайверган... Йўл эса сукутга толганча, эшитаверган-эшитаверган... Ақалли юпатиб ҳам қўймаган. Шу-шу йўл хомуш бўлиб қолган. Шундан бери Жозил мана, ёши саксонга яқинлашибди ҳамки, ўзини ҳалиям аламзада, қишлоққа ўғайдай билади. Аммо у Жозилга худди туғишганидай бўлиб қолган. Ҳатто тушларида ҳам кўпинча

Фармон ТОШЕВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1954 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини битирган. Унинг “Қарнабчўл қўшиғи”, “Умрнинг ўртаси”, “Отамнинг сабоқлари”, “Бедаво кўнгил”, “Мен англаган ҳақиқат” номли китоблари нашр этилган.

шу йўлни кўради. У йўлни ўзига ўхшатади. Иккиси ҳам бирга қариди. Йўлнинг ўйдим-чуқур жойлари Жозилнинг кўнглидаги чандикларга ўхшайди. Йўлнинг четидаги тепаликнинг тик қирқилган жойлари бугун уваланиб, қия ҳолга келиб қолган. Жозил унда гўё ўзини – бир вақтлар қирчиллама бўлиб, бугун анча кучдан қолган, елкаси сезиларди даражада чиқиб қолган чолни кўради. Ана, катта йўлдан уйигача отчопар майдони, сўнг Аннасойни ёқалаб юради. Жозил уйигача бўлган масофаниям, қадаманиям, қанча дақиқа юришиниям минглаб марта санаган. Ҳатто йўл ёқасида ўсадиган исирикнинг қачон пишиб етилишигача, ким қачон юлиб кетишигача яхши билади. Йўлнинг ёқасида Отчопар жойлашган.

Отчопар дегани қияликдаги яланглик, бир томони қирга туташиб кетган. Унинг бугун фақат номи қолган, холос. Жозил кимсасиз кўчага, анча тартибли, оқланган уйларга разм солди. Айрим хонадонларга дарвоза ўрнатилиб, кўча тарафга гуллар экилибди. Жозил буларга қараб кўнглида қандайдир мамнунлик ҳис қилар экан, яна хаёлга берилди... Илгари қишлоқда тўй бўлса, хонадон эгаси йиллар давомида йиғиниб, кўпқари берарди. “Фалончи кўпқарили тўй қиляпти”, деган гап чикса, бас, бутун атроф-жавонибдан, қўшни вилоятлардан чавандозлар, номдор полвонлар келаверарди. Ҳатто қўшни республикадан бир гуруҳ қозоқ чавандозлар ҳам келиб, кўпқарида қатнашган, аммо солиннинг каттасини ололмай кетганини қишлоқдагилар ҳалигача давраларда эслашади, ўзимизникилар зўрлигидан фахрланишади. Қишлоқда кўпқари борлигини эшитса, Оннасойлик борки, агар Тошкентда бўлса ҳам ишини ташлаб келарди. Хўп даврлар эди-да! Энг қизиги, кўпқаридан кейин бўларди. Қишлоқ аҳли кўпқаридан битта бўлса ҳам улоқ олиб келган чавандозниқига йиғилар, солимнинг зўрини ким олгани, қайси улоқчи полвон чаққонлиги, қайси полвонлар гуруҳ бўлиб улоқ таллашиб номардлик қилгани қизгин муҳокама қилинар, қўлма-қўл тортишувда титилиб, тер ҳиди ўрнашиб қолган улоқ гўшти меҳмонларга камлик қилиб, яна бир-иккита улоқ ҳам сўйиларди. Базм охирида қайвонилар қишлоқда кимнинг маърақаси, кимнинг хашари борлиги ҳақида жўяли гаплар айтгач, ёшларга хизматлар тақсимланарди. Қишлоқда нима янгилик бўлса, ҳамма Отчопардан эшитар эди. Авваллари бу ерда қанчадан-қанча кўпқари бўлган, лекин ҳозир бу атрофда номи чикқан чавандоз қолмаган. Шундай бўлса-да, қишлоқ аҳли бу майдонни ҳалигача Отчопар деб атади. Айтишларича, Эгам чўпон турмадан қайтганида дастлаб шу ерда тўхтаб, бор овози билан “Отчопар-ўв, салом, мен қайтиб келдим!” деб бақирган экан. Аввалига ҳамқишлоқлар буни ҳажв қилиб, Эгам чўпоннинг устидан роса қулишди-ю, кейин тушуниб, Аннасойнинг дунёдаги энг гўзал жой эканлигидан роса фахрланишди. Бу гапни соғ вақтда айтганми, ёки маст ҳолда айтганми, билмадигу, лекин шу воқеадан кейин Эгам чўпоннинг ҳам обрўси ошиб кетди. Кимдир буни Эгамнинг қишлоқни роса соғинганига, яна кимдир унинг “у ёк”да ақли тўлишганига йўйди. Ким нима деса, деяверсин, лекин Жозилнинг фикрича, дунёда Аннасойга етадигани йўқ.

Оннасойни ҳам ҳар ким ўзича шарҳлайди. Биров телевизорда эшитибди: “Бизнинг Аннасой дегани аслида Энасой дегани экан. Бошқудудукда аслида онани анна дейишади”. Телевизорда қайси Энасой ҳақида гап бўлганлигидан Жозил беҳабару, лекин қишлоқ мўйсафидлари телевизордаги ўша тепакал олимнинг гапларини маҳкам ушлашди. Бизнинг Аннасойни дунёда билмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Қанчадан-қанча одамга эна бўлган бу қишлоқ. Тошкенту Самарқандда яшайдиган, қишлоққа онда-сонда қора рангли алламбало машиналарда келиб, сой бўйида маишат қилиб кетадиган бойваччалар ҳам, қишин-ёзин кийими ҳам

ранг-туси ҳам ўзгармайдиган кўпгина журналистлару домлалар ҳам айнан шу қишлоқдан. Аннасойда ҳар йили бир маротаба, баҳорда тўлиб сув оқади, холос. Йилнинг қолган фаслида сойнинг ичи хас-хашак билан тўлади. Кўравериб кўзи ўргангани учунми, бу ҳолатлар Жозил тоғага кадрдон кўринади, аниқроғи Бошқудукни бошқача тасаввур қила олмайди.

Жозил шуларни хаёлидан ўтказиб ҳорғин одимлар экан, хаёл уни яна олисга – ўсмирликка етаклаб кетди. Раҳматли отаси, “Бобонгнинг айтишича, биз бу ерга жаннат жойларидан келиб қолганмиз, авлодимиз обрўли улуғлардан бўлган”, деб тушунтирарди. Ана шу обрўли авлоддан бўлган Жозил тоғанинг саксон йиллик умри шу дашту адирларда ўтди. Пахса, ғўлак ва деворларнинг хом ёки пишган ғиштга айлангани-ю, чиройли темир дарвоза, акфа ромлари, том устидаги тарелка антеннани ҳисобга олмаса, ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Йиллар давомида рўзғор деган шалдиروق аравани бирга тортишиб келган говмиш сигир ҳалиям рўзғорга базўр етгулик сут беради. Дуо кетганми, ким билсин, уйдаги ўнта қўй ўша-ўша – ҳеч ўн битта бўлмади. Ношукурлик бўлмасин, уй тўрига тутилган каштада тўрт-бешта медаль, битта ранги хира тортган орденъ осилган. Эришгани шу. Уларнинг салобати, кучи шу даражадаки, бу хонада турмушдаги камчиликлар, порахўрлигу субутсизликдан гапиришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Жозил баъзан оғзидан сал нобоп сўз чиқиб кетса, бирдан хушёр тортиб уларга қарайди. Гўё орден ва медалларни унга топширган кишилар даврада ҳозирдек ноўнғай ҳолатга тушади.

Бошқудук ўзи антиқа қишлоқ. Қишлоқ кексалари орасида ҳали туман маркази ёки Самарқандни кўрмаганлар бор. Жозил тоға қишлоққа Нурободдан автобус қўйилган кунни яхши эслайди. Аниқроғи, автобус уларнинг ҳовлиси яқинигача келмасди-ю, қишлоқдан бир километр наридаги асфальт йўлда тўхтаб ўтарди. Битта эшикли автобус қатнаган эди. Одамлар уни рангига қараб “оқ мошин” дейишарди. Сувни ҳалиям қудукдан ичишарди. Қишлоқ ҳали у, ҳали бу туман ҳудудига ўтавергач, худди етим болага “Отанга бор, энангга бор” деганларидай, бу сўлим маскан борлигини юқоридаги катталар унутиб қўйишди. Бу ерга қувурда ичимлик суви олиб келишга ҳатто сурувда кўзилатиш маҳали тўсатдан пайдо бўлиб қоладиган бирор депутат ҳам ҳафсала қилмади.

Бир умр пода бокқан отаси унга, “Болам, замон ўзгараяпти, Бошқудукдан ҳам зиёли, эл танийдиган, қўли узун одам чиқиш керак, чикқани Чияли бозоридан нарига ўтмади, сен Тошкентда ўқи, ўзим рўғорни амаллайман, муҳими, кўзим тиригида одам бўлиб ол”, деб далда берганди. О, ўша лаҳзада кўнглидан кечган хаёллар, қандайдир ички кўркув билан аралашган орзуларини айтмайсизми? Шоиртабиат, қишлоқ тўйларини рубобу дўмбирада ашула, дoston айтиб қиздириб юрган, отасининг тили билан айтганда, “ишнинг кўзини биладиган” акаси, “Ука, гапнинг рости, сенга ҳавасим келади, биз-ку бир амаллаб Самарқандда ўқидик, отамнинг дуосини олдинг, энди Тошкент деган жойни кўрасан”, дегани ҳали ҳамон эсида. Ўша кечаси Жозил ухлаёлмади. Негадир кетгиси келмади. Қишлоқ, дов-дарахтлар, асфальт кўчага элтувчи тупроқ йўл, ҳатто қўшнининг безовта улиётган ити ҳам кўнглига яқинлигини ич-ичдан ҳис қилди. Аммо нима қилсин, кетиши керак. Бу йўлнинг охирида уни нималар кутётганини билмаса. Тонгда тераклар қўл силтаб, уни узоқ йўлга кузатиб қолдилар.

Ўша воқеага ҳам ярим асрдан ошиб қолибди. Эҳ-хе, нималар бўлмади дейсиз! Энди эса бир вақтлар шу йўлни чангитиб ўйнаб ўсган бола мана бугун ёши бир жойга борганда Отчопар ёқалаб яна ўша кадрдон уйга келаяпти. “Кексалик

мўралаб эшик қокмоқда, болалик қайтадан такрорланмоқда”, деган экан қайсидир шоир. Ким айтган бўлса ҳам билиб айтган экан. У кексаликнинг гурсиллатиб эшик қокқанини анча йиллар илгари эшитган.

Жозил кишлокқа яқинлашган сайин ўзига таниш ҳидларни илғай бошлади. Девор ортидан пиёздоғи аралаш ўчоқда тўлиқ ёнмай тутаётган тезакнинг ўткир ҳиди димоғига урди. Кўнгли алланечук бўлиб кетди. Томоғига бир нарса тикилгандек, кўзлари беихтиёр ёшга тўлди. Атрофдаги нарсалар тасвири хиралаша бошлагач, биров кўриб қолмасин деган хавотирда шоша-пиша кўзёшларини артди. Ўшанда у имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талабалик сафига қабул қилинган, қувончи ичига сиғмай, гердайданча кишлокқа – отаси хузурига қайтди. Ўшанда у отасининг йиғлаганини биринчи марта кўрди. Отаси уни анча бағрига босиб турди. Ундан фақат чўпонларда бўладиган дашт гиёҳларининг ачимтил ҳиди келар эди. Орадан шунча йиллар ўтса-да, Жозил шу ҳидни кўмсайди. Бугун эса... Икки қўлини орқасига бирлаштириб, майда қадам билан, ҳатто ёнғоқдай тошни босиб оёғини қайириб олмаслик учун ўша – уни мунғайганча унсиз йўлга қузатган йўлда эҳтиёткорлик билан қадам ташлайди. Ҳар қалай, ҳасса ушламаганига шукур қилади. Фақат...

... Бугун уни – кексайган гўдакни кутиб оладиган, қувончига қўшиладиган отаси йўқ. Аниқроғи, маслаҳат қиладиган одами йўқ, деса ҳам бўлади. Чунки Жозил тоғага бугун қувончини эмас, ғаму ташвишини, дардини баҳам кўрадиган одам зарур. Бу дардни енгиллатишга на хотинининг, на болаларининг қурби етмайди, улар ачинади, кўнглини кўтаради, холос.

Миясида бу каби чалкаш хаёллар айланар экан, қадамлари ҳам олдинга эмас, орқага тортаётгандек туюлди. Умрида илк бор ўзининг киндик қони тўкилган кадрдон уйига шошилмаётганини сизди, боргани билан яна ўша ҳасрат, ўша уйқусиз тунлар... Лекин бошқа қаерга ҳам борарди, ўзининг ҳовлиси, киндик қони тўкилган, яхши-ёмон кунларининг гувоҳи бўлган кадрдон маскан...

Умуман, унга бу кишлокда кадрдон бўлмаган жой, хонадон йўқ. Отаси билан сурув боққанида ҳатто ҳар бир чуқур ёки тепаликка, каттароқ харсангга ҳам ном беришгани, қўйларни ҳайдаганда ўша белгиларни мўлжаллагани ёдида. Жозил шуларни эслар экан, болалигидаги яна бир воқеа ёдига тушди. Бир кун отаси кишлокқа бориб келай, деб сурувни унга топшириб кетди. “Кўркмайсанми?” деб сўраганида, “Йўқ, кўркмайман”, деб жавоб берди. Отаси кун ботганда қайтди. Уйдан майда-чуйда олиб келибди. Аммо Жозил кетаман, деб туриб олди, дарсликларини олиб келмаганини баҳона қилди. Ота, “Майли, Олапарни олиб кета қол”, деб рози бўлди.

Кишлоққача уч қақирим келади. У йўлга тушгач, ана-мана дегунча қош қорайиб қолди. Аввалига кучугини, “Қани юр, тезроқ”, деб қистаб келган Жозилни йўлнинг ярмида ҳар хил хаёллар чулғай бошлади. Ой ҳали чикқани йўқ, фақат узокдан кишлокдаги энг чекка уйнинг хира чироғи милтираб кўринади. Бола-да, гарчи сал нарида, сойдан кейин бўлса-да, қабристон тўғрисида, Яккахарсанг тоши ёнидан ўтишида кўнглига ғулғула тушди. Олапарга қўшилиб чопди, оёғи нимагадир қоқилиб, сиркираб оғрий бошлагач, баттар саросимага тушди, худди орқасидан кимдир қувиб келаётгандек юраги гурсиллаб урарди.

Келишини сезганми ёки хавотир олиб чикқанми, билмади, лекин уни дарвоза олдида онаси кутиб олди. Бўстон хола унинг афт-ангорига қараб бир кор-хол бўлганини сизди, “Келдингми, болам?” деб ўғлини бағрига олиб, бошини силади. Жозил йиғлаб юборди, онасини кучоқлаб роса йиғлади. Онаси, “Ҳап сени отангни, ёш болани шундай қоронғида ҳам ўзини қўйиб юборадими?” деди.

Жозил умр бўйи уч марта кўрққан. Иккинчиси қизиқ бўлганди. Ўшанда у бешинчи синфда ўқирди. Жўралари билан “ошиқ-мошиқ” ўйнаб ўтирганида онаси уни қудуқдан сув олишга ёрдамга чақирди. Она арқон ўралган темир ғилдиракни айлантириб турди, бола қовгани олиб, ундаги сувни ёнидаги идишга солиб турди. Учинчи марта сувни олиб, қоматини кўтарганини билади, оёғи қудуқнинг яхлаган лабида тойиб, қовға кўлидан учиб, ўзи қудуқ ичига тушиб кетди. Саросимага тушган она дод солиб одамларни ёрдамга чақирди. Аксига олиб, атрофда катталардан биров кўринмайди. Бола эса қудуқ ичида, “Энажон!” деб бақиргани-бақирган. Йиғилган болалар ҳам қудуқ атрофида айланишдан нари ўта олмайди. Хайрият, узоқдан отлик одам кўринди. Ферма мудирини Ҳамро бобо экан. У отдан тушиб, аввал Жозилни тинчитди: “Ҳозир, болам, сен кўрқма, хўпми, ҳозир чиқариб оламиз”. Ҳамро бобо бир амаллаб пастга тушиб, Жозилнинг белидан арқонга боғлади, болалар кўплашиб тортиб олишди. Жозил ўша воқеа туфайли бобога меҳри ошиб, боғланиб қолди. Улар бозор-ўчар, тегирмон бошига ҳам кўпинча бирга боришарди. Ҳамро бобонинг ҳар гал, “Сен ақлли боласан”, дегани Жозилга хуш ёқарди. Баъзан бошидан ўтган ибратли воқеаларни, худди тенгдошларига айтганидек, гапириб берарди. Бундай суҳбатга қизиққан бола, агар бобо чақириб қолса, жўралари билан ўйиндан ҳам воз кечиб, унга эргашарди.

Учинчи кўркиши талабалагида бўлганди. Аниқроғи, сабоқдошининг никоҳ тўйида. Тўйга бирров кириб табриклайману, кейин уйга ўтаман, деган хаёлда борди. Меҳмонларнинг арағу пиво ичиб алжишларидан, бақир-чақирларидан юраги сиқилиб, зўрға чидаб ўтирди. Барибир арақ ўз кучини кўрсатди: кимдир, “Болалар, кетдик, Нарпай канали яқин экан, бориб бир чўмиламиз, свежий бўламиз”, деб қолди. Кўпчилик, ҳатто ораларидаги домла Боймурод ака ҳам кўшилди. Жозил кўп қатори ечиниб, эни ўн метрча келадиган каналга тушди. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб турган бир пайтда, умрида ҳатто ариқда ҳам чўмилмаган йигит, оёқ-кўлини тўрт томонга силкитиб, жон ҳолатда типирчилай бошлади. Яхшиям Боймурод домла буни кўриб қолиб, ўйлаб ҳам ўтирмай ўзини сувга ташлади ва уни бир амаллаб қирғоққа олиб чиқди. Атрофига йиғилган сабоқдошларининг бу воқеадан ранглари учиб, кайфи тарқаб бўлганди. Жозил, “Узр, жўралар, мен сузишни билмайман, сизларга қизиқиб тушгандим”, деб айбни ўзига олди.

Жозилга қўй боқишга меҳр отасидан ўтган. Айниқса, сурувни қирга ёйиб, бирорта баландроқ тош устида жойлашиб отаси билан қизғин суҳбатга киришар, унинг ўғитларидан чўпонликнинг жуда кўп сирларидан хабардор бўлди. Ҳатто ям-яшил яйловда осмонга қараб ётиб хаёл сурганида келажакда отасининг ўрнида чўпон бўлишини ҳам тасаввур қилган. Айниқса, отасининг, “Ҳалол бўл, ҳаромдан ҳазар қил. Ҳар бир кишининг елкасида иккита фаришта ўтириб, унинг умри давомида қилган яхши-ёмон ишларини ёзиб боради. Чин дунёга борганда улар кўрган-билганларига гувоҳлик беришади”, деган гаплари онгу шуурига муҳрланиб қолди. Эҳ, ўша даврда ҳозиргидек расм тушиш имконияти бўлмаганда... Аммо эсида, бир марта тумандан телпак кийган мухбир келиб, кўзилатиш мавсумида отасини суратга олиб, кейин газетага чиқарганди. Кейин билса, отаси умри бўйи бир марта паспорт олишда ва кейин ана шу мухбир туфайли суратга тушган экан. Тавба, ҳозиргилар туғруқхонадан то тўшакда ётиб қолгунча юргани-ю, еган-ичганигача суратга олишади. Ана замону, мана замон. Жозил баъзан телевизорда шуларга кўзи тушаркан, отасининг, “Замон кимники – носфурушники”, дегани ёдига келаверади.

...Жозил тоға ортидан велосипед келаётганини сезиб тўхтади. Чиройли костюм-шим кийган болакай тўхтаб, велосипедини йўл четига ётқизиб қўйиб, отахон билан кўшқўллаб кўришди.

– Ассалому алайкум, Жозил тоға!

– Ваалейкум, мулло бўл, болам.

– Яхшимисиз, соғлиқларнигиз яхшими? Юринг, қишлоққача миндириб кетаман.

– Раҳмат, болам, кўзимга иссиқ кўринаяпсан, агар адашмасам, сен халиги...

– Шербекман, тоға. Ҳамро буванинг невараси. Тўйимда отам сизга чопон кийгизган.

– Э, шунақами, менинг ҳам неварам экансану. Бунча посон бўлиб қаердан келаяпсан?

– Жағалбойлидаги мактабдан. Математикадан олимпиада бўлди. Биринчи ўринни олдим, бобо. Энди Самарқандга борар эканман!

– Яша, болам, математика бу – фанларнинг отаси, ўқисанг, фойдаси кўп.

Болакай қариянинг дуосини олгач, қувончи ичига сиғмай, велосипедни шиддат билан ҳайдаганча, йўлида давом этди.

Қаранг-а, турмуш ташвишлари билан бўлиб, қишлоқ болаларининг улғайиб қолганини ҳам сезмабди. Яхшиям бола ўзини танитди. Акс ҳолда, Жозил ўз тусмолини айтганда, уялиб қолар экан. Юрагида ўти бор экан, насиб этса, зўр одам бўлади. Бобосидек!

Жозил тобора узоқлашиб бораётган боланинг ортидан кузатар экан, гўё шу болакайда ўзини кўргандек бўлди. У ёшлигида яйловни қанча яхши кўрмасин, мактабга ҳаммадан олдин борарди. Адабиёт, география фанига жуда қизиқарди, бу фанлар бўйича ҳатто баъзан юқори синф ўқувчилари билан ҳам баҳслашиб қоларди. Уйда кечки овқатдан кейин, она ва болалар суҳбати қизигандан-қизирди. Онаси эртагу ривоят айтиб чарчамасди. Гарчи ҳаммаси, “Муроду мақсадига етибди”, деб тугаса ҳам барча болалар иштиёқ билан тинглашарди. Китоблар ҳам кўп эди, навбат билан ўқишарди, мактаб кутубхонасидан олишарди. Айниқса, онаси “Арпали деган чўлда...” деб бошлагандан Жозилнинг кўз ўнгида зиндонда ётган Алпомиш гавдаланарди. Жозил кечалари уйкуси қочиб, кўп мартаба Алпомишнинг ёнида – зиндонда бўлиб қолгиси, унга ёрдам бергиси келарди. Агар қачондир бу дуолари қабул бўлиб, зиндонда ётиш тақдирига битилганини билса, балки дostonни эшитмай, четга қочган бўлармиди?.. Ҳай, буям тақдир экан. “Тақдирни тадбил қилиб бўлмайди”, дейишган-ку. Ота-она ўшанда фарзандларининг дўмбира чалиб бахшиёна кўшиқ айтишларига ҳавас қилишарди. Ота, “Хотин, авлодимизда бахши ўтмаган, аммо болаларга Худо берганми дейман-да”, деб хурсанд бўлиб кўярди.

Умуман, Жозил тоға сулола деган тушунчага ўзича қарайди. Унингча, сулоланинг обрўси авлодларнинг бир хил касбу ҳунарни эгаллашгина эмас. Ота-онадан фарзандга касбга меҳрдан ташқари заковат, фаросат деган нарсалар ҳам ўтган бўлиши керак. Мана, мисол учун, бир оиладан беш нафаргача прокуратура ходими чиққан. Вақтида бундайларни роса мақтадик, ота изидан борди, дедик. Мелиса, дўхтирлар сафида ҳам. Аммо, дўппини ёнга қўйиб, бир мундай ўйлаб кўрилса, мактаб ўқувчиси уйда прокурор ёки милиция отасидан касбнинг қайси томонини ўрганиши ёки бу касбнинг қайси жиҳатига ҳавас қилиши мумкин? Ёки врач, нима, у беморларни уйда операция қилиб, уйда даволайдими? Ўз-ўзидан маълумки, ота-онаси ўз касбидан топганига яхшигина кун кечиргандан кейин фарзандининг ҳам шундай бўлишини истайди. Ҳаётнинг, “Олманинг тагига олма тушиши керак”, деган шафқатсиз, ёзилмаган қонуни ҳаётимизга шу даражада сингиб кетдики, ҳалоллик,

диёнат, бировнинг ҳақи, савоб, гуноҳ деган тушунчаларни эшитган кишининг энсаси қотадиган бўлди. Қолаверса, йиллар давомида олий таълим ҳам бу иллатнинг урчиб, онгу шууримизни эгаллаб олишига баҳоли қудрат кўмаклашди. Бу лаънати ўйин қоидаси шундай: амалдор ота топган ҳаром пулининг бир қисмини домла деб аталган кимсага олиб бориб беради. “Фарзанди аржуманд” ҳам ўқишни пул билан битириб олгач, ота кўмаги билан ишга кириб олади ва падарининг “анъанаси”ни ошириб адо этади. Дастлаб ўзининг ўқишига қилинган харажатларни ошиғи билан чиқариб олади, кейин отаси йикқанларга кўшса кўшадики, камайтирмайди. Ўзига ўхшаган юлдузни бенарвон урадиган дўстлар, ошна-оғайни ортттиради. Энди халқ ўйлаб чиққан, “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган мақол ўз тўнини, “Қарға қарганинг кўзини чўқимайди”, деб ўзгарттиради. Аслида мақол бўлган бу ҳикмат ўз касбининг сирларини, ҳийлаларини пухта ўрганиб олган, ҳамкасбларининг кўзини чўқимайдиган, ўсадиган ёш кадрнинг ҳаёт шиорига айланади. Бу бор гап, Жозил бунга ўзи гувоҳ бўлган. Жозил буни билмаса, бундай ўйламайди.

Жозил шуларни ўйлар экан, чарчаганини ҳис қилди. Ўтиришга қулайроқ жой излаб, йўл ёқасидаги бир жуфт толга кўзи тушди. Секин бориб, тол тагидаги каттагина сарғиш тош устига чўқар экан, ҳам дарахтнинг сояси, ҳам енгилгина эпкиндан вужудига ҳаловат югурди. Иссиқ ҳам айни тобига келди, бироз дам олсам, кейин уйгача ҳеч қанча масофа қолмайди, деганча юзи ва бўйнига оққан терларни арта бошлади. Ҳа, айтгандай, нимани ўйлаётгудим. Ҳа, бўлди, эсладим деб ўйларини даво эттирди. “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган гап тўғри. Майли, ҳунарманднинг, ўқитувчининг, олимнинг хонадониди бола кўради, кузатади, қўл уради, маълум кўникмага эга бўлади ва шундан кейин онам ёки отамнинг касбини эгаллайман, деб ҳавас қилиши мумкин. Жозил ўзининг оиласи мисолида бу ҳақиқатга ишонч ҳосил қилди. Ростда, беш ўғил ва икки қизнинг ҳаммаси ўқиди, олий маълумот олди. Оддий чўпоннинг икки ўғли Самарқанддаги техникумда дарс беради. Битта шу Ҳақим чавандоз ўқишга бўйни ёр бермади, аммо у ҳам умри кўпкарида ўтиб, бир неча маротаба ғолиб чиқиб, Жиззах, Қашқадарё, Самарқандда ном чиқарди. Оилада Жозил ҳам, аёли ҳам фарзандларининг кўнглига қаради.

Отаси раҳматли жуда синчи одам эди, аммо Жозил у кишидан бир сирни яшира олган. Олтинчи синфда эди. Отаси дарсдан кейин сурув боқишга ёрдамга боришини тайинлади. У дарсдан келса, уйда егулик ҳеч вақо йўқ. Яйловга боради, деса, қорни роса очикқан. Уйнинг орқасига ўтиб, алаmidан йиғлаб олди. Шу пайт қўшнисини Зайнаб чеча пастқам девордан кузатиб турганми ёки тасодифан кўриб қолдими, “Жозил, ким сени хафа қилди, ке, болам, сенда ишим бор”, деб чақирди. У бориб сўрига чўққанча, индамай ўтирди. Хола дарров иккита тухум қовуриб, нон-чой билан олдига қўйди. Жозил овқатни паққос туширди. Сўнг:

– Хола, менда нима ишингиз бор эди? – деди секингина.

– Ҳай, болам, арзимаган иш, даштдан қайтишингда озгина исириқ териб кел, хўпми? Шуни айтмоқчийдим.

Бола қорни тўйганига хурсанд бўлиб, “Хўп, холажон”, деб шошилиб йўлга отланди. Аммо кейин ўйлаб кўрса, холанинг уч ўғли ҳам уйда эди, велосипедда ғир этиб бориб исириқ келтириш мумкин. Демак, хола уни овқатлантириш учун шу баҳонани ўйлаб топган. Жозил ёш бўлса-да, буни тўсатдан англаб, ғалати бўлиб кетди. Лекин Зайнаб холаси билан чой ичгани, унинг тухум қовуриб берганини ўшанда отасига билдирмади. Аммо бу овқатнинг таъми умрбод ёдида қолди. Ҳатто кексалик томоқ кириб қўйганида ҳам Зайнаб холасининг меҳриними ёки ўша қовурилган тухумними соғинганини ҳис қилиб юраги алланечук бир қалқиб

тушади. Лекин отаси ўшанда ўз болаларининг гоҳида қариндошлариникига кириб қорин тўйғизишларини биларди. Начора, йўқчиликдан дамани ичига ютиб, ўзини билмаганга оларди.

Бир куни отаси тушга яқин от миниб келди. Онаси билан уйда нималарнидир гаплашиб олгач, Жозилга, “Ке, болам, сени бир айлантириб келаман”, деди. Болада, бу гапдан қувончи ичига сиғмай дарҳол отга мингашиб олди. Борганда, билди: томоша қайда, отаси уни хўжалик маркази – Улусдаги бир ҳовлига олиб борди. Эски таниши шекилли, исмини айтиб ичкари кирди, кўп ўтмай бир одам билан чиқди.

– Баротбой, бу менинг ўғлим. Ўзимга қарашиб турибди. Зехни ўткиру, лекин жуда шўх. Биздаги мактаб бунга торлик қилаяпти. Ҳали ўзигаям айтганим йўқ, саккизинчи синфдан оласанми мактабингга?

Барот ака қарашлари ўткир, бир оҳангда вазмин сўзлашидан отаси билан анча йил қалин муносабатда бўлган кўринади.

– Э, Қаҳрамон ака, бир илтимос билан кеб қопсиз, йўқ десак уят бўлар. Тем более, сизнинг ўғлингиз бўғандан кейин ёмон ўқимаса керак.

Жозил гапиришга ҳам улгурмади. Отаси, “Бўпти, болам, шанба тушдан кейин уйга борасан, Барот амакинг бирорта уловга миндириб қўяди”, деб отни камчилаб жўнаб қолди. Барот амаки уни директор Абдураззоқ Арабов ҳузурига бошлаб борди. Директор гапни айлантириб, уни роса синади, айниқса, адабиётдан кўп саволлар берди. Аслида мактабда фақат шу фандан яхши ўқигани учун Жозил бурро-бурро жавоб берди. Директорнинг кайфияти кўтарилиб, “Бўлди, болам, сени 8-синфга олиб бориб қўяман”, деб қўлидан етаклади. Мактабда ётоқхона бор экан, Жозил дарсдан кейин ўша ерга жойлашди. Аммо уч-тўрт кун ичида директорга адабиётдан булбулдай сайраган боланинг сири фош бўлди. Чунки у Бошқудукда химия, биология, математика дарсларига деярли бормаган эди, шунинг учун бу фан муаллимлари унинг устидан директорга арз қилишибди. Роса қизғин “разбор” бўлди. Директор анча чўзилган муҳокамага Жозилга ҳам ёқадиган, ҳам ёқмайдиган яқун ясади:

– Гап бундай, муҳими, Қаҳрамоновда зехн бор, қизиқиш бор, хотираси яхши. Так што, унга ёрдам берамиз. Математикадан Барот муаллим уйда бу бола билан қўшимча шуғулланади. Қолганлар ҳам дарсдан кейин синфдами, ётоқдами, қаерда бўлмасин, қолдирган фанлари бўйича машғулот ўтсин...

Эҳ, қанақа ажойиб муаллимлар бор эди, улар отанинг истаги эмас, боланинг истаги, зехну фаросатига қараб муомала қилишарди. Агар 8-синф охиригача математикада синфнинг энг олди бўлди, деса, ҳозиргиларга чўпчак бўлиб туюлади. Шунча яхши ўқиса-да, Барот муаллим “беш” баҳо қўймагани, фақат мактабни битиришда математикадан “аъло” қўйгани, институтга киришда математикадан ёзма ва оғзакидан “тўрт” баҳо олгач, почтага бориб Барот муаллимга телеграфдан миннатдорлик хати юборганига ҳам бировни ишонтириш қийин бўлди.

Беш йил давомида айрим фанлардан имтиҳонда тортишиб “яхши” баҳо олгани, дам олиш кунлари мардикорлик қилиб пул топгани, бирор марта ресторану тўйларга, туғилган кунларга бормаганига бугунги ёшлар ишонишармикин? Ҳа, уларни ишонтириш қийин. Улар учун бу эртақ. Айтсанг, ўзингни сўтакликда айблашади.

Қаранг-а, йиллар суронида ҳаётимиз ҳам, турмушимиз ҳам, шууримиз ҳатто хаёл суришимиз ҳам шу қадар ўзгариб кетибди. Бугунги ҳаёт етти ухлаб тушига қирмаган, аммо бир домласи айтганидек, “Буни ҳаёт, қураш дейдилар, банда

ана шу курашларда инсон бўлиб шаклланади. Инсон туғилганидан то ўлимига қадар ўз нафси билан курашиб яшайди”. Ростдан ҳам курашармикан? Жилловини нафс қўлига топшириб қўйганига кўп қовун пишиғи ўтмаганмикан? Ҳай, майли, институт домласи бир нарсани билмаса айтмас. Эҳ-хе, Жозил нафсига қарши курашганларнинг қанчасини кўрди, ҳар гал юраги оғриди. Нима ҳам қила оларди, бу доғули дунёда яхшиям, ёмон ҳам бирга, бақамти яшар экан. Кўпчилик гап чиқиб қолса, қайсидир алломанинг, “Ҳикмат излаганга ҳикмат бу дунё, ғурбат излаганга ғурбат бу дунё”, деган гапини такрор-такрор айтади. Лекин Жозилнинг фикрича, ҳамма ҳикмат излаган ҳам ҳикмат топавермайди, ҳамма мусофир ҳам мусулмон бўлавермайди. Эҳтимол соддароқ фикрлаётгангандир, лекин кўпчилик шундай ўйлайди. Чунки одамлар ҳаётдаги мушкулотларнинг сабабини ўзидан ахтармай қўйди. Ўзини оқлаш деган бир иллат пайдо бўлдики, у турмуш тарзимизга айланиб улгурди. Битта жинойатчини қамаб қутулиш мумкин, аммо жинойатчини тарбиялаб вояга етказган муҳитни на қамаб, на тарбиялаб бўлади. Яхшилар қанчалик кўп бўлмасин, ноинсофлар, ўғри-ю каззоблар, юзсизлар олдида ожиз қолаверади.

Шоир Абдулла Ориповнинг китобида бир шеър ўқиганди, унда, “Бир қарасанг, атрофингда одам кўпдек, бир қарасанг, ҳеч ким йўқдек”, деган хулоса бор эди. Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт синовларида одам минг хил ҳолга тушаркан. Омади чопган қувониб, омади чопмаган эса нолиш қилиб юравераркан. Энг қизиғи, яхши деб юрганингнинг бир ёмон қилиғи, аксинча, ёмон деб юрганингнинг бир яхши томони бўларкан. Жозилнинг назарида дунёни, умуман инсониятни фаросат бошқарадиган кўринади. Йўқ, у илмнинг ўрнини камситмоқчи эмас, чунки илмсизлик бу – жаҳолатдан бошқа нарса эмас, аммо катта илми бўлатуриб, ғайриқонуний ишларга қўл урганларни кўриб шундай фикрга боради-да. Шундай пайт устози Муҳаммад Абдуллаевни эсласа, кўнгли ёришади...

Муҳаммад ака “урра-урра” пайтида лалми майдонларда ташкил этилган пахтакор хўжалигининг бош ҳисобчиси, чорвадор оиласидан чиққан ўқимишли одам эди. У Тошкент ҳавосини олиб улгурган, пойтахтни зир қақшатган зилзилани кўрган, беш йил давомида дарсдан сўнг мардикорлик нонини еб, меҳнатда қотган, ишга йўлланма олганда ўзини зўр ҳисобчи атаган чапани йигит – Жозилни жуда илик кутиб олди. Ўзиям оғир, вазмин, эринмайдиган одам экан, диплом ва йўлланмани қўлига олиб, Жозилдан ҳамма нарсани сўраб олди: оиласи, мактаб ва институтдаги ўқиш даври, ўқиган китоблари-ю, сеvimли машғулоти, ҳатто қайси тоифадаги кизларни яхши кўришиниям...

Жозил саволларга жавоб берар экан, бу инсонинг самимиятини сезгач, анча очилди, аммо ҳар бир гапини аввал ўйлаб, кейин сўйлади. Қолаверса, ўқишдан сўнг ҳарбий хизматда ҳаётий тажрибаси ҳам шаклланган эди. У Муҳаммад акага Тошкент зилзilasини, одамларнинг чеккан ташвишини ҳаяжон билан сўзлаб берди.

Муҳаммад ака уни эринмай тинглади, ўзини Жозилнинг ўрнига қўя билди. Бу йигитнинг ичида гап сақламаслиги, сал ғурури билинса-да, кўнглида борини дангал айтишини ёқтириб қолди.

– Хўш, укажон, мана, танишиб ҳам олдик. Деярли бир кишлокдан эканмиз – деди Муҳаммад ака. – Бу ерда икки минг кишининг тақдири бизларга боғлиқ. Уларни ҳар куни кўрасиз, ҳар куни эшитасиз, ҳар куни ўйлайсиз. Рақамлар ортида инсон тақдири борлигини ҳис қилиб яшайсиз.

Муҳаммад ака уни хўжжатлар билан таништирар экан, ҳар бир соҳанинг ўзига хос томонларини айтиб ўтди. Жозил ўтирадиган жойни кўрсатди, ён хоналардаги

ходимлар билан таништирди. Кейин хўжалик раҳбари олдига бирга кирдилар. У киши ҳам очикқина одам экан, гапни ҳам қисқа қилди: “Раз, сизга маъкулми, марҳамат, ишлатинг”.

Иш куни тугагач, Муҳаммад ака уни уйига таклиф этди.

– Уйланмаган экансиз, уйда қараб турган одамингиз йўқ, энди бу маҳалда қишлоғингизга машина бўлишини Худо билади. Ишни яхшилаб ўрганиб олинг, кейин идора ёнидан бирорта ётоқхона топиб берамиз...

У киши оддий яшар экан. Совхоз куриб берган олти сотихли ҳовлида сигир, қўй, товук қилиб олган. Ихчамгина спорт бурчаги ҳам бор. Дарвозадан киришда ўнг томонда айвон устунига ўрнатилган темирга икки қўли билан тортилиб:

– Бу турник, ука. Эрталаб ва кечкурун томиру мушаклар бир чўзилиб, ҳузур қилади-да...

Босиқ кўрингани билан бош ҳисобчи суҳбати жонон киши экан. Мулоҳазалари ҳам тош босади, ҳаётда кўп нарсани кўргани билиниб турибди. Гап орасида Жозил бир гапни эслатди:

– Молия техникумини битирганман. Очиғи, бу тизим бизда иқтисодиётнинг ривожланишига мўлжалланмаган. Тўпланган пулни тақсимлайдиган идора. Эсдан чиқарманг, одам ўзи ишлаб топмаган пулнинг кадрига етмайди, ҳамма жойда ҳам шунақа.

– Ахир молиясиз иш юришмайди-ку?

– Тўғри, мана, қаранг, бюджет маблағи сарфланишини ким назорат қилади, яна молиянинг ўзими? Бу ҳолат худди ГАИнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини ўзи бериб, қоидабузарларни ҳам ўзи жазолашидек гап. Хоҳласа, жазолайди, хоҳламаса – йўқ.

– Бутун дунёда шундай-ку... Бизга шунақа дейишган.

Тўғри, тизим бор, лекин уларники сал бошқачароқ. Бизда агар бюджет тақчиллиги сезилса, дарров янги солиқ ўйлаб топишади ёки солиқ миқдорини оширишади. Ривожланган давлатларда эса тадбиркорлик қиламан деган шахс қўллаб-қувватланади, яъни солиқ миқдорини эмас, солиқ тўловчини кўпайтиришади.

Институтда ортиқча қиймат яратишга уринган капиталист бировларни эзиш эвазига бойлик орттиради деб ўрганган Жозилга Муҳаммад аканинг сўзлари қизиқ туюлди. Илгари ҳам бир ерда ўқиганди. Айрим чет элда талабаларга фақат фаннинг моҳияти, жамиятдаги ўрни тушунтирилар экан, илм сирларини ёшлар ўзлари мустақил ўқиб ўрганишаркан. Демак, аканинг гапида жон борга ўхшайди. Орадан кўп йиллар ўтса-да, Жозил бу суҳбатни унутмади. Умуман, иқтисодимиздаги вазиятни анча кейин мустақиллик йилларида англаб етди. Унгача бошқалар каби воқеа-ҳодисага қараб баҳо бериб ўрганиб қолган экан. Аммо соҳа ҳақида фикрлаш, таҳлил қилиш бошқа-ю, тизимни ўзгартириш бошқа нарса экан. Боши тошга урилгандагина у бунақа шароитда истаган киши ўз ҳақиқатини исботлай олиши мумкин ёки аксинча, ҳеч ким ўз ҳақиқатини исботлай олмаслигини англаб етди. Шу сабабданми, билмади, лекин унинг назарида бутун жамият ўзини оқловчилар жамиятига айланиб қолгандек. Гарчи сизнинг ўзига ишонмаслигингизни билса-да, ҳар бир ҳаракатини оқлашга интилаверади, шундан кўнгли таскин топади.

Чорвадорларда, “Чўпоннинг келиши таёғидан, келиннинг келиши оёғидан”, деган нақл бор. Ўшанда директор айтганчалик, Жозилнинг пойқадами баракали келди. Бош ҳисобчи раҳбарлигида катта иштиёқ билан ишга киришиб кетди. Ҳаётий тажрибаси, амалиётда олган кўникмалари қўл келди: тезда дехқону тракторчилар ўртасида ўзига нисбатан илиқ таассурот уйғотди. Хўжалик лалми ерлардан иборат.

Ерлик аҳоли деярли йўк, ишчилар, мутахассислар бошқа қишлоқ, туманлардан келишган, ҳаммаси ўзича бир дунё: гапга тушунадигани ҳам, тушунмайдигани ҳам бор. Ишлов бериш асосан техникада бажарилади. Электр ўчса, ўғит келмай қолса, ёнилғи тугаса-тамом, ҳамма ёқ тўполон бўп кетади. Чунки олис участкаларга боришнинг, саратонда ишлашнинг ўзи бўлмайди. Шу сабабли, Жозил энг аввало, энергия ташкилотлари, ўғит омбори билан ҳисоб-китобни пухта қилади, қоғозларини қайта-қайта текшириб кўради. Айрим жой ва соҳаларда маблағ бекор сарфланаётгани тўғрисидаги гапларини аввалига раис бувага айтади. Ёқмаган бўлса-да, аниқ таҳлил ва таклифларини кўргач, у киши ҳам фикрига кўшилди...

Уйга боришга кўнгли тортмасдан секин юраётганини эслаб, чуқур “ух” тортди қўйди. Юз метрча қопти уйига, қанчада босиб ўтар экан бу масофани? Қизиқ, ўзи шу масофа деган сўзни ким ўйлаб топган экан-а? Икки одам рўбару турса-да, кўнгли, дили бир-бирдан масофа билмас даражада узоқ бўлади. Тагин, “Бахтга етмоғимга бир баҳя қолди”, дейди. Ялашиб севишганлар бир ёстикқа бош қўйиб, кўп ўтмай “характерлари тўғри келмай” ажрашиб кетаяпти. Улар ўртасидаги масофани ким ўзгартиради ўзи? Умуман, бахт билан бахтсизлик, омад билан омадсизлик ўртасида қанча масофа бор? Инсоният бу масофани англаш кудратига эгами? Яна хаёли олиб қочди: кудукқа, каналга тушиб кетганда унинг учун ўлим билан ҳаёт ораси қанчалик масофа эди? Ҳеч ким билмайди, фақат кейин билади. Муҳаммад акадан кейин бош ҳисобчи бўлиб қолганида уч йилдан кейин бошига не балолар ёғилиши ҳам тушига кирган эмасди, уни ҳам кейин англаб етди.

– Мени бундан-да каттароқ хўжаликка юборишяпти. Раис билан келишдик, бошқалар ҳам рози, ўзингиз бош ҳисобчи бўласиз, – деди устози кетар чоғида. – Сизга ишни ҳам, ҳужжатларни ҳам топшириб ўтирмайман, ҳаммаси жойида. Фақат ишни ҳозиргидек давом эттиринг. Ҳисоб-китобларни доимо қайта-қайта назорат қилинг, режасиз ишламанг.

Устознинг дуоси Жозилга куч-ғайрат бағишлади. У чиндан ҳам ишга шўнғиб кетди. Ахир ўша шароитда икки мингдан ортиқ ишчининг маошини ҳисоб-китоб қилиш осон эмасди, озгина кечикса ёки бир-икки сўм хато кетса, оқибати ғурбат бўлишини яхши билади. Бунинг устига мавсумий ишчилар, талабалар меҳнат ҳақи бор, теп-текис яйловлар ўрнида пайдо бўлган пахтазорларда ёзнинг саратони, қишнинг қаҳратонида юришнинг ўзи бўлмайди. У кабинетда ишлайдиган эмас, далада юриб, одамлар кайфиятини билиб, бажарилган ишларни кўриб, ишонч ҳосил қилиб ишлайдиган бош ҳисобчи эди.

1984 йил 24 февраль. Эрталаб чамаси соат ўнлар эди, бош ҳисобчининг хонасига нотаниш киши шахд билан дадил кириб келди. Жозил дами баланд бу одам билан дурустроқ кўришишга ҳам улгурмади. Меҳмон стулга таклифсиз ўтирар экан, жиддий қиёфада стол устига хўжаликни тафтиш қилиш кераклиги тўғрисида қоғозни қўйди. Жозил қоғозга тезда кўз югуртирар экан, унда муҳр ҳам, имзо ҳам йўқлигини кўрди.

– Тушунмадим, бу расмий ҳужжатми?

– Ҳой, ўрток бухгалтер, билмасангиз, билиб қўйинг, бош прокуратурадан норасмий ҳужжат чиқмайди, – деди тафтишчи киноя билан. – Раҳбарингизга ҳам айтилган, кўп ҳам тихирлик қилаверманг!

– Қоғозда кўрсатилган муддатдаги ҳужжатлар шу йил бошида ревизия қилинган, натижасини вилоят тасдиқлаб берган. Шундай экан, бу ишларингизга тушунмаяпман. Мен юқорига арз қиламан!

Ревизор яна киноя қилди:

– Марҳамат, ўртоқ бош ҳисобчи, арз қилинг, кўрамиз қаергача бораркансиз!?

Меҳмоннинг аччиқ киноялари, ўзига очиқчасига катта ваколат олаётгани Жозилга ёқмади. Директор хонасига отилди, меҳмон ҳам ортидан эргашди, аммо котиба раҳбарнинг касал бўлгани, бугун ишга чиқмаганини айтгач, тарвузи кўлтигидан тушди. Барибир тафтишчига ҳужжатларни бермади. Лекин бу олифта тафтишчининг гапи рост чиқди, туманда ҳам, вилоятда ҳам бошқармадагилар қанақадир ҳадик билан текширув ўтказиш кераклигини айтишди, ҳатто бир таниши, “Ака, кўп инжиқлик қилаверманг, районингиздаги ҳамма хўжаликларда бу иш бошланди, бош прокуратура топшириғи экан”, деди. Бояқиш бош ҳисобчи ҳар кирган эшикка такрорий текшириш ноқонуний эканлигини куйиниб тушунтирганида бу иш ҳали бошига не-не кулфатлар солишини, бу гаплар нафақат ўзининг, балки бутун ўзбекнинг бошига қора булутдек бостириб келаётган ўша машғум “пахта иши”нинг индаллоси эканини хаёлига ҳам келтирмаганди...

Хуллас Рустам Шамиев дегани ревизияни бошлади. Бир томондан йиллик ҳисоботни тугатган бўлишса-да, бухгалтерия ходимларига вегетация даври учун олдиндан ҳисоб-китобларни тайёрлаб қўйиш топширилган. Аммо бу ўжар тафтишчи икки-уч йил олдинги ҳужжатлар учун арзимаган ёзувларни “таҳлил” қилиб, ҳамманинг бошини қотирди. Ҳатто менга ходимлар ёрдам бермаяпти, деб директорга арз ҳам қилиб олди. Ҳисоб-китобидан кўнгли тўқ бўлгани учун Жозил меҳмоннинг инжиқликларига эътибор бермади. Ҳатто ишни тугатганларида ҳам ҳали бу ҳужжатлар бизнинг иштирокимизда муҳокама бўлади, деган фикрда дурустроқ хайрлашмади. Фақат Рустам Шамиевга, “Биродар, маълумотномада хулоса йўқ, кейин, нега уни бошқармангизга эмас, прокуратурага тақдим этаяпсиз?” деди. Тафтишчи изоҳ бермади, “Юқоридан топшириқ шундай, сабабини билиб оласиз”, деб қўйди совуққина.

Хотира дегани ҳам кўнгилдай нарса экан. Истасанг-истамасанг у миянгда кино тасмасидай айланавераркан. Жозил ўша кунларни унутишга, эсламасликка ҳар қанча уринмасин, тасмани тўхтата олмайди. Айниқса, тафтиш тугагач, бир ҳафта ўтгач...

Хўжалик директори, бош ҳисобчи ва кассирни вилоят прокуратурасига чақиришди ва шу ерда қамоққа олишди. Кўп ўтмай партком котибини ҳам олиб келишди.

Жозил инсоният жоҳиллигини турли киноларда кўрган, китобларда ўқиган, аммо бунга гувоҳ бўлишини етти ухлаб тушида кўрмаганди. Тавба, маърифатли жамиятда ҳам шундай ҳолат бўларкан-да! Ё маърифат дегани ичи чириб тамом бўлган маънавиятмикан? Булар айтганчалик соҳада қўшиб ёзиш шу қадар илдиз отган экан, унинг илғорларига ҳар йили орден-медаллар беришгани нимаси? Агар кимдир шу жирканч ишни қилган экан, аввал пухта ўрганиб, сабабини аниқлаб, кейин хулоса чиқаришмайдимиз? Ҳе йўқ, бе йўқ, пахтада ишлаган ҳаммани олиб келиб турмага тикаверишса-я. Уларга истаганча муносабатда бўлаверишса-я! Ё киёмат дегани шумикин-а ?

Тўрталасини ҳам сўроқ қилиб ўтиришмади. Прокуратуранинг ёшроқ ходими, “Терговчи сизларни ҳибсга олишга қарор чиқарди, нима гапларинг бўлса терговда айтасизлар”, деб ҳибс-машинага миндириб, Каттақўрғон турмасига жўнатишди. Бу ердаги ҳолат олдинги кўрган муносабатлари олдида ҳеч гап эмас экан. Мелисалар одамни одам ўрнида кўрмас экан. Уни ертўладаги тўрт кишилиқ хонага киритишди. Хира кулрангли бетондан девори, поли захлаб кетган. Жозил икки ярим кун овқат емади, аниқроғи, ея олмади, чунки калла-почани шунақа пиширишганки, хидидан

кўнгил айнийди! Нонга қум аралашган, тагин хамири хом, агар сиксанг суви чиқади. Тинка мадори куриса-да, таом татимади. Учинчи куни шерикларидан бири секин ёнига келиб деди:

– Жозилбек, овқат ейиш керак, очдан ўлсангиз ҳам бу ерда ҳеч ким кетини суриштирамайди.

– Мен мол эмасман-ку, биродар, берган овқатини қаранг, уйда итимга ҳам бермайман...

– Қизишманг, оғайни, мен ҳам сиздек фикрда эдим. Болаларингиз учун керак эканингизни ўйланг. Косани қўлга ушлаб, кўзни юминг ва овқатни ичинг, нонни ҳам шундай тановул қилинг, ўрганиб кетасиз...

Жозил дардини тушунадиган ҳамроҳ топилганидан хурсанд бўлиб кетди. У киши домла экан. Хурфикрлилиги учун илгари бир-икки марта огоҳлантирилган бўлса-да, маърузаларида она тили, мустақилликка алоқадор гапларга ишора қилган, шекилли, бир куни танаффусда ташқарига чиқиб келса, ичкарида уни кутиб турган икки киши папкасини очишни сўрашибди. Очиб, икки пачка пулни кўриб, эсдан оғай дебди. Икки ҳамкасби гувоҳ бўлиб, қўл қўйиб беришибди. Шундан бери шу ерда экан. Жозил у билан турмада дастлабки ойлар қандай ўтганини сезмай ҳам қолди. Атор, Румий ҳикматларининг мағзини ўрганди.

Икки ой деганда Жозилни биринчи қаватдаги ўн икки кишилик камерага ўтказишди. Хонада эса нафас олиб бўлмайди, ачимтил тер ва нам хиди бурқсийди. Жозил ёши улуғ одамларнинг қийналишини кўриб, юраги эзиларди. Баъзан сўроқдан кейин уларнинг ранг-рўйига қараб ичида, “Эй Худо, отаси, бобоси қатори, тагин ҳали айби исботланмаган кексаларга ҳам шундай муносабатда бўлишадими, ўзи мусулмонми булар ҳам?!” деб “оҳ” тортарди.

Кўркув, жисмоний руҳий толиқишдан ўзига тери касаллигини ҳам орттириб олди. Қичигани-ку майли, танасида оғриқ ҳам пайдо бўлди. Самарқанд турмасига ўтказишгач, танасидаги касаллик янада авж олди.

Сўнг прокурорга хат ёзди: “Менинг ҳеч қандай айбим йўқ, ҳисоб-китобларим пухталигига ишонаман. Бировга пул берганим ҳам йўқ, олган ҳам эмасман. Адвокатга пулим йўқ, ўзимни ҳимоя қила оламан. Шу сабабли мени қамоқдан чиқаришингизни сўрайман”. Ҳар ҳафта шу мазмунда хат ёзди, тахминан ўнинчисидан сўнг чақиришди, аниқроғи олиб боришди. Прокурор ҳеч қаерга кетмаслик тўғрисида тилхат олиб уйига жавоб берди. Лекин уч ой ҳар куни уйдан Самарқандга келиш ва қоронғи тушганда қайтиб кетиш яна уч ой суд мажлисига қатнаш... Хуллас ўзидан ўтганини ўзи билади. Бунинг устига ҳар куни бир хил савол: “Кимга, қанча бердинг?” “Тўпланган пуллар қаерда?”

Жозил ҳозир боласи қатори терговчилар шунақа ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишганини эслар экан, бир воқеа ёдига тушди. Ўшанда тергов роса чўзилди. Саволлар бир хил: “Райкомга қанча бергансан? Раис билан тўплаган пулинг қаерда?” Жозил камерадаги суҳбатлардан англагани, қилган хулосаси шуки, тилингга эҳтиёт бўл! Бир оғиз ножўя сўз айтсанг, илиндинг!” Бу – кетдинг дегани. Жозил жавобда “ҳа-йўқ”дан нарига ўтмади. Барча саволларни инкор қилди. Охири бир иш чиқара олмаган ёш терговчи чидаб тура олмади, унинг жағи аралаш мушт туширди. Шу вақтга қадар айрим тепкиларга чидаган Жозил негадир ҳозир туғёнга келди.” Оқ соқолим билан сизни алдайманми, давлатнинг пулини емаганман!” Гапини тугата олмади. Ғазабга минган терговчи оғзидан тупук сачратганча сўкинди: “Менга қара, соқол эчкида ҳам бор. Ёшинг билан соқолингни менга пеш қилма. Кўрамиз яна неча кун чидаркансан? Айтмасанг, ўлигинг чиқади шу

ердан”. Терговчи биқинини ушлаганча ўтириб қолган Жозилни тепкилашда давом этди. Устма-уст тепки тушаркан, Жозилнинг эсига ўша ўзининг сеvimли қишлоқ йўли, отасининг елкада ўтириб, инсоннинг гуноҳу савобини ҳисоблайдиган фаришталар тўғрисидаги гаплари тушди. Беихтиёр, “Барчасини Худо кўриб турибди! Котиби киромайнлар”, деб пичирлади. Охиригача айтолмади. Гапларини узун-юлуқ эшитиб қолган терговчи қолганини давом эттирди: “Энди Худони эслаб қолдингми? Қанақа котиблар? Шерикларингми? Ким улар? Уларни ҳам топтириб, ёнингга ўтказаман. Барчасини айтасан, ўша котибларнинг кимлигини, манзилини, ана шунақа, ҳали булбулдай сайрайсан, козёл!” Шундан сўнг нима бўлганини, уни камерага ким олиб келганини Жозил эслай олмайди. Камерада анча ётиб, биқинидаги кучли оғриқдан ўзига келгач, аста-секин хотираси равшанлашди, терговни, сўроқларни эслади. Терговчининг котибларни суриштирганини эслаб, ўзи шу аҳволда бўлса ҳам овоз чиқариб кулиб юборди. “Эй, нодон, котибларинг елкангда-ку. Уларни излама, ўзлари бир кун сени топишади”, деб пичирлади. Унинг беўхшов кулгисидан уйғониб кетган камерадошларидан бири уйқу аралаш, “Жозил ака, ўзингизга келдингизми, тинчликми?” деб сўради. Жозил индамади. Гўё оғир меҳнатдан чарчаб тўйиб ухлаб олган одамдек ўзини қандайдир енгил сезди...

Баъзан хаёл сурганда ўша терговчилар ҳозир ҳам шу соҳада ишлаётганмикин, деб ўйлаб қолади? Албатта, ишлаётган бўлишса керак. Жозил улардан айримларининг қўша-қўша машина, ҳовли олганларини кўрган. Ким билади, эҳтимол, тилла балиқча тутиб олгандир, ё... нима бўлганда ҳам Жозил кейинчалик ўша даврдаги муҳитни англаб етгач, бу болалар оддий ижрочи бўлганлигини билиб, ҳамма қилмишларини Худога солди...

Шу билан азоблари, емаган сомсага пул тўлаши якун топса ҳам майли эди. Уни суд залидан яна қамокқа олишди.

– Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 155, 119¹, 17-153-2, 149, 149-1 ва 149 моддалари билан айбланиб, ўн йил муддатга озодлик маҳрум этилсин...

Судьянинг булбулдай эълон қилган бу ҳукми ҳали-ҳали кулоғининг остида эшитилиб туради. Қани энди оқлангани тўғрисидаги ҳукмни ҳам шу судья ўқиб берганида эди... Ҳа, майли, очиғи, буни ҳам Худога солган...

Баъзи тенгдошлари суҳбат чоғида хотираси ёмонлашганидан нолиб қолишади. Ўша даврга оид бирорта сурат ёки кинони кўргандан кейин эсларига тушганини айтишади. Лекин Жозил тоға бунга ишонмайди, агар эшлашга арзигулик воқеа бўлса, хотирадан чиқмайди. Бундай ўйлаб қараса, қарийб ўн йиллик умри унинг хотирасига аламу зардобларга тўла лаҳзаларни муҳрланган экан. Ўзини оқлаш учун югурган, сарсон бўлган йигирма йилни ҳам қўшсангиз...

Лекин айнан шу кунлар хотирасида ҳатто болалигидан ҳам кўпроқ, аниқроқ муҳрланиб қолган. Агар биров сўраб қолгудек бўлса, хусусан, Учқудукдаги манзил колониясида бўлган йиллари тафсилотини дақиқама-дақиқа айтиб бера олади. Бу лаҳзалар оғир бўлгани учунгина эмас, айбсиз ўтиргани учун ҳам ҳар кун, ҳар он бағрини гўшт майдалагич каби эзарди. Ўшанда қурилишга чиқаришган дастлабки кунларда Жозил ёш боладай қувонганди. Зонада қўнғлидаги изтироб, алам тугунлари ечилмасди. Дастлаб қурилишда ишнинг оғирлиги, офтоб уриши етмаганидек танасидаги яралар яна хуруж қилди. Колония дўхтири эса дори суртиб қўйишдан нари ўтмайди. Газеталарда хориж нашрларининг Ўзбекистондаги қамокқоналарда инсон қадрни топталаётгани ҳақидаги мақолаларга раддияларни ўқиганда, ғанимларнинг “ковла-ковла”дан бошқа иши йўқ экан-да, деб қўярди. Ўзи

гувоҳ бўлгач, ҳаммасига ишонди, ҳатто улар ёзгандан ҳам баттар эканини кўрди.

Жозил тоға у ёқда вақти кўп бўлдими, ишқилиб газета, журнал, китобни кўп ўқийдиган бўлди. Пули йўқлигидан адвокат олмагани учун деярли ҳамма ҳужжатларини ўзи ёзди, эҳ-ҳе ҳамма қонунларни ўқиб чиқди. Бир китобда италиялик файласуф Леон Альберти, “Аччиқ тақдир осмондан тушмайди, у кишилар нодонлигидан туғилади”, деб ёзган экан. Яна бир китобда, “Инсоният тақдири – инсонлар қўлида. Даҳшатлиси ҳам шунда”, деган фикргаям кўзи тушган. Бу фикрларни таҳлил қилиб, мағзини чақиб ўзига-ўзи баъзан саволлар беради: “Менинг аччиқ тақдирим қаердан пайдо бўлди? Осмондан тушдими, ахир мен бундай тақдирга муносиб яшаганим йўқ-қу?” “Менинг тақдиримни қайси нобакор чил-парчин қилди?” “Мен энди кимнинг ёқасидан оламан?” “Ё бирор жойда ўзимдан ўтдимми хатолик?”

Энди англаб етаяпти, ўша пайтда давлат раҳбарига қаратилган совуқ ният бутун халқнинг бошига балоларини ёғдирди. Ундан кейин ҳам Жиноят Кодексининг 167-моддаси учун қанча одамлар, қанча оилалар бадном бўлди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам давлат прокуратурага керагидан ортиқ ваколатлар берди. Алломалар айтганидек, “Ҳар қандай ортиқча ваколат ташкилотнинг ҳам, шахсининг ҳам **иймонини** сусайтиради”. Тўғри, кейинчалик “пахта иши” билан жабрланганлар оқланди, 167-модда бекор қилинди. Лекин ана шу жараён юракда қолдирган чандиқлар изи кетармикин? Барбод бўлган тақдирлар учун товон тўлашнинг иложи бормикин? Йўқотган соғлиғини ким қайтариб беради?

Жозил тоға айнан турмада орттирган касаллигидан ҳалигача озор чекади. Бу иллатни даволатаман деб чеккан азобининг ўзи бир тақдирга зўрлик қилади. Қамокдан озод бўлгач, тери касалликлари шифохонасида даволанди, фойдаси бўлмади. Эскича амалларни қилиб кўрди, афсус...

Дардига малҳам топишдан умидини узган Жозил хотинига кўнглидагини айтди:

– Робия, ёнимга ўтир, гапимни бўлмаё эшит, илтимос. Кўзёш тўкиб ўтирма, бу юрак қурғур изтироб чекавериб, тошга айланиб қолган...

– Нималар деяпсиз, отаси, тинчликми?

– Илтимос, гапимни бўлма, дедим-ку. Шукр, менга тиргович бўлдинг, боримни ошириб, йўғимни яшириб келдинг, олтига бола туғиб бердинг. Аммо, кўриб турибсан, кейинги йилларда сенга ташвишу азобдан бошқа нарса беролмадим. Ўшандаям болаларни ўзинг эплайпсан, раҳмат, хотин. Дўхтир ҳам, табиб ҳам дардимга даво топа олмади. Катта врачларга эса пулимиз йўқ. Сен ақлли аёлсан, қанча куйинма, дардимга чора толмайсан, куним битган кўринади. Ҳа, айтгандай, мана бу қоғозлар суддан келган. Оқлов ҳукмидан кейин зарарларимизни қоплаб беришаркан. Катта ўғлимиз тушунади, судга борсин, эҳтимол ўрнимга қабул қилишар. Ҳарқалай, давлат товон тўласа, бирор кунинга яраб қолар. Сендан илтимос, болаларни олдимга киритма, отанг сарик касал бўпти, дейсанми, бошқа касал дейсанми, ишқилиб, касали юкиши мумкин деб уларни ишонтир. Менга ҳеч бўлмаганида икки-уч кун тинчлик керак. Олдимга фақат зарур бўлганда ўзинг кирарсан. Энди борақол, жуда чарчадим.

Робия эрининг охириги сўзларини алам билан, титраб, тишини-тишига кўйиб эшитди. Ахир икки ой табибнинг қўлидан тузалиб, яхши кайфият билан келишини кутса-ю, ҳали олтишга кирмаган эридан бундай видолашув сўзларини эшитиш осонми? У нариги хонага ўтиб, тўйиб-тўйиб йиғлади, ўн саккиз йил бир ёстиққа бош қўйган, оғир-енгил кунда кўллаб-қувватлаган, доимо хурматини жойига қўйган эрига ёрдам бера олмаётганидан ўқсиб йиғлади. “Эй, Худо, агар сен чиндан

хам бор бўлсанг, Худолигингни кўрсат! Умрида мусичага ҳам озор бермаган, бировнинг ҳақини емаган, адолат истаб адои тамом бўлаётган эримга, бандаи ожизингга раҳминг келсин... Ёрдам бер унга...”

...Ўша тунда Жозил тоға жуда ёмон туш кўрди... Олдида доимо ҳаворанг ҳарир либос кийган одам юради, юзини кўриб бўлмайди, ёнида турибди-ю, кўлини чўзса етмайди, ҳатто, “Қочинг йўлимдан, кимсиз ўзи?!” деган овозини ҳам эшитмайди. Энг ёмони, орқага ҳам тисарила олмайди, қандайдир куч ўша одамга боғлаб қўйгандек. Бир маҳал, денг, Жозил қип-қизил рангга кирди ва ўзидан кетиб қолди. Қанча вақт ўтди билмайди, бечора онаси бошини силаб йиғлаётганда ўзига келди: “Вой, болагинам-ей, Худо қайтариб берди сени менга, жуда кўрқитиб юбординг-ку! Қизамиқнинг бундай бўлишини қайдан билай! Бир кун қийналиб нафас олдинг, тақдиримга рози бўлиб, устингга оқ дока ҳам ёпиб қўйгандим. Яхшиям қушноч кампир кўкрагини оғзингга тутганда, тамшаниб кетдинг, вой, болажонимей!..”

Кейин... Ҳалиги одам юрди, Жозил ҳам беихтиёр ортидан кетди, боякиш онаси кўлини чўзиб қолаверди. Одам уни қудуқ олдига бошлаб борди. Жозил қудуққа қандай тушиб кетганини, ундан қандай чиққанини ҳам билмайди. Кўзини очса, яна онаси бошини силаб, йиғлапти: “Вой, боламей, сени йўқотиб қўйишимга сал қолди-ку! Худойим қайтариб берди”.

Қоронғида ҳам нотаниш кимсанинг ҳаворанг либоси аниқ кўринади, у негадир отаси билан қўй боққан яйловга бошлади ва яна орқага қайтди. Жозил чопаяпти, нафаси бўғзига келиб чопаяпти, икки томонида иккита қора кўланка қувиб келаётгандек, ранглари яна оқариб кетди, ўзини билмай қолди... яна онаси бошида туриб ўша сўзларини йиғлаб айтапти: “Вой болам-ей...” Бу гал у анча ётди, онаси кўринмай ҳам қолди, фақат бошидаги қизил рўмолини Жозилнинг бошига қўйиб кетибди.

– Қани, онам қани, онажон, қанисиз, мен ўлиб қоламан?!

У қоронғида ҳеч нарасани кўрмайди. Тўрт томон девор, на ойна, на эшик бор. “Онажон!” Унинг овозини ҳеч ким эшитмайди. Ҳалиги ҳаворанг либосли одам, қани?

У бир амаллаб гугурт қутисидай туйнук топди. Ундан тушаётган нур кўзига ойдинлик, вужудига илиқлик бермайди, аксинча, танаси музлаб кетди: “Ҳой, ким бор, эшикни очинг!”

– Менман, болам, бу томонда эшик йўқ...

– Ота? Отажон, сизмисиз?!

– Менман, болам, менман.

– Ҳалиги одамга айтинг, мени бу ердан чиқарсин, ўлиб қоламан, ота, отажон!

– Ёмон ният қилма, ўғлим, сен бу ерга ўлмаслик учун келгансан. У эса сени уч марта ўлимдан қутқарди, унда бошқа имконият йўқ. Ҳаракат қил, ёруғликка қара, яхшилаб қара, у томонда Робия келин ва болаларинг қараб турибди. Энди ўзингга боғлиқ ҳаммаси...

– Чарчаб кетдим, отажон, жуда чарчадим. Бу дунё ташвишлари оғирлик қилапти. Кеча келинингизга ростини айтдим, менинг дардимга даво йўқ, шекилли. Олиб кетинг, ёнингизга борай, шуниси тинчроқ!

– О, болагинам, Худога шак келтирма, гуноҳ бўлади. Жонимизни бергувчи ҳам, олгувчи ҳам ёлғиз Унинг ўзи! Унинг ёзуғини ўзгартириб бўлмайди, ўғлим. Худо умидсизларни ёмон кўради, кўнглингдаги ёмон ниятларни чиқариб ташла.

– Ота, отажон, отажо-о-он!

Жозил тоға уйғониб кетди, кўрганлари туш эканини билгач, атрофга охишта

назар солди. Жимжитлик, демак, овоз чиқариб гапирмаган. Совиб қолган чойдан икки ҳўплаб, яна жойига чўзилди. Нега бунақа туш кўрди? Болаликдаги касаллиги, кудук, яйловдан қайтишдаги кўрққанини тушунди, лекин нега у қоронғи хонага кириб қолди? Ишқилиб, охири бахайр бўлсин... Ё тушининг таъбирини хотинига айтсамикин? Йўғ-ей, шундай ҳам кеча унга номаъқул гапларни айтиб қўйди. Яхшиси, бу туш сир бўла қолсин, шуниси маъқул. У кўзини юмди...

Эрталаб уйга Тўла полвон келди. Тўла полвон Жозилнинг синфдош жўраси, бор-йўғи бир синф бирга ўқиган. Жозил синфдан синфга сакраб, ундан икки йил олдин мактабни битирган. Тўла ўқимади, қишлоқ почтасига ишга кириб, савдо-сотигини мустаҳкамлаб олди. Бировларнинг хатини очадими ёки телефондаги гапларни яширинча эшитдими, ҳеч ким билмайди, аммо қишлоқдаги ва қишлоқдошларга тегишли четдаги гаплар биринчи бўлиб ундан тарқалади. Полвонлиги ҳам лақабдай гап, жуссаси ҳам полвонга ўхшамайди. Бир марта қишлоққа дорбоз келганда у ўртага чиқиб, дорбознинг тошини ўн марта кўтарган. Шундан буён одамлар Тўла почтачини полвон деб айтади, ўзи ҳам бу гапга кўникиб кетган.

Тўла полвон Робиянинг “ҳай-ҳай”ига қарамасдан ўзини уйга урди.

– Ўҳ-ху, бош бухгалтер бовонинг ётишига қаранг. Салом жўра, бу нима гап, туккан хотинларга ўхшаб саратонда ҳам қоронғи уйда кўрпага ўраниб олибсан, уят-ей. Қани тур, кетдик, мен бу ландавурга табиб излаб юрибман, бу эса чиллага кириб опти.

Тўла почтачи Жозилга оғиз очганиям қўймади.

– Так что, мен касалингни аниқладим, қорасон бўпсан, аммо ҳозир бу касалликнинг давоси бор. Сон гўшти ичидан йиринглаган. Доимий иситма, мадорсизлик, бадандаги хид ҳам ўшаники экан. Танишларимдан бунинг табибини топдим. Тахтиқорачанинг нариёғида экан, мана, адресини ҳам олдим.

Тўла полвон Жозилни машинасига миндириб, Робияга, “Хавотир олманглар, жўрамни қирқ кунда кўпқари чопадиган қилиб қайтариб келаман”, деб жўнаб кетди. Улар икки соат деганда улкан тоғ бағрида, дара бўйидаги кўркамагина боғ-ҳовлига етиб боришди. Етмишлардан ошган табиб Жозилни бир хонага олиб кириб, обдон текширди. Ора-сирада еган овқатларию, ичган дориларини сўраб олди, сўнг бошини чайқаб деди:

– Анча кечикибсиз-да, укам, сабру тоқатингизга қойил, қандай чидадингиз бунинг оғриғи-ю, сассиқ хидига?!

Жозилга оғир ботди. Аммо табиб ҳам анойи эмас экан.

– Кечикдингиз, деганим давоси йўқ, деганим эмас, кўнгилни чўктирманг, насиб этса, қирқ кунда отдек чопқиллаб кетасиз. Фақат муолажаларимга қатъий риоа этасиз, бўтам, хўпми?

Жозил бошқа нима ҳам чорам бор, деб ўйлади.

– Ҳозирча вақтни ўтказмай бошқа бировга тайёрлаган доримни ишлатаман. Айтиб қўяй, қирқ кун қоронғи уйда ётасиз, бир оғиз ҳам овоз чиқариб гаплашмайсиз. Токи яхши бўлмаганингизча муолажани давом эттираман. Маъқулми?

Жозил яна маъқул, дегандек бош қимирлатди, ахир бошқа нима ҳам дея оларди. Табиб уни қоронғи, аммо турмадагидан фарқли ўларок, кўрпача тўшалган уйга олиб кирди. Икки кути гугурт берди. Унинг донаси билан девор узунлигини, уй сатҳини ўлчагини, ҳар ўлчаш якунида дори ичиши ва ухлаб олишини тушунтирди.

Инсон бардоши ҳар нарсага қодир экан. Буни Жозил олтмиш кун қоронғи хонада ўтириб сизди. Эҳ-хе, хаёлидан не балолар ўтмади, не-не дахшатли тушлар кўрмади.

Хотини Робия ва болаларини эслаб, яшашга бўлган умиди куч-кувват бераверди. Хайрият, охирги кунларда фикри теранлашган, вужуди енгиллашган сари у ўзини тузалаётганини сеза бошлади.

Ниҳоят Тўла полвон айтган сўзини бажарди: жўрасини анча тетик ҳолда Бошқудуққа олиб келди. Болалар қувонч билан ўзларини отаси бағрига урдилар.

– Мана, келин, приём передача қилиб олинг. Эрингиз соппа-соғ, эгарланган отдек, энди бу ёғига Худо хоҳлаганча миниб юраверасиз!

Робия эрининг дуппа-дуруст туриши, болаларининг қувончини кўриб чиндан ҳам яшнаб кетди. Полвонга раҳмат айтиш ҳам хаёлига келмади, фақат юзига фотиҳа тортиб:

– Шукр, Яратганга шукр, оху нолам етиб борди, – деб пичирлайди, холос.

Хуллас, бариси ортда қолди, кўрқинчли, узокқа чўзилган тушга айланди.

*Бу дунёнинг қоидаси шул:
Келамиз ва кетамиз бир кун.
Шу лаҳзада кўнгилни фано
Айлай олар ўзига мафтун.
Яшаш учун егувчилар бор,
Емоқ учун яшайди кимдир.
Инсон ўзи ўзига оғу
Ва дардига ўзи ҳақимдир.
Бола-чақа ва рўзгор деймиз,
Кўндир гоҳо нафснинг қудрати.
Гоҳо кўнгил ғамини еймиз,
Сармаст айлар ишқ, муҳаббати.
Яратганнинг синови бисёр,
У бир куни жавобин сўрар.
Омадимиз келган чоғи лек
Бу гап бизга чўпчак туюлар.
Ширин эрур ҳаётнинг завқи:
Ҳовли, мансаб, машина, тўйлар...
Гоҳо халққа беришни эмас,
Ҳар ким кўпроқ олишин ўйлар.
Умр оқар дарё мисоли,
Югурамиз бамисли шамол.*

*Гўё сувга оқар лаҳзалар,
Ўтган вақт келмайди малол.
Турфа хаёл, зиддият аро,
Чархланади умр улгайиб.
Баъзан шоён лаҳзаларда ҳам
Виждон турар ночор, мунгайиб.
Бўлди, деймиз, ишладим, бўлди,
Ўгил-қизлар топдилар йўлин.
Энди оёқ узатса бўлар,
Энди бўлар юрак олса тин.
Бундай ёшида одат – тазарру,
Бундай ёшида шукрона – безак.
Ёраб, ҳатто қувончингдан ҳам
Илкис ларза қилади юрак.
Сўрамайди фурсати келса,
Кимсан, бойми ва ёки фақир.
Остонадан сўрогин қайраб
Кириб келар... Мункари нақир.
Умр, дўстим, мисоли дарё,
Ўзни урма қирғоқларига.
Ҳозирданоқ жавоб топавер
Мункар нақир сўроқларига.*

Аммо оқланган бўлса-да, барибир айримларнинг қарашида “ўтириб чиққан”, “у ёқда бўлган” деган ишора борлигини сезиб, ичи эзиларди. Давралардан ҳам ўзини тортди. Болалигидан меҳнат қилиб пишган, шунинг учун қамоқдан кейинги фаолиятини хўжаликда оддий ишчиликдан давом эттирди. Ярим йилдан сўнг бухгалтерияга ишга олишди, бош иқтисодчи ҳам бўлиб ишлади. Ҳамкасблари, “Жозил тоға онасидан ҳисобчи бўлиб туғилган”, дейишарди. Тўғриси, у бошқача ишлай олмасди ҳам. Туман “Агрохизмат” бўлимида бош ҳисобчилигида йиллик ҳисоботларни ҳаммадан анча олдин топшириб кўярди, ўз вазифаларини бажаришда юқоридан гап эшитиб ўрганмаган. Бошқаларни ҳам шунга ўргатди. Эсида, биринчи йили ҳисоботлар тайёрлашда декабрь, январь, февралда тунлари иш столида ухлаб чиққан кунлари бўлган, чунки барча ҳисоботларнинг камчилигини топиш, тузатиш, тўғри ҳисоб-китоб юритишга ўргатиш осон эмасди. Уни вилоят кишлоқ хўжалик бошқармасига бош ҳисобчиликка чақиришди, ҳамма хужжатлар тайёр бўлгач, катталардан бири “ўтириб чиққан”лигини айтиб, рад қилди. Бир томондан ёши ўтганда

вилоят мараказига қатнашини ўзи ҳам истамаган бўлса-да, барибир кўнгли оғриди ва кўп ўйлаб яна Худога солди, майли, мен ишимни қилганман, энди “ўтирмаган”лар ишлаб кўрсин, деди ўзича.

Худога солиш... Жозил тоға бундай ўйлаб кўрса, қаердаки иши битмаса, қаердаки унинг кўнглини оғритган бўлишса, ҳаммасини Худога солибди. Бандаси ожиз. Бир донишманддан, “Агар икки киши баҳслашаётган бўлса, уларнинг қайси бири оқил эканини қандай билиш мумкин?” деб сўраганларида у, “Баҳсни биринчи бўлиб тугатгани”, деб жавоб берган экан. Қолаверса, бир файласуф, “Кулма. Йиғлама. Лаънатлама. Лекин англа”, деган. Муҳаммад Ҳаким Термизийда эса, “Ҳар нарсадан шодланувчи (ва айни вақтда хафа бўлувчи) киши ожиз, шахс сифатида йўқ ҳолдадир. Чунки ҳар бир нарсанинг таъсирига тушувчи ва берилувчи кишида шахсият бўлмайди”, деган ибораларни ўқиганди. Умуман, шу ёшга кириб жиддий низолашган, судлашган томонларнинг тинч яшаганини кўрмади. Бири кўйса, бири ёзади, бири судга берса, кўп ўтмай иккинчиси бошлайди. Прокурор, суд деганлари битта жиноий воқеага баҳо беради, холос, уларнинг кейинги ҳаёти билан иши йўқ. Адоват деган нарса эса агар инсоннинг юрагига бир кириб олса, ундан халос бўлиш мушкул экан. Ана, узоқ бориб юрманг, ҳамқишлоғи Собиржон кўшнисини девори ёнидан иморат қуришда деворнинг бир метр қисми йиқилиб тушган. Ўртада ҳамсоғлар бир-бирига ёмон сўзлар айтган, орага хотинлар аралашган. Бир метр девор учун уч йил судлашдилар, судга ишониб на маҳалла оқсоқоли, на участка нозири аралашмади. Икки кўшни девор бир чеккада қолиб, бир-бирини камчилиги устидан ёзаверишди, охири элликка ҳам кирмаган Собир юрагига санчиқ кириб, терговдан қайтишда машинада ўлиб қолди. Шундан кейин оқсоқоллар иккинчи кўшнини кўчириб юбориб, қишлоқ тинчитганди.

Жозил ўтган умрини бирма-бир сарҳисоб қилганча ана шу тинчиган, ҳар бурчагида битта ошхона-ю дўкон, пайнет очилган қишлоғига кириб келди. Уйигача эллик метрлар чамаси масофа қолди. Болалигида бу жойлар жуда гавжум бўларди. Ҳозир эса нафақат кўчада, дарвозаси очик ҳовлиларда ҳам ҳеч ким кўринмайди, саратоннинг иссиғида уйда дам олаётган бўлса керак. Йўқ, кўча-ю ҳовлилар сокин бўлгани билан қишлоқда чивин учса, ҳамма билиб туради. Бошқудуқликлар жуда меҳрибон ва сезгир келади. Мабодо бирон хонадонда таъзия бўлса, ҳовлида қозон осишга кўйишмайди: кўни-кўшни, оғайнилар навбати билан ўлик чиққан хонадонга овқат пишириб келишади. Палов ёки бошқа тансиқ таом пиширилса, албатта, беморларга, бечораларга илинишади, томорқадан ҳосил йиғиштирилганда ҳам шундай қилишади. Жозил тоға ана шу шароитга ўрганган: боболари, отаси шундай яшашган. Эсида, отаси уни ва яна кўлидан иш келадиган икки акасини қишлоқдаги ҳашарларга олиб борарди. Бечораҳол, касалманд одамларга томсувоқда, шувок чопишда, ер ағдаришда, ҳатто тандирхона қуришда ёрдам беришарди. Болалар сал инжилишса, “Ўғилларим, бировнинг ҳожатини чиқаришдан улуғ иш йўқ”, дерди ва доимо Алишер Навоийнинг бир нотавон инсон кўнглини олиш савоби магар Каъба вайрон бўлса, уни обод қилиш билан баробардир, мазмундаги байтини ўқиб берарди.

Бағритошлик жуда ёмон одат экан. Тергов ва турмада гуноҳсиз одамларнинг ҳақорати эшитиши – ҳаммаси кўз ўнгида бўлди. Илгари китобларда илмсиз одам жоҳил бўлади, деб ўқиганди. Бироқ қаерда бағритошга, жоҳилга дуч келмасин, деярли барчаси маълумотли, ўқимишли одамлар бўлиб чиқди. Барибир кучи етмаслигини билгандан кейин бундайлар билан тортишмай ҳам кўйган, фақат уларнинг кўпайиб кетганидан, жамият бу ҳолатга кўникиб қолганидан эзилади.

Улар виждони олдида ҳам, Худонинг олдида ҳам, ҳатто қонун олдида ҳам жавоб беришдан кўрқишмайди. Агар ҳаётий кўникма инсон вужудидан йиллар давомида шаклланишини ҳисобга олсак, бундай одамларнинг отаси ҳам шу тахлит бўлган, боласи ҳам ўзига ўхшаган бўлади. Жозил тоғанинг кўрққани ҳам ана шунда. Уни ким тўхтатади, қачон тўхтатади? Умуман тўхтатиб бўладими бу ҳолатни?

Тақдир унинг бошига ҳар қанча синов солмасин, Жозил тоға ўз ҳақ-ҳуқуқини химоя қилишда адвокат ёллаган эмас. “Айби бор одам адвокат ёллайди, менинг айбим йўқ”, дейди. Эҳтимол, омадсизлиги ҳам шундадир? Лекин бу ҳақда ўйламайди, чунки бир-икки адвокат билан суҳбатлашгач, уларнинг фаолиятини кўргач, бундай касб эгаларидан кўнгли қолди. Қайси бири билан гаплашманг, ҳаммаси ўзини оқлайди, судьяни, терговчини, тизимни ёмонлайди. Шундай экан, жамиятга дод солмайсанми, тагин қонуннинг эгалари бўлса!

Ёнига оқ “Нексия” келиб тўхтади. Бундай қараса, Тўла полвон.

– Ҳа, бўғалтер, сувга тушган товукқа ўхшаб келаяпсан, тинчликми?

Улар кучоклашиб кўришдилар.

– Жўра, ёшинг ўтиб ҳам иссиқ гапирмайсана? Бунча гапни қайдан оласан ё одамларга газета, хатнинг ўрнига гап тарқатасанми?

Тўла полвон хомуш келаётган дўстининг сал очилганидан хурсанд бўлди.

Жозил тоға кадрдон дарвозасидан ичкарига кирар экан, беихтиёр хаёлини йиғиштириб олди. Ҳовли жимжит, кўйлар охурдаги ҳашакни ейиш билан овора, сигир кавш қайтариб турибди. Димоғига ёқимли, таниш ҳид урилди – хотини нон ёпган! Йигирма йиллик кадрдони олапар, қайсидир бурчакдан чиқиб келиб оёғига суйкала бошлади, гингшиб ҳам қўйди.

Қалбини хонадон, шу азиз маскан меҳри чулғаб олди. Бу яқин орада юраги бу қадарлик жўшмаган эди. Эсида, отаси раҳматли даштдан қайтганда ҳовлида байрам бўлиб кетарди. Отаси ярим тунгача болалар билан бўларди: бирга овқат ейди, совға улашади, шеър айттиради, терма куйлатади, акалари билан дилдан суҳбат ҳам қуларди. Кейин англадики, падари бузруквори оиласи бағрида ғам-ташвишни унутган, ўзига руҳий қувват олган.

– Вой, буваси, келдингизми, тезроқ келинг, болалар кутиб қолди. Қайиш қилганман, ловиялик, сиз яхши кўрган пиёздоғидан тайёрладим.

Хотинининг илиқ муносабати, болаларнинг дастурхон атрофидаги ўтиришлари, югуриб келиб бўйнига осилишлари автобусдан тушиб ўзи севган йўлдан юриб то ҳовлига киргунча кечган хаёлларига нуқта қўйди. Тавба, шу бир чақирим йўл бутун тақдирини хаёлидан ўтказди-я! Изтироблари шу мўъжаз дастурхон атрофида бахтиёрлик, умидворлик, дил таскинига айланиб улгурганини сезмай ҳам қолди. Шу пайт киз неварасидан бири уяли телефонини даврага қаратди:

– Бобожон, бизлар билан ҳеч расмга тушмагансиз, келинг, ҳаммамиз битта расмга тушайлик!

– Майли, болам, тушамиз, Сизлар билан тушамиз, шундай бахтли онимдан ҳам эсдалик қолсин...

2020 йил, январь, июнь

Ширин туйғулардан энтикар қалбим



Йўлдош ЭШБЕК

Гўзаллик туйғуси

Бу кумуш ёзларим оғушида жим
Қарайман, ярқирар тоғларнинг боши.
Бошида тип-тиник осмон – мунажжим,
Қандай чидар экан тоғларнинг тоши.

Бу тоғлар қўйнида тонглар отаркан,
Ҳар тошга тегаркан нурлар жаранглаб.
Тоғликлар қандайин яшаб ётаркан,
Қандай чидар экан бу тонгга қараб.

Хўрсиниб кетаман йироқ адирлар –
Бу яшил тўлқинлар товланиб юрса.
Қандай чидар экан унда сабрлар,
Подалар кўксига қадалиб турса.

Болалар титрайди – турналар куйлар,
Шаффоф танларида ўтли ҳаяжон.
Қандай чидар экан, дейман, мен ўйлаб,
Бундай мусиқага кичкина осмон.

Менинг юрагимда ранглар ҳукмрон,
Оҳанглар муҳтождир зўр тасаллимга.
Мен қандай юрибман тирик ва омон,
Қандай чидаяпман бу гўзалликка.

Бунга чидаганни кучли демасман,
Гўзаллик навқирон, кучли ва қадим.
Йўк, асло ўзимдан рози эмасман,
Демак, мен ўзимни англай олмадим.

Йўлдош ЭШБЕК – 1950 йилда тузилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини битирган. Ижодкорнинг “Согиниб яшайман”, “Мовий турналар”, “Ҳаёт чечаги”, “Дарахтлар эртаги”, “Мангу масофа”, “Йиғлаётган қиз” шеърӣй тўпламлари нашр этилган.

Сенинг қўшиғинг

Биз бахтиёр бўлгаймиз хўб,
Бизни зафар кучажак.
Теппамизда чарх уришиб
Қалдирғочлар учажак.

Шундай қўшиқ айтган эдинг сен,
Шундай қўшиқ ҳаётдай азиз.
Ва, дунёга қайтган эдим мен,
Дунё менга қайтди ўша кез.

Қўшиғингни булоқлар тинглаб,
Шамолларнинг тили тугилди.
Осмон юзу қўзинг нусхалаб,
Ўпмоқ бўлиб сенга эгилди.

Қалдирғочлар учди теппангда,
Қўшиқ айтиб шўхшан дилрабо.
Ўн еттида эдинг ўшанда,
Ўн еттига тўлганди дунё.

Дунёлардан рашк қилдим сени,
Дунёларга ишонмас эдим.

2

Қалдирғочлар келмоқда учиб,
Баҳор қувиб яшарлар доим.
Ушбу дамда сен ёдга тушиб,
Аламларда коврилар ўйим.

Сен умрингни бўлдинг иккига,
Энди менга икки хил ўйсан.
Тўлиб кетса дардлар кўксимга,
Ёлғизликнинг ҳукмидан тўйсам.

Мададга зор одамдай гоҳо,
Атрофга жавдирар нигоҳим.
Кўзларимда интиқ илтижо,
Кўзларимда тизилар оҳим.

Шунда излаб қоламан зор-зор,
Ўн етти ёш кўхлигим қайда?
Ва қайтмоқ бўламан интизор
Ўн етти ёш дунёга қайта.

Мени чорлар илк умринг маъсум,
Мени чорлар ул покиза ишқ.
Қайғуларга чек қўйиб, бир зум –
Рухимда тирилар ул қўшиқ...

...Биз бахтиёр бўлғаймиз хўб,
Бизни зафар кучажак.
Бошимизда чарх уришиб,
Калдирғочлар учажак.

* * *

Ўтарман дуч келган, келмаганга ҳам,
Қўзимла сен ҳақда ҳикоя сўйлаб.
Мендан ҳам бошланган бу йўл муқаддам,
Мен сени топдимми излаб ё ўйлаб.

Сабо қай томондан эсар муаттар,
Одамлар қай шамол сари олди йўл.
Мен эса, бекатдан шалаббо баттар
Юрдим, тескарига ҳамм ёғим хўл.

Одамлар шошилиб тарқар уловда,
Излагани бордир шошиб ўз сенин.
Бу ёғин дунёда намгил оловда
Соябоним фақат қўлимдир меним.

Демак, кетмоқдаман бошимни ушлаб,
Майдалаб бормоқда шаштим дўлларни.
Исмингни эшитсам кетаман хушдан,
Юзим расми билан безаб йўлларни.

Тўрғай

Самода муаллақ пириллар тўрғай,
Томоша қилар у гўё дунёни.
Тўрғай навосидан дил тугён урғай,
Кимлардан ўрганди дилкаш навони?

Бир зум ором олиб, бир зум тин олиб
Ширин туйғулардан энтикар қалбим.
Ўйларим тўрғайга урилгай бориб,
Дейман, шу кушмикан оддий ё балким.

Бахтиёр халқимнинг қувноқ овози
Тутдими самони куйга тўлдириб?
Асрлар қутилган озодлик сози,
Ё мағрур куй чалар ёвни ўлдириб?

У қанча йил фарзанд дардида куйиб,
Бугун она бўлган аёл қувончи.
Минг йиллардан буён бағрини ўйиб
Ё рўёбга чиққан инсон ишончи?

Дардли сийнасига шодликлар кириб,
Энтиккан она ер навосимикан?
У кўкнинг заминга сархуш термилиб
Куйлаганда қайтган садосимикан?

Дардли куй тўлдирар бирдан фалакни,
Ҳазин нола қилар тўрғай эзилиб,
Бир зум ғам тумани қоплаб юракни,
Бир зум дард кўйнида турғай эзилиб.

Эҳ, тўрғай бунчалар куйлайди нолиб,
Ўтли кўкрагимда тўлғанар қалбим.
Ўйларим тўрғайга урилгай бориб,
Дейман, шу қушмикан оддий ё, балким.

Омадсиз ошиқнинг юраги каби
Фалакда чарх уриб айлагай фарёд.
Ул ўксик онанинг ногирон қалби
Бемаврид ўлимдан солаётир дод!

У она кўкрагин додлаб излаган,
Гўдак қалбидаги чиркироқ йиғи.
Ё қадри бир чақа бўлиб бўзлаган,
Бир дўстнинг дард ва мунг тўла кўшиғи.

Халқимнинг бошига тушганда қайғу,
Булбуллар инига кетганда кириб,
Содиқ фарзандидай нола қилиб у,
Юртим осмонида учган чарх уриб.

Она ер бағридан отилиб ўқдай,
Бир замон эзилиб куйлаган гарчи.
Бугун тепамизда, у – оташ руҳдай
Бугун аҳдимиздан оламга жарчи.

Сиз ундан уқмангиз ўзга бир маъно,
Юракларни эзиб куйласа гоҳи.
Доим ҳушёр бўлинг авлодлар дея,
Кўкда учиб юрар аждодлар руҳи.

* * *

Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар...

Рауф ПАРФИ

Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Ҳаволарга таратиб атир.
Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Юрагимда чакнайди сабр.

Очилади оғир дераза,
Юзларимга урилади тафт –
Иссиқ, олов, жазира.
Ўйнинг вазмин бошин тутган кафт.

Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Эй, ёмғирдай бокира аёл.
Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Мен – қақраган ўттиз яшар чол.

Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Сочларингда сузар қандай қўл?
Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Нега менинг эгну бошим ҳўл?

* * *

Сен кетиб борасан, дарахтлар аро,
Кичрайиб борасан, тораяди йўл.
Сенга оқ кўринган бу йўллар қаро,
Енгил тин оласан, кенгаяр ўнг-сўл.

Шамолда сочларинг пастлар баландлар,
Шамолда сочларинг – қушнинг қаноти.
Сен учиб борасан – пастлар баландлар,
Баландлар пастлайди, эркин ҳаётинг.

Ўзимга лаънатлар ўқийман бот-бот,
Мен сенга ҳаваслар қилурман, эркам.
Сенга қуролмадим гўзал бир ҳаёт,
Ўзимга зиндонлар қаздим, жуда кам.

Елкангни шамоллар силкитар нега,
Нега кўйлагингни ўйнар бешафқат?
Шамолда михланиб қарайман сенга,
Шамолда қўлларинг силкинмас фақат.

* * *

Сен қолдинг абадий, хотирам,
Дилингдан мен ўчиб кетмадим.
Мен сени билмадим, бокирам,
Қадрингга етмадим, етмадим.

Қўлларинг чирмашиб бўйнимга,
Эркалаб турганда кўзларинг.
Чўмилиб сочларинг бўйига,
Лаҳзалик оромлар изладим.

Мен сенинг қалбингнинг қаҳқашон
Юлдузларин шод ўйнадим.
Сен Менинг осмондай бепоён
Васлимга тўймадинг, тўймадинг.

Сен қолдинг абадий, хотирам,
Балки, мен дилингдан кетмадим.
Мен Сени билмадим, бокирам,
Қадрингга етмадим, етмадим.

Юлдузлар учдилар бешафқат,
Кундузлар кўп ёниб ўчдилар.
Кечалар ўйларим бетоқат,
Фарёдла сен томон кўчдилар.

У кўчган ўйларим мен билан
Дилингдан жой топмай қайтдилар.
Кўйингда кўкларга тикилган
Кўзларим бир кўшиқ айтдилар.

Бир кўшиқ айтдилар, қадрсиз,
Қадрсизлик афсуни ёнди.
Ва, энди, пойингга сабрсиз
Сабрсизлик қайғуси томди.

Сен кўчиб ўтурсан бегумон,
Бешафқат сен босиб ўтурсан.
Мен ғамгин чайқалиб жонажон
Кунларга бош уриб кутарман.

Икки ҳикоя



Муртазо
ҚАРШИБОЙ

Вофиқ

Вокиф ҳарбий хизматда орттирган кадрдон дўстим. Самарқанднинг Янги шаҳар қисмида, ўзининг айтишича, “Эронийлар маҳалласи”да туради. Ёши қирқдан ошиб, сочига оқ оралаб қолган, ўртабўй, тўладан келган, бугдойранг киши. Шу тарафга йўлим тушса, бас, албатта, “Келасиз, бундай бемалол ўтирамиз, бир жойларга олиб бораман, иш қочмайди”, деб оёқ тираб туриб олади. Мактабда русча ўқиганига ўзбекчани бузиб, ажнабий сўзларга аралаштириб гапиреди. Ўзини ҳам, Вагип деб таништиради. Бунга яқин дўсту ошнолари ҳам кўникиб кетган.

Вокиф таъсирчан одам, сал нарсага ҳам тутаким кетадиган одати бор. Бирон-бир масалада баҳслашиб қолса, “Мен – ўрус, тўғрусини айтаман”, деб ўзининг ҳақлигини исботлашга уринади. Кўнгли очик инсон. Эшиги ҳам кўнглидек очик, уйдан меҳмон, дастурхонидан ноз-неъмат аримайди. Меҳмоннинг келишини байрамга айлантириб юборади. “Ласетти” машинасига ўтириб, ғизиллаб бозорга чопади, Самарқанднинг сархил нонлари, мева-чевасидан олиб, арақ заводида ишлайдиган оғайниси ёрдамида қоронғи омборда неча йиллардирки қувват олиб ётган анави сабилнинг “қизили”дан антиқа идишга қуйдириб келади. Кейин ишхонасига сим қоқиб, “Тошкентдан нозик меҳмон келган, безовта қилманглар, хўжайингайм айтиб қўй, гап бўлса эртага бораман”, деб кўнглини тўқ қилади. Навбат “олинг-олинг”га келганида, худди минг йиллардан буён бирга ичишиб юрган одамдек, “Қани, келганингиз учун”, деб чапдастлик билан қадахни сипқоришга чоғланади. Тараддудга тушиб қолганингизни кўриб, астойдил манзиратга ўтади: “Ол-е-е-нг, бундай коньяк ҳеч қайга йўқ, гарантия, мен сезга айтяпман, гарантия, деяпман! Мана, кўрасиз, ичинг, биласиз, кейин яна сўрайсиз!” Турган гапки, бундай кутқуга ҳамма ҳам дош беролмайди.

Бу галги Самарқанд боришимда Вокиф Мирзо Улуғбек расадхонаси ёнида ўзи кутиб олди.

– Мана, соат ўн бирдан ўтяпти. Ўн иккига қудам ошга айтган, иккинчи қизини чиқаряпти. Ҳозир тўғри шаққа борамиз, – деди Вокиф.

Шаҳарнинг кунчиқар тарафидан кун ботиш томонига – нариги чеккасига боргунча анчагина йўл юрилди. Ниҳоят, қаршимизда янги иморатлардан бунёд

Муртазо ҚАРШИБОЙ – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист. 1961 йилда тугилган. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Ўнганмаган тақдир талқини”, “Талотўндан уйғунлик сари”, “Инсон мўъжиза излаб яшайди”, “Ўттиз йиллик андиша” каби адабий-танқидий, публицистик ва шеърый китоблар муаллифи

этилган обод маҳалла пайдо бўлди. Кўзланган ҳовлига қараб бурилдик. Икки тарафдан тоқ новдалари вайиш қилиб баланд кўтарилган, серсоя ва сўлим кўчанинг бошидаги уй экан. Каттакон дарвоза олдидан то йўлнинг бошигача сув сепаиб, чиннидек топ-тоза қилиб қўйилган. Ҳовлига кираверишда соҳиби хонадоннинг хеш-ақраболари бамисоли Амир Темур аскарларидек сафга тизилган: қўллар кўкракда, юзларда табассум, “Хуш келибсиз, хуш келибсиз!” деган чорловлар кетма-кет янграйди.

Дарвозадан кенг-мўл ҳовлига кирилди. Икки томонда баланд ва баҳаво иморатлар тушган. Томлари тунука билан ёпилиб, пўлат рангга бўялган. Кўндалангига тортилган тарновлар чеккасига сиркадан ва бошқа ичимликлардан бўшаган, деярли бир хил сиғимдаги шиша идишлар териб чиқилган. Идишларки, қуёшнинг заррин нурларида ажиб товланиб, кўзни камаштиради. Ҳовлининг у ер-бу ерида вайиш қилиб тепага тортилган тоқлар, мевали дарахтлар кўзга ташланади, ўртада эса чоғроқкина фаввора отилиб, теварак-атрофни салқинлатиб турибди. Дарвозадан тўғрига қараб тортилган йўлакдан ўтилиб, тўрдаги ўриндиқларга ўтирилди. Дуои фотиҳа қилинди. Яна, “Хуш келибсиз, хуш келибсиз!” деган садолар янгради. Воқиф-Вағипга қараб, тепадаги манзарага ишора қилдим.

– Ҳа, уми, ғўроб, узумнинг ғўрасидан қилинади. Уйга бор, бераман. Овқатдан олдин ичсангиз маза қиласиз.

Оппоқ соқоли кўксига тушган қария беш-олти киши ҳамроҳлигида кириб келди. Улар ортимиздаги айвонга қўйилган сўрига чиқиб ўтиришди. Оқсоқол дуога қўл очиб, ўтганларни эслади, ёшларга бахт тилади. Сўнгра кўзига ёш олиб, қандайдир дуоларни узоқдан-узоқ ўқиди, ёнида ўтирганлар ҳам унга жўр бўлди. Маросим адоғига етгач, ош тортилди.

Дарвозадан чиқишда яна ўша ҳолат: икки сафга тизилган қавм, “Хуш кўрдик, хуш кўрдик!” деб, тавозе билан миннатдорлик билдиради.

– Бола-чақа, хотин-халаж кўринмайди, мусиқа деган нарса ҳам йўқ?.. – деб сўрадим.

– Кейин, келинни олиб чиқиб кетишда бўлади ҳаммаси, ҳозир нимага керак, эркакларнинг олдида ноқулай-ку! – деди Воқиф.

Тўй эгалари билан хайр-хўшлашиб машинага ўтирар эканмиз, Воқиф кун тартибини эълон қилди:

– Ҳозир бир жойга борамиз, сизга ўзим қурган нарсаларни кўрсатаман.

Шаҳардан чиқиб, кунботишга қараб йўл олдик. Ям-яшил далалар, пахтазор ва боғлар бошланди. Офтоб найзага келиб, бутун борлиқни қиздиради. Заррин тўлқинларини сочиб, пишқириб оқаётган Зарафшон дарёси тарафдан эсаётган майин шабада юракни энтиктиради.

– Анави фермани кўряпсизми, мен қурганман! – деди Воқиф ғурур билан сўл тарафимиздаги сайхонликда, даланинг ўртасида қорайиб турган иморатни кўрсатиб.

Йигирма дақиқалар юриб, кейин очиқ кенглик бағрида тўхтадик. Далалар уфққа туташиб кетгудек бепоён. Ёнгинамизда ариқда тўлиб сув оқиб ётибди.

– Қаранг, бу молларни Белоруссиядан олиб келганман, икки юзта, ҳаммаси зотдор!

Қаршимизда девор билан ўралган, кўрғонча кўринишидаги кенг молхона пайдо бўлди. Майдоннинг уч жойида темирдан узун охурли бостирмалар қад кўтарган. Оппоқ, бўлиқ, тарғил сигирлар эринчоқлик билан бостирмадан чиқиб, сим тўсиқ бўйлаб ўтказилган ариқчадан сув ичиб чанқоғини қондиради. Бостирмаларнинг орқа тарафида яшил рангдаги сув минораси кўриниб турибди.

– Бундай жазирама иссиқда, яна бетонланган ерда бу бечоралар қийналиб қолмайдими? – дедим молларга раҳмим келиб. – Ҳойнаҳой, Белоруссиянинг салқин, серёгин ҳавосини, ям-яшил ўрмонлари, ўтлоқзорларини қўмсаётган

бўлишса керак? Бу шароитга кўникиши осон бўлмайди-ёв!

– Эй, балоям урмайди, ўргангани – ўрганади, ўрганмаса, ўлади! – деди Воқиф. Кейин олдига югуриб келган ўттиз ёшлардаги йигитга керакли топшириқларни берди.

– Биламан, сизга бу қизиқ эмас. Юринг, бошқа нарсани кўрсатаман, – деди мен тарафга бурилиб.

Машинамиз энди жануб тарафга қараб елиб кетди. Кўп ўтмасдан, узокдан Китобнинг сервикор тоғлари кўрина бошлади. Салқин шабада эсиб, жонга ҳузур бағишлайди. Не-не кишлоқлардан, дала ва сойлардан ўтдик. Охири бир учи тоғларга бориб қадаладиган водийга етдик. Жийда, юлғунлар ўсиб ётган овлоқрок бир жойда тўхтадик.

– Сизам писател-ку¹, танисангиз керак, анави Алишер Навоий бор-ку, шунга ўхшаб катта китоб ёзган бир поэт² бор экан, шунга мана шу ерда бир нарса қурдик.

– “Хамса” ёздим” деб юрган шоирни айтяпсизми?

– А, ана шу “Хамса” ёзган поэт шу ерда туғилган экан. Бизни хўжайинга келиб айтипти, Навоийдан сўғун мен шу ишни қилдим, деб. Ёрдам беринг, кишлоғимда площадь Хамса³ қилмоқчиман, ўлсам агар ўша жойга кўмадилар, дебди. Сейчас же, это – нима эди, анави духовностга внимание⁴ катта бўляпти. Шу учун хўжайин айтти, “Вагип, давай, ты возьмишь за это дело⁵, шуни қилайлик”, деди. Мен, “Хўп” дедим и мана шуни қурдим.

Йўл чеккасида чоғроққина майдон кўрғонланиб, мўъжазгина кўшксимон гумбаз барпо этилган, унинг саҳни ва ташқарисига кошинлар ётқизилган, гир айлантириб дарахтлар экилган, ўриндиклар ўрнатилган эди.

Шаҳарга қайтар эканмиз, Воқиф яна шу мавзуда сўз қотди:

– Давай, сизам ёзинг, қийин эмасми? Қолганини ўйламанг, хўжайинга ўзим айтаман, сизгаям, там, где вы родились⁶, площадь Хамса қураамиз. Проектини ўзим законный қиламан. Ўрус, армани, азарбайжан жўраларим бор, керак бўлса, Москвадан чоғираман, сиз кўрқманг, ҳаммаси зўр бўлади.

– Э, кўйсангиз-чи, менга ким қўйибди “Хамса” битишни, мақолани эплаб ёзолмайман-ку! – дедим унинг соддалигидан кулиб.

– Ҳа, нима, қийинми бу? Мен гаплашдим у поэт билан и ничего особенного в нем не видел⁷. Оддий одам-ку! Нима, ундан кам жойингиз борми?

– У киши бизга устоз, кўп китоб ёзган, катта жойларда ишлаган, ўзининг ёзишича, авлод-аждодида улуғ шайхлар билан туташган жойлари бор экан, қариган чоғида ният қилган бўлса, майли, буюрсин!

– Конечно, буюрсин, сиз ўзингизниям ўйланг, ана, одамлар нималар қияпти! Бизнинг ташкилотда пул кўп, давай, шу бугундан ёзишни бошланг, зўр қилиб қураамиз! Мен ўйлаб қўйдим, ўртада фонтан бўлади, унинг олдида, коп-қора постаментда сизнинг памятнигингиз туради?

– Ҳайкалми? – дедим хайрон бўлиб. – Сиз шуни ўйлаб гапиряпсизми, жўра?

– Бўлмасам-чи, бир жойда подвалда Лениннинг бюстини кўрганман, жуда бақувват ишланган, ёмғирдаям, қордаям тураверади. Шуни опкеламиз, калласини озгина ўзгартираамиз, бўлди! Эй, сиз хўп денг, зўр чиқади! Мен кўрганман, одамлар шундай қилган. Ҳа, нима бўпти, болаларингиз, невараларингиз келиб гул қўяди...

¹ Адиб демоқчи.

² Шоир.

³ Хамса майдони.

⁴ Ҳозир маънавиятга катта аҳамият бериляпти.

⁵ Шу ишга кириш.

⁶ Сиз туғилган жойда.

⁷ Унда ҳеч қандай алоҳида бир фазилатни кўрмадим.

Муртазо ҚАРШИБОЙ

– Лениннинг ҳайкалигами?!!

– Энди у сизники бўлади-да! Айтдим-ку, калласини гипс билан ўзгартирамиз, деб!

– Вақти келиб гипс кўчиб кетса-чи?

– Кўчмайди! Кўчгандаям, нима, бобом шунча китоб ёзгани учун сочи тўкилиб кетган, деб кўяверади, қийинми бу! – Кейин бироз сукут сақлаб деди: – Позолоченный буквалар⁸ билан фамилиянгизни катта қилиб ёзиб кўямиз. Одамлар фамилияга қарайди, бошингизга қарамайди.

– Шармандалик-ку бу! – дедим ҳайратдан лол қотиб. Беихтиёр Мавлоно Румийнинг сатри тилимга келди: – “Зиндаги бебандагий – шармандагий”.

– Нима дегани бу? – деди Воқиф тушунмасдан.

– Буюк шоирлардан бири шундай деган экан: “Бандаликни жойига қўймасанг, ҳаётинг ҳаёт эмас, шармандалиқдир”.

– Эй, қанақа шармандалик, замон ўзи шундай бўлган-ку, жўра! Нима, мени ҳеч нарса тушунмайди, деб ўйлаясизми? Бизам тушунамиз кўп нарса!..

– Аввало, яхши ният қилиб, Оллоҳдан умр сўрайлик. Вақти-соати етиб омонатини оладиган бўлса, бу дунёдан ёруғ юз билан, рози-ризочиликда кетиш насиб қилсин! Шу юртда яшаб турсак, бир парча ер топилар, ахир! Шунинг ўзи катта бахт, обрў эмасми? – дедим.

– Когда есть возможность⁹ фойдаланиш керак, эй, сиз қанақа одамсиз ўзи?! – деди Воқиф чинакамига хафа бўлиб. – Бир парча ер дейсиз, бошқалар гектарлаб олиб ётибди-ку!

Адабиётдан йироқ одамга гап тушунтириш қийинлигини билиб индамай кўяқолдим.

Воқиф йўл-йўлакай тинимсиз телефонда гаплашиб келди. Гоҳ русчалаб сўкинади, гоҳ ўзбекчалаб инсофга чақирган бўлади, гоҳ тожикчалаб муомалага ўтади. Катта чорраҳалардан бирида йўл хавфсизлиги ходими қизил таёқчасини кўтариб, тўхташга ишора қилди, Воқиф ўтирган жойида ойнадан бақирди:

– Эй, ишлар қандай, зўрми? Мен қайтиб келаман, бирга ўтирамиз, ништяк¹⁰ коньягим бор, бўптими, давай, оламиз кечкурун! – деди-ю тезликни оширди. – Мени яхши танийди. Билмасдан таёғини кўтариб қўйди-да, ўзи молодец бола! – деди сўнг менга қараб.

Шаҳарга яқинлашар эканмиз, қишлоғимга бормоқчи эканимни айтдим.

– Какой қишлоқ? Э, мен қудамга обещать¹¹ қилганман, обязательно¹² бирга келамиз, деганман, тушундингиз! Сиз, нима, дарров қочмоқчимисиз, ҳеч қандай. Аввал тўйга борамиз, кейин уйга келамиз, ўтирамиз, коньякнинг зўридан юзта-юзта оламиз. Энди шунча келиб бизникида ўтирмасдан кетасизми?

Келин шаҳарнинг биқинидаги қишлоққа тушаётгани учун тўй ҳам ўша ердаги икки қаватли баланд, муҳташам ресторанда ўтаётган экан.

– Қудам намозхон, кўрдингиз-ку, боя уйдаям арақ қўймади. Лекин куёв тараф, “Одамларнинг шунча арағини ичганман, агар қўймасам, булар мени уриб ўлдиради”, дебди. Қишлоғининг одамлари бўкиб, йиқилгунча ичади ўзиям, – деди Воқиф тўйхонага кирар эканмиз.

– Қудангиз ичмаса, яхши одам экан. Менам оғзимга олмайман, – дедим.

– Лекин бизникида ичасиз, боя айтдим-ку, зўр коньягим бор.

Ҳамманинг кайфияти яхши эди. Фақат тўй оёқлаб қолганида озгина дилхиралик

⁸ Зарҳал харфлар.

⁹ Имконият бор пайтда.

¹⁰ Зўр демоқчи.

¹¹ Ваъда.

¹² Албатта.

бўлди. Биз ўтирган столга ёши қирққа яқинлашиб қолган, яғриндор, Вокифни яхши танийдиган одам келиб жойлашди. Исми Барнобой экан. Анави савилдан яхшигина олгани билиниб турарди.

– Меҳмон Тошкентдан экан, энди бирга оламинг-да, – деб арақ тўла қадахни менга узата бошлади.

Ичмаслигимни айтдим.

Барнобой энди бошқача йўлга ўтди – ўрнидан туриб, чап қўлини кўксига қўйиб узатди.

– Бу қишлоқда ҳали ҳеч ким менинг қўлимни қайтармаган, қани битта, бир марта олинг, жон дўстим, кейин, майли, узрингизни қабул қиламинг. Биттани Худоям кечиради.

– Ичсам, шу пайтгача ичардим-да, кўриб турибсиз-ку, ичмайдиган одамман, – дедим.

– Ҳей, ичмайдиган одам тўйга келмайди, бўптима, қани, кўп таранг қилмасдан олинг энди, жўра!

– Мен битта гапираман: ичмайман!

– Э, бу тошкентлик чатоқ экан-ку, ҳей, бу ер – Самарқанд, Самарқанд сайқали рўйи заминаст, Амир Темурнинг пойтахти, билдингизма?! Тошкентингизда қиласиз у гапларингизни, бу ерда найранг кетмайди! Бу ерда честный¹³ бўлиш керак, честный! Энг зўр ичувчилар шу ерда, қани, гапни айлантормасдан олинг!

– Оғайни, яхши одам экансиз, майли, бир уриштириб бераман, – деб унинг сазаси учун чўқиштириб, идишни яна столга қўйдим.

– Э-э-э, унақаси кетмайди, жигитти шери бундай қилмайди. Олинг, олинг-да энди, одамни роса хит қилиб юбордингиз-ку!

Сал нарида қараб турган Вокиф ахийри чидаёлмасдан бу можарога қўшилди:

– Эй, Барнобой, жўра, менга қара, меҳмон ичмайди, нима қиласан мажбурлаб. Ичкинг келса, қуй, мен ичаман!

– Сен аралашма, мен меҳмон билан гаплашяпман. Тепақишлоққа келиб ҳали ҳеч ким ичмасдан кетмаган, билдингизма? Ҳеч ким менинг қўлимни қайтармаган. Сен билан кўп ичганмиз, менга меҳмон билан ичиш қизиқ. Меҳмон, Тошкентда юстиция вазирлигида жияним ишлайди, зўр жигит, бутилкаси билан кўтаради. Тошкентликлар ҳам ичишни қотиради, демоқчиман-да, билдингизма! Келинг энди, шунинг олинг!

Вокиф унинг қўлини силтаб ташлади ва бу гал қаттикроқ бақирди:

– Мен сенга ўзбекча айтяпман: меҳмон ичмайди, деяпман! Бу сенинг жиянингмас, галварс! Нима қиласан бошқаларни бу гапга аралаштириб!

– И-и-ичади, де-е-димма, и-и-чади! – деди Барнобой борган сари кайфи ошиб.

– Ичмайди!

– Ичади!!!

– Ичмайди!

– Ичади!!!

– Мен сенга деяпман: ичмайди, тамом-вассалом! Сен ўзи кимсан, қўлингдан нима келади?

– Ҳей, эрони, сен аралашма, бу ерда мен хўжайин, билдинг-ма, и-и-ичади де-дим-ма, и-и-ичади!

– Ким эрони, аблах?! Чиқ бу ёққа!

Вокиф Барнобойнинг бўғзидан олиб, бир силтаган эди, ерга кулаб тушди. Тўйхона гангир-гунгир мусиқа, рақси само, ғала-ғовур ичида ўзи билан ўзи овора эди. Жанжални биров сезгани ҳам йўқ.

– Юр, ташқарига чиқиб, эркакча гаплашамиз! – деди Вокиф Барнобойни елкасидан силтаб турғизар экан.

¹³ Тўғри бўлиш керак демоқчи.

Муртазо ҚАРШИБОЙ

– Жўра, илтимос, кўйинг, бировнинг тўйида маст одам билан пачакилашиб ўтирманг. Қудангизнинг обрўйини қилинг, бечора катта умид билан қиз узатяпти. Ўзи вақт ҳам бўлиб қолди, секин қайтамиз, – дедим Вокифни ғазабидан тушириш учун.

Барнобой яна столга ўтириб, қадахни қўлга олди.

– Меҳмон, ке-етманг, и-и-ичамиз! Мендан ўтган бўлса, у-у-у-зр-а, лекин!.. Жи-и-я-ним-минан таништириб қўймоқчий-ди-м,– деб бошини қуйи ташладию жим бўлиб қолди.

Йўлга чиқдик.

– Кўрдингизми, ҳозир одамлар шундай бўлиб кетган, культура¹⁴ деган нарса йўқ, – деди Вокиф.

– Одамлар айбдор эмас, гап йиллар давомида улар учун тўйдан бўлак эрмак бўлмаганида. Ҳамма фақат тўйда яйрагиси келарди-да! Шунинг учун мустақил бўлганимизга беҳисоб шукрлар дейишимиз керак! – дедим дўстимнинг кўнглини кўтариш учун.

Вокифнинг уйига келиб, коньякдан бир-икки қўл олганимиздан кейин, у яна “Ҳамса” ҳақида гап очди:

– У ўзи қанақа китоб?

Мен Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асари, Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Шириннинг севгиси, шоир дostonларидаги ҳикоятлар ҳақида гапириб бердим. Сўз шоҳ Искандар ва унинг ўлими ҳақида кетганида, Вокиф ҳаяжонланиб ўрнидан туриб кетди.

– Эй, қандай қилиб шуларни билмай юрибмиз-а, бу – даҳшат-ку!

– Мана, кўрдингизми, сизнинг қонингизда тарихга, адабиётга қизиқиш бор. Бекорга сизга Вокиф деб от қўйишмаган. Вокиф – буюк озарбайжон шоири, биласиз-а? Бу исмни сизга ким қўйган?

– Бобомнинг оти – бу. Отам, “номи, хотираси унутилиб кетмасин” деб менга шу исмни қўйган экан.

– Бобонгиз ким бўлган?

– У киши анави бор-ку, в начале двадцатого века¹⁵ мактаблар очди, китоблар чиқарди... Нима дейди, ҳалиги?..

– Ҳа, жадидларми? Бобонгиз уларга алоқадорми?

– Вот это же есть¹⁶, – деб Вокиф яна чайналишни бошлади, – кўп тилларни билган, китоблар ёзган, болаларга дарс берган, сўғун Сибирга сургун қилинган...

– Сайидризо Ализодами?

– Ҳа, ана, ўша одамга жўра бўлган бобом. Кейин у кишиниям репрессия қилганлар, қабри қаерга – билмаймиз. Тоже восточный¹⁷ тиллардан дарс берган экан.

– Балки шеърлар ҳам ёзгандир? Қизиқиб кўрмадингизми? Зотдор молларни излаб Белоруссиягача борибсиз, лекин бобонгизнинг изини қидириш хаёлингизга ҳам келмабди-да, – дедим кайф устида жиндақ қизишиб. – Ҳатто бобонгизнинг исминиям бузиб, “Вагип”га айлантириб олгансиз. “Вокиф” сўзи ҳамма нарсадан хабардор деган маънони билдиради. Улуғ исм! Шунинг учун Вагип эмас, Вокиф бўлинг!

– Бу гапингиз тўғру, – деди Вокиф бўйинини эгиб. – Шу йил отпуска олсам, архивга бориб, бир қидириб кўраман, у-бу нарсалар сақланиб қолган бўлса керак.

– Биргалашиб излаймиз, албатта нимадир топилади.

¹⁴ Маданият демокчи.

¹⁵ Йигирманчи аср бошларида.

¹⁶ Анави бор-ку..

¹⁷ У кишиям шарқ тилларидан дарс берган, демокчи.

– Сиз Ализодани биласизми? – деди Воқиф борган сари кизиқиши ортиб.

– У киши ҳақида ўқиганман. Катта аллома бўлган.

Кейин унинг тақдири ҳақида қисқача гапириб бердим. Ўша манзаралар бир-бир кўз ўнгимдан ўта бошлади. Россиянинг Кемерово вилояти, Ўртасибирь ўлкасидаги овлоқ камокхона. Қаҳратон қиш, одамнинг суя-суягидан ўтиб кетадиган даражада аёз забтига олган. Ўттиз ёшлардан ошган лагерь бошлиғи маҳбусларнинг шахсий ҳужжатлари билан танишиб ўтирибди. Кутилмаганда Сайидризо Ализоданинг НКВД жосуслари томонидан тўқиб-бичилган “номаи аъмоли”ни кўлига олиб, биринчи саҳифадаги маълумотларга – “Араб, форс, турк, инглиз, рус, француз, немис, иврит, ҳинд тилларини билади”, деган сўзларга кўзи тушади. Қаттиқ ҳаяжондан ўрнидан туриб кетади ва ўша жилдни яна кўлига олиб, “иврит” деган сўзга қайта-қайта нигоҳ ташлайди. Наҳотки ота-боболари тилини ўрганишдек ушалмас бўлиб туюлган бир умрлик орзусини амалга ошириш айнан мана шу камокхонада насиб этиб турган бўлса?

– Маҳбус Саидризо Ализодани олиб келинглар! – деб буюради эшик ортида турган хизматчиларга.

Олтмиш ёшлар чамасидаги ўртабўй, истараси иссиқ, қотмагина Ализода остонада пайдо бўлади.

– Салом, марҳамат, киринг, ўтиринг! – дейди лагерь бошлиғи. Алюмин идишга чой куйиб, икки дона қанд ташлайди ва яхшилаб аралаштириб, домлага тутлади. Кейин оҳиста сўз бошлайди: – Сиз иврит тилини билар экансиз, шу ростми?

– Ҳа, шундай, – дейди Ализода секингина.

– Мен жухуд фарзандиман, лекин шу пайтгача ота-боболарим тилини билмасдан келдим. Бу менинг бағримни эзадиган энг катта дардим, армоним эди. Агар менга устозлик қилсангиз, ўз она тилимни ўргансам, сиздан бир умр миннатдор бўлардим. Токи болаларим ҳам мендан бу тилни ўрганиб, келгусида ҳақиқий бани Исроил фарзандлари бўлиб яшасин, ўз тили, миллати билан фахрлансин. Бугундан бошлаб сиз менга устоз, мен эса сизга шогирдман. Сизга бу ерда кўлимдан келадиган нимаики ёрдам бўлса, қилишга ваъда бераман.

Ализода домла рози бўладилар. Шу тариқа ҳар куни тунги пайт иврит тилидан дарс ўтадилар. Сабоқлар давомида доимо она шахри Самарқанд эсланади. Иврит тилидаги сўз ва ибораларни ўргатар экан, “Буни бизнинг тилимизда бундай дейдилар, улуғ шоиримиз Алишер Навоий ушбу сўзни бундай ишлатганлар” ёки “Бизнинг юртимизда қадимдан яшаб келган бухорий жухудлар тилида бу сўз мана бундай шаклда сақланиб қолган” каби изоҳларни ҳам бериб кетади. Шу тариқа лагерь бошлиғи иврит тилини ўрганиш билан бирга ўзбек халқини, Алишер Навоийдек буюк мутафаккир боболаримизни, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ҳам кўнглига яқин олиб, яхши кўриб қолади. “Замон кўтарса, ана шу улуғ халқни, табаррук юртни бориб тавоф қилардим. Улар туфайли она тилим сақланиб қолибди ва мен уни ўргандим”, деб чин дилдан миннатдор бўлади.

– Сиз иврит тилини қандай ўргангансиз? – деб сўрайди “шогирд”

– Бизнинг динимизда ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом жаноблари томонидан қолдирилган кўрсатмалар, ибратли амаллар бор, биз уларни “ҳадис” ёки “суннат” деймиз. Ана шу ҳадисларда, “Хитойгача бориб бўлсам илм ўрганинглар”, дейилади. Яъни, илм кимнинг кўлида экани, кимга хизмат қилаётганидан қатъий назар, мусулмон учун ўрганиш фарз қилинган амалдир. Бундан илм-маърифат Оллоҳ таолога тегишли, илоҳий неъмат, уни қанча кўп ўргансак, Яратганга шунча яқин ва суюкли бўламиз, деган хулоса чиқади. Шунинг учун бизнинг улуғ алломаларимиз дунёдаги барча билимларни ўрганиш, тўплаш ва тадқиқ этишга жуда катта эътибор берганлар. Бизлар туғилиб-ўсган Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиққан, асл исми Муҳаммад ибн Аҳмад бўлган Абу Райҳон Беруний дунё халқларининг тиллари, тарихи ва маданиятини чуқур ўрганиб,

махсус китоблар ёзган. Алломаларимиз меросида иврит тили ҳақидаги китоблар ҳам кўп. Мен уларни ўқиб, бу тилни ўргандим. Оллоҳ таоло вожиб қилган амални бажардим, холос. Ана шу омонатни энди сизга топширяпман, илойим, фақат яхшиликларга ишлатинг.

Домла дарсни тугатиб, ўзи учун белгиланган баракка қайтиб кетгач, лагерь бошлиғи она тилидаги сўз ва ибораларни такрор ва такрор қайтариб, уларнинг бағридаги қадимий оҳанг, ҳикмат ва маъноларга, товушлар жарангига маҳлиё бўлади, шундай буюк бойликни қалбида асраб-авайлаб келган туркистонлик маърифатпарвар олимга таҳсин ва тасаннолар айтади.

Лагерь бошлиғининг ёрдами билан ўзбекистонлик аллома оиласи, фарзандлари билан хат-хабар алмашиб туради. Оғир касалликка чалиниб, вафот этганида ҳам, ул зотдан яхшилик кўрган инсонлар уни алоҳида қабрга иззат-икром билан дафн этадилар.

Ана шу ғамгин ҳикоядан сўнг Воқифга қараб дедим:

– Ким билади, балки сизнинг бобонгизнинг қабри ҳам қаердадир аниқ белгилаб қўйилгандир?..

– Қани эди шундай бўлса, – деди Воқиф секин “уф” тортиб.

Тошкентга келиб ўша давр тарихини биладиган олимлар, мутахассислардан сўраб кўрдим. Улар жадидчилик катта ҳаракат экани, ўша пайтда унга эргашганлар кўп бўлгани, лекин барчаси ҳозиргача тўла-тўқис ўрганилмаганини айтишди. Вилоятнинг ўзидаги архивларни суриштириб кўриш зарурлиги ҳақида тавсия беришди.

Янги йил арафасида яна Самарқандга йўлим тушди. Шаҳарга яқинлашганимда Воқифга телефон қилдим.

– Келаверинг, гап бор, Мирзо Улуғбек ҳайкалининг олдида кутиб оламан, – деди.

Айтилган жойда кўришдик.

– Нима янгиликлар бор, Вагип? – дедим атайлаб жиғига тегиш учун.

– Биринчидан, Вагип эмас, Воқифман, мана, паспортимда ҳам шундай деб ёздирдим, – деди у. – Иккинчидан, бобом ҳақида у-бу нарсаларни аниқладим, кетдик, кўрсатаман.

Шаҳардаги Саидризо Ализода маҳалласига бордик. Бу ерда аллома яшаган хонадонда уй-музей қилинган экан. Бир суратда Ализода сафдошлари, шогирдлари билан бирга турарди.

– Ана, кўряпсизми? – деди Воқиф. – Ўнг тарафда энг чеккада менинг бобом турибди. Ализодадан кейин бобомни ҳам олиб кетишган. Судсиз-сўроқсиз Россиянинг Кемерова вилоятидаги лагерьга жўнатишган. Ўша ёқда сил касаллигидан ўлиб кетган экан. Лекин қабри ҳақида ҳеч қандай дом-дарак йўқ. Бу гаплар аниқ бўлганидан кейин кўй сўйиб, маҳалладан уч-тўртта оқсоқолни чақириб, бобомнинг хотирасига худойи қилиб юбордик.

Ташқарига чиққанимиздан сўнг Воқиф ғамгин ҳолда суҳбатни давом эттирди:

– Илгари ҳамма Вагип, Вагип, деб чағирарди, буни оддий ҳолдек қабул қилардим. Энди Воқиф дейишса, елкамдан қандайдир оғир юк босаётгандек, юрагим бошқача бўлиб кетади. Яқинда набиралик бўлдим, отини Воқиф қўйдим. Мен бир умр Вагип бўлиб яшадим, энди у ҳақиқий Воқиф бўлсин. Катта бобосининг ишини давом эттириб, халққа илм-маърифат билан сидқидилдан хизмат қилсин!

Мен дўстимни бағримга босиб, табриклардим.

Үір-пакет

Кўшшабой одатдагидек уйига кириши билан хотинини сўради.

– Вой, дадаси, келдингизми, ассалому алайкум, мен шу ердман! – деди Мастура ичкари хонадан югуриб чиқиб.

– Шунча гапирган билан бефойда сенга, қачон қарама, шу лаънати телефонга ёпишганинг, ёпишган, – деди Кўшшабой биров асабийлашиб.

– Опа, куёвингиз келиб қолди, – деди Мастура қўлидаги телефонни оғзига тутиб, сўнг эрига юзланди: – Дадаси, сизга салом айтяпти опам. Ўзи ҳозиргина бошладик, озгина қолди, тугатамиз, сиз бемалол чойингизни ичиб тулинг. – Кейин қизи Маржонага отанга қара, дегандек ишора қилди.

– Қанча бўлди гаплашаётганига? – деди Кўшшабой қизига.

– Ярим соатча бўлиб қолди.

– Ҳали “хайр” дегани йўқми?

– Йўқ.

– Ҳали минг марта “хайр” дейди, “хайр” деганидан кейин ҳам яна қанча гаплашади.

Ичкаридан Мастуранинг, “Хайр, опа, бўлмасам”, деган сўзлари эшитилди.

– Ана, айтди, – деди Маржона.

– Бу – ҳали давом эттирамиз, дегани. О, Яратган Эгам, ўзинг сабр бер! – деди Кўшшабой оғир “ух” тортиб, ювиниш хонасига кирар экан.

Мастуранинг овози янада баландроқ эшитила бошлади:

– Ҳай, опа, шошманг-да, анави Шоиранинг туғилган кунига бордиларингизми? Қаерда ўтказди, ресторандами? Икки қаватли ресторанми? Иккинчи қаватида ўтирдиларингизми? Одам кўп бўлдимми? Қанақа овқатлар бўлди? Салатлар ҳам кўп бўлгандир?.. Пишириклар-чи? Катта торт дейсизми, неча килолик экан? Цехникими ёки домашнийми? Артистлар ҳам келдимми? Неча киши келди? Тошкентдан ҳам келди, дейсизми, вой, кимлар борди? Озодбекнинг шогирди эканми? Ўйнадиларингизми? Вой, қандай маза! Келинингизиям олиб бордингизми? Совғага нима бердингиз? Турецкий сумкачами? Қимматдир? Ҳа, турецкийлар қиммат бўлади-ку! Эрининг ишга кирганини ҳам шунга қўшиб ювдимми? Ҳеч ҳал бўлмайти, деб нолиб юрган экан-ку, қандай кирибди ишга? Йўлини қилгандир-да! Кўкидан беш донагина берибдимми? Аввалдан шуни қилиб қўяқолса бўлмасмикан. Ҳозир шусиз иш битармиди?..

Хўп бўлмаса, хайр, ҳаммани сўранг, соғ бўлингизлар! Телевизорнинг овози келяптими, опа, нима бўляпти? Ҳа, “Муҳташам юз йилми?” Мустафони ҳали ўлдирмадимми? Отаси ўлдирадими? Вой, қандай даҳшат, ўз боласини ўлдирса-я! Тарихда ростданам шундай бўлганмикан ўзи? Вақтим бўлса, менам кўрардим. Ким йиғляпти, Моҳидавронми? Ўғли билан бирга яшаяптими? Мустафо уйланыптими? Отасидан берухсат уйланыптими? Жуда қизиқ жойига келибди-да!

Шу ерга келганда Кўшшабой чидаб туrolмади:

– Ана, телевизор турибди-ку, номард, бошқадан сўраб ўтирмасдан, ўзинг кўрсанг ўласанми? – деб бақирди.

Мастура эрига бир қараб, юзи бўзарди-да, яна суҳбатни давом эттирди:

– Ҳа, куёвингизнинг биров жаҳли чиқяпти, ишдан чарчаб келган-да. Майли бўлмасам, опа, мен у кишига қарайин, ҳаммага салом айтинг, хайр! Зарбуви холамниям сўранг. Ҳа, айтгандай, сигири касал бўлган, деб эшитувдим, яхши бўлиб кетдимми? Бу касал ўзи нимадан бўлар экан? Товуқдан юқарканми? Нечта

товуғи бор холамнинг? Вақтида сўйиб қуритмаган экан-да! Сиздаям товук бор-ку, эҳтиёт бўлинг. Тухум қияптими ўзи? Болаларга эрталабки нонуштага яхши-да! Ҳа, ўзингиздан чиққанига нима етсин. Ҳовлини тўзитиб ташламайдими, ишқилиб? Ҳа, катакда ётса, кўп тўзитмайди. Лекин шамоллатиб туриш керак-да! Ҳа, эрталаблари бир-бир чиқариб оласиз-да! Кўчангиз кенг-ку, нарги тарафи дала, ўша ёққа қараб хайдасангиз ҳам бўлади. Майли, опа, сизам кинонгизни кўринг бўлмасам, хайр!

Ҳа, айтгандай, Хуррамнинг ролини бошқа артист ўйнаётганмиш, деб эшитдим. Марям Узрли зўр ўйнаётган эди-ку? Нимага кетиб қолган экан? Пул устида жанжал бўлибдими? Эри бор эканми ўзи? Қандай гўзал аёл-а? Юзини операция қилдирибдими? Ўзи табиий гўзал эди-ку! Пул кўп бўлганидан кейин ҳар нарса қилади-да! Ўзимизнинг артистлар ҳам бинойидек юзини операция қилдириб, бир балога ўхшаб юрибди-ку! Ҳа, Марям Узрли Германияда яшар эканми? Туркчани биларканми? Билмас эканми? Буниси қандай ўйнапти? Барибир Марямга етказолмайди-да! Поччам ҳам кўряптими? Эркаклар унча қизикмайди ўзи бунақа нарсаларга. Куёвингиз ҳам ишдан келганидан, “Ўчир ёки бошқасига ол”, дейди. Лекин бу ёғи жуда зўр бўлса керак-а?

Тақинчоқлариям жуда зўр-а, опа! Моҳидавроннинг сирғасини қаранг! Сиздаям шунга ўхшашроғи бор эмасиди? Ҳа, бувим совға қилган. Иморат курганларингизда сотиб юбордингизми? Бекор қилган экансиз-да, шундай гўзал нарсани-я!

Бу орада Қўшшабой ошхонага ўтиб, болалари билан бирга тамадди қилишга тугинди. Девордаги катта телевизорда ўша танноз – Хуррам. Беихтиёр бошқа тугмачани босди, ҳамма ёқда телесериал. Одамзод коронавирусдан қутилиши мумкин, лекин телесериалдан халос бўлиши мушкул, деган ўй кечди кўнглидан.

– Ойингни чақир, шунча гаплашгани етар, – деди ўғли Бўронбойга. Кейин секин кўшиб қўйди: – Эй, шу телефонни чиқарганиям!..

Мастура телефонни қўлидан қўймасдан гапини давом эттирганича кириб келди:

– Майли, опа, қолган гапларни кейин гаплашамиз, ўзим телефон қиламан. Ҳа, айтганча, кейинги пайтда ошқозоним оғрийдиган бўлиб қолди. Нима дори ичсам бўлади? Пойтахт бўлганиминан врачларнинг ҳаммаси бир гўр, бу ердагилар кўп нарсани билмайди. Ҳай опа, “Ҳаммаси бир гўр”, деб сизни хафа қилиб қўймадимми, ишқилиб? Кечиринг, опа, билмасдан оғзимдан чиқиб кетди-я! Йўқ, йўқ, сизни сира хаёлимга келтирганим йўқ. Шу ердаги ўзимизнинг шифокорларни айтмоқчи эдим-да, кўнглингизга олманг, хўпми! Хайр, опажон, билмай хафа қилиб қўйган бўлсам, кечиринг, ҳозирча хайр!

Сўнгра эрига қараб гина оҳангида деди:

– Битта-ю битта опам бор, шу билан ҳам гаплашгани қўймайсиз. Ана, билмасдан, у кишини хафа қилиб қўйдим. Энди нима қилдим-а, кўнгли жудаям нозик опамнинг.

– Шунинг учун кўп валдирамасдан камроқ гапириш керак. Тилнинг суяги йўқ, дейдилар, вайсайвергандан кейин бирда бўлмаса бирда кишининг кўнглига тегадиган номаъкул гап чиқиб кетади-да! Гаплаш, беш дақиқа гаплаш, майли, ўн дақиқа гаплаш, лекин инсоф билан-да, хотин, икки соатлаб ҳам гаплашадими одам? Бу телефон ўлгур ёрилиб, портлаб кетмаганига хайронман! – деди Қўшшабой зарда қилиб.

– Доим шунақа қиласиз, одамни гаплашгани қўймайсиз. Ахир, атайлаб VIP-пакетга уланиб олганман. Лимитим кўп, қанча гаплашсам ҳам пул кетмайди, шунча лимитни ишлатишим керак-ку, бўлмаса куйиб кетади!

– Пул кетмайди, деб икки соат гаплашмайди-ку, одам! Лимитим куймасин деб мени куйдирасанми, аҳмоқ! Тугайди, VIP-пакет ҳам тугайди бир куни. Айни керак

пайтда узилиб қолса нима қиласан? Кейин бу матоҳни бунча узоқ кулоққа босиб туриш соғлиққа зарар-ку! Гаплашадиган бўлсанг, фойдали нарсалар ҳақида гаплаш! Мана, сув идораси, газ идораси, иссиқлик корхонаси, “Тез ёрдам”, фавқулодда вазиятлар деган нарсалар бор. Шуларнинг телефони борми VIP-пакетингда, йўқ-ку! Уста керак бўлиб қолса, дарров ўрис кампирникига чошиб борасан, телефонини сўраб. Нега ўзинг ёзиб қўймайсан?! Аввало, сенинг фойданга, болаларингга хизмат қилса, у ҳақиқий VIP-пакет бўлади, тушундингми? Мана, мен бир ҳафтада бир марта ҳам қўлимга олмайман шу матоҳни, бир жойим камайиб қолгани йўқ-ку!

– Бегона эмас, опам билан гаплашдим-ку, дадаси! – деди яна Мастура бўш келмасдан.

– Илгари одамлар деворнинг ҳам қулоғи бор, деб бир сўз айтишга минг истиҳола қиларди. Энди кўзи, қулоғи бор нарсани кўрса, шунга ёпишадиган бўлиб қолди. Ор-номус, андиша деган нарса қолмади. Ота-онасига, яқинларига ишонмаган гапини телефонга, интернет деган балога ишонади. Оиладаги маҳрам гапларни ҳам бошқаларга дастурхон қилади.

– Битта телефонда гаплашганимга шунча ота гўри – қозихонами, дадаси! Бўлди, энди гаплашмайман, қутулдимми?! Яхшиси, телевизорни кўйинг, анави Хуррам жодугарни кўрайлик.

Кўшшабой тугмачани босди, аксига олиб фильм ҳам тугаб, навбат рекламага келган экан.

– Ана, сизнинг дастингиздан кино ҳам кўролмайман! – деди Мастура.

– Э, ана, саломатлик ҳақида кўрсатув бошланди, кел, бирга кўрамиз, бу – фойдали. Ҳар куни белим оғрийди, ошқозоним оғрийди, деб жаврайсан, шифокорларнинг фикрига ҳам бундай қулоқ солиш керак-да! – деди Кўшшабой.

Шу пайт Мастуранинг телефони жиринглаб қолди.

– Дадаси, опам, мен бемалол гаплашиб олай, хўпми? Сиз мириқиб чой ичиб ўтиринг.

– Сенга кино кўришнинг нима кераги бор, опанг ҳаммасини айтиб беради, қара, сабри чидамасдан телефон қияпти. Кеча-ю кундуз маст бўлиб аллақерларда санғиб юрадиган майпараст ўғли билан иши йўқ, лекин шаҳзода Мустафо деса, ўзини томдан ташлайди.

Мастура, “Ҳа, опа, яхшимисиз, кинони кўриб бўлдингизми?” деганча яна ичкари хонага ўтиб кетди. У ёқдан баланд овозда гапиргани эшитилиб турарди:

– Нима бўлди, опа, Мустафо ҳали тирикми? Султон Сулаймон Хуррамни ҳайдаб юбордимми? Ўзи касал бўлиб ётибдимми? Ажаб бўпти! Энди саройда тинчлик бўлса керак-а? Моҳидаврон нима қилар экан? Ўзиям бўш аёл экан-да, илоннинг бошини эртароқ янчиб ташласа-ку, бундай кунлар йўқ эди. Ҳа, тўғри айтасиз, унда кинонинг қизиғи қолмас эди. Балки Мустафо тирик қолар? Барибир ўладими? Лаънати Хуррам қайтиб келадими? Султон Сулаймонга ҳам қойил қолмадим-да, битта хотиннинг макрига шунча алданиш мумкинми? Энг яқин дўсти Иброҳим ўлди – кўзи очилмади, онаси, сингиллари хийланинг қурбони бўлди – кўзи очилмади, энди жонидан азиз ўғли Хуррамнинг тузоғига илиниб турса ҳам ҳеч нарсадан беҳабар, сўқир, қар бўлиб ўтирибди.

Телевизордаги гаплар ҳам ёқмади. Кўшшабой кўк чойдан кейин бўшашиб, диванга чўзилди.

Қизи Маржона оҳистагина ёнига келиб тўхтаганини сезиб, бошини кўтарди:

– Ҳа, она қизим, гапинг бормиди?

– Поччам икки-уч кунга сафарга кетган экан. Шунга опам, “Бўронбой иккалангиз

Муртазо ҚАРШИБОЙ

келиб турсаларинг, кечаси кўнглим тинч бўлади”, деган эди. Майли, десангиз...

– Ўзи келақолмабди-да, – деди Қўшшабой.

– Уйиниям қаровчисиз ташлаб кетгиси келмаяпти-да, “Биринчи қават, ҳар хил одам бор”, дейди.

– Унда, майли, юринглар, баҳонада мен ҳам тоза ҳавода айланиб келаман, – деди Қўшшабой.

Мастура ҳали ҳам опаси билан гапини давом эттирарди. Қўшшабой йўлакка чиқиб бақирди:

– Ҳой, бўлди, тугатақол энди! Эшикни ёпиб ол, мен болаларингни катта кўчанинг бўйидан кузатиб келаман.

Тўнғич кизи Салима кўшни мавзеда туради. Оралари бир чақиримдан сал кўпроқ. Қўшшабой болаларини катта кўчадан ўтказиб, хотиржам бўлди-да, секин уйига қайтди. Кўчада машиналар оқими анча пасайган, кўпқаватли уйлар олдида яккам-дуккам одамлар кўзга ташланиб қолади. Кўкда юлдузлар ғужғон ўйнаб, хаёлни тортади. Бундай ҳавода сайр қилиб, кишининг баҳри дили очилади. Сўнги пайтларда, ёши улғайиб бораётгани сабаблими ёки таътилга чиқмасдан узлуксиз ишлаганлари таъсиримикан, кечга бориб боши зилдек оғрийдиган, қон босими кўтариладиган бўлиб қолган. Ишдан чарчаб келганидан кейин ҳеч нарса ёкмайди. Хотини бояқиш ҳам аччиқ-тиззиқ гапларини эшитавериб, безиллаб қолган. Нима қилсин, бошқа шаҳарда мусофирчиликда яшаганидан кейин қариндош-уруғини соғинади-да! Шундай пайтда анави VIP-пакети кунига ярайди. Унинг ҳам билгани-билган. Ана шундай ўй-хаёллар билан кўнглидаги ғашлик бироз аригандек бўлди.

Хотини яхши кайфият билан қарши олди.

– Дадаси, суюнчи беринг, эртага меҳмон келяпти, Тошкентда яшайдиган жияним бор-ку, ўша оиласи билан бирга келяпти!

– Келсин, келсин, меҳмон – атойти Худо, VIP-пакетинг ҳам бироз дам олади, – деди Қўшшабой ҳазил аралаш.

– Йўқ, дам олаётгани йўқ, ҳалиги... Танийсиз-ку, дугонам Марҳабо билан гаплашяпман. Марҳа, ҳа, Қўшшабой ака келиб қолдилар, – деб ичкарида яна суҳбатини давом эттирди Мастура. – Каттамит шундоқ ёнимиздаги кварталда туради, турмуши яхши. Икки яшар қизчаси бор. Уч хонали квартирада туришади. Куёвми, прокуратурада ишлайди... Машинаси бор, мокрий асфальт рангида. Оралари яхши, ҳали бирон марта гап қочгани йўқ. Илойим, доим шундай бўлсин!..

“Бу нодон шахсий ҳаёти ҳақида бировга ҳисобот беришдан чарчамайди”, деди Қўшшабой яна кайфияти бузилиб:

– Ҳой, сендан биров қизингнинг ҳаёти ҳақида маъруза сўраяптими, нима қиласан гапни кўпайтириб? Айтадиган дардинг бўлса, шартта айт, кўй-да! Нима, шу гапларинг учун гонорар оласанми? – деди хотинига ёвқараш қилиб.

– Майли, дугон, мен бу кишига қарайин, кейин бафуржа гаплашармиз, а? Хафа бўлмайсиз-да, энди...

– Ана, хафа қилдингиз дугонамни! – деди сўнг эрига зарда билан.

– Хафа бўлса, ундан нарига! Мен ўз уйимда ўзим истагандек яшашни хоҳлайман. Телефонда қандай гаплашиш кераклигини билсин! Билмаса, ўргатиш керак. Аҳмоққа кўшилиб аҳмоқ бўлиб яшаш жонимга теккан!

Қўшшабой ювиниб, ётишга тайёрлана бошлади.

Бу орада Мастура қизи Салимага кўғироқ қилиб, укалари қандай етиб борганини сўради, кечаси эшик-деразаларни беркитиб, ҳушёр бўлиб ётишларини тайинлади.

Тўшакда ётиб озгина китоб ўқишга чоғланган Қўшшабойнинг яна хаёли

бузилиб, кўнгли ғашланди. Хотини ёнига чўк тушиб, оҳистагина сўради:

– Дадаси, сиз бемалол ётиб дам олаверинг, мен бирров интернетга кириб чикмоқчиман. Ҳалиги кинонинг давомини кўрсам, дегандим. Мустафони қандай ўлдиришларини жудаям билгим келяпти. Опам “Бу ёғи ниҳоятда қизиқ бўлади, шуни кўрмасанг, сен қанақа одамсан ўзи”, деяпти. Султон Сулаймон ҳам оғир бетоб бўлиб, хушидан кетибди. Шунча давлати кимга қолар экан – бу ёғиям қизиқ-да!

– “Киношунос” опангнинг ўзи айтиб берақолмадимми? – деди Қўшшабой ўсмоқчилаб.

– Қизиқсиз-а, дадаси, эшитган – бошқа, кўрган – бошқа-да! Кўп ўтирмайман, фақат энг қизиқ жойларини кўраман, холос, майлими?

– Шу билан шохинг чиқадиган бўлса, кўравер, – деди Қўшшабой тескари ўгирилиб ётар экан. – Эрингнинг аҳволи билан ишинг йўқ, кинодаги одамлар сен учун муҳим.

Нимагадир ҳеч ухломлади. Вужуди таскин топмасдан, тинимсиз у ёқдан, бу ёққа ағдарилар, боши чўян қиздириб босгандек лўққиллаб оғрир эди. Секин бошини кўтариб қаради: ошхона тарафдан бир тарам нур йўлакка қадалиб турар, афтидан хотини ҳали ҳам ухламаган эди.

– Ҳой, менга қара, аяси! – деди Қўшшабой.

Ошхона тарафдан миқ этган садо бўлмади.

– Ҳой эшитяпсанми, менга қара, дедим сенга! – деди кейин овозини кўтариб.

– Ҳа, дадаси, нима бўлди? – деди Мастура югуриб келиб. – Вой-бўй, юзингиз бунча қизариб кетган, нима иссиғингиз борми? Яна қон босимингиз кўтарилгандир-да!.. Мен сизга доим айтаман-а, кўп сиқилманг, соғлигингизни асранг, ишдаям ўзингизни ўтга-чўққа ураверманг, фақат сиз ишлайсизми, маош олиб, лўққа-лўққа ютиб юрганидан кейин бошқалар ҳам ишласин-да, деб. Ҳеч гапга қулоқ солмайсиз. Ҳозир опамга телефон қилиб сўрайман, нима қилиш кераклигини дарров айтади.

– Опангга бало борми шу пайтда, “Тез ёрдам”ни чақир, бўл тезроқ!

– Нима деяпсиз, билмайсизми, опам – олий маълумотли врач, бирор жойда тайинли ишламаган бўлсаям “от” и “до” ҳаммасини билади.

– Қон босими доимий кўтарилиб турса, дастакдан опасининг овози эшитилди. – бу сурункали чарчоқ, сурункали сиқилишдан. Бу билан ҳазиллашиб бўлмайди, дарров врачни чақиринглар, юракка нагрузка бериб қўямасин тагин...

Опасининг гапи узилиб қолди.

– Телефонининг ҳалиги... Пули тугабди, дадаси, худди атайлаб қилганда-я! – деди Мастура шашти пасайиб.

– VIP-пакет деб мақтанаётган эдинг-ку, ана, керак пайтда панд бердим, боя нима дегандим сенга, техника барибир техника-да? – деди Қўшшабой ишонқирамасдан.

– Иш кўп, таниш-билиш, қариндош кўп, буёқда болаларингиз билан ҳар куни неча марта гаплашаман, тугайди-да!

– Ҳа, ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди.

– Сизнинг телефонингиз қаерда?

– Мен икки ойдан буён кўлимга ҳам олмаганман. Ҳа, ана, уй телефонида қилақол, модадан қолган бўлсаям корингга яраса бўлди-да!

– Уйнинг телефонига олти ойдан буён пул тўламаймиз, АТЭсдан қарзларинг бор, деб узиб қўйишган. Бундай бўлишини ким билибди дейсиз! Аксига олиб болалар ҳам опасиникига кетиб қолганини қаранг! Йўқса, дарров анави “килик” деган садағанг кетайинни пул ташлаб, ишга солиб берарди.

– Бўлмаса, қўяқол, анави дориларингдан берсанг ўтиб кетар...

Муртазо ҚАРШИБОЙ

– Йўк, дадаси, эшитдингиз-ку, опам нима деганини! Врач чақирмасаларинг бўлмайди, деяпти.

– Унда бор, қўшни кампирникидан қўнғироқ қилиб кел, бошқа илож йўк.

– Ўлгундек инжиқ хотин. Соат ҳам ўн иккига яқинлашибди, эшигини очмасаям керак. Ўзингиз яхшимисиз, ишқилиб? Вой-бўй ҳали ҳам ёниб ётибсиз-ку! Шошманг, деразани очайлик, уйга тоза ҳаво кирсин. Қон босимини туширадиган дори бераман ҳозир. Мана, ичиб олинг! Мен югуриб бориб “Тез ёрдам”ни чақира қолай.

Мастуранинг ташқарига чиқиб, қўшни эшик қўнғироғини босгани, кампир билан бир муддат гаплашгани эшитилди.

Бироздан сўнг хотини бўшашиб қайтиб келди.

– Кампир ишонмади, уйингда шунча одамда телефон бўлатуриб ярим кечаси мени безовта қиялсан, ниятинг нима, деб эшигини ҳам очмади, яшшамагур! Борганимга пушаймонлар бўлдим.

– Бир ҳисобда унинг гапида ҳам жон бор, – деди Қўшшабой хомуш тортиб. – Бир уй тўла одамнинг бирортасида телефон ишламаса, бу ҳар қандай ақли солим кишининг кўнглига ғулғула солади-да!

– Энди нима қилдик, дадаси, югуриб, қизингизни бориб келайинми?

– Шу пайтда-я, қўйсанг-чи, хотин! Миямдаги оғриқ пасайгандек, чамамда, берган доринг кор қилди шекилли, қараб тур-чи, балки ўтиб кетар...

– Сизга қулоқ солсам бўлар экан, опам билан ўн дақиқа камроқ гаплашсам, бундай машмаша йўк эди.

– Пушаймондан фойда йўк. Ўн дақиқа дейсан, бир дақиқани айт, хотин, бир дақиқани айт, ҳаётда баъзан бир лаҳза ҳам катта роль ўйнайди. Фақат ўша лаҳза қачон келишини сен билан биз қаёқдан билибмиз, ғофил бандалармиз ахир!.. Билсак эдик, бор кучимизни ўша лаҳза учун асраб, муродимизга етиш учун жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилмасмидик.

– Кечиринг, дадаси, – деди Мастура кўзда ёши ғилтиллаб.

– Ишқилиб болалар телефон қилиб ётган бўлмасин! Жавоб бермаётганингга хайрон бўлишади, – деди Қўшшабой ўзининг аҳволини ҳам эсидан чиқариб.

– Болалар билан-ку, боя хайрлашиб, керакли гапларни айтганман, бундан хотиржам бўлинг. Лекин опам безовта бўлиб телефон қилиб ётган бўлса-чи! Бечора опажонимни қаттиқ хавотирга солиб қўйдима-а, мен нодон! Нима қилсак экан, дадаси?

– Нима қилардик, тонг отишини кутамиз, бошқа илож йўк.

– Анави бешинчи қаватда турадиган “домком”имиз Маҳмуд аканикига чиқиб, беш дақиқага телефонини сўрасаммикан-а?

– Ноқулай, хотин, келини, икки нафар набираси бор, кўнглига ҳар хил гап келиши мумкин.

– Учинчи қаватимиздаги анави Лена-чи, доим, “Компьютерда алламаҳалгача ишлаб ўтираман”, деб мақтанганини эшитганман. Илтимос қилсам йўк, демас.

– Ҳозир бировдан телефон сўрагандан кўра машина сўраганинг яхши, ишонади. Ана, кўрдинг-ку, кампир қўшнимиз ҳар хил хаёлга борди, буям шу-да, телефоним нима керак бўлиб қолди экан, деб шубҳаланади. Яна ярим кечада келди, бу ерда бир гап бор, деб хавотирга тушади, билдингми? Ўзингда йўк – оламда йўк, деганлар, энди тонг отишини кутасан, бошқа илож йўк, тамом-вассалом!

– Йигирма биринчи асрда шундай аҳволга тушиб ўтирсак-а, айтсангиз биров ишонмайди.

– Қайси замонда яшашидан қатъи назар, инсон ҳамма нарсага тайёр бўлиши керак. Йигирма биринчи асрда яшаганинг сени қутилмаган синовлардан озод қилолмайди-ку! Қани, қайси кашфиёт одамларни бахтли ёки бахтсиз қила оляпти? Ҳаммаси тақдирга боғлиқ, пешонага нима битилган бўлса, шунни кўрасан, йигирма биринчи аср бўладими, қиркинчи аср бўладими, ҳеч қайси давр Яратганинг ҳукму иродасини ўзгартиролмайди.

Кейин бироз тин олиб қўшиб қўйди:

– Ишқилиб опанг болаларни безовта қилмасин-да!

– Нима қилсаям жигар, барибир кўнгли тинчимайди, ойингларга нима бўлди, телефони жавоб бермаяпти, деб барибир болалардан бирига кўнғироқ қилади, кўнглим сезиб турибди. Буни эшитиб, болаларингиз ҳам югуриб келиб қолмасайди. Эй Худойим-эй, нима қилдик-а энди?..

– Ҳа, кўнгил ҳамма нарсани сезиб туради, – деди Қўшшабой, – ўнг тарафига ағдарилиб. – Кўнгилнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Нима бўлгандаям бугун энди тонггача уйку йўққа ўхшайди. Қани, кўрайлик-чи, опанг нима қилар экан, тақдир шамоли бизни яна қай томонга бошлар экан?..

Шу пайт қаердадир яқин атрофда телефон жиринглади. Эр-хотин бир-бирига саволомуз термилиб қолишди.

– Тепамиздаги қўшненикидами, дадаси? – деди Мастура кулоқларига ишонмасдан.

– Йўқ, шу ердан, кизингнинг хонасидан келяпти, телефонини эсидан чиқариб қолдириб кетдимикан, бор, тез қара!

Мастура югуриб қизининг хонасига кирди. У ердан овози кела бошлади:

– Опажон, ўзим ўргилай-да, сиздан! Қутилмаганда телефонимнинг пули тугаб қолса, денг! Сизниям роса хавотирга қўйдик-да, яхшиям Маржона телефонини қолдириб кетган экан. Мана, ҳозир билиб қолдик. Шу пайтгача эр-хотин нима қилишни билмасдан бошимиз қотиб ўтирган эдик. Сизниям ўйладик, безовта бўлаётгандир, деб. Роса овора бўлибсиз-да, қайта-қайта телефон қилиб. Бахтимизга шу телефон бор экан, бўлмаса эрталабгача сиз у ёқда, бизлар – бу ёқда алағда бўлиб ўтирардик. “Тез ёрдам” чақирайлик десак, шунча телефондан биронтаси ишламаса денг! Куёвингиз ҳозир анча яхши бўлиб қолди. “Таътилга чиқиб, обдон бир даволанмасам бўлмайди”, деяпти. Ҳа, тўғри айтасиз, чўзмаслик керак, иш ўлгур ҳеч қачон тугамайди. Чўзиб-чўзиб шу аҳволга келди. Бу ёғига энди маҳкам бўлади-да. Ўзиям сезиб турибди. Бўлди, бўлди, ҳаммасини тушунтириб айтаман, хўп хайр, соғ бўлинг, раҳмат, опажон!

– Маржона қизингиз яхшиям мана буни қолдириб кетган экан, опам хавотир олиб, охири шунга телефон қилибди. Кўнглим жойига тушди-ей! Қуриблар кетсин, бир телефоннинг касрига шунча ташвиш? Ота-боболаримиз қандай яшаган экан?

Қўшшабой аллақачон ухлаб қолган экан, чурқ этган жавоб бўлмади. Мастура ҳам кўлидаги телефонга қараб хотиржам тортди-да, чарчаганини ҳис этиб, жимгина эрининг ёнига чўзилди.



Абдусайд
КЎЧИМОВ

Туғдек кўтаргайлар ҳазрат сурурни

Тоғлар

Ургут тоғларига бормайин қачон,
Хаёлот шонида суза бошлайман.
Ичимда жўш урар самовий вулқон,
Ҳайрат осмонида кеза бошлайман.

Қанчалар сафдошу қандай курдошлар,
Довул, бўронларда билмаслар ғамни.
Ўйлаб тополмайман, бу тилсиз тошлар,
Қайдан олган экан сўнгсиз чидамни.

Асло бир-бирига қилмаслар ўйин,
Туғдек кўтаргайлар ҳазрат сурурни.
Ҳаттоки, қуёшга эгмаслар бўйин,
Ким берган уларга бунча ғурурни.

Шамолдек юрт излаб, кезиб дарбадар,
Сукланмас дуч келган дашту боғларга,
Қуласа – туғилган жойида қулар,
Ватанфурушликлар ётдир тоғларга.

Ҳеч вақт бир-бирига ёғдирмас бўҳтон,
Билмаслар адоват ё хиёнатни.
Қайдан олган экан, бу улуғ карвон,
Ўзидек залворли, пок диёнатни.

Абдусайд КЎЧИМОВ – 1951 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТошДПУ) ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиган. Ижодкорнинг “Чаноқ”, “Ҳалқа”, “Баланд тоғлар”, “Муҳаббат боғлари”, “Сайланма” китоблари нашр этилган.

Фалакка санчилган чўққилардан то,
Ушоқ заррагача бир тан, бир жондир.
Улар одамзотга кўзгудир якто,
Улар одамзотга ибрат макондир.

О, сарвар тоғларим, кўнглим чароғи,
Ҳар тошингиз “Хамса” – мўъжиза лим-лим;
Сизнингдек мукаммал, мумтоз сабоқни,
Бизга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

Ургут тоғларига борсам ҳар сафар,
Ҳайрат осмонида кеза бошлайман...

Сенсиз

Борган сайин совуб борар кун,
Сўниб борар тунларнинг ранги.
Ингранади ҳасратли, узун –
Синаётган музлар жаранги.

Юлдузлар ҳам пишмаган тутдай,
Кўк тоқида йилтирар хира.
Сомон йўли ялтироқ куртдай
Ўхшамайди ўзига сира.

Ойку, майли, гоҳ худ, гоҳ бухуд,
Ташлаб кетди ҳатто қуёш ҳам.
Сенсиз, дунё дейилмиш, ҳудуд,
Ғам тўлган жом экан, азизам.

Жумбок

Жумбокли дунёдир, бу кўҳна дунё,
Сиру синоатлар осмон қадар кенг.
Барча жумбокларни йиғсанг ҳам, аммо,
Одам боласига келолмайди тенг.

Зулайҳо

1

Бугун сени ногаҳон,
Кўриб қолдим, Зулайҳо.
Кўрдим-у, ҳайкалсимон
Туриб қолдим, Зулайҳо.

Йўл четида фаромуш,
Муштдайгина турибсан.
Совуқда қотган, хомуш
Қушдайгина турибсан.

Сочларинг паришонҳол,
Кўзларинг ожиза шам.
Юзларинг кузги шудгор –
Ташвишлар тарам-тарам.

Азоб берди сенга ким,
Ким туширди бу ҳолга.
Айтгил, қайси мунажжим
Жавоб бергай саволга?

Наҳот, шунчалар бебахт,
Хароб бўлдинг, Зулайҳо?
Япроқдай қувраб, бевақт
Туроб бўлдинг, Зулайҳо?

2

Айтишувди, бахтиёр,
Муродига етди, деб.
Сўнг, эшитдим, амалдор
Эри ташлаб кетди, деб.

Осонмас иш, ташвишлар,
Бутун рўзгор – елкада.
Чикди янги миш-мишлар
Кетди, деб, чет ўлкага.

Не бўлса ҳам ўйларим
Сайҳон бўлди, Зулайҳо.
Сени кўриб, юрагим,
Вайрон бўлди, Зулайҳо.

Эсга тушди олисда,
Сўзон ютган унларим.
Изингда ожиз-хаста
Сарсон ўтган кунларим.

Ё, Раб! Сени кўрган чок
Титрардику ойлар ҳам.
Титрардику тортинчок,
Қашшоқлар ҳам, бойлар ҳам.

Осмон тўла юлдузлар,
Бошинг узра парвона.
Ҳатто, париваш қизлар,
Рашк ўтида девона.

Чаманда-чамангуллар,
Таъзимга шайланарди.
Телбанамо булбуллар,
Мажнунга айланарди.

Сомон йўли шовуллаб,
Ухлолмасди тонггача.
Күёш сассиз, ловуллаб,
Ёнар эди шомгача.

Одамзотга қўл етмас
Самовий хур куш эдинг.
Алпларга мовий ҳавас
Сароб эдинг, туш эдинг.

Қани нурли малоҳат,
Ул сумансо юз қани?
Тийра тунга тароват,
Кўрк бергувчи кўз қани?

Қани ул малак сиймо –
Улёларнинг сарбони?
Ҳилолсиз қолдими ё,
Сайёралар макони?

Қайда қолди сарвигул,
Қайда маъсум гул қомат?
Нега бугун сочиб кул,
Фарёд урар тул омад?

Наҳот, номард касларга,
Қарам бўлдинг, Зулайҳо?
Эзгиланган саслардай
Ярам бўлдинг, Зулайҳо?

3

Ё шунчалар мўлмиди,
Гуноҳларинг, қилмишинг.
Ё бошингда дўлмиди
Ошиқларинг қарғиши?

Ёшлик – қизғалдоқ барги,
“Ялт!” этиб сўнган чанок.
Чаппар уриб жаранги
Тинчигувчи қалдироқ.

Лаҳзалик шу рӯёни,
Абадий, деб билдинг-а?
Аҳ! Ўзингча дунёни,
Масхаралаб, кулдинг-а?

Қанча масрур дилларнинг
Зори бўлдинг, Зулайҳо!
Кўксидаги парча муз –
Қори бўлдинг, Зулайҳо!

Бу оламда ҳар ненинг,
Адоғи бор, боши бор.
Ҳатто, парвона инин
Торозиси, тоши бор.

Фақат муҳаббат сўқир –
Кўзлари кўр – кўзи йўқ.
Гоҳо тахир, гоҳо шўр,
Гоҳо нордон, тузи йўқ.

Шахло кўзинг шунчалар,
Кўрмиди-ей, Зулайҳо?
Тийнатинг довча қадар
Ғўрмиди-ей, Зулайҳо?

4

Ҳаппак қилиб ўйнадинг,
Қанчаларни беадок.
Бугун тақдир қўлида
Ўзинг эрмак, ўйинчоқ.

Нега кўкдан тушмадинг,
Тик боқмадинг дунёга.
Нега файёз ўйларни
Айлантирдинг рўёга?

Ё, тақдир ўз ўчини
Олдимикан, Зулайҳо?
Бошингга шу кунларни
Солдимикан, Зулайҳо?

Биз ҳам хафа бўлганмиз,
Ўкинганмиз – ўкинсак.
Гоҳ ғазабга тўлганмиз,
Сўкинганмиз – сўкинсак.

Лекин қарғиш бизга ёт,
Мудҳиш ўйлар бегона.
Ниятимиз тонгдек пок,
Ўйларимиз мардона.

Бу мингларнинг оғриғи,
Саволими, Зулайҳо?
Ё куйган етим йиғи,
Уволими, Зулайҳо?

Аё, очун, чўнг очун,
Дунёларга тенг очун;
Наҳот шу ожизангга
Бўлолмадинг кенг, очун?

Ахир бу не кўргулик,
Чидаш мушкул бу ҳолга.
Мурувват қил, шафқат қил,
Бу муштепар аёлга.

Эй, тақдиру бенаво,
Эй, дунёю киёмат;
Бу қандай азоб, жафо,
Шуми инсоф, диёнат?

...Бугун сени ногаҳон,
Кўриб қолдим, Зулайҳо!
Кўрдиму, хайкалсимон,
Туриб қолдим, Зулайҳо!



**Дўстбек
СУЛАЙМОНОВ**

Зўраки “миллиардер”

- Пулни қачон қайтарасан?
- Айтдим-ку, бераман деб. Бунча ёпишиб олдинг менга?
- Бераман деганинг қачон эди, сен учун бировдан олиб бергандим.
- Ҳовлиқма, қочиб кетаётганим йўқ-ку.
- Тўғри, сен қочмаяпсан, лекин сени деб мен кимлардан қочиб юрибман, номард, – Ақром Сардорнинг ёқасига ёпишди.
- Қўйвор, кўлингни торт-э! – Сардор силтаб ташлади. – Қаерданам сенга йўлиқдим? Агар сен бўлмаганингда ҳеч нима бўлмасди.
- Яна мени айбдор қилаяпсанми? Яхшилиқни билмаган нокас экансан?
- Ўзинг ўшасан? Бўлмайдиган ишларни деб бошимга бир дунё ғалва орттириб олдим.
- Мен билмайман, қонимни кўп ташна қилма, пулни топиб бер! – бўғилиб бақирди Ақром. – Ҳе сендақа дўстнинг...
- У қўл силтаб, нари кетди.

* * *

Сардор интернетга кириб, электрон почтасига кўз ташлади. Эҳа, янги хатлар келибди-ку. Кимдан экан? Иккитаси танишларидан, биттаси номаълум манзилдан. Номи, манзили инглизчасига алламбало деб ёзилган. Очиб, ўқиган бўлди. Ажнабий тилда ёзилган хатда ҳеч нимага тушунмади. Фақат “тўрт юз минг фунт стерлинг” деганини тушунгандек бўлди. “Бу нимаси бўлди? Лотореяга ўхшаган нарсамасмикин?”

Хатни қоғозга чиқариб, чет тиллар олий ўқув юртида ўқийдиган таниши Ақромга кўрсатди. Инглизчанинг ҳадисини олган талаба қисқача тушунтирди:

– Қисқаси, жўражон, сенга лоторея чиқибди. Англияда яшайдиган бир миллиардер вафот этибди. Ундан қолган маблағ меросхўрларга етказилиши керак экан. Қизиги...

– Бунча чайналдинг? Айтавермайсанми?

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ – 1981 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. “Чўққиларга интилиб...” ҳикоялар тўплами чоп этилган.

– Ўша миллиардернинг меросхўрлари орасида сен ҳам бор эмишсан.

– Мен Лондонда нима қилиб юрибман?

– У ёғини билмадим, менимча, қанақадир лотореяга ўхшаган нарса. Ҳаракат қилиб кўриш керак, балки омадинг келиб, айтилган пулни ололсанг, сендан бой, сендан зўр одам бўлмайди.

Сўнг билагонлик қилиб ҳисоблай кетди:

– Хўш, тўрт юз минг фунт стерлингни долларга ўтказсак, саккиз юз минг доллар бўлади, у бизда икки миллиард сўмдан ошиб кетади-ёв. Янаям билмадим.

– ...

– Жўра, табриклайман, миллиардер олдимизда турган экану билмай юрган эканмиз.

– Ҳазиллашма, сени ҳозир аяб ўтирмайман.

– Қара, хатнинг давомини, агар, белгиланган кунгача анкетани тўлдириб юборсангиз, марра сизники деяпти.

– Очикроқ тушунтир.

– Юр, интернетга кирамиз.

Ақром Сардорни судраб кетди. Интернетда сўралган бор маълумотни ёзиб юборишди.

– Жўра, хизматинг катта бўлаяпти, агар насиб қилиб, шу пулни ололсам, сенга биздан янги Нексия “подарка”, – Сардор ҳам ютуқ чиққанига энди ишона бошлади.

– Ростданми? Қанақа ёрдам керак бўлса айтавер, тортинма.

– Бўпти, хатнинг жавобини кутайлик-чи.

Икки кундан сўнг яна ўша манзилдан хат келди. Ақром пешонасини тириштириб таржима қилишга киришиб кетди:

– Айтаяптики, уларнинг адковати сенинг адвокатинг билан гаплашмоқчи экан. Пулни кўчириш масалаларини ҳал қилиш керак деяпти.

– Яна қанақа адвокат? Қаердан топаман адвокатни?

– Керак бўлса топасан, қолган гапни эшит. Эртага кундузи соат 11.00 да сенинг қўл телефонингга адвокат телефон қиларкан. Шу.

– Қизиқ-ку, қаердан топай энди уни.

– Шунгаям шунча ваҳимами? – Ақром бидирлаб яна билагонлик қилди. – Телефон қилсин-чи олдин. Мен сенга адвокатлик қиламан. “Нексия”ни ҳалоллаб олишим керак.

– Бўпти, келишдик, эртага учинчи парага кирмаймиз. Шу масалани ҳал қилайлик.

Йигит хонасига келиб, жойига чўзилди. Ширин хаёллар суриб, ухлаб қолди. Тушида қандайдир ваҳимали хориж машинасида кетаётганмиш. Ёнида чамадон тўла пулмиш. Бўларкан-ку, “Пулни олибман-да”, деб қўярмиш у мамнун бўлиб.

Шодлигидан уйғониб кетди. Шу тушнинг хосияти бор деб ўйлади. Яна хаёлга берилди. “Икки миллиард сўм-а! Бирданига шунча пул. Қани ҳозир кўлимда бўлиб қолса. Биринчи ўринда Ақром жўрамга машина олиб берардим, хизмати катта бўлаяпти. Дадамнинг “Жигули”сиям анча чарчади. “Нексия” совға қилсам ёмон бўлмайди. Анча кўнгли кўтариларди. Менинг ўқишимга тўлаган контракт пуллари бир йўла эсидан чиқиб кетарди. Акамга “Дамас” олиб берсам, укам ҳам қуруқ қолмаслиги керак, унга битта “Матиз”чанинг калитини ушлатсак... Хўш, энди ўзимизга битта яхшигина шаҳардан ҳовли олсак, бойвачча номи бўлгандан кейин машинаси камида “Лассетти” бўлиши керак. Яна қанча пул қолди ўзи?..”

Орзу яхши нарса-да хоҳлаганча сеники, биров тортиб ололмайди.

Эрталаб Акром билан учрашиб:

– Соат ўн бирда учрашиш эсдан чикмасин-а? – деб қайта-қайта тайинлади.

– Гап бўлиши мумкин эмас, ҳаммаси “окей” бўлади, – деди Акром қувноқлик билан бош бармоғини тепага кўтариб.

Келишилган вақтдан бироз олдин улар хиёбонда учрашишди.

– Телефон бўлмадимми? – деди тез юрганидан хансираб қолган Акром.

– Йўк, энди бўлиб қолар. Юр, анави скамейкада ўтириб турайлик.

Келишилган пайтда номаълум рақамдан қўнғироқ бўлди.

– Алло, эшитаман, – деди Сардор, ҳеч нимага тушунмади, шекилли, Акромга узатди. – Ма, гаплаш, инглизча гапираяпти.

Акром чала-чулпа бўлсаям анча гаплашди. “Окей, окей, сенкю, сенкю”ни бир неча марта такрорлагач, суҳбат тугади.

– Нима деяпти, жаноб Смитнинг адвокати. Гапирсанг-чи?

– Ҳамма иш яхши кетаётганмиш. Яна хат келармиш. Шунга жавоб ёзарканмиз.

– Бўлади деяптими ўзи?

– Билмасам. Унинг айтишича, ҳаммаси жойида эмиш.

– Бўпти, кутамиз.

Эртасига яна хат келди. Акром шоша-пиша таржима қилишга тутинди:

– Улар айтишяптики, нотариус, яна қанақадир хизматлар учун пул тўлаш керак. Хўш, давоми, кўрсатилган ҳисоб рақамга олти юз доллар ташлаш керак экан.

– Нималар деяпсан, жўра, ўзи тирноғини кирини сўриб юрган бир талаба бўлсам, олти юз долларни қайдан топаман?

– Энди тушун-да сен ҳам, бурунгилар айтган: “Саксон сўм кетмаса тўқсон сўм келмайди”. Сен атиги олти юз долларга миллиардер бўлиб қолаяпсан-ку.

– Хўш, нима қил дейсан? Сенинг калланг компьютер, ишлат, бекорга сенга “Нексия” олиб берадиган аҳмоқ йўк.

– Шу “Нексия”нгни бунча миннат қилавердинг. Мен ҳам қараб ўтирганим йўк. Айтилган долларни топиб юбориш керак, шунда натижа бўлиши мумкин.

– Яхши, тушундим. Пулни кимдан олсак экан-а?

– Сен ҳам изла. Мен ҳам қараб турмайман.

Сардор таниган-билганларидан баридан қарз йиғиб чиқди. Ишқилиб ҳар ким қўлидан келганича қарашди. “Қора бозор”дан олти юз АҚШ доллари олиб банкка бориб, кўрсатилган ҳисоб рақамга юборишди.

Орадан кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Аммо энди на хат, на хабар келди.

Ойдин тунлар сокин



Жумагул
СУВОНОВА

Ёғду

Ишонаман, энди ёришган
Осмонларим боқар жилмайиб.
Йўлим равон бўлиши аниқ,
Нигоҳларим яшнайдим майин.

Юзим ювган шўх ирмоқчалар
Денгизларга етар, шубҳасиз.
Йўлим тўсиб чиқмас қоп-қора
Четда пусиб турган ялмонғиз.

Новдаларнинг сочини силаб,
Сўнг изларим ўпар ҳаволар.
Менинг билан ёқалашишмас,
Дўстлашишга шошар дунёлар.

Бир қўлимдан қуёш тутару,
Бир ёнимда бахт турар менинг.
Жаранглайдим ўтли сўзларим,
Юрагини ёритиб элнинг.

Бугун дейман, яна бир бора
Бугунимдан айрилиб, чўкиб.
Етаклайди мени келажак,
Эртанги кун қўшиғин тўқиб.

Фақат олмос каби ялтираб,
Чақмоқ нурдан беради дарак.
Фақат икки бўлиниб кетар,
Ишққа мезбон бўлмаган юрак.

Жумагул СУВОНОВА – 1961 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Тиллақош”, “Мен сизмага дунё”, “Оловли фасл”, “Тупроқ иси”, “Жонимдаги из”, “Музаффар ёғдулар” номли шеъррий ҳамда “Умр карвони”, “Қирмиз қизнинг қиссаси” каби насрий асарлари нашр этилган.

Чорлайверар бағрига оппок,
Пушти, гулга кирган дарахтлар.
Мен инсоннинг юрагидаги
Сўзга ташна, очаман дафтар.

Йўл

Бу йулнинг маржондек юмалаб
Чўғлар оқиб келар кўзидан.
Тиклаган девори дард-бино,
Баландроқ юксалар ўзидан.

Бу йулнинг шу қадар ранги зард,
Тун ирмоқ торгади қошига.
Қип-қизил чечакла ясатиб,
Оқ рўмол ўратар бошига.

Уззукун меҳрла шивирлаб,
Қалбидан дардини қувяпман.
Мен ўзим юзини, кўзини,
Юрагим сувила ювяпман.

Осмондек гулдираб бу йўлнинг,
Булутлар юмалар кўзидан.
Кўнглини ҳеч кимса тополмас,
Ўзини ўткизар ўзидан.

Вақт қанотида

Қушлар сармаст сайрайверади,
Боғлар хушбуй таратар яна.
Денгизлар шод гупириб оқар,
Қирғоқларни кучар пўртана.

Тонг саҳардан йўлга чиқар кун,
Яна олам кучар қуёшни.
Манзилига етгунича то
Пойабзали тузитиб тошни.

Толиб, қоши қораяр кеча,
Дардлашади ҳижронла тўйиб.
Оқ либосин тўғрилар оқшом,
Елкасини деворга қўйиб.

Яна шундай такрорланар кун,
Не бўлишин шаксиз биламиз.
Фақат сира бўлмаган каби
Бир кун келиб унутиламиз.

Бу ҳаётми ё у ҳаётда
Қўйиб ҳузур кўшкига қадам.
Топиларми вақт қанотида
Шу сўзларни хотирлар одам.

Қушлар сармаст сайрайверади,
Боғлар хушбуй таратар яна...

Дарахт

Чорбоғимга гард тегмасин деб,
Зарбалардан бўлмайин карахт.
Ниҳолларин бўрон, довулдан
Пана қилиб яшайди дарахт.

Юксалади тонглар чўққида,
Қуёш каби ялтираган шахд.
Аёзлардан, қордан чўчимас
Зафар қучиб гуллаган дарахт.

Қўл узатган яхши-ёмонга,
Ёқса ларзон мевасин тоти.
Япроқлари япроқмас бургут,
Буталари бўлар ғироти.

Бир лашкардек тўпланади у,
Қуз тўкилиб, қишда тўнмайди.
Ҳар бутаю шохи қўлласа,
Бу дарахтни енгиб бўлмайди.

Ҳаёт дарсу сабоғин бериб,
Юрагига тугиб улкан аҳд.
Шамолларга кўксини кериб,
Савлат тўкиб яшайди дарахт.

Балки

Эҳтимол, у ухлаётгандир
Ё қирмизи гул тераётган.
Қўлларини ҳавода силкиб,
Лабларига эрк бераётган.

Ё барини эслаб, соғиниб,
“Шашмақом”дан сўйлаётгандир.
Йўқ, йўқ!
Балки...
Жимжит ўтириб,
Мен ҳақимда ўйлаётгандир.

Шукрона

Ойдин тунлар сокин,
Тонглар дилафрўз.
Қумрилар булбулдек
Чақчақлар бугун.
Сўзласам, тилимдан
Тўкилур шаън сўз.
Онам ёпган нондай
Тилагим бутун.

Ризку рўз, шаънимиз
Юксалар баланд,
Шодумон кунларга
Етишдик ақлим.
Зафар қутлуғ энди,
Офтобда чақнаб,
Пешона терини
Сидирган халқим.

Қувонч қутлуғ сизга,
Ойдайин тўлиб,
Ором осмонини
Уйғотган сойлар.
Аввал қучоғини
Қуёшга очиб,
Кейин ерни ўпиб
Ўсган буғдойлар.

Сизларга таъзимлар
Қиламиз бугун,
Қирларда порпираб
Ўйнаган ҳадик.
Бобомнинг кафтидан,
Момом лабидан
Дуо бўлиб учган
Табаррук тинчлик!

Энг буюк мақсади,
Энг улуғ аҳди,
Ҳалол меҳнатига
Йўғрилган ғурур.
Ҳаёти, фарзанди
Ҳурмати ҳаққи,
Бугун ҳар ўзбекнинг
Тилида шукур!
Ойдин тунлар сокин,
Тонглар дилафрўз...

Сирли ўтмиш, шавкат ила шаън



Тошпўлат ЎРХУН

Самарқанд

Эски шаҳар.
Тарих.
Шон-шараф...
Ортар ҳавас, ғурур ҳам туйқус.
Равоқ, кошин, рангларга қараб
Меҳрим товланади, тин олади кўз.

Кимдир дейди: – Ўтмиш гулдирак,
Ўтиб кетди, чаққандай чақин.
Бироқ яшар юртсевар юрак,
Уйғотмоқда ҳамон у халқин.

Кимдир тирик, ким топган ором,
Англинг, қайси ростмана дунё.
Меҳмон, арбоб, ажнабийлар ҳам
Тарих туйнугига боқар маҳлиё.

Каромати меъмор, хаттотнинг
Мозий ярасига босмоқда малҳам.
Сурати шумиё, ишқ, хаёлотнинг
Ичи ёришибди хонақоҳнинг ҳам.

Ҳар қадамда довруқ ва бардош,
Зафар учун шимарилган енг.
Шунданмикан, дoston айтар тош,
Лойи куйлар ҳунар элининг.

Тошпўлат ЎРХУН – 1964 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини битирган. Ижодкорнинг “Мужда”, “Кечиккан жавзо” шеърлар тўплами ҳамда “Қаламни қадрлаб”, “Таниш чехралар”, “Умр зийнати”, “Қаҳромонлар мангу яшайди” эссе ва бадиий-публицистик лавҳалардан иборат китоблари чоп этилган.

* * *

Сўлим оқшом, енгил шаббода,
Суйкалади, жонни эркалаб.
Мендан узр, сиз ҳам мобода,
Юргандирсиз тунни елкалаб.

Сомон йўли тўзир, арш аҳли,
Гурунг истаб, чироқлар ёқар.
Ерда қалқиб туйғулар наҳри,
Ошиқ кезар кўчада пакар.

Юлдуз сачрар тун қайроғидан,
Ялтирар ой – бу не ишора?!
Бўса олмай қиз дудоғидан,
Тунга сингар йигит бечора.

* * *

Тупроғидай қадим, доврўқли,
Афросиёб салтанатида,
Тан, кўксида сақлаб минг ўкни,
Мардлар ухлар мангу осуда.

Арки аъло, яшнаган гулшан,
Тепаликка айланган қалъа.
Сирли ўтмиш, шавкат ила шаън,
Юрт тарихин асрайди, қара.

Ҳар қаричи ор, номус – Ватан,
Ҳар майсаси – сўзи сипоҳнинг.
Оғриқ сизар қалбдан даъфатан,
Янтоқларга тушса нигоҳинг.

Искандарнинг сархуш сўзлари,
Қутайбанинг қақроқ излари,
Чингизийлар найзасидан ўқ
Яралаган тупроқ музлади.

Ярим йўлдан қайтди карвонлар,
Ярим дунё чекди азият.
Сўғд бағрини тилиб армонлар,
Ғолиб келди, ёвуз, бадният.

Қасрларни қоплади зулмат,
Кўкка ўрлаб уруш тутуни.

О, босқинлар: саноксиз, беҳад
Ёлқинлатди қасос ўтини.

Оташ қалбли, дили вайронлар,
От сурдилар қўрғони учун.
Тинч ҳаёти, эрки, аёли,
Она қизи, ўғлони учун.

Куйган тупроқ шундан гапирар,
Ёнган девор шундан гапирар.
Харобага айланган шаҳар –
Оғир ўтмиш, хундан гапирар.

Археолог, тасаввуримда
Тиклар бутун қалъа, роботни.
Худди тушдай, аниқ ва лўнда,
Кезаман хуш, шаҳри ободни.

Эшитилар найнинг овози,
Ариқларда жилдирайди сув.
Билмадим, қай дарвозасидан
Карвон кирди, туя бир сурув.

Бозор қайнар, ноз-неъматга бой.
Ҳамма касби-кори билан банд.
Қилич ясар кимдир ҳойнаҳой,
Жўр бўлади унга хунарманд.

Қалъа сирти – яшнаган дала,
Дехқонлари боғига энар.
Бошланди, ҳей, тўйми, тантана,
Шамолларда овоза келар.

Хаёл қочар шу дам ва нохуш,
Оёғимдан тутади ёлғун:
– Бу салтанат муқаддас оғуш,
Тавоб айлаб, оҳиста юргин.

Кўрдим.
Бобо тарих мулкини,
Кўкси тигдан озурда тупроқ,
Сақлар жасоратин халқини
Бунда гулдан кўзёши кўпроқ...



Зухра БЕГИМ

Тилсимдай очилар дунёнинг сири

Соддадил энам

Эна, энажоним, соддадил энам,
Ёнингизда бўлсам, тушга ўхшайман.
Энди, кунингизга ярай деганда,
Бағрингиздан учган кушга ўхшайман.

Салқиган юзингиз меҳрга пайванд,
Ажинлар тақдирнинг чизган чизиғи.
Сочингизга сингган кўнглингиз ранги,
Сизнинг борлигингиз жоним озиғи.

Соғиниб бораман, кўзингиз ҳорғин,
Негаки, йўл қараб, кутиб чарчаган.
Шошилганча яна ортга қайтаман,
Ҳар қадамда дуойингиз асраган.

Эна, энажоним, хокисор энам,
Нечун болам дея, кўзни ёшлайсиз?
Бизни ўйлайвериб умрингиз ўтди,
Ўзингиз учун сиз қачон яшайсиз?

Эсингдами

Ана, кўкни қучиб учмоқда қушлар,
Боғни беаётир биз кутган баҳор.
Бир қучоқ кип-қизил тоғ лоласидан
Ҳадея этган эдинг, эсингдами, ёр?

Зухра БЕГИМ – 1975 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида битирган. Шоиранинг “Умид баҳори”, “Севгимга битилган номалар”, “Кўклам нафаси”, “Кўнгил фасли”, “Юрагимга айланар Ватан” каби шеърӣй китоблари нашр этилган.

Эсингдами, илк бор учрашганимиз,
Майдалаб оҳиста ёғарди ёмғир?
Соябон остида ҳаяжон босиб,
Уялиб турардик, бой бермасдан сир.

Эсингдами, ўша орзули онлар,
Дилни аллалаган ишқ, висол куйи?
Оғушига олиб эркалаган тун,
Тонгда қаршилаган райҳонлар бўйи.

Эсингдами, ёшлик шўхликларимиз,
Муҳаббат қасрига етаклаган йўл?
У кунлар ёдимдан чиқмайди зинҳор,
Ҳали ҳам ҳаётдан умидларим мўл.

Менга ҳадя этган лолаларингни
Юрагимдан сира ўчмайди ранги.
Севгига йўғрилган дил сўзларингни
Кулоғим остидан кетмас жаранги.

Эсингдами, жоним, бахтиёр дамлар?..

Янги тонг

Янги тонг отмоқда кўнглимдай сокин,
Ширмой нон пиширар уфқ тандири.
Бу ҳаёт сахнида тириклик ҳоким,
Тилсимдай очилар дунёнинг сири.

Тунда оймомадан эшитиб алла,
Сахар киприк қоқиб шўх насим елар.
Соф ҳислар юракни чулғаган палла,
Муҳаббат боғидан гул иси келар.

Юлдуз ёритмокни қилар васият,
Осмон разм солар борлиққа зимдан.
Ғафлатдан уйғотса дилни қатъият,
Ғам-ғусса арийди сўнг ботинимдан.

Қаранг, тонг отмоқда нафис ва майин,
Инсонга яшамоқ бахтини йўллаб.
Мен тонгни олқишлаб қанча суймайин,
Муштоқман, тунларни тонгларга улаб.

Майсалар шудрингга юзини чайиб,
Қушлар чуғурлашиб ураётир бонг.
Оппоқ тилаклардан пояндоз ёйиб,
Янги тонг отмоқда, оппоқ, тиниқ тонг...

Келдинг

Келдинг...
Қароғингдан ёғилиб ғамлар,
Ёлғизликнинг исканжасида,
Шоҳда ёлғиз етим қуш каби
Ҳижрон дилинг ўртаган дамлар.

Мен эса...
Аччиқ изтироблар уммонида боз,
Қайталаган ярамни босдим.
Ўксиб, унсиз йиғлади юрак.
Ёрилмаган қаттиқ бошимни
Қизғалдоқлар дорига осдим.

Келдинг...
Пушаймонлик ҳиссини туйиб.
Икки ўтнинг ичида сарсон,
Кечайми ё кечирайми, деб
Аросатда пажмурда бу жон.

Келдинг...
Тиғ урилган қалбим тирналди ...
Топмадингми, юраги мендек
Ситамларга бардошли гулни?
Билсанг эди, қанчалар оғир,
Кечирмоқлик озори дилни.

Келдинг...
Соғинч тўла қучоғинг очиб.
Наҳот-ки...
Сўнги умидимдан қолган бир куртак,
Ғунча ёзиб гуллай бошлади.
Барчасини бир зум унутиб,
Қучоғингга ўзимни отдим.
Тушунолмай ишқнинг сирига
Билмам, яна нени йўқотдим?

Келдинг...
Йўқотганим – мажруҳ бахтимни,
Қайғу деган дунёдан топдим...

Энг буюк мусиқа

ТОҒЛАР НАВОСИ

Исматилло
ЙЎЛДОШЕВ

Ургут тоғлари

Сукланиб термилдим баҳор чоғлари,
Қор каби эриди юрак доғлари.
Бунчалар сулувдир сўлу соғлари,
О, Ургут тоғлари, Ургут тоғлари!

Бир четда ўроқчи чалғи қайрайди,
Қумрилар жуфтини қувлаб ўйнайди,
Қафасни билмаган каклик сайрайди,
О, Ургут тоғлари, Ургут тоғлари!

Бағрингдан ошиқлар қувлашиб ўтган,
Гоҳ чакнаб, гоҳ тўйиб, сувлашиб ўтган,
Арилар бол излаб ғувлашиб ўтган,
О, Ургут тоғлари, Ургут тоғлари!

Сочимни сийпалар юртим ҳавоси,
Шарбатдек сувлари дарднинг давоси.
Энг буюк мусиқа тоғлар навоси,
О, Ургут тоғлари, Ургут тоғлари!

Қанча берсанг ҳамки, қолғонларинг кўп,
Бўйинга муносиб ўғлонларинг кўп,
Йўлларин тўрт тараф солғонларинг кўп,
О, Ургут тоғлари, Ургут тоғлари!

Мен ҳам битта боланг – адашганингман,
Нигоҳин осмонга қадашганингман,
Нурингдан кўзлари қамашганингман,
О, Ургут тоғлари, Ургут тоғлари!

Исматилло ЙЎЛДОШЕВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист. 1953 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Ўттиздан зиёд асарлар муаллифи.

* * *

Кеча кулар эдик нур каби шоён,
Бугун ғам беади лабларимизни.
Бундай зўр қайғунинг сабаби аён –
Севги ташлаб кетган қалбларимизни.

Кеча қўшиқ куйлар эдик беармон,
Бу кун беороммиз кошонамизда.
Бундай зўр кулфатнинг сабаби аён –
Дўстлар оёқ узган остонамиздан.

Кеча меҳримизга тан берган офтоб,
Бугун таъна билан боқар мастона.
Рухимиз безовта, калбимиз бетоб,
Биз сизни эсламай қўйдик-ку, она!

Устозлар ўгитин унутдик, дўстим,
Ҳаром луқмалардан безиллар қорин.
Вужудимиз хаста, серажин пўстим,
Соғиниб яшаймиз падар дийдорин.

Дўппи тор келганда эслаймиз, холос,
Қабул бўлармикан нолаларимиз.
Бизни гуноҳлардан айлагин халос –
Боши омон бўлсин болаларимиз!

* * *

Сендан юз ўгириб боғларга бордим,
Боғлар нимагадир маънос турарди.
Сендан юз ўгириб тоғларга бордим,
Тоғлар сен томонга гўё юрарди.

Сендан юз ўгириб дарёга бордим,
Дарё сен томонга жўшиб оқарди.
Менга, эй, девона, хато қилдинг деб,
Балиқлар кўзда ёш сенга боқарди.

Сендан юз ўгириб чўлларни кездим,
Чўллар шамол бўлиб қувлади мени.
Ҳолбуки, самода ҳар битта юлдуз,
Мендан сўрар эди қайда деб, сени.

Сендан юз ўгириб, кўзларимда ёш,
Юрагимда ҳасрат қоришиб кетган.
Мен томонда зулмат, зарра қувонч йўқ,
Сен томонда олам ёришиб кетган.

Амир Темуր ва темурийлар давлати пойтахти



**Амридин
БЕРДИМУРОДОВ**

Буюк ипак йўли ва самарқанд

Устига турли-туман анвойи матолар, жавоҳиру олтинлар, акидалар ва ғоялар, китоблару дostonларни юклаган савдо-карвонлари узок Хитойдан йўлга чиқишиб, Буюк Туроннинг бепоён кенгликлари, дарёлари, шаҳар ва кишлокларини ортда қолдириб Хиндистон, Рим ва Араб мамлакатларига етиб борган. Бу йўлнинг тарихий чорраҳасида, энг гавжум, серкатнов қисмида жойлашган Самарқанд Буюк Ипак йўлининг ривожига катта ҳисса қўшган. Буни яна шундан ҳам билса бўладики, суғд тили Ипак йўлида халқаро тил вазифасини бажарган. Шарқ ва ғарблик савдогарлар, карвонбошилар, тижоратчилар суғд тили орқали бир-бирлари билан мулоқот қилганлар. Шу сабабли, Самарқандда савдо-сотикқа, тижоратга катта эътибор берилар эди. Эрамизнинг VII асрларида Самарқандга ташриф буюрган Хитой элчиси Вэй Цзе бу шаҳарликлар ҳақида: “Қан (Самарқанд) подшолигининг халқи мохир савдогардирлар. Оилада ўғил туғилиб беш ёшга етганида унга хат-савод ўргатадилар, у саводли бўлгач, савдо-сотикни ўрганишга жалб этадилар, саводдан фойда олиш ажойиб қобилият ҳисобланади”, деб ёзган эди. Бошқа бир тарихчининг ёзишича, Самарқандда оилада ўғил туғилса, унинг кафтига олтин танга ёпиштириб, тилига асал ялатиш одати бор экан. Бу билан ёш гўдакка, тилинг асалдек ширин бўлиб, қўлингдан ҳеч қачон пул аримасин, дея тилак тиланар экан. Бу фактлар Самарқандда савдогарчилик ва тижоратчилик юксак даражада қадрланганлигини кўрсатиб турибди.

Суғд савдогарлари ватанларидан узокларда, яъни, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Хитойда жуда кўплаб кичик савдо шаҳарлари қурган. Бу шаҳарчаларнинг аҳолиси савдо-сотикни ҳамда суғд маданиятини чекка мамлакатларга тарқалишига катта ҳисса қўшган.

Кўшни давлатлар билан савдо алоқалари яхши йўлга қўйилганлиги учун Самарқанд қадимда дунёнинг энг бой шаҳарларидан бирига айланган эди. Бу шаҳарнинг хазиналари, саройлари ва ибодатхоналари олтин, кумушу зарларга тўла эди...

Амридин БЕРДИМУРОДОВ – Франция Республикасининг “Академик пальма” ордени кавалери, Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан мукофатланган. 1954 йилда тузилган. Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини битирган. Унинг “Ватан ҳаққига муножот” номли китоби нашр этилган.

Самарқандда сомонийлар, қорахонийлар ва хоразмшоҳлар даврида ҳам савдо-сотик тез суръатлар билан ривожланди. Бу даврларда самарқандлик савдогарлар ўз молларини дунёнинг йирик шаҳарларига элтиб сотганлар.

Амир Темур ва темурийлар даврига келиб эса самарқандлик савдогарларнинг Буюк Ипак йўлидаги фаолиятлари янада кучайиб кетди. Давлатнинг қудрати ва фаровонлигини оширишда савдо-сотикнинг аҳамияти катта эканлигини яхши англаган Амир Темур Буюк Ипак йўлининг тараққиётига катта эътибор берди. Соҳибқирон савдо йўлида текинхўрлик қилаётган ўғри-қароқчиларни батамом кириб ташлади, карвон йўлларининг ёқасида янги-янги карвонсаройлар, сардобалар, дарёлар устига кўприклар қурдирди. Йирик шаҳарларда шинам бозорлар ва тимлар қурдирди. Шу сабабли, Амир Темур даврида Самарқанд бозорларида дунёнинг турли тилларида сўзлашувчи, ҳар хил динларга сизинувчи савдогарларни кўриш мумкин эди.

Шу ўринда Самарқанд Буюк Ипак йўлига нималар берган? – деган савол туғилиши мумкин. Бу борада тадқиқотлар олиб борган олимларнинг аниқлашича, қадим даврлардан бошлаб Самарқанд хунармандлари қимматбаҳо металлдан ясалган идиш-товоқ, қурол-яроғ, кийим-кечак, эгар-жабдук, теридан тикилган кийим, ўтовлар, қимматбаҳо тошлардан ясалган турли-туман безаклар, тақинчоқлар тайёрлашган ва улар дунё бозорларида харидоргир эди. Айниқса, Самарқанднинг нафис ва пишиқ қоғозлари, болдек ширин мева-чеваларининг таърифи дунёнинг бурчак-бурчакларига тарқалган эди. Дастлаб, ипак етиштириш фақатгина хитойликларнинг қўлида бўлган эди, тез орада самарқандликлар ипакнинг сирини топишиб, бу соҳанинг хўжайинларига айландилар. Энди Самарқанднинг ипак матолари жаҳон бозорида бемалол Хитой ипаги билан рақобатлашадиган бўлди. Ипакдан ташқари, Самарқанд машшоқлари, бастакор-хонандалари ва рақосаларининг шону-шуҳратлари хорижий ўлкаларда жуда баланд эди. Хитой императорлари ўз саройларида самарқандлик санъаткорларни сақлаш учун ҳар қандай катта маблағни аямас эдилар... VI–VIII асрларда Хитойнинг машхур шоирлари самарқандлик рақоса ва хонандаларга бағишлаб мадҳиялар ёзган, ҳайкалтарошлар эса уларнинг ҳайкалларини ясаган. Самарқандда ясалган кўплаб чолғу асбоблари Хитой ва Кореяга тез тарқалиб кетганлиги ва вақтлар ўтиб уларнинг миллий мусиқа асбобларига айланганлиги маълумдир. Булардан ташқари, самарқандлик савдогарлар дунё бозорларига ҳар хил бўёқлар, дори дармонлар, отлар, туялар, нафис гиламларни ҳам етказиб берардилар...

Шу тариқа, Самарқанд ташқи дунёни ўз маҳсулотлари билан таъминлар ва ўзи ҳам ажнабий молу матоҳлардан баҳраманд бўлар эди.

Аммо, XVI–XVII асрларга келиб, Буюк Ипак йўлининг тақдирида ҳам ўзгаришлар юз берди. Бу даврга келиб, Буюк Ипак йўлининг океан ва денгизлар орқали ўтувчи йўналишлари ривожлана бошлади. Чунки, сув орқали мулоқот қилиш анча арзон, тез ва хатарсиз эди. Лекин, ўз майдонида денгиз йўллари йўқ бўлган давлатлар учун Буюк Ипак йўлининг қуриқликдан ўтувчи йўналишлари ҳамон катта мавқега эга эди. Самарқанд орқали ўтувчи бу савдо-карвон йўли то 1868 йилларгача гавжум бўлиб турди. 1868 йили Бухоро амирлиги Россия империяси томонидан мағлуб этилгач, амир Музаффархон амирлик учун ғоятда шармандали шартнома тузишга мажбур бўлди. Ушбу шартномага мувофиқ, Бухоро амирлиги хорижий давлатлар билан мустақил алоқалар қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Шундан сўнг, Ипак йўлининг Мовароуннахр, жумладан, Самарқанд орқали ўтадиган қисми батамом тўхтаб қолди. Қадимги карвонлар изини шамоллар учириб кетди, сардоба ва кудуқлар ҳам кўмилиб қолди.

Орадан бир асрдан зиёд вақт ўтиб, 1991 йили Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Буюк Ипак йўли ҳам секинлик билан тиклана бошланди. Бугунги кунда Самарқанд Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб билан тарихий алоқаларини тиклади. Ҳозирда Самарқандда турли хил ажнабий давлатларнинг фирмалари, кўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Буюк ипак йўлидаги мусиқа

“Марказий Осиёнинг юраги” деб аталувчи қадимги Суғд ўлкасининг маркази Самарқанд Шарқнинг энг кўҳна маданият ўчоқларидан бири сифатида, ўзининг 2750 йилдан ортиқроқ тарихи жараёнида қадимий Шарқ мусиқа санъатининг ҳам асосий марказларидан бири бўлиб келди. Шунинг учун муҳтарам Биринчи Президентимизнинг таклифига кўра, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг айнан мана шу шаҳарда ўтказилиши бир неча минг йиллик тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши, Самарқанддаги қадимий буюк анъаналарнинг қайта жонланиши ва уларнинг юксак чўққиларга кўтарилиши бўлди.

Инсоният тафаккурининг буюк кашфиётларидан бири бўлган мусиқа санъати бизнинг юртимизда ҳам шонли ва қадимий тарихга эга.

Юртимизда мусиқа маданиятининг айнан қайси даврда шаклланганлиги тўла аниқ эмас. Мусиқа маданияти тўғрисида шоҳидлик берувчи топилмаларнинг энг қадимгиси ҳозирча милоддан аввалги XIII асрга бориб тақалади. Бу топилма Самарқанд вилояти Ургут тумани Мўминобод қишлоғидаги бронза даврига оид қабрдан топилган, ҳайвон суягидан ясалган мўъжазгина сивизғи – найдир. Унинг сақланиб қолган узунлиги 4,2 см бўлиб, ташки томони ҳафсала билан силлиқланган, икки томони кўндалангига кесилган, ўртасида ромб шаклида тешик бор.

Шу хилдаги бошқа топилмалар эса Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёбдан топилган, милоддан аввалги I асрларга оид бир нечта уд чалаётган аёл акс эттирилган терракота-ҳайкалчаларидир. Бу шаҳар харобаларида очиб ўрганилган саройлар, хонадонларнинг деворларида кўплаб мусиқачилар тасвирлари мавжуд.

Улардан бирида арфа чалаётган, ғоятда башанг кийинган аслзода аёл тасвирланган бўлса, бошқа бир суратда мусиқачилар гуруҳи ўз аксини топган. Бу деворий суратлар ниҳоятда жонли, ҳаққоний тарзда берилганлиги, улар ўз даврининг машҳур мусаввирлари томонидан чизилганлигидан далолат беради.

Буюк Ипак йўли орқали суғдийларнинг ҳунармандчилик буюмлари, турли туман савдо маҳсулотлари, маданияти ва шу билан бирга мусиқа маданияти ҳам Шарқий Туркистон, Хитой, Корея ва ҳатто Япониягача етиб борган. Хитойлик олим Сун Сяннинг ёзишича, V асрдан X асргача самарқандлик суғдийларнинг кўшиқлари, рақслари ва мусиқа асбоблари доимий равишда Хитой императорларининг саройлари, шаҳар ва қишлоқлари кўчалари бўйлаб таралиб турган.

Император ва юқори мансабдорларнинг саройларида Трансоксиана (Марказий Осиё) ва Шарқий Туркистондан келган мусиқачиларга юксак санъатлари боис юқори даражада ҳурмат кўрсатилган. Япониялик олим Кисибэ Тан империяси саройида фаолият кўрсатган ғарблик, яъни Марказий Осиё ва Шарқий туркистонлик ўттиз битта мусиқачининг номини аниқлаган.

Тан империяси даврида 727 йилда Кешдан, 729 йилда Маймурғдан, 713 ва 727 йилларда Самарқанддан Хитойга ёш йигит ва қиз раққосалар борганлар. Улар қирмизи кўйлак, қизил замшдан ковуш кийишиб рақс ижро этганлар. Раққосаларнинг чиқишлари махсус саҳналаштирилган ва рақслар асосан икки турга бўлинган – биринчи тур рақслар шоирона нозик, гавда ва қўл бармоқларига

алоҳида эътибор бериладиган ҳаракатлар орқали нафис ижро этилса, иккинчи тур рақслар эса шўх-шодон, шиддатли ва акробатик усулларда ижро этилган. Уларнинг рақслари тўғрисида хитойлик шоирлар Бо Цзюй ва Юань Чженлар “Шамолдек чарх ураётган ғарблик қизлар” деган шеър ҳам битганлар. Бу қизлардан хитойлик маликалар Ян ва Рокшанлар суғдий рақсларнинг бир неча ижро усулларини ўрганганлар.

Хитой йилномаларида келтирилган бундай маълумотларнинг тўғрилигини бу ўлкада олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Шимолий Хитойда олиб борилган археологик қазишмалар даврида VI–VII асрларга оид бадавлат суғдий аслзоданинг қабри топилган бўлиб, бу қабрдан чиққан мармар тоштахтанинг юқори қисмида суғдий аслзода ва унинг хотини хизматкорлари қуршовида базм уюштираётганлиги саҳнаси, пастки саҳнада эса Хитойга бориб ўзларининг санъатларини намоиш этаётган суғдлар мусиқа ансамбли тасвирланган. Ансамблда ўнчача машшоқ иштирок этган. Улардан бир нечаси уд, иккитаси най, иккитаси бир қўли билан ушлаб иккинчи қўли билан уриб чалинадиган ноғорасимон асбоб ушлаб олган. Битта созанда эса арфа чалапти. Созандаларнинг ўртасида эса раққос тасвирланган. Раққоснинг ҳаракатидан, аниқроғи қўлларининг тепага қаратиб тик ҳолатда ушлаб туришидан унинг силтаниб рақсга тушаётганлигини англаш мумкин. Бундай рақсга тушиш кўпроқ эркаклар учун хослигини ҳисобга олсак, бу ерда эркак раққос тасвирланганлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Шарқий Туркистон, Хитой, Узоқ Шарққа ўзининг ноёб мусиқа маданиятини доимий равишда “экспорт” қилиб бу мамлакатларнинг мусиқа, қўшиқчилик ва рақс санъатининг ривожига катта таъсир кўрсатган Суғдиёна, Бактрия-Тохаристон, Чоч, Уструшона, Хоразм ва Фарғонада ҳам антик ва илк ўрта асрларда мусиқа маданияти юқори даражада бўлганлигини бу воҳаларда олиб борилган археологик тадқиқотлар тобора кенгроқ ва чуқурроқ намоён этмоқда.

VIII асрда Марказий Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши бу ўлка халқларининг, айниқса, суғдийларнинг асрлар давомида яратилган оламшумул маданиятига, бадиий ва амалий санъатига ва шу жумладан мусиқа санъатига ҳам бироз зарар етди. Асосан, сиёсий ҳукмронликка даъво қилган араблар, оддий халқ ичида кенг тарқалган мусиқа маданиятини тамоман йўқ қила олмадилар. Иккинчи томондан Марказий Осиё халқларининг арабларга қарши олиб борган ва қарийб юз йил давом этган курашлари нихоя топиб, бу ўлкада бошланган тинчлик шароитида, умумий давлатлар ва ягона дин остида бирлашган Марказий Осиё, Эрон ва Олд Осиё халқларининг мусиқа маданиятлари бир-бирларига яқинлашди. Мисол тариқасида, қадимдан Марказий Осиё ва Эрон ўлкалари учун хос бўлган уд чолғу асбоби Олд Осиё, Шимолий Африка ва ҳатто Испания (Андалузия) гача тарқалганини келтириш мумкин.

Мовароуннаҳрда IX–XI асрларни қамраб олган ва оламшумул чўққига чиққан Ренессанс даври фан ва маданиятнинг кўплаб соҳаларини қамраб олгани ҳолда инсоний маданиятнинг катта бир жабҳаси – мусиқа маданиятини ҳам четлаб ўтмаган. Мусиқа маданиятининг илмий муаммолари билан Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, ал Хоразмий каби буюк қомусий олимлар ҳам жиддий шуғулланганлар ва бу маданиятнинг алоҳида фан сифатидаги илмий, фалсафий, умуминсоний хусусиятларини, Мовароуннаҳр халқларининг минглаб йиллик бой мусиқий меросини таҳлил қилганлар.

Шуниси эътиборга лойикки, Абу Наср Фаробий ўзининг “Катта мусиқа китоби” (Китаб ал-мусиқи ал-кабир) асарининг кириш қисмида антик давр юнон мусиқа назариясида кўплаб ноаниқликлар мавжудлиги, муаммоларнинг тўлиқ ечилмаган-

лиги унинг мана шу йирик илмий асарини ёзишига сабаб бўлганлигини айтади. Айрим шарқшунос олимларнинг эътироф этишларича, Фаробий мусиқа асбоблари тўғрисидаги фаннинг асосчисидир. Чунки, унинг “Катта мусиқа китоби”дан кейинги асари “Мусиқа асбоблари тўғрисида” деб номланган. Китобнинг бундай номланишининг ўзиёқ, Фаробий яшаган даврда ўнлаб хилдаги мусиқа асбоблари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Фаробийнинг ушбу фундаментал асарлари фақатгина бу улуг даҳонинг юксак ижодий-илмий тафаккури маҳсули бўлиб қолмасдан, бу асарларнинг замирида Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ халқлари орасида минг йилдан ортиқроқ вақт давомида тўпланган мусикий маданият, мусикий билим, амалиёт ва ранг-баранг ижро усуллари ётади.

Юқорида тилга олинган қадимий ва илк ўрта асрларга оид археологик осори-атикаларни яна бир марта ёдга олганимизда улар орасида уд чолғу асбобига кенгрок ўрин берилганлигини кузатамиз. Фаробий яшаган даврдан минг йиллар муқаддам пайдо бўлган ва бу пайтга келиб мукамаллик даражасига етган уд чолғусига бу қадар эътибор беришларига сабаб шуки, Фаробий ҳам, бошқа мусиқа назарийчилари ҳам мусиқа назариясининг асосларини яратишда асосан удга, унинг имкониётларига, товушларига, уд ҳамроҳлигида ижро этиладиган қўшиқларга суянганлар.

Уд тўғрисида кенг ва батафсил таърифни илк марта бобокалонимиз Абу Наср Фаробий ўзининг “Катта мусиқа китоби” (Китаб ал-мусиқи ал-кабир) асарининг махсус бобида берган. Файласуф ушбу асбобнинг жуда кенг тарқалганлиги тўғрисида тўхталиб, унинг тузилиши, товушлар қаторини таҳлил қилган. Лекин, Фаробий таърифлаган уд чолғусининг суратлари бизнинг кунларгача етиб келмаган. Бу даврда уд ноксимон қоринли, калта бўйинли, орқага хиёл қайрилган томонида торларни тортилиши учун икки қатор қозикчалар бўлган. Аввал улар тўрт торли бўлган. Чунки, Афросиёбдан топилган терракота ҳайкалчаларнинг қўлларида ҳам тўрт торли уд тасвирланган. Ал-Киндийнинг маълумотига қараганда, IX асрдан бошлаб удга бешинчи тор тортилган. Уд торлари аввал ипақдан, IX асрдан бошлаб эса ҳайвон ичагидан тайёрланган. Бизгача, Бағдодда XIII асрда яшаган мусиқа назарийчиси Сафи ад-Диннинг “Ритмик доиралар тўғрисида китоб” (Китоб ал-алвар) асарида берилган уд тасвири етиб келган. Ундан ташқари, Берлин музейида сақланаётган X асрга оид кумуш медальонда уд чалаётган Бағдод ҳалифаси тасвири бор. Худди шу музейда XI асрга оид кумуш ликопча ҳам сақланади ва унда ҳам уд чалаётган шахзода тасвири туширилган. Бу тасвирларда акс эттирилган удлар ўзларининг кўринишлари ва тузилишлари билан ҳозирги замон удларидан деярли фарқ қилмайдилар.

Фаробийнинг “Мусиқа асбоблари тўғрисида” деб номланган китобидан маълумки, Марказий Осиёда қадимданок ўнлаб турдаги мусиқа асбобларидан фойдаланилган. Бу мусиқа асбоблари жўрлигида ансамбль ижроси амалга оширилган ва ансамбль ижросида ҳам бошловчилик ролини уд бажарган. Фаробий танбур, рубоб ва арфани уд жўрлигига қандай созлаш кераклиги тўғрисида ҳам кўрсатмалар берган. Чолғу асбобларининг турлари, ансамбль ижроси тўғрисидаги тарихий фактларни археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. Ўрта асрлар мусиқа маданияти ва илми 1219–1220 йилларда Осиёнинг катта қисми Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар томонидан истило қилиниши билан таназулга учраганлиги шубҳасиздир. Бу юришда Мовароуннахрнинг бир неча ўнлаб йирик шаҳарлари, юзлаб катта-кичик қишлоқлари тамоман вайронага айланди, аҳолининг катта қисми қириб юборилди, минг йиллар давомида шаклланган маданият тамоман инкирозга юз тутди. Лекин, Чингизхоннинг авлодлари бўлган хонлар ва аслзодаларнинг саройларида мусиқа,

албатта, давом этган, улар ҳам ўзларининг ғалабаларини турлича базмлар уюштириб, созандалар иштирокида нишонлаганлар. Бирок, бу даврнинг мусиқа фаолияти яхлит маданият даражасига кўтарила олмаган.

Мусиқа маданиятининг кейинги қайта жонланиши, қадимий анъаналарнинг рўёбга чиқиши Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар сулоласи билан боғлиқдир. Турлича тиллар, турлича анъаналар ва маданиятларнинг умумий давлат чегарасида жамланиши уларнинг ривожланишига, бир-бирларини тўлдириши ва бойитишига замин яратди. Мусиқа санъати Амир Темурнинг пойтахти Самарқандда, Шоҳрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур подшоликлари даврида Ҳирот, Балх, Қобул каби йирик шаҳарларда айниқса ривож топди, мусиқа мактаблари шаклланди. Амир Темур саройида машҳур мусиқачи Хожа Абдулқодир Мароғий (1340–1435) яшаган ва ижод қилган. Мароғий Амир Темурнинг таклифи билан Бағдоддан Самарқандга кўчиб келган. Самарқандда унга мусиқа илми билан чуқур шуғулланишга барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Шу боис бу истъедодли мусиқачи ва мусиқашунос олим узоқ йиллар давомида аввал Амир Темур, кейинроқ эса Мирзо Улуғбек ва Шоҳрух саройларида хизмат қилган ва 200 дан ортиқ асарлар яратган. Бу асарлар жумласига “Чаҳор зарб”, “Зарб ал-фатҳ”, “Майатайн”, “Тасниф-и Хожа Абдулқодир”, “Амал-и Тарона”, “Амал-и Гулистон”, “Амал-и Бўстон”, “Амал-и Хористон” кабиларни киритиш мумкин. Хожа Абдулқодир Мароғийнинг мусиқа назариясига оид “Гина ва алҳон”, “Мақосид ал-алҳон”, “Жавомеъ ал-алҳон”, “Шарҳ ал-алҳон” каби кўплаб фундаменталь илмий асарлари маълум.

Амир Темурнинг набиралари Мирзо Улуғбек, Бойсунғур Мирзо, кейинроқ эса темурийлардан Ҳусайн Бойқаро даврларида илм-фан, адабиёт, миниатюра санъати, китобатлик, ҳаттотлик санъати ва бошқа соҳаларга қилинган алоҳида ғамхўрлик нафис мусиқа санъатини ҳам четлаб ўтмади. Мана шу даврда яшаган ва ижод қилган буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий илм-фан, адабиёт ва санъатнинг барча йўналишларининг ривожига улкан таъсир кўрсатди. Замондошларининг ёзишларича, Навоийнинг ўзи ҳам мусиқий асарлар яратган.

Мана шу даврда яратилган миниатюра санъати намуналари ҳам мусиқа асбоблари тўғрисидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади. Миниатюраларда мусиқа асбобларидан ҳатто жангу жадалларда ҳам фойдаланилганлигини кўрсатувчи тасвирлар бор. Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод томонидан темурийлар даври тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг машҳур “Зафарнома” асарига чизилган бир қатор миниатюраларда жанг саҳналари тасвирланган. Уларда жанг майдонида карнай чалаётган карнайчилар тасвирлари бор. Расмларда уч хил карнай тасвирланган: биринчиси кенг оғизли тўғри трубасимон карнай, иккинчиси нисбатан торроқ оғизли тўғри трубасимон карнай, учинчиси эса “S” шаклдаги торроқ оғизли карнай. Шубҳасиз, ушбу турли шаклдаги карнайлар турлича овоз чиқарадилар ва ҳар бир турдаги карнайнинг ўзини ҳам бир неча хил оҳангларда чашиш мумкин. Бу карнайларни жанг майдонларида қай мақсадда ишлатганлар? Агар жанг саҳнаси тасвирланган бир қатор миниатюраларга эътибор қаратсак, улардаги карнайчилар, албатта, байроқ кўтарган яловбардор ёнида тасвирланганлар. Демак, улар жангларнинг марказий бошқарув нуктасида, яъни кўмондонлар ёнида турганлар. Бизнинг фикримизча, бу карнайлар воситасида кўшиннинг ҳаракати бошқарилган. Масалан, кенг оғизли карнай чалинганда отлик кўшин жанга кирган, торроқ оғизли карнай чалинганда эса пиёдалар хужумга ўтганлар, “S” шаклдаги карнай эса камондан ўқ узишга даъват этган ва ҳоказо.

Камолиддин Бехзоднинг яна бир миниатюрасида шоҳона базм тасвирланган бўлиб унда бир нечта созандани кўриш мумкин. Бошқа бир миниатюрада эса дутор

чалаётган ниҳоятда гўзал, қанотли пари тасвирланган.

Амир Темур ва темурийлар даврида машҳур “Шошмақом” ва “Дувоздахмақом” каби йирик мусиқий туркумларнинг шаклланиши жараёни бошланди ва бу туркумлар кейинчалик мақомнинг Фарғона – Тошкент, Самарқанд ва Хоразм йўлларининг шаклланишига замин яратди. Шу аснода дунёга келган мақом йўллари мана қарийб олти юз йилдирки, мумтоз ўзбек кўшиқчилик ва мусиқа санъатининг шоҳ асарлари сифатида қадрланиб ижро этилмоқда. Мана шу даврда яшаган Зайнулобиддин Хусайний “Қонун-и илми ва амали мусиқи” асарини ёзган ва илк маротаба мана шу асарда дутор тўғрисида кенг маълумот берилган.

Темурийлардан кейин Мовароуннахрда сиёсий ҳокимиятни эгаллаган Шайбонийлар даврида ҳам мусиқа маданияти ривожланишдан тўхтамади, айниқса, Убайдуллаҳон ва ундан кейинги подшолар даврида бу санъат жуда тараққий қилди. Бу даврда йирик мусиқашунос олим Нажмиддин Кавкабий яшаган ва ижод қилган. Унинг “Рисолайи мусиқи” ва “Рисолайи дар баёни Дувоздахмақом” каби мусиқа илмига оид асарлари бизгача етиб келган. XVI–XVII асрлар чегарасида яна бир йирик мусиқашунос олим Дарвеш Али Чангий яшаган. Унинг “Рисолайи мусиқи” ва “Тухфатус – сурур” асарларида Ўрта Осиёда яшаган ва ижод қилган 350 дан ортиқ мусиқачи, бастакор, созанда ва кўшиқчилар тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган.

Бизга XVI–XVIII асрларда яшаган ва ижод қилган Жаъфар Қонуний, Али Дўст Найий, Ҳофиз Маҳмуд, Ҳофиз Мирак каби ўнлаб мусиқачиларнинг номлари ва ўзбек мусиқа санъатининг ривожига кўшган бекиёс ҳиссалари маълумдир.

Самарқанд қоғозининг шуҳрати

Шарқ ва Ғарб мамлакатларини бир-бирларига боғлаб турган, китъалараро ўтувчи савдо-қарвон йўли – Буюк Ипак йўлининг тарихий чорраҳасида жойлашган 2750 ёшли Самарқандда қадимларданок жуда кўплаб ғоя, тафаккур, кашфиётлар туғилганлиги тарихий манбаларда ҳам қайд қилингандир.

Бундан 2700 йиллар илгари ўн минг қорамол терисига олтин ҳарфлар билан битилган оташпарастларнинг муқаддас китоби “Авесто” ҳам айнан шу шаҳарда яратилган эди. Инсоният тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги илмий, маданий ҳамда иқтисодий-сиёсий алоқаларга асос солган – Буюк Ипак йўлининг асосий ҳаракатлантирувчилари самарқандликлар бўлганлиги ҳам тан олингандир.

Бугунги кунда Осиё ва Европа халқларининг мусиқа санъатига катта ҳисса қўшаётган кўпгина мусиқа асбобларининг ватани Сўғд – Самарқанд эканлиги ҳам жаҳон олимлари томонидан эътироф қилингандир.

Самарқанд – Соҳибқирон Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган даврда бу шаҳарда меъморчиликка оид яна бир кашфиёт қилинган эди. Бу кашфиёт сўнгра Осиёнинг турли томонларига тарқалиб кетганди. Бу кашфиёт ҳозиргача барчани ўзига ром қилиб келаётган мовий кошинлардир. Самарқанд осмонидан андоза олган мовий кошинлардан бунёд қилинган гумбазлар узоқ-узоқлардан ҳам жилваланиб туради. Вақт ўтиб мовий кошинлар Эрон, Хуросон ва Ҳиндистонга ҳам етиб борган эди.

Илк ўрта асрларда Самарқандда қилинган яна бир кашфиёт борки, бу кашфиёт олдинги кашфиётлардан тубдан фарқ қилади. Бу кашфиёт жаҳон илм-фани ва маданиятини янада жадал ривожланишига катта ҳисса қўшган – Самарқанд қоғозидир. Самарқанд қоғозининг кашф қилиниши, қиммат ва фойдаланиш учун анча ноқулай

бўлган Миср папируси ҳамда пергаментини сиқиб чиқарилишига сабаб бўлган эди.

Самарқанд қоғозининг кашф этилиш даври ҳақида олимлар ўртасида ҳам бир хил фикр йўқ. Айрим тарихчилар масалан, Абу Мансур ас-Саъолибий самарқандликларга қоғоз яратиш сирини Талас водийсидаги жангда асир тушган хитойликлар ўргатишган, деб ёзган эди. Маълумки, 751 йилнинг ёзида сўғдлик ва чочлик аждодларимиз араб лашкарбошиси Зиёд ибн Солиҳ билан ҳамкорликда хитойликларга қарши жангга киришиб хитой лашкарбошиси Гао Сяньчи кўшинларини тор-мор қилишиб, кўплаб хитойликларни асирга олишган эди. Бошқа олимлар эса самарқандликлар қоғоз яратиш сирини Талас жангидан анча илгари кашф қилганликларини ёзганлар. Тарихчи Сайид Муҳаммад ал-Ханжий араблар эрамизнинг 650 йиллари Самарқандга келганларида бу ерда қоғоз ишлаб чиқаришга мослашган устахоналарни кўрганликларини ёзган. Юқоридаги маълумотларга асосланиб шуни айтишимиз лозимки, Самарқандда бундан бир минг беш юз йиллар илгари юксак навли қоғозлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Дунёда илм-маърифатнинг ривожига катта ҳисса қўшган самарқанд қоғозининг тарихи, яратилиш усуллари ҳамиша тадқиқотчиларнинг диққатида бўлиб келган. Шу сабабли, бу борада ўрта асрлар тарихчилари Абу Мансур ас-Саъолибий, Сайид Муҳаммад ал-Ханжий, Ибн Холдунларнинг ва XIX–XX асрларда ижод қилган А. Семёнов, Г. Григорьев, Р. Мукминова, Н. Ҳабибуллаев каби олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Самарқанд қоғози ўз нафислиги, пишиқлиги билан кўплаб улуғ инсонларнинг таҳсинига сазовор бўлган.

Эронда нашр этилган Девони Манучеҳр номли манбада айтилишича, XI асрда жуда кўплаб эронлик шоирлар Самарқанд қоғозига бағишлаб шеърлар битганлар. Улуғ шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур: “Дунёда энг яхши қоғоз Самарқандда тайёрланади, қоғоз тегирмонлари учун сув Кониғилдан келади. Кониғил Сиёб ариғининг қирғоғида жойлашган. Бу ариқни Оби Раҳмат деб ҳам атайдилар”, деб ёзган эди.

XVI асрда яшаган машҳур хаттот Султон Али Машҳадий ўз рисоласида: “Самарқанд қоғози қандай ажойиб. Агарда сен ақлли инсон бўлсанг унга бефарқ бўлма. Унга ёзилган хат равон ва чиройли чиқади, аммо у тоза ва оппоқ бўлмоғи лозим. Бу хоҳ оддий, хоҳ Султоний қоғоз бўлсин яхшисини олишга ҳаракат қилгин”, деб ёзган эди.

Ҳиндистонда ёзилган “Бурҳони котий” номли форс тилидаги луғатда: “Самарқанддан ажойиб қоғоз келтирилади”, деб ёзилган.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўришиб турибдики Самарқанд қоғози ўз сифати билан Шарқ ва Ғарб мамлакатларида жуда машҳур бўлган эди. Бу фикрни швецариялик шарқшунос Адам Мецнинг куйидаги фикрлари ҳам яна бир қарра исботлаб турибди. Европалик олим ўзининг машҳур “Мусулмон Ренессанси” номли асарида: “Самарқанд қоғозининг кашф қилиниши буюк ўзгаришларни бошлаб берди”, дея ёзган эди (Мец, 19...).

Самарқанд қоғози кашф қилинганидан бошлаб ҳукмдорларнинг диққатини ўзига тортганлиги маълум. 1933 йили Тожикистон республикасининг Панжикент районида қадимги Муғ қалъасидан VIII асрда арабларга қарши курашган Панжикент ҳукмдори Деваштичнинг шахсий архиви топилган эди. Бу ҳужжатлар орасидаги қоғозга ёзилган ҳужжатлар текшириб кўрилганида бу қоғозлар Самарқандда тайёрланганлиги исботланган.

Шу сабабли, Муғ қалъасидан топилган қоғозлар ҳозирча энг қадимги Самарқанд қоғози ҳисобланади. Араб тарихчиси Қутнинг ёзишича, Миср вазири Абул Фадл

ибн ал-Фурат ҳар йили ўз кутубхонаси учун катта миқдорда Самарқанд қоғозини сотиб олган. Манбаларда Шероз ҳукмдорининг кутубхоначиси кутубхона учун Самарқанд ва Хитой қоғозини тўплаганлиги қайд қилинган.

Самарқанд араб халифалиги таркибига киритилгач, Самарқанд қоғози X–XI асрлардан сўнг Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Тивернада, Триполи шаҳарларида ҳам ишлаб чиқарила бошлаган. Аммо бу ишларнинг бошида самарқандлик усталар турганлиги манбаларда ҳам қайд қилинган. Шунга қарамай Самарқанд қоғоз ишлаб чиқариш бўйича етакчилиكنи ўз қўлида сақлаб қолаверган. XIII асрда юз берган муғуллар босқини бошқа хунармандчиликлар қатори қоғоз ишлаб чиқаришга ҳам катта зиён етказганлиги маълум. Аммо, Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклар даврига келиб Самарқанд қоғози, нафақат ўз шон-шуҳратини тиклади, балки янада янги чўққиларга кўтарилди. Амир Темур асос солган кутубхонадаги китоблар айнан Самарқанд қоғозига ёзилганлиги учун ҳам беэён асрлардан-асрларга ўтиб келган эди.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклар давридаги кутубхоналар, нафақат китоблар сақлайдиган жой бўлган, балки бу китобхоналар айна вақтда нашриёт ва босма-хона вазифасини ҳам бажаргандир. Бу ерда моҳир хаттотлар ноёб китобларни Самарқанд қоғозига кўчирганлар. Сўнгра саҳифаловчилар ёзилган варақларга безак берганлар. Тайёр бўлган саҳифалар эса пишиқ муқовалар билан қопланган. Моҳир мусаввирлар чизган сураатлар қўлёзмаларни янада бойитгандир. Шу тахлитда, ноёб илмий, диний ва бадиий китоблар яратилган.

Мовароуннаҳр тахти темурийлардан сўнг шайбонийларга ўтгач ҳам Самарқанд қоғозининг шон-шуҳрати пасаймади, аксинча бу маҳсулотга талаб янада ошади. Шайбоний ҳукмдорлар илм-фан, маданият ва маърифатга катта эътибор берганликлари туфайли Самарқандга ва умуман Мовароуннаҳрга Мирзо Улуғбек давридаги илмий ҳамда маданий муҳит қайтганлигига гувоҳ бўламиз. Тарихий манбаларда XVI асрнинг биринчи ярмида Самарқандда Мир Иброҳим номли қоғозгар уста яшаб ижод қилганлиги маълум. Бу уста яратган қоғоз, “Мир Иброҳим қоғози”, деган ном билан машҳур бўлган. Бу устанинг оқ халқа кўринишидаги ўз маркаси сув белгиси ҳам бўлган. Мир Иброҳим яратган қоғоз ўз сифати ва нафислиги, силликлиги билан жуда харидоргир бўлгандир.

Шарқшунос А. Семёновнинг аниқлашича, XVI асрда Самарқандда учта “Мир” исмли усталар ҳамкорликда меҳнат қилганлар. Мир Убайд моҳир хаттот бўлган, Мир Шариф ажойиб саҳифаловчи бўлган, у олтин ва бошқа ранг-баранг бўёқлар билан саҳифаларни безаган, Мир Иброҳим эса сифатли, ялтироқ ва силлик қоғозларни тайёрлагандир. Ўз соҳаларининг моҳир усталари бўлган учала ижодкорларнинг ҳамкорлигидан чинакам, бетакрор санъат асарлари дунёга келган. Бу учала устанинг ҳамкорлигида яратилган бир неча Куръон сақланган бўлиб, бу муқаддас китоблар қўлёзма санъатининг энг юксак чўққиси сифатида баҳоланган.

Самарқанд қоғози Мовароуннаҳр аштархонийлар ва манғитлар қўлида бўлган даврларда ҳам ўзининг юксак чўққиларидан унчалик пастга тушмаган эди. Аштархонийлар сулоласининг Абдулазизхон ва Субҳонкулихон каби вакиллари илм-фан ва маданиятга ҳомийлик қилганликлари сабали Самарқанд, Бухорода фан, маданият анча тараққий этганлигига гувоҳ бўламиз. Тарихий манбаларда, айниқса Абдулазизхон даврида Самарқанд қоғозининг кадри янада ошганлиги қайд этилган. Бу хоннинг буюртмаси билан машҳур хаттот Хўжа Ёдгор ноёб асарларни Самарқанд қоғозига кўчирган эди. Хон машҳур хаттот Хўжа Ёдгорнинг меҳнатини юксак қадрлаган. Шарқшунос А. Семёнов тарихий манбалар асосида Абдулазизхон билан сарой хаттотни Хўжа Ёдгор ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни келтирган.

“Хўжа”, деб сўраган Абдулазизхон Ҳофизнинг ғазалларини кўчириш билан банд бўлган хаттотдан, ҳозир кўчираётганларингдан бир кунда қанча кўчирасан?

Агарда жуда ғайрат қилсам бир кунда ўн қатор кўчираман – деб жавоб берган хаттот.

Мен Узоқ Шарқда қирқ йил мобайнида битта чинни коса тайёрлашларини, Бағдодда эса бир кунда юзлаб коса яшашларини эшитганман. Албатта, бу косаларнинг нархи қандай бўлишини ўзинг тасаввур қила оласан. Санъатда ҳам худди шундай. “Сен бизнинг хаттотимизсан, шу сабабли ушбу китобни кўчириб ёзишга буйруқ бердик. Агарда бир кунда ўн қатор ёзаётган бўлсанг бу ҳуснихатнинг қанчалик гўзал чиқаётганлигини тасаввур қилиш мумкин. Агарда сабринг чидаса бир кунда икки қатор ёз, бўлмаса бир кунда бир қатор ёзсанг ҳам бўлади”, – деган экан Абдулазизхон. Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики мовароуннаҳрлик ҳукмдорлар чинакам ноёб китоблар яратиш учун ҳар қандай маблағни аямаганлар. Кейинчалик Хўжа Ёдгор кўчирган Ҳофизнинг ушбу китоби Эрон сафавийлари саройига келиб тушган ва бу ноёб асар жуда юксак баҳоланган эди.

Самарқанд қоғози вақт ўтиши билан Бухоро, Қўқон, Тошкент ва Ҳирот шаҳарларида ҳам ишлаб чиқилган. Аммо бу шаҳарларда яратилган қоғозлар ўз сифати, нафислиги билан самарқанд қоғозидан кейинда турган.

Шу ўринда, самарқанд қоғози қандай хом ашёлардан қай усулда тайёрланган? Бу қоғознинг машҳурлик сири нимада? – деган саволлар пайдо бўлади.

Авваламбор, шунини айтиш лозимки, Самарқанд қоғозини ишлаб чиқаришда табиий хом ашёлардан яъни тут пўстлоғи, зиғир ва каноп толаси, пахта ва ипақдан ажратилган момиқ, жун ва ипақ иплардан латта-путталардан, ёш тутнинг илдизларидан фойдаланилган. Шунингдек, қоғознинг сифатини ошириш ва хушбўй қилиш учун маккажўхори попуги, атиргул ҳамда атиргул суви ҳам қўшилган.

Тарихий манбаларда Самарқанд қоғозининг уч хили тилга олинган бўлиб, улар тайёрланган хом ашёсига қараб бир-бирларидан фарқланган. Биринчи хил Самарқанд қоғози фақат ипақ момиғидан тайёрланган бўлиб, бу қоғоз ўз қалинлиги, силлиқлиги ва ялтироқлиги билан ажралиб турган. Бу қоғоз “ипақ қоғози”, деб ҳам номланган. Иккинчи нав қоғоз эса ипақ момиғига каноп ёки зиғир толаси қўшиш орқали тайёрланган. Бу қоғоз ҳам ўзининг пишиқлиги, силлиқ ва ялтироқлиги билан ажралиб турган. Учинчи нав қоғоз эса, латта-путталардан тайёрланган. Бу қоғоз анча арзон бўлса-да, сифати яхши бўлган.

Қоғоз тайёрлашда сув тегирмони ва оқар сув зарур бўлганлигидан Самарқанд қоғозгарлари ўз устахоналарини Сиёб ариғи ёқасида барпо қилганлар. Тарихий манбаларда бу ариқ ёқасида қадимда кўплаб сув тегирмонлари ишлаб турганлиги айтилган.

Самарқанд қоғози тайёрлашнинг отадан-болага ўтиб келган ўз сирлари бўлган, албатта. Манбаларда ёзилишича, дастлаб қоғоз тайёрлаш учун мўлжалланган хом ашё тозаланиб, сўнгра оҳақли сувга бўктириб қўйилган. Эртаси куни бўктирилган хом ашё сувда ювилиб офтобда қуритилган ва яна оҳақли сувга бўктирилган. Сўнгра хом ашё яна офтобда қуритилгач, майдаланиб тегирмонда роса туйилган. Хом ашё атала ҳолатига келгач, унга ҳар хил елимлар, ранг берувчи моддалар араштирилган ва тайёр бўлган атала маҳсус идишга қуйилган. Сўнгра маҳсус рамкаларга атала қуйилиб ундан қоғоз ясалган. Албатта, қоғозга ранг бериш, силлиқлаш ва ялтиратиш учун яна бир неча хил жараёнлар амалга оширилган. Бу ишларни мукамал бажариш учун юксак малака ва маҳорат лозим бўлган.

Мана шундай машаққатли ишлардан кейин Самарқанд қоғози пайдо бўлган.

Қоғозгарлар ўз қоғозларига ҳар хил табиий бўёқлар воситасида сарик, қизил, сарик-яшил, сомон ва фил суяги ранглари беришган.

Шарқда қабул қилинган ахлоқ-одоб қоидаларига мувофиқ, турли рангдаги қоғозлардан турли ҳолатларда фойдаланиш урф бўлган. Одатда мусибат ёки бирор-бир кишининг ўлими ҳақидаги хабар кўкрангли қоғозга ёзилган. Қизилрангли қоғозга эса хушxabар, табриклар, яхши тилаклар битилган. Фил суяги рангли қоғозга эса кўтаринки, тантанавор оҳангдаги матнлар битилгандир.

Ҳа, самарқанд қоғозининг инсоният олдидаги хизматлари беқиёсдир. Бу қоғоз орқали улуғ аллома Абу Али ибн Синонинг асарлари, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си, Умар Хайём, Ҳофиз Шерозийларнинг шеърлари, Бобурнинг “Бобурнома”си, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг “Саҳиҳ хадис”лари, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг, Фазлуллоҳ бин Рузбехоннинг, Хусайн ибн Али ал-Воиз ал-Кошифийнинг, Мирзо Улуғбекнинг ва яна бир неча минглаб илмий, бадий, диний асарлар бизнинг кунларимизгача етиб келган.

Шарқшунос олима Р. Мукминованинг ёзишича, машҳур хаттот Султон Али Машҳадийнинг машҳур мусаввир Камолиддин Бехзод билан ҳамкорликда Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийларнинг асарларини самарқанд қоғозига кўчирган. Ҳозирда дунёнинг турли кутубхоналарида сақланаётган бу асарлар хаттотлик ва мусаввирлик санъатининг бебаҳо намуналари сифатида қадрланади.

Тарихий манбалардан англашилишича, самарқанд қоғози то XVIII асрнинг охириларигача ишлаб чиқарилган. Аммо XIX асрдан бошлаб бу соҳада ҳам тушкунлик юз бера бошлайди. Мовароуннаҳрда юз берган тушкунлик туфайли илм-фан ва маданият таназзулга учрайди. XIX асрнинг иккинчи ярмида юз берган Россия империясининг Туркистонга босқинидан сўнг Самарқанд қоғозини ишлаб чиқиш бутунлай тўхтади.

Ўзбекистон Мустақиллигидан сўнг кўп соҳалар қаторида хунармандчилик соҳасида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлган. Самарқандлик хунарманд З. Мухтаров узоқ ўрганишлардан сўнг, самарқанд қоғозини қайта яратишга эришди. У Сиёб ариғининг бўйида қадимги тегирмоннинг ўрнида қоғоз ишлаб чиқаришга мўлжалланган тегирмонни яратиб ишга туширди.

Айрим маълумотларга қараганда, Японияда ҳам Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Биз бир гуруҳ ўзбек олимлари 1996 йили Парижда илмий сафарда бўлганимизда франциялик ҳамкасбларимиз бизга улуғ аждодимиз Алишер Навоийнинг ўзбек ва француз тилларида ёзилган ғазаллари битилган самарқанд қоғозини совға қилган эдилар. Бу биз учун қутилмаган ва энг қимматли совға бўлган эди, ўшанда.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз лозимки, аждодларимиз томонидан бундан бир минг беш юз йиллар илгари кашф қилинган Самарқанд қоғози Буюк Ипак йўли орқали дунёнинг турли томонларига тарқалиб, жаҳонда илм-фан, маърифатнинг тараққий этишига беқиёс хизмат қилган.

Шарқнинг улуғ алломалари, шоирлари ва мусаввирларининг яратган асарлари айнан Самарқанд қоғозига битилгани туфайли асрлардан-асарларга ўтиб, бизгача етиб келган.



Исмат САНАЕВ

“Равзаи асрор” — пок муҳаббат қиссаси

Ислом ва Қуръони Карим мавзуларининг ўзбек адабиётига сингиб, унда ўз ифодасини топиши буюк аҳамият касб этди: улкан кашфиётлар амалга оширилди, шоҳ асарлар яратилди. Аждодлар қолдирган ана шу буюк маданий меросдан баҳраманд бўлиш маънавиятимизни бойитиш учун янада салмоқли ҳисса қўшади. Яна муҳим томони шундаки, “Қуръоний мавзуларнинг жаҳон ва алалхусус ўзбек адабиётига сингиб ўтиши фақат диний нуқтаи назардангина иборат бўлиб қолмай, балки Шарқ адабиётининг биз учун мавҳум қирраларини ойдинлаштириб, турли адабий мавзуларнинг сарчашмаларини очган ва ҳозирги замон ўзбек адабиётининг ислом адабиёти билан шажаравий, мозийдан узилмас алоқаларини тиклашга ҳам мадад берган бўларди”¹.

Олим Девона “Равзаи асрор” асарини Юсуф ва Зулайхо қиссаси асосида ёзганлиги туфайли унинг манбалари ҳақида мухтасар маълумот бериш маъқул кўринди.

Қуръони Каримдаги “Қиссаларнинг энг гўзали”² бўлмиш “Юсуф” сураси 111 оятдан иборат. Алоуддин Мансур ёзганидек, “Суранинг назму услубида ўзгача латофат, айрича жозоба мавжудки, Ислом оламидаги энг буюк қалам аҳллари ундан мутассир бўлиб шеър устодлар битганлар, уламолар эса бу сура хусусида жилд-жилд китоблар тасниф этганлар. Шундай асарлардан бирида: “Юсуф” сураси жаннат аҳллари жаннатда ҳам роҳат билан тиловат қилиб юрадиган суралардандир”, дейилган бўлса, яна бирида, “ҳар қандай ғам-ташвишга ботган маҳзун киши Юсуф сурасини эшитиши билан ором-осойиш топура³, дейилади.

Юсуф ҳақидаги қиссанинг тарихи узун бўлиб, муқаддас китоблар орқали бутун ер юзига тарқалиб кетган. Бу мавзу Таврот⁴да ҳам ўз ифодасини топган. Юсуф

1 Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993, 5-б.

2 Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: 1992, 153-б.

3 Алоуддин Мансур. Юсуф ва Нур сураларининг тавсифи. – Тошкент: Фан, 1991, 3–4-бет

4 Муқаддас китоб Инжил. Тавротдан Мусо пайғамбарнинг биринчи китоби, Ибтидо.

– Стокгольм: Библияни таржима қилиш институти. 1992, 61–100-бетлар

Исмат САНАЕВ – 1942 йилда тугилган. Самарқанд давлат университети филология факультетини битирган. “Армонли дунё”, “Қанот қоққан оппоқ орзулар”, “Тог гули”, “Зиёвуддин тарихи”, “Бу кўҳна дунё”, “Нодим Зиёвуддиний”, “Мирзо Салимий” каби бадиий, илмий-тарихий асарлари эълон қилинган.

қиссаси унда кенг баён қилинган. Шунингдек, Инжил⁵да ҳам, Забур⁶да ҳам бу борада маълумотлар берилган.

Форс-тожик адабиёти тарихида бу мавзуда яратилган энг қадимги бадиий асарлардан бири Фирдавсийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонидир. Маълумотларга кўра, Фирдавсийгача Абдулмауйяд Балхий ва Бахтиёрӣ ҳам шу мавзуда достон ёзган. Бундан ташқари, форс-тожик тилида Юсуф ва Зулайхо мавзуида яратилган яна бир насрий қисса мавжуд бўлиб, бу ягона кўлёзма Лондонда сақланмоқда.

XIV асрда яҳудий шоири Шохин Шерозӣ, XV аср бошларида бухоролик шоир Шаҳобиддин Амъақ⁷, XII асрда Абдурахмон Жомӣ “Юсуф ва Зулайхо”⁸ достонини ёзган. XVII асрда Нозим Ҳиравий, XVIII асрда бухоролик шоир Салоҳӣ⁹ “Юсуф ва Зулайхо” достонини яратган. XIX асрда Ширин, Абдусамад Бухорӣ¹⁰, Жунайдулло Ҳозик, Нодим Зиёвуддинӣ¹¹лар Юсуф мавзуида достон битишган.

XVIII асрда ўзбек ва туркман тилларида ижод этган Нурмуҳаммад Андалиб¹², уйғур ёзувчиси Мулло Юсуф Ёркандӣ¹³ “Юсуф ва Зулайхо” достонларини ёзган.

Ўзбек адабиётида Юсуф мавзуида илк бор ёзилиб, олам юзини кўрган асар 1233 йилда шоир Али томонидан туркий (ўғуз) тилида битилган “Қисаси Юсуф” достонидир.

Рабғузӣ 1309-1310 йилларда ёзган “Қисаси Рабғузӣ”¹⁴ китобига “Қиссаи Юсуф сиддиқ алайҳиссалом” номли қиссасини киритган. Юсуф қиссасининг “аҳсан ул-қисас” (гўзал қисса) деб улуғланиши юзасидан Носируддин Бурҳонуддин Рабғузӣ “Аҳсан” темада ҳикмат не эрди?” дея савол бериб, саккиз марта жавоб қайтариб, тўққизинчисида шундай дейди: “Расул алайҳиссалом ёрлиқади, ким эрса ўн турлук балоға илинса, ўн сурани ўкусун; ким эрса навсибослиқ мандин кетсун теса, “Алҳамду” сурадин ўкусун; ким эрса ўғрилардек куртулайин теса, “Сурат ул-бақара”ни ўкусун; ким эрса чиғойлиқдин куртулайин теса, “Ол имрон”ни ўкусун; ким эрса қазғу кўнглумдин чиқсун теса, “сурат ул-анъом”ни ўкусун; ким эрса нифоқ кўнглумдин чиқсун теса “Сурат ул-анфол”ни ўкусун; ким эрса ўфкам ўчсун теса, “Сурат ул-аср”ни ўкусун; ким эрса қазғу манга ҳаром бўлсун теса, “Алам нашрах”ни ўкусун; ким эрса куфр ва ширк мандин кетсун теса, “Сурат ул-ихлос”ни ўкусун; ким эрса жодлуқдин омон тиласа, “Сурат ул-муъаввизатайин”ни ўкусун; ким эрса бу ўн турлук қазғу мандин кетсун теса, “Юсуф” сурадин ўкусун. Анинг учун камуғ балолар Юсуф қиссасинда бор”¹⁵.

Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” достонида ҳам Юсуф тилга олинган.

5. Ўша манба. 2–128-бетлар.

6. Ўша манба. 209–211-бетлар.

7. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 327-бет.

8. Абдурахмон Жомӣ. Сайланма. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 12-бет.

9. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974, 134-б.

10. Ўша манба. 137–38-бетлар.

11. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964, 126-бет.

12. Тоҳиров Қ. Халқ қиссаси “Юсуф ва Зулайхо”нинг матни ва тадқиқи. – Самарқанд: СамДУ, 2001, 140-бет.

13. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 342-бет.

14. Рабғузӣ, Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузӣ. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990, 99–167-бетлар.

15. Ўша манба. 100–101-бетлар.

Алишер Навоий ўзининг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”¹⁶ асарида Юсуф алайҳиссалом қиссасини насрий баён қилган.

XIX аср ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси Муҳаммадризо Огаҳий буюк мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонини илк бор ўзбек тилига таржима қилган¹⁷.

Олим Девонанинг “Равзаи асрор” қиссасини 1338-рақамли қўлёзмаси ҳажман анча катта бўлиб, 4538 байт (9077 мисра)дан таркиб топган. Асар муқаддима ҳамд, наът ҳамда воқеалар тизмасидан таркиб топган 57 бобдан иборат. Ҳар бир боб насрий сарлавҳага эга бўлиб, у қиссанинг моҳиятини очиб бериш учун хизмат қилади. Боблар ўзаро узвий боғланган. Муаллиф ҳар боб сўнггида соқийга ё мутрибга мурожаат асносида қиссадаги воқеа ривожига ўз муносабатини билдиради: Достон арузнинг сариё баҳрида ёзилган. Матн яратган Парвардигорга шукроналик, ҳамду сано, набилар сарварига дуруди саловатлар билан бошланади. Саҳобалар мадҳ этилади, устозлар улуғланади.

Гоявий жиҳатдан юксак, бадий жиҳатдан пишиқ, ҳажм жиҳатидан анча йирик бўлган “Равзаи асрор” достонини адабиётшунослик ҳамда манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, достон матнини илмий истифодага киритиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Олим Девона қаламига мансуб “Равзаи асрор” достонининг иккала нусхасини матн жиҳатдан муқояса қилиб ўрганганимизда бир қанча ўзгаришлар борлиги аниқланди. Ана шу қўлёзма манбаларга таяниб илмий хулоса чиқаришга асосланган. 1799-рақамли қўлёзма 58 сарлавҳа остидаги 4527 байт (9054 мисра) дан иборат.

Мазкур қўлёзма қайта таҳрир қилинган: сарлавҳалар қисқартирилиб оддийлаштирилган ва ихчамлаштирилган. Қўлёзманинг 72 а саҳифасидаги “Азизи музмаҳил Тенгри ҳукми била мутанаббих бўлмоғи ва ани била Зулайхони сулуки”, 75 а саҳифасидаги “Ҳикояти бар сунбули тамсил” сарлавҳалари қисқартирилиб ва қисман ўзгартирилиб, қўшилган ҳолда 1338-рақамли қўлёзмада “Азизи музмаҳил Тенгри ҳукми била мутанаббих бўлмоғи ва Зулайхони ани била сулуки” шаклида берилган.

Иккала нусханинг бошланиши ва хотима қисмларида шахарлар ва шоирлар номини қўллашда бир-биридан фарқ қиладиган сўзлар мавжуд:

Биринчи нусхада бўлган Хиромийнинг номи иккинчи нусхада ўзгартирилиб Низомий ҳолида берилган:

*Нўш эътибон мисли Хиромий бўлай,
Муттабеи Хусраву Жомий бўлай. (1799, 13-а)*

*Нўш этайин токи Низомий бўлай,
Муттабеи Хусраву Жомий бўлай. (1338, 13-а)*

1799-рақамли нусхадаги Кеш – Шаҳрисабз шаҳрининг таърифи берилган бобда матн ва унинг “Кеши дилкаш жаннатваш васфида сафҳанинг зийнат ва оройиши” аталмиш сарлавҳасининг номи бирмунча ўзгартирилиб, 1338-рақамли нусхада сарлавҳа “Шаҳри Самарқанднинг сиймо монанд ва кимё мустамандлиғига сўз сўзламак” шаклида қўлланган ҳамда Самарқанд шаҳри таърифи берилган. Матндаги айрим сўзларнинг ўзи ҳам, ўрни ҳам ўзгартирилган, Кеш–Шаҳрисабз

16. Алишер Навоий. Асарлар 20 жилдлик. XVI ж. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Тошкент: Фан, 1997, 122–129-бетлар.

17. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 342-бет.

ўрнига Самарқанд қўлланган:

*Дашт ила сахроси эрур ани сабз,
Онинг учун оти эрур Шаҳрисабз. (1799, 13-б)*

*Дашт ила сахроси анинг қанд эрур,
Онинг учун оти Самарқанд эрур. (1338, 13-б)*

Бу ўзгаришлар асарни таҳрир қилган шоирнинг фикрига асосан иккинчи нусхани китоб ҳолига келтиришда амалга оширилган бўлиши мумкин.

1799-рақамли қўлёзмада айрим сўз, ибора ва байтлар ўзгартирилган ва уларни бадал қилиш натижасида 1338-рақамли қўлёзмада 23 мисра кўпайган.

Матндаги айрим сўз, ибора мисралар ўзгартирилиб, уларнинг ўрнига янги нусхада бошқа сўз ибора ва мисра қўлланган:

*Силли уруб орази дилжўсига,
Бу бошига мушт ул абрусига. (1799, 84-а, 8-б)*

*Силли уруб орази дилжўсига
Йўл бошига мушт ул абрусига. (1338, 84-б, 8-б)*

Матндаги вазн сакталиги ва қофия қусурига барҳам бериш мақсадида байтдаги сўз, ибора, мисралар қайта таҳрир қилиниб, кейинги нусхада янги сўз, ибора, мисра қўлланган ва матний нуқсонлар тузатилган:

*Ваҳ, не дейин нечаи нозик адо,
Ким куюбон ҳасратидин мағзи чин. (1799, 54-а, 7-б)*

*Ваҳ, не дейин мушк ила анбар сўзин,
Ким куюбон ҳасратидин мағзи чин. (1338, 54-б, 10-б)*

Ёки:

*Тенгри эрур олими асрори ғайб,
Йўқ манга қочмоғлигинин. (1799, 169-б, 5-б)*

*Тенгри эрур олими асрори ғайб,
Ким манга қасд йўқ эрур ушбу айб. (1338, 170- а, 6-б)*

Биринчи нусха – мусаввадада матндаги сўзлар таҳлил қилиниб, ҳошияда тузатишлар берилган. Аммо янги нусхани ёзишда ўша матн яна қайта таҳрир қилиниб, сўзлар, байтлар, ҳатто мисралар яна ўзгартирилган:

Биринчи нусхада:

*Анда суруш қулогин деди: эй наҳри роз,
Бўлдим утдин суу қондин шарор?*

Ҳошияда:

Бўлдим утдин суу қондин шарор, (1799, 199-а, 11-б)

Янги нусхада:

*Анда суруш деди: эй баҳри нур,
Бўлдим утдин суу ғамдин сурур?(1338. 167-а, 1-б)*

Фард мисраларидаги ҳарфлар шакл жиҳатидан дoston матнидаги ҳарфлардан мутлақо фарқ қилмайди, айнан ўхшаш. Шу боис бу фард китобни кўчиришни охирига етказишга муяссар бўлган муаллиф томонидан битилган, дейишга асос бор. Чунки мисралардаги шеърӣ услуб ҳам, мазкур фард ҳам китобхон дуосига умид боғлаган Олим Девона қаламига мансуб эканлигини ҳар жиҳатдан исботлайди. 1338-рақамли қўлэзмати кўчирган котиб (ёки муаллиф) ўша фардни тушириб қолдирган ва китобни кўчирилиш тарихи ҳақида фикр юритиб, асар хижрий 1322 йилнинг раби-ул-аввал ойининг ўн бешинчисида якшанба куни китоб холига келтирилганлигини ёзган.

Биринчи нусха – 1799-рақамли қўлэзмада асосий матнда тушиб қолган ёки нотўғри, чалкаш ёзилган сўз, ибора, мисраларни бадал қилиш учун хошиядаги ишора тарзида берилган сўзлар ёзилиш шакли жиҳатидан матнга жуда ўхшаш. Бу эса китоб кўчирилган 1861 йилда таҳрир ишларни амалга оширилганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, таҳлил ва таҳрир ишлари котиб томонидан эмас, балки муаллиф томонидан мазмун ва шаклга мутаносиб тарзда бажарилган, деган хулосага келишга имкон беради. Чунки сарлавҳаларни қисқартириш, сўз, ибора мисра, ҳатто байтларни таҳрир қилиб бир неча марта ўзгартиришларнинг котиб томонидан бажарилиши ҳақиқатга тўғри келмайди. Шунинг учун, қўлэзма муаллифнинг ўзи томонидан кўчирилган ва таҳрир қилинган бўлиб, мазкур нусха Олим Девонанинг мусаввадаси, деган хулосага келишга имкон яратади.

Орадан 62–63-йил ўтгандан кейин, 1904 йил 29 май якшанба куни чиройли қилиб кўчирилган иккинчи нусха – 1338-рақамли қўлэзма хатолари баргараф этилган биринчи нусха – 1799-рақамли қўлэзманинг тўлдирлиб, қайта ишланган янги нусхадаги шаклидир.

1338-рақамли қўлэзмада 1799-рақамли қўлэзма нусхасида бўлганидек тузатиш, ўзгартиришлар учрамайди. Аммо мазкур нусханинг 83-а саҳифаси ўнинчи байтининг

Ўйла фиғон айлади ул нури айн, (1338, 83-а)

сўзларидан таркиб топган биринчи мисрасидан кейин ёзилиш лозим бўлган иккинчи мисраси котиб томонидан номаълум сабабларга кўра ёзилмай, матн учун бир сатр жой очиқ қолдирилган ва асарнинг матни яна давом эттирилган. Ана шу ноаниқликка ойдинлик киритиш мақсадида мазкур байтнинг ёзилмаган, аммо 1799-рақамли қўлэзмада мавжуд бўлган иккинчи мисраси ҳамда ундан кейинги бир байтни кўчириб қўшиб, 1338-рақамли қўлэзма нусхада мавжуд бўлган кемтикни бут қилишни мақсадга мувофиқ билдик:

Титради кўк, ларзага тушти замин.

Лек алар бўлмади соҳиб асар,

Қилдилар аввағи газабдин батар. (1799. 82-б; 1338, 83-а)

Асар устида бу қадар синчковлик ва кунт билан ишлаш ўз дostonини ҳар жиҳатдан етук ва мукамал бўлишини истаган тафаккур қамрови кенг, илоҳият илмидан хабардор заҳматкаш шоирнинг машаққатли меҳнатлари самарасидир.

Оллоҳга бўлган муҳаббатни комил инсон тимсоли бўлмиш Юсуф ва бутпарастликни тарк этиб ислом йўлига кирган садоқатли ошиқ Зулайхо тимсолида талқин этиш ниятида бўлган Олим Девона улуг ишга қўл ургандини ва ўзининг бандаи ожизлигини ифодалаб Аллоҳ номи билан қиссани шундай бошлайди:

*Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим,
Борча саҳаф бошидадур мустақим. (1338, 1- б)*

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг муборак ҳадислари бор: “Эътиборли ҳар бир иш “Бисмиллоҳ” билан бошланмас экан, унинг охири кесикдир”.

Бундан ташқари яна “Пайғамбар алайҳиссалом айтибдурларки: – Ҳар банда агар ихлос бирла бир мартаба “Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим” деса, ул бандаға етти юз йиллик ибодатни[нг] савобини ато қилурман”¹⁸.

“Юсуф” сурасининг биринчи ояти шундай бошланган: “1 Алиф, Лом, Ро”.

Қуръони Каримда изохланишича, “бир неча сура мана шундай ёлғиз-ёлғиз ҳарфлар билан бошланади. Кўпчилик Ислом уламолари наздида мазкур ҳарфлар “Ҳуруфи муқаттаот”, яъни маънодан узилган ҳарфлар саналиб, уларнинг маъноси ягона Оллоҳгагина маълум”.

Шоир “ҳуруфи хижо” санъати асосида қуйидаги сатрларни битган:

*Ҳарфлари ҳар бири ганжи ниҳон,
Билгай анинг комили бисёрдон.*

Қиссанинг навбатдаги бобида шоир оламнинг пайдо булиши юзасидан фикр юритади.

*Эрди мало баҳри хало ичра зарқ,
Қулзуми ваҳдат аро йўқ эрди фарқ.
“Коф” ила “нун” чаимасидин муддао,
Қайнамогон қулзуми сунъи Худо. (1338, 3-а)*

Ҳазрат Юсуф (а.с) даъвати нафаси баракотидан Миср аҳлининг ислом шарафига муяссар бўлмоқларига бағишланган бобда эса Олим Девона бутпарастликни қоралайди:

*Манга ажабдурки, бўлуб ақл ёр:
Бутни Худо деб қиласен эътибор... (1338, 182-а)
Сурат ила бор эса заргар Худо.
Бўлса керак ўрнига заргар Худо. (1338, 182-б)*

Оллоҳнинг сифатлари беадад: “У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботиндир. У барча нарсани билувчидир” (“Ҳадид” сураси, 3-оят). Оламлар Парвардигори Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг муборак исмлари, фазилатлари ва сифатларини юксак маҳорат билан таърифлаб, шоир Яратганга ҳамду санолар айтади:

*Қудрат ила зоҳиру пинҳон ўзи,
Олами одамга ниғаҳбон ўзи.
Парда аро шоҳиду машҳуд ўзи,
Маъбад аро обиду маъбуд ўзи...
Дин ўзи, ислом ила имон ўзи.
Тан ўзи-ю, жисм ичида жон ўзи.*

18 *Манбаъ ул-маориф* (Сўзбоши муаллифи, араб имлосидан кирилл ёзувига ўгирувчи С. Абдукаримов). –Тошкент: Ёзувчи, 10-фасл, 11-бет.

*Раҳмат ўзи, Раҳиму Раҳмон ўзи,
Жаннат ўзи, равзаи ризвон ўзи.*

*Қудратини ҳад била поёни йўқ,
Санъатининг шарҳини имкони йўқ. (1338, 183-а)*

Асарнинг навбатдаги бобида “Пайғамбарнинг ноиблари” ҳисобланган чорёрлар – “хулафо ар-рошидин” “тўғри йўлдан борган халифалар” ҳукмронлик қилган исломнинг олтин даври ҳақида фикр юритилиб, улар мадҳ этилади.

*Етти садо анга будур пояси,
Нури Муҳаммадни эрур сояси.*

*Шоҳи расул хожаси икки саро,
Аҳмади мухтору ҳабиби худо. (1338, 3-б)*

Нури Муҳаммадия назариясига кўра, Муҳаммад алайҳиссалом ҳақиқати жиҳатидан барча пайғамбарлардан олдин, моддий борлиғи жиҳатидан уларнинг ҳаммасдан кейин яратилган. Ҳазрати Одамдан Муҳаммад алайҳиссаломгача келган пайғамбарлар Ҳақиқати Муҳаммадия нубувватининг бир кўринишидир. У пайғамбарлар мухридир. Муҳаммад алайҳиссалом ҳам набийлик, ҳам расуллик, ҳам валийлик сифатларига эга бўлиб, валийлик жиҳатидан ҳақиқат илмини намойиш этади.

“Ҳазрати сарвари коинот ва зубдаи мавжудот (с.а.в.) меърожларининг баёни”га бағишланган бобда ҳеч кимга насиб бўлмаган улуғ неъмат – Ҳақ субҳонаху ва таолони кўриш неъматини азиз пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллалоҳу алайҳи васалламга насиб этганлигини шоир илҳоми жўш уриб таърифу тасниф этади.

Бу борада “...ривоят қилиб Оишаи Сиддиқа разияллоҳу анҳодинки айдилар: “Ман заъамна анна Муҳаммадан алайҳиссалоту вассаламу рао раббаху биайни раъсиҳи фақад аъзамал фиръята”. Яъни ҳар кимарса заъм била (тасдиқлаб) айтсаки, албатта, он ҳазрат алайҳиссалоту вассалам Парвардигорини бош кўзлари ила кўргондурлар. Бас, ул кимса улуғ ялғонни пайдо этибдур. Кўз ила кўрмадилар, балки муборак баданларини фарқи саридин то қадамларигача ҳар зарраси кўз бўлгон эрдилар. Ҳамаи аъзолари ила мушоҳада қилдилар”.

Тассавуф йўлига кириб, риёзатлар чекиб махсус кийинчиликлар босқичини босиб ўтган – тўрт марта қирқ кундан, жами 160 кун бир дарахтнинг устида чилла ўтирган буюк инсон, шайх Низомийга Олим Девона юксак ҳурмат билан қарайди, муҳаббати беғубор:

*Нуктаи дийдорға йўқтур ҳадим,
Кўрди ва ё кўрмади ман билмадим.
Лек Низомий шаҳи мулки яқин,
Ўтқарибон сўз аро қирқ арбаин,
Қулзуми ваҳдат аро гаввос эди,
Нуктаи дийдорни мундоғ деди:
“Ояти нуре, ки заволаш набуд,
Дид ба чашме, ки хаёлаш набуд.
Мутлақ аз он чо ки писандиданист,
Дид Худорову Худо дид нест.
Дидани аз дида набояд нуҳуфт,
Кўриши он кас, ки надиду бигуфт.*

*Дидани ў беаразучавҳараст,
К-аз аразу чавҳар аз он сутар аст.
Дид Муҳаммад на ба чашми дигар,
Балки ба он чашми сар ин чашимсар” (1338, 9-б).*

Таржимаси:

*Бир ояти нурки, завол билмағай,
Кўрди, бу назарни хаёл билмағай.
Ўшал мутлақ жойда кўрди Яктони,
Кўриш мумкин эмас бўлган Худони.
Кўрсанг, кўрганлардан тутмагил пинҳон,*

*Кўрмай кўрдим деса, кўр, дегил шу он.
Зоҳиран беқиёс у жавҳар эди,
Ботинан ҳеч тенги йўқ гавҳар эди.
Кўз солиб ботинан Муҳаммад сарвар,
Ваҳй ҳукми билан айлади назар.*

Эътиқодсизлик – иллат, чунки гумон имондан айиради. Бу ўта нозик масала эканлигини англаган шоир ёзади:

*Бўлсанг агар мўмину покиза дин,
Қилма хилоф ила бу сўзни яқин.
Ул кишиким шеваси инкордур,
Дема мусулмон ани, куффордур.
Сохла тилинг, Олими Девонасен,
Мунда агар тойса тилинг ёнасен. (1338, 10-а)*

Бутун олам Ҳақнинг кўринишидир. Инсон бирининг ўрнини бири босадиган нусха бўлиб, бири-бирига кўзгудир. Шундай экан ҳар бир

Банда Худовандга оинадур. (1338, 71-а)

Кўзланган ғояни ифодалаш учун шоир асарнинг композицион тузилишига алоҳида эътибор берган. Асарда саргузаштлар воқеалар тизмасини ташкил этади.

Олим Девона “ўзбек, тожик ва озарбайжон адабиётидаги эпик поэзияда мавжуд бўлган маснавий ичида ғазаллар келтириш”¹⁹ анъанасига содиқ ҳолда ўз достонида Зулайхонинг Юсуфга нисбатан жўшқин муҳаббатини ифодалаган етти байтлик ғазални ҳам киритган.

Олим Девона қиссани ёзиш сабабларига тўхталиб, замондош дўстлари унга бир қисса ёзиш юзасидан маслаҳат берганлигини шундай ифодалайди:

*Манга талаттуф била сўз қоттилар,
Роҳу равии йўлини ўргаттилар.
Дедилар: Олам чу эрур бевафо,
Мунда не шаҳ қолгусидир, на гадо.*

19. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974, 144-бет.

*Умр биноти чу эмас пойдор,
Яхши эрур қолса бир иш ёдгор.*

Шоирнинг дўстлари ҳазрати Юсуф ҳақида кўп ва ҳўб ёзилганлигини, (Зарафшон водийсида) туркий тилда бу мавзуда асар ёзилмаганлигини айтиб, гарчи эл айтмаган сўз, юрмаган йўл қолмаган бўлса ҳам Юсуф ҳақида дoston ёзишини маслаҳат беришган:

*Демаки, бу қисса мукаррар дурур,
Турки десанг гайри мукаррар эрур.
Нуктаки, эл демадилар борму?
Йўлки, анга юрмадилар борму?..
Сўзлари мен хастага чун панд эди,
Зор кўнгул дардиға гулқанд эди. (1338, 15-б, – 16-а)*

Дўстлар маслаҳатларидан қалби тўлқинланган Олим Девона эзгу ният йўлида мардона бел боғлаб, ишонч тоғига суяниб, умид куёшининг нурлари остида қаноатланган илҳом тулпоридида ижоднинг машаққатли сўқмоқларида мақсад чўққиси сари интилади.

Бу сафарда Низомий, Жалолиддин Румий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби алломалар суянч бўлади, унга мамад беради. Шу боис шоир мумтоз адабиётнинг намояндалари бўлмиш устозларини юксак эхтиром билан ёдга олиб, “сўз шаҳрери шавкатин” улуғлаш учун уларга алоҳида боб ажратади. Достонда уларнинг номини тез-тез тилга олади:

*Ақлу хирад мулкани шаҳаншаҳи,
Ишқу муҳаббат сиррини оғаҳи,
Эрди Навоий лақаб изоҳорда,
Бўйла демиш “Ҳайрат ул-аброр”да. (1338, 2-а)*

Устозлар маънавий хазинасидан баҳрамандлик шоирнинг кўнглида юксак камолот чўққилари сари парвоз ҳиссини уйғотади:

*Соқий, манга бер қадаҳи дилпазир,
Қабз ила даст илкида бормен асир.
Нўш этайин токи Низомий бўлай,
Муттабеи Хусраву Жомий бўлай.*

Олим Девона ислом оламида кенг тарқалган қодирия тариқатининг асосчиси Абдулқодир (Жилоний) Гилонийни ўзининг пири деб билади. Абдулқодир Гилоний (1160 й. вафот этган) “ғавсул аъзам”, “ғавсул сақалайн” каби сифатлари билан оламга танилган авлиё, шариат билан тариқатни муштарак татбиқ этган машҳур олим.

Иброҳим Ҳаққул ёзганидек, ўзбек адабиёти ривожига маълум улуш қўшган қодирия тариқати Туркистонга икки йўл билан кириб келган: илк даъфа араб тужжорлари воситаси билан, XII асрларнинг охирларидан эътиборан Боғдоддан Волгадаги Булғор қироллиги ила Фарғона водийси шаҳарларига, кейин Туркистонга тарқалган. XIX асрнинг охирларигача ижодкорлар орасида ўз вакилларига эга бўлган. Шоир Ҳазинийнинг

*Сулукум – қодирия, раҳбаримдир пиру пироним,
Саҳарлар зикри Оллоҳни одат қилмасам бўлмас²⁰,*

деган эътирофи мазкур фикрларни тасдиқловчи кимматли бир далилдир.

Тариқатнинг анъанасига кўра, бир шайхга боғланиб, унга қўл бермагунча солиқ ёки ҳар қандай бир мусулмон Ҳаққа восил бўлолмайди. Боязид Бистомийга оид дея нисбат берилган “шайхсиз одамнинг шайхи шайтондир”²¹ деган машҳур сўз тариқатлар орасида кенг тарқалгандир.

Олим Девона ўз муваффақиятларининг боисини пиридан деб билади:

*Бу иш эмас хийлаву тадбирдин,
Менга бу давлат етибон пирдин.
Улки вали хайлига султон эрур,
“Ғавси жаҳон” Хусрави Жилон эрур.*

*Андин эрур ҳар наки манзурдур,
Йўқса, бу қул сўз аро маъзурдур. (1338, 12-б)*

Шоир ўз достонини Қуръони Каримдаги “аҳсан ул-қисас”нинг янги шарҳи эканлигини айтади ва назмда ўзига хос янги бир қисса яратганлигидан қалбида фахр туйғуси жўш уради:

*Тангри каломига дегил шарҳ эрур,
Назм низомига янги тарҳ эрур. (1338, 209-б)*

Демак, Олим Девона ўзининг “Равзаи асрор” асарини ҳижрий 1277 (милодий 1860–61) йилда бошлаб, ҳижрий 1278 (1861–1862) йилда ёзиб тамомлаган.

Достонда шаҳарни тавсифлаш адабиёт тарихида шоирларга хос хусусият. Ана шуанъанага кўра, Дурбек ўз достонида Балх камалини тасвирлаган²². Олим Девона ўз достонида “сиймо монанд ва кимё мустаманд” Самарқанд таърифига алоҳида боб ажратиб, она юртининг кўрки бўлган шаҳарни шундай таърифлайди:

*Қалъа анга нарғиси фаттон киби.
Кунгураси ҳам сари мижгон киби.
Садди Сикандардек ўлуб пояси,
Кўкка тушуб кунгурининг сояси.
Дашт ила саҳроси анинг қанд эрур.
Онинг учун оти Самарқанд²³ эрур. (1338, 13-б)*

Олим Девонанинг оят калимасига мос равишда тасвирлашича, Мисрда овозаси тарқалган Юсуфни Миср азизининг хотини Зулайхо эрига айтиб қул бозоридан сотиб олдирган.

Хўш, Зулайхо ким?

20. *Ҳаққул И.Тасаввуф сабоқлари.*– Бухоро: Бухоро давлат университети, 2000, 17-бет.

21. *Усмон Турар.* Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиклол, 1999, 67–68-бетлар.

22. *Уч булбул гулиани. Дурбек.* Юсуф ва Зулайхо. – Тошкент:Адабий ва санъат, 1986, 7–9-бетлар.

23. *Одатда* “Самарқанд” сўзи арабий имлода “син” харфи билан ёзилади. Олим Девона эса “се” харфи билан ёзиб, халқона таъбир “меваси қанд”га асосланган қўринади.

Қуръони каримда Миср азизининг хотининг исми зикр этилмаган, аммо ривоятларга кўра унинг исми Зулайхо бўлган. Ибн Исҳоқ уни Роила деб атаган. Фирдавсийдан бошлаб Зулайхо дейилади. И.Ю.Крачковский маълумотига кўра, “Бу исм 1004 йили вафот этган араб шоири Ибн ал-Халлож шеърларида ҳам учрайди²⁴.

Мағрибдаги мамлакат ҳукмдори Таймуснинг қизи Зулайхо бениҳоя гўзал инсон.

Туш кўриб муҳаббат дардига гирифтор бўлади. Тушида мафтун этган йигит ишқида ўртанади. Зулайхо соҳибжамол ва билимдон қиз. Аммо муҳаббат уни ўз холига қўймайди.

Беором қалбнинг безовталиги уни ҳар кўйга солади. Тушида кўнгили қўйган йигитнинг дийдорига талпинади. Мисрда Азиз билан учрашади. Шоир айтганидай:

*Жон тан аро қилмади ҳамвора жуфт,
Бўлди Зулайхо анга ночор жуфт. (1338, 67-а)*

Олим Девона шеърят қоидаларини мукаммал, Шарқ тарихи, Шарқ адабиёти тарихини яхши билган, билим доираси анча кенг бўлган истеъдодли санъаткор.

Юсуф яшаган даврнинг тарихи бирмунча қадимий. Улар ибрий тилида сўзлашганлигини ҳам шоир эслатиб ўтган:

*Айладилар борчаси Юсуфга зуд,
Ибри тили бирла бу дoston суруд. (1338, 93-а)*

“Равзаи асрор” қиссасида Канъон, Миср, Самарқанд сингари географик номлар кайд этилган. Асарда арабча ва форсча сўзлар қўлланган, аммо бу китобхонни чалғитмайди.

Минг-минг йиллар давомида шоирлар томонидан гоҳ назмда, гоҳ насрда муфассал сўйланган, жўшиб куйланган қадимий мавзуда қалам тебратган Олим Девона Қуръони Карим низомига содиқ ҳолда ўзига хос услубда ажойиб асар яратган. Олим Девонанинг достони салафларининг Юсуф ва Зулайхо мавзуида ёзган асарларидан ўз фазилатлари билан фарқ қилади.

Олим Девонанинг “Равзаи асрор” асари XIX аср ўзбек дostonчилигида муҳим аҳамиятга эга бўлган ажойиб назмий қиссадир.

²⁴ Кароматов Х. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993, 79- бет.

Гўзал якун топар янги эртақлар



**Мархабо
ШОДМОНОВА**

Шаҳинага

Бугун сочларимни эркалаган қор
қабртошим юзин ўпар эртага...
Ўзидек бир ҳуркак қаҳрамони бор
Қизимнинг ҳар битта янги эртагин.

Таровати мендан буткул бегона
Бир вужуд –руҳимдан берилган андоз!
У - ҳокисор фарзанд, мен - бедил она...
Бир жилмайиш билан кўнгли сарафроз.

Кимдир соғинтириб йиғлатар тушда...
Жисмидан улканроқ берилган бардош.
Яшайман макони бузилган қушдай...
Оримни кўзгатар бир жуфт томчи ёш.

Мен жоҳил эмасман, қизим, тақдир шу,
Азоб чекаётган ёлғиз сен эмас.
Беором тунларим - балки тазарру,
Балки надоматдир, чекилган бесас...

Ягона тилаги – мен бўлсам тирик,
Эриш туюлади бошқа истаклар.
Эскирмас манглайга битилган битик,
Гўзал якун топар янги эртақлар...

Мархабо ШОДМОНОВА – 1984 йилда туғилган.

Соғинч йўли

Соғинч йўлга бошлар,
Имкон йўл бермас,
Фурсат етмас доим меҳрин туйгани.
Отам дуо қилар,
Маломат қилмас,
Балки, шудир мени Худо суйгани.

Дуолар қўллайди ҳар бир қадамда,
Сабримни сўроққа тутар соғинчим.
Югурар қишлоқнинг кўчаларида
Ҳаловат тополмай йўқолган тинчим.

Баъзан кўзимга тор кўринар дунё,
Баъзан адо бўлмас ғавғолар тинар.
Барча ташвишларга қўл силтаб гоҳо
Йўлга ошиқаман... отам суюнар.

Отам...
Йўлга қараб ўтмоқда умри,
Одам бўлишимни ўйлайди холос.
Бўйимга қўшилиб ўсган ғурури
Бахтимга қўшилиб чўкканлиги рост.

Отам...
Ғам уйига айланган кўзи,
Ҳануз адоғи йўқ хавотирларин.
Тигдай ўткир унинг ҳар бир рост сўзи,
Яширса ҳам, фақат, яширар дардин.

Отам...
Ҳакни суяр,
Мени суяйди,
Нур ёғар меҳрининг дарчаларидан.
Қизига кошона куриб қўйибди
Синиқ юрагининг парчаларидан.

* * *

Мен бир кулман, ўзимнинг кулим.
Ўзлим бор ўзимдан катта.
Ёлғон дунё пошшолари кўп,
Ҳақиқати, ҳақлиги – битта!

Ергашсам гар нафсим итига,
Мени сўнгсиз ўтга қоради.
Ундан чиққан барча йўллар бир –
Фақат Унга олиб боради.



Шахбоз ТўРАЕВ

Аллоҳ дейман – тилим қалтирар,
Аллоҳ дейман – дилим ёнади.
Уни излаб йўқотсам ўзим,
Тангрим Ўзи топиб олади.

Дунё ғафлат, руҳим, бўл сергак,
Бундан ғолиб кетмоғинг учун.
Ўзимдан воз кечмоғим керак
Мен ўзимга етмоғим учун...

* * *

Йўлимни боғлашган эски доғларим,
Кўнглим кўксимдаги ойдан панада.
Чарчадим ҳар тонгда чарчаб уйғониб,
Тунлар хаёлингдан қочиб яшашдан.
Букилган нафасим бўғзимда қотган,
Буткул умидларим тугамасдан кел.
Сени топмасидан ўзин йўқотган,
Келсанг, Худойимдан мени сўраб кел.
Кел, хомуш нигоҳим нурга етишсин,
Кел, баттар бўлсада кўксимда ярам.
Кел, олис бўлдику мендан кетишинг,
Руҳимнинг тиззаси букулган қара.
Келгин, севишимни айтаман сенга,
Келгин, ошкора айт кераклигимни.
Кел, ҳолимга боқ, англаггин менга,
Ҳали ўлмаганим, тириклигимни...

Шахбоз ТўРАЕВ – 1998 йилда тугилган.



**Мавлуда
БОЙЧАЕВА**

* * *

Қорачиғи торайган сукут
Ўйлолмайди айни дам онтин.
Тўлиб борар вақтнинг урчуғи,
Дил оралаб қулоч ёзар кин.
Руҳ қулбаси бетартиб, бефайз.
Умид – мева. боғида увол...
Қизғалдоқранг исённинг кўзи,
Дир-дир титрар қўрқувдан хаёл...
Ҳамон бўм-бўш кутиш тўрваси,
Нархи баланд дийдорнинг ҳамон.
Гўё яқин келган интиҳо,
Ғимирлаган гўё интиқом.
О, қадами зил-замбил иқрор,
О, уст-боши моғор босган онг.
Ўх... нифоқчи ҳақиқат эмас,
Менда сенсиз отаётган тонг...

Сенда менсиз отаётган тонг!

* * *

Менга жуда таниш...
Манов – кимсасиз, фақир дунё,
Манов – қизғанчиқ, хира осмон.
Манов – сукунат уфурган уй.
Манов – елкаси оғир виждон...

Менга жуда таниш...
“Қовоғидан қор ёғган тоғлар”,
Юзи қалин тош – чақир адир.
“Жигаридан лат еган кўнгил”
Ва болалиги бўлмаган умр...

Менга жуда таниш...
Бисотини сел олган кўприк,
Тугаб қолган қоқ ярмида йўл.
Мудом туши чап келган сабр,
Сўлиб қолган сой лабида гул...

Менга жуда таниш...
Пуч хаёлга бой берилган вақт.
Қум сочишни хуш қўрган шамол,
О, кўзлари мунг тўла толе –
Товоғидан тош чиққан аёл...

Мавлуда БОЙЧАЕВА – 1989 йилда туғилган.

* * *

Тун сочини ювди зим-зиё,
Сув сачраган чўғлар ҳам ўчди.
Энди бахтим, шу бахти қаро,
Шамчироклар чекига тушди.
Ҳар томонга учар сукунат,
Ҳар лахзанинг кўр бўлган кўзи.
Кимдир мени кутади илҳақ,
Лойиқманми бу бахтга ўзи.
Асролмайди гуноҳидан вақт,
Жаҳаннамга буюрар Худо.
Бу дунёдан кетишим-ку нақд,
Бу тунларда яшашим хато.
Исён этиб ёнар шамчирок,
Бағри куйиб, куйиб очуни.
Қўлларимга тутқазиб тароқ,
Тун ўтирар ёйиб сочини.



**Лочинбек
ҲАСАНОВ**

* * *

Ёмғир ёққан шаҳрингизда юрибман,
Ёмғир ёғмас юраклардан тониб ман.
Автобусни кутиб ёлқиз турибман,
Трамвайлар юрмас менинг кўчамдан.
Томи кўчиб кетган кекса уй каби,
Ўксик сочларимдан тўкилар томчи.
Ҳеч ким ҳайрон бўлмас бунга, сабаби
Мен бир соябонсиз битта йўловчи.
Менга раҳми келмас, ачинмас, илло,
Кўзларимга қараб тураверар йўл.
Фонус ёғдулари бўлиб беҳаё,
Дардларинг олай деб чўзаверар кўл.
Шармисор нурларнинг бағрини қучиб,
Кўчалар яшириб еб ётибди из.
Сизни бермасликка қасамлар ичиб,
Автобусин ҳам қизқонар шаҳрингиз.
Ёмғир ёққан шаҳрингиздан кетаман,
Ёмғир ёқмас юракларга юкиниб.
Автобусни дуоибад этаман,
Трамвайлар сими кетсин узилиб!

Лочинбек ҲАСАНОВ – 1984-йилда тузилган. Самарқанд давлат университети талабаси.



Гулҳаё АНОРОВА

* * *

Асло севмаганман жўшган эҳтирос
Мавжида адашган бир хас сингари.
Фақат йўлларингга кўз тутдим холос,
Олисга қадалган умид лангарим.
Сочларинг тўзгитган ўйноқи шамол
Халқоблар юзига солмоқда ажин.
Балки соғинчларим элтди сен томон
Қишчоғи хотирин йўқотган замин.
Мени қуршаётир рутубатли тун,
Дарахтлар эғнидан ёғилар соя.
Боғларда мусаффо ёлғизлик бугун
На ишқни, кўнгилни қилмас ҳимоя.
Енгилдим қадахда чайқалган руҳга
Ва шамнинг ёғдуси титрайди енгил.
Шу кеча қалбимиз тўлсин шукуҳга,
Азизим, сўнг бора кулбамга келгил.

Асло севмагандим жўшган эҳтирос
Мавжида адашган бир хас сингари...

* * *

Чирик хазонларнинг остидан боқар
Ниш отмиш чечакнинг зангор шарпаси.
Нигоҳим симирган гуноҳдай туннинг
Бир висол истайди ҳарир кўрпаси.
Отам қўлларидек сахий заминнинг
Кафтида қаварди тоғлар, қоялар.
Бодом шохларида арғимчоқ учсам,
Бошимга тўкилди оппоқ соялар.
Мен асрай олмадим, ота, кечиргин,
Кўзимнинг бепоён, пок даштларини.
Райингга қаролмай ўтган йилларнинг
Ким бутлай олади шикастларини?
Қишлоддан қайтмаган қушдай бадарман,
Соғинч тўқдим дарахт ўйиқларига.
Қачондир қайтаман бу олис йўлни
Беркитиб товоним ёриқларига.

Чирик хазонларнинг остидан боқар
Ниш отмиш чечакнинг зангор шарпаси...

Гулҳаё АНОРОВА – 1998 йилда тугилган. «Ўзбекистон баҳори II» ижодий фестивали золиби. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг Зомин семенари қатнашчиси. Ҳозирда Тошкент давлат Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси.

* * *

Неларни йўқотдик, неларга етдик,
Чўғ бўлиб ёнмоқда беозор кўнглим.
Майлига қанотсиз учамиз, кетдик,
Осмонлар бизники, жонажон дўстим.

Дунё сафсаталар сотаётган дам,
Биз кўқда баралла қўшиқ айтамыз.
Бир зумга унутиб ўша қизни ҳам,
Ёрқин юлдузларни кучиб қайтамыз.

Телба деб ўйласа, ўйласин майли,
Одамлар гапириб охир толади.
Ёниб учмоқликдир кўнгилинг майли,
Оловли юраклар уча олади.

Кўнглимиз яқиндир, учамиз бирга,
Булутлар қўйнида еламыз, дўстим.
Қаноти қайрилган бечора ерга
Осмонни елкалаб келамыз, дўстим!

* * *

Ҳар бир нафасимда яшайсан ўзинг,
Юрагим номингни айтиб уради.
Сени топарман деб интизор кўзим
Гавжум кўчаларда тентиб юради.
Ҳушимда ҳам сенсан, тушимда ҳам сен,
Занжирини узган хаёлларимда.
Баҳоримда ҳам сен, қишимда ҳам сен,
Ҳаттоки жавобсиз саволларимда.
Тунлари бедорсан сен ҳам, эҳтимол,
Аёвсиз куйдирар бир ўт жисмингни.
Ўшал дам лабларинг балки бемажол
Пичирлаб такрорлар менинг исимини.
Унда, қайдан бунча ғурбату ўрлик,
Кимдан қизғонамиз дил сиримизни?
Ўртада овора муҳаббат шўрлик,
Нега тушунмаймиз бир-биримизни?



**Хумоюн
ҚУВОНДИҚОВ**

Хумоюн ҚУВОНДИҚОВ – 1998 йилда туғилган. “Юлдузлар шивири” номли шеърый китоби нашр этилган. Ҳозирда Тошкент давлат Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси.



**Исомиддин
ПЎЛАТОВ**

Хавотиринг билан...

Мендан хавотир олма,
Ўйламагин
Менга отилгувчи ўқларни.
Юрагингга ғулғула солма,
Кўвиб солгин
Бор андуҳларни...
Зирҳланганман,
Кор қилмагай бундай зарбалар.
Қулфланганман,
Нишонсизман, кетган дарбадар.
Фитналарга,
Ҳужумларга,
Чидаб бераман.
Мен уфқ сари дадил борётган,
Чўкмас кемаман!
Мени Асрагувчи асраса етар,
Дуо қилгин,
Унутмасин У!
Йўлларимдан ювилиб кетар,
Жами ғурбат,
Жамики қутқу!
Жоним, хавотир олма...
Сени авайлагум,
Мудом бурчлиман!
Борлигингни ҳис этсам бўлди,
Хавотиринг билан қучлиман!..

Таҳрир қил


Юрагингни таҳрир қил, эркам,
Буяб ташла ҳаммаёғини...
Майли ўчир, йирт варақларин,
Унутсанг бас, дил қийноғини.

Юрагингга ағдарма айбни,
Инжиқ дема, ҳаёсиз дема...
Таҳрирталаб битта шеър деб бил,
Қоралайвер, бошқа ғам ема.

Ўчир менга оид бобини,
Мен сўнётган, тугаётган шам.
Кўзларингни шартта юмгину...
Юрагингни таҳрир қил, эркам!

Исомиддин ПЎЛАТОВ –

Соғинчга айланган дунё



Усмон АЗИМ

* * *

Шавкат Раҳмон билан қачон танишганим эсимда йўқ.

Аmmo биринчи шеърларини ўқиганим шундоқ ёдимда.

Ўша пайтлар Шавкат Масковдаги Адабиёт институтининг талабаси – Москвага бориб келган адабиётшуносимиз Умарали Норматов унинг шеърларини, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида мақтов сўзлар ила чоп эттирган эди.

Рости, шеърлар менда айтарли таассурот қолдиргани йўқ – одатдаги шеърлардай қабул қилганман ва Эркин Аъзам билан суҳбатимизда негадир Шавкатни Рауф Парфи йўлида ёзадиган шоирлар қаторига қўйганман. Нима учун? Ҳозир бу фикримнинг мантиғини ўйлаб тополмадим...

Адабиётда шоирларнинг йўли турфа.

Рауф Парфи шеърятга бирдан улкан шоир сифатида кириб келган. Ва у бутун ижодий йўли давомида мана шундай юқори савияни маҳкам ушлаб турди. Унинг ижодий йўли менга негадир тўғри чизикни эслатади.

Шавкат Раҳмон эса кўпчилик қатори шоирдан буюк шоирликкача йўлни кўз олдимизда босиб ўтди. У ижодий имкониятини борган сари ўстириб борди ва ўзбек шеърятининг энг юксак чўққиларидан бирини забт этди. Шоирнинг мағзи тўқ, пойдор, ниҳоятда пишиқ, сертомир, кўзга “лов” этиб ташланавермайдиган алангали шеърятни – Шавкатнинг руҳу юрагидан ўсиб, фалак сари интилаётгани шундоқ кўриниб туради. У шеърдан шеърга, китобдан китобга юксалиб борди. Бундай юксалиш – юрагидаги дардни борган сари қоғозга мукамалроқ тарзда тушира билиш; тобора илҳом қанотида дунёнинг ва ўзининг оғриқларини ўзлаштира бориш; руҳнинг янги кенгликларига, янги қатламларига йўл топа олиш; қалбнинг ҳар ҳолатига мос оҳангни ва сўзларни илғамоқлик; ўзининг мастона тийрак дардига борган сари бировларни шерик этмоқлик ҳамма ижодкорнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Шавкат бу ишни удда қилди.

Унинг ижодий йўли қуйидан юксакка ўрлаб борган чизикқа менгзаиди.

Мен ҳар бир ёш истеъдодга бошқаларнинг эмас, Шавкат Раҳмоннинг изланиш

Усмон АЗИМ – Ўзбекистон халқ шоири. 1950 йилда тугилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Инсонни тушуниш”, “Ҳолат”, “Бахшиёна”, “Уйғониш азоби” каби шеърый тўпламлари, “Жоду” номли насрий китоби, “Адибнинг умри” драматик асари чоп этилган. “Алишер Навоий” киноқиссаси, “Севги” ва “Алпомиш” фильмлари сценарийлари муаллифи.

услубини тавсия этган бўлардим. Чунки унинг шеърляти изланишнинг, меҳнатнинг, сабру тоқатнинг мевасидир (Ўзи бошқача йўл ҳам йўқ.) Шавкат изланган сари барқ уриб кўкарган шоир. Шавкатнинг маҳорати, жайдарича айтсам, бетиним равишда ғишт устига ғишт қўйишдан иборатдир. Кўрибсизки, йигирма беш йилда Шавкат Раҳмон деган мухташам шеърят саройи адабиётимиз оламида савлат тўкиб турибди. Қарасанг, бошинг айланади.

Худо интилганга беради.

Шавкатга ҳам Парвардигор берди.

* * *

Шавкат Раҳмон – ниҳоятда иродаси кучли одам эди.

Ҳаётда ҳам, ёзишда ҳам кўзланган мақсадга етмагунча, тиришқоқлик билан, тинмай ҳаракат қилар эди.

Бир ўтиришда бир китоблик шеър ёзиб қўярди.

Унинг ишлаш тартибини аввалига кўпчилик тушунмади. “Ие, шу ҳам шоирликми? – деб озгина ғаши келди атрофдагиларнинг. – Шеърни ҳам шунақа ёзадими? Илҳом дегани “ёзаман” десанг, келаверар экан-да!”

Шавкат шоирликнинг муҳим бир сир-асрорини янги адабиётда биринчилардан бўлиб англаган эди.

Шеър ҳам, адабиётнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, муаллифдан ўзини тамоман бахш этишни талаб қилади. У дам-дам бўлиниб ишлаганни хуш кўрмайди. Охир-оқибат, рад ҳам этади.

Тақдир тақозоси билан, ўзбекнинг янги адабиётида шу кунгача узлуксиз ишлашни уdda қилишнинг ҳеч иложи бўлмагани маълум. Биринчидан, уйда ишлаб, фақат адабиётнинг корини бажарган одам, казо-казоларнинг назарида, ижтимоий фаолиятдан четда қолади ва унинг ёзганлари расмий доираларда кадр топмайди; иккинчидан эса, ҳамманинг оиласи бор. Тирикчилик қандай ўтади? Одамларга ўхшаб яшайман десанг, бирор-бир ишхонада хизмат этишдан бошқа иложинг йўқ. Чунки кўчадагиларни кўйинг, уйдагиларинг назарида ҳам, фақат адабиётни касбу корим деб билган одам, жуда юмшоқ қилиб айтсак, афандидай туюлади. Чунки Ўзбекияда уйда эртаю кеч ёзиб ўтирадиган одамни ҳеч ким кўрмаган. Шу сабабданми, адабиёт одамлари кун ўтказиш учун ҳам атрофдагиларнинг босимини кўтаролмаганликлари туфайли ҳам – нашриётдами, газета-журнал муҳарриятидами – хуллас, ёзиш-чизиш билан боғлиқ бирор жойда хизматда бўлганлар.

Аmmo ёзиш... нима бўлади?

Начора, адабиётга хизмат қилиш ягона бўш вақтга – тунга кўчади. Бундай ишлаш тартибининг эса ўзига яраша азоби бор: кундузи тирикчилик, кечаси кўнгили ишига хизмат этган адиб тез орада соғлиғидан ажралади. Улуғ ақл эгаси Асқад Мухтор ўзидан кейин келаётган шогирдларига бекорга кечаси ишламасликни васият қилгани йўқ.

Бунинг устига, бор кучни ёзишга сарф қилолмаслик битилган матннинг сифатига таъсир ўтказиши. Эртаси тамоман ўзга юмушлар билан банд бўлган ижодкор, албатта, чалғийди. Ақлу хушини чулғаган фикрнинг оҳори йўқолади. Фикр қизғинлигини йўқотади.

Асосан, иккинчи “смена”да яратилган асарлар, шу сабабдан ҳам, бир қадар бўшашади...

Узлуксиз ишлашнинг хосияти кўп. “Нега асарларингиз яхши?” деган саволга бир машҳур адиб “Мен улар ҳақида бошқалардан кўра кўпроқ ўйлайман”, деб жавоб берган экан.

Бу гапда ҳар бир ёзувчи учун дарс бўладиган катта ҳақиқат бор.

Ўзбек адабиётида узлуксиз ишлаш маъносини уққан ёзувчилар, албатта, бўлган. Абдулла Қодирий боғу роғ ишларига яқун ясагандан кейин, киш бўйи романларини ёзишни ўзига расм этган эди. Абдулҳамид Чўлпон Масковдаги ёлғизлигида “Кеча ва кундуз”ни ёзиш имкониятига эга бўлди. У душманларидан олисда фикрини тинитди, бировларнинг ҳасаду коммунистча “фош этиш”ларидан йироқда Ватанга бўлган муҳаббатини қоғозга тушира олди. Аммо улар носирлар...

Менимча, Шавкат Раҳмон билганим шоирлардан биринчи бўлиб, бу ҳикматнинг маъносини чакди. Тўғрироғи, ноиложлик исканжасида ягона йўлни танлади.

Шавкат таътилга чиққач, дам олишни йиғиштириб қўйиб, шеър ёзишга ўтирди. Ёзди ҳам. Бирданига “кўп ва хўб” шеърлар дунёга келди.

Хўш, у илҳомни қаердан топди?

Руҳнинг қизгин ҳаракатидан.

Юракнинг шоир ўзи ҳам сезмайдиган чегараларидан.

Ўзини босиқ ирода ва қайноқ руҳ билан шеърга бахш этганидан.

Бу манзиллар кўпчилик учун жуда узок.

Шавкат эса бир зарб билан унга етиб борди ва шеърлар устига шеърлар яратаверди. Қандай гўзал – катта шеърлар! У аллақандай ўжар ирода билан йилида бир бор инъом этиладиган таътил ойини – шеър фаслига айлантирди. Унинг атрофидаги ғашланишлар эса, тез орада шоирнинг шеърларидан ҳайратланишга дўнди.

Бу шеърлар билан илк бор танишувимдаги лаззатларни ҳозир ҳам туяман.

* * *

Одамнинг кимлиги сафарда билинади.

Ўттизимизнинг нари-берисида ўзбекнинг саккиз ёш шоири Москвада сафарда бўлди.

Дўстона – мастона – девона юришлар! Қанчалар завқ! Қанчалар шеър сурурга қоришган лаҳзалар!

Бир қизгин даврамиз эсимда.

Бошимиздан кечаётган қизгин дамлар шиддатидан бу мажлис ола-говур – самимият, ҳазил-ҳузул осмон қадар эди. Гўё ҳаммамиз истеъдодлимиз! Бир шахд қилсак, бу асов дунё “лаббай” деб қўл қовуштириб турадигандай. Майда-чуйда гаплар унутилган, ташвишлардан фориғ – бевазн кўнгиллар даврада фариштадай учиб юрибди...

Ўша даврада Шавкатнинг очилиб ўтиришлари! У баҳордай яшнаб кетган! Кўзларида қувонч шуъласи порлайди. Гоҳ ёнидаги биродарининг елкасидан кучади, гоҳ бошқа бировини бағрига босади!

– Мен дўстларимни билмас эканман! – дейди у менга самовий бир ҳаяжонда. – Қандай яхши дўстларим бор экан!

Шавкатнинг бировларни иззат-ҳурмат қилишида аллақандай ўжар садоқат бор эди. У бу даврадаги дўстларимизга умрининг охиригача меҳру садоқат кўрғазди.

* * *

Шавкат ҳақида ёзганларимда шоирга нисбат бериб айтганим, “иродали” сўзи кўп жаранглайди.

Бу бежиз эмас.

Мана, бир воқеа.

Шоир – яқин дўстимиз машина олди. Яп-янги.

Дўстимиз учун Шавкат иккаламиз ниҳоятда қувондик. Дўстимизнинг ҳам биринчи бор мошинли бўлиши: гарчи билдирмаётган бўлса ҳам, ичидан-ичидан хурсандлигини сезиб турибмиз. Машинанинг оёқ олишини синаб кўргани, у ёқ-бу ёқда айланган бўлдик. Дўстимиз машина бошқаришни ҳали ўрганмагани учун рулда – Шавкат. У машина ҳайдашни жуда ёқтиради – ўзиникими, бизникими – фарқи йўқ, бошқармаса бўлмайди..

Алқисса, янги машина шавқида водийга жўнадик. Шўроларнинг машинаси янги олинганда, “обкатка”дан чиқарилар, яъни тобига келтирилар – маълум тезликдан зинҳор-базинҳор оширмай, авайлаб ҳайдаш тавсия этилар эди.

Ана, энди тавсияларни бўйнимизга тумор қилиб олдик ва учаламиз водийга отландик. Машинани зўриқтирмаслик учун йўналишимизни пухта ўйладик: Қамчиқ довони орқали эмас, текисгина Хўжанд орқали юришга қарор қилдик. Аммо Тошкентдан чиққанданоқ, Шавкат бояги масъулиятни тамом эсдан чиқариб, шодон бир кайфиятда машинани шариллатиб учириб кетди. Бизнинг ҳам кайфиятимиз кўтарилган – машинани авайлашни аллақачон унутганмиз. Ахир, сафарга ташвишларни ҳалос бўлайлик деб чиққанмиз-ку? “Обкатка”га бало борми?

Боришда ҳаммаси ўйлаганимиздай кечди. Кузнинг очик кунлари. Куёш чарақлайди. Танга ёқар ҳаво. Ўйнаб-қулиб водийни айландик, дўстлар билан дийдорлашдик, шеърхонликлар бўлди.

Сафаримиз қариб, Тошкентга жўнаганимизда ҳам, куёш чарақлаб турарди. Аммо тоғлар ғуборланиб, тепаларида булутлар айлана бошлаган... Бойсунлик эмасманми, тоғнинг обу ҳавоси бирпасда айниб қоладиган одати борлигини аниқ биламан. Шу сабабдан, тоғларга хавотирда қараб-қараб қўйиб, келяпман.

Қўқон – Тошкент йўлида, довонга эндигина кўтариладиган жойда чорраҳа бор. Бир томони довонга кўтариладиган йўл, бир томони Хўжандга бурилади.

Шу чорраҳага етган сари “ҳайдовчи”миз Шавкат Раҳмон негадир бизларга ўқтин-ўқтин сирли жилмайиб қарайверди.

– Шавкати Раҳмон нега хурсандлар? – дедим мен.

– Қаердан кетамиз? – деди шоир ҳамон жилмайиб.

– Келишганмиз-ку!.. Хўжанддан...

Бу пайт машина чорраҳага етиб келган эди.

Шавкат шодон бир кайфиятда, рулни Хўжанд йўлига бура-бура... илқис Қамчиқ тарафга ўзгартирди. Сафарга борилаётганда, бўлажак таассуротлар шавқини туюбми, завқу шавқ жуда баланд бўлади. Йўлнинг қисқа-узунлиги билинмайди. Сафар қаригач эса, қисқа йўл ҳам узун кўринади. Бунинг устига, уйнинг соғинчи... Шу сабабданми, Шавкат келишувни тамоман бузиб, қисқа йўлни танлади, шекилли... Биз “ҳай-ҳай” деганча, қолиб кетдик ва бирпасдан сўнг чиройли манзаралар атрофимизда айланавергач, кайфиятимиз ҳам кўтарилди.

У пайтлар довон йўли ҳозиргидай равон эмас, эгру-бугри, узлуксиз ўрдан иборат. Яп-янги машинагина ингиллаганича, йўлнинг танобини тортишга ҳаракат қилади.

Атроф қанча чиройли бўлмасин, машина эгасининг кайфияти бузила бошлайди. Шавкат билан мен унга тасалли берган бўламиз. Дўстимиз пўнғиллайди. Биз машинага бало ҳам урмаслигини тушунтирамиз.

Хуллас, довонга етганимизда қоронғи тушади.

Довондан ўтганимиздан сўнг, яралганидан бундай машаққатли азобга дуч келмаган машина арслоннинг оғзидан қутулган қуёндай шувуллаб пастга шўнғийди. Шавкат иккаламиз енгил нафас оламиз. Аммо бирдан булутлар қуюқлашиб, майда ёмғир ёға бошлайди. Аллақайқдан келган туман, машинанинг “кўз”ини кўр қилиб ташлайди. Туман машина деразасига ёпишиб келган, зиндон ичида кетаётгандай йўл босамиз. Ҳайдовчининг зўри, машинанинг шўри – Шавкат Раҳмон энди нисбатан секинлаб, бизнинг кўзимиз илғамаган, аммо фақат у аллақандай ички сезгиси билан туяётган ҳар муюлишу ҳар бир бурумда чاقқону ишончли ҳаракатлар билан рулни бошқаради. Назаримизда, неча замонлар юриб, довон тугагандаги чойхонага етиб келамиз.

Ҳаммамиз чарчаганмиз. Иштаҳа ҳам карнай – “бир нарса бермасаларинг, очдан ўламиз” деган хитоблар мияга урилиб турибди.

Чойхонада чой ичамиз ва яхшиларнинг “тан олмоқ марднинг иши” деган доно фикрига амал этиб, Шавкат яхши ҳайдовчи экани ҳақида суюбгина гапирамиз. “Ҳайдовчи” мияғида қулиб, гапимиз мойдай ёққанини билдириб туради.

Яна йўлга тушамиз. Дара туманга, тўғрироғи, оғирлигини кўтаролмаган булутга тўла. Ёмғир майдалаб уряпти. Аммо бизга барибир! Шавкат Раҳмондай ҳайдовчимиз бор – нима ғамимиз бор!

Ҳалиги аснода – машина ўмгани билан туманни суриб, икки чақиримча йўл босамиз ва... бирдан машинанинг чироқлари ўчади. Зимистон бир зумда деразалардан кириб, машинанинг ичини эгаллайди. Ҳатто қимирлаш мумкин эмасдай туюлади.

– Оббо! – дейди машинанинг инжиқ нарса эканини тушида ҳам кўрмаган машина эгаси.

– Сақлагичини отиб юборди! – дейман мен билағонлик қилиб.

Чунки менинг машинанинг ҳам шундай касали бор – сақлагичини (передохранителлини) тез-тез “отиб” юбораверар ва озгина “тилла қоғоз” ёки ингичка сим ўраб қайта жойига қўйилса, машинанинг кўр “кўз”и ногоҳ “очиқлиб”, чарақлаб кетар эди.

– Айтганингиз, дўсим, – дейди Шавкат сурхондарёликларга тақлид қилиб.

Шавкат иккаламизнинг машинамиз бир хил русумли – ҳалиги мосламалар ҳайдовчининг қўли етадиган жойда ўрнашган. Тўхтаёмиз. Шавкат мосламага қўл чўзади.

– Ие, – дейди у.

– Ҳа! – дейман негадир хавотир олиб. – Тинчликми?

Шавкат жавоб бермайди. Қоронғида ниманидир пайпаслайди.

– Йўқ, – дейди Шавкат, – передохранителлар йўқ.

– Яхшилаб қаранг, – дейман Шавкатнинг гапига чиндан ишонмай. – Қаерга кетади?

– Гугурт ёқинлар!

Машинанинг эгаси аччиғи чиққанидан қимир этмайди. Мен гугурт ёқаман.

– Йўқ, – дейди Шавкат роса пайпаслаб кўргач ва бош кўтариб менга қарайди. Юз-кўзида бу мосламанинг бундай сирли суратда ғойиб бўлганидан саросима.

– Э, шошманг!

Энди мен чўзилиб, мослама туриши керак бўлган жойни пайпаслайман. Бўм-бўш. Ҳеч вақо йўқ. Ишонмай, машинадан тушаман-да, хайдовчи эшигини очиб, энгашганча, қўл чўзиб, текшириб кўраман.

– Топдиларингми? – дейди машина эгаси бесабр норозилик анкиган овозда.

– Йўқ!

Шавкат иккаламиз яна излашга тушамиз.

Дўстимиз эса бизнинг хайдовчилик шаънимизга қаттиқ ботадиган оғир гапларни айтяпти. Иккаламиз эса гоҳ у ерга, бу ерга қўл уриб, мосламани излаймиз. У эса мушукдан қочган сичқондай аллақайга ўзини урган – ҳеч тутқич бермайди. Дўстимиз техниканинг “те”сини ҳам билмаслигимизни юзимизга солиб, бўлмағур гаплар билан ўшқирмоқда:

– Колхозлар! Шофёр эмиш!

Биз ҳам энди бўш келмаймиз. Аллақердаги машинани сотиб олгани, унинг ҳатто оддийгина мосламаси ҳам йўқ эканини баралла айтамыз. Аммо тортишмоқ билан иш битмаслиги, нимадир қилиб бўлса ҳам, уйга етиб олишимиз кераклигини тушуниб турамыз.

– Кетдик! – дейди Шавкат ногоҳ.

Овозидаги жарангдан унинг қарори қатъий эканини анлайман.

Шавкат рулга бардам ўтиради. Атроф зимистон – бизга қўшиб, машинамизни ҳам ютиб юборган. Аммо Шавкат тап тортмай бизга команда бера бошлайди. Унинг айтганига сўзсиз бўйсуниб, дўстимиз хайдовчининг ёнидаги ўриндикқа ўтириб олади, мен эса орқа ўриндикнинг чап томонига жойлашиб оламан. Электр йўқлигидан дераза тозаллагичлар ҳам ишламаётгани учун рўпарадаги дераза тамом деворга айланган, бироқ Шавкат унга тикилганча, хушёр ўтирибди. У ўйлаган режа бўйича, мен машина йўлдан чапга чиқиб кетаётганидан, дўстимиз эса ўнгга огишиб кетаётганидан, хайдовчини хабардор қилиб туришимиз керак. Биз ёнимиздаги эшикларнинг ойнасини туширамыз. Шавкат эса гўё кўзи боғланган одамдай машинани бошқарди. Ҳа, бошқаради! Ўзи айтиб турибди!

– Кетдик!

Машина ўрнидан кўзғалади.

Майда ёмғир совуқ туманга ва зулматга қўшилиб, юзимизга уради.

Йўлдан чиқиб кетаётганимизни кўрамыз, тўғрироғи фаҳмлаймизу бақирамыз:

– Чапга!..

– Ўнгга!..

– Озроқ ўнгга олинг!

– Чапга, деяпман!.. Чапга! Бўлди!..

Фақат Шавкат “миқ” этмайди, қоронғида унинг қўлкаси ажабтовур бир ишонч таратиб туради. Машинани бир маромда – ўттиз-қирқда ҳайдаб кетяпти! Бизнинг бақирик командаларни аниқ бажаради. Зулмат оралаб қанча йўл юрганимизни билмаймиз. Машина паст тезликда – “мени қай азобларга дучор этдиларинг” дегандай инграниб ҳаракатланади. Шавкат овоз чиқармайди.

Узоқ юрамыз.

Совуқ шамолу майда ёмғир юзимга тинмай уради. Бетим қаришиб қолганини ҳис қиламан.

– Ўнгга! – дейди дўстимиз.

– Чапга! – дейман мен.

Охири дарадаги сув омборининг тугашига етиб келганимизни биламан. Ўша пайтларда йўл сув омбори тўғони бўйлаб пастга шўнғир, сўнг тепаликка кўтарилиб,

Ангренга рўбарў бўлар эди. Шавкат ҳам қаерга келганимизни фахмлайди. Тушиб машинанинг деразасига ёпишган “туман”ни артиб ташлайди. Аммо мен олдинда барибир ҳеч нарса кўрмайман. Шавкат қайтиб рулга ўтиради. Мен унинг кайфияти кўтарилгани, жилмайганини туяман. У машинани тўғон тагидан ўтадиган йўлга буради. Машина биз анчадан буён унутганимиз катта тезлик олиб, пастга шунғийди. Шамол юзимга ёмғирни уради. Ўзимни ичкарига олиб, деразани ёпаман. Дўстимиз ҳам шошиб қолади.

– Секин! Секин! – дейди у хавотирда.

Машина тумансиз, куп-куруқ йўлда кетаётгандай шовуллаб боряпти.

– Шавкат! Шавкат... – дейман. – Секинроқ ҳайданг, ўв!..

Шавкат кулимсираб боряпти. Машина эса тезликни туширмай, тепаликка кўтарилаётганини сезаман.

Биз тепаликка етганимиз, сўнг бурилганимизни машинанинг овозидан ҳис қиламиз...

...ҳис қиламизу бирдан туман ичидан қалқиб, ёруғликка чиққанимизни ҳам кўрамыз.

Қаршимизда чироқлари чарақлаб, Ангрен кўриниб турибди! Осмон юлдузларга тўла!

Қийқириб умумшодлигимизни изҳор этамиз.

Шавкат қоронғиликнинг чегарасига етганимизни қаердан билди? Назаримда, у сўнгги чақиримларни – кўриб-билиб юрган йўлини – тасаввур этиб ҳайдаган эди.

Аммо шу заҳотиёқ ниҳоят чарчаганимизни ҳам англаймиз. Тумандан кутулган бўлсак ҳам, машинанинг чироқлари ҳали ҳам ёнгани йўқ. Бироқ энди тумансиз йўл бизга аэропортнинг прожектор билан ёритилаётган қўниш йўлкасини эслатади. Шавкат машинани вариллатиб ҳайдайди. Лекин шўрлик машинани тузатиш керак. Сўраб-суриштириб, кечаси ўн иккиларда бир автобазани топамиз. Шўроларнинг катта машина саройи! Йўналишларда югуравериб чарчаган бўм-бўш автобуслар тунги ҳордиқ чиқаргани темир дарвозали уйларига қайтиб келяпти.

Бизга электрик керак.

Икки шоирнинг кўзғолишга курби етмайди.

– Сиз боринг энди, – дейди машинанинг эгаси менга. Бундай пайтларда, албатта, Усмон керак бўлишини билганимдан ичкари кириб, ярим тунда ҳам “ишим бошимдан ошиб ётибди” деган жиғибийрон бир татар электрикни топиб чиқаман.

– Нима бўлди? – дейди йўл-йўлакай

Мен аҳволни тушунтирган бўламан.

Икковлашиб ичига қоронғиликни ютиб турган машинанинг олдига келамиз. Иккала дўстим машинада шалвираб ўтиришибди.

– Капотни очинглар, – дейди жиғибийрон.

– Капотни очиб нима қиламиз? – дейман мен ансам қотиброк.

Ахир, передохранителлар капотнинг тагида нима қилсин?

– Капотни очинглар! – дейди жаҳл аралаш оҳангда.

– Капотни очинглар деяпти, – деб бақираман Шавкатга.

Шавкат эшикни очади:

– Капотни нега очамиз?

– Мана, оч деяпти-ку! – аччиғим чиқади.

Шавкат ҳафсаласизлик билан капотни очади-да, ўрнидан кўзғолиб, бизнинг олдимишга келади. Учаламиз, биргаликда капот тагига энгашамиз ва...

...шунда мўъжиза рўй беради. Электрик нимагадир қўл теккизади. Машинанинг

хамма чироклари бирдан ярақлаб ёниб кетади. Биз анграйиб, электрикка қараймиз. “Ёруғ тун”лар келишидан тамоман умидини узган дўстимиз ҳам машинадан чиқиб келади. Барчамиз зулматга гўё абадий асир бўлган кўнглимизда қуёш ёнгандай хурсандмиз.

- Нима қилдингиз? – дейман мен сеҳргар татар йигитга.
- Передохранители сал жойидан кўзғолган экан, шуни...
- Капот тагида передохранитель нима қилади?
- Янги чиқаётган машиналарники ўша ерида бўлади.

Мен унинг кўлига пул тутқазаман. У кетади.

Машинамизнинг ҳамма панеллари нур таратяпти. Эшик ланг очик бўлгани учун салон ҳам зиёга лиқ тўла. Шавкат чироқларни ҳам ёқади. Машинамиздан оламга ёғду таралади. Ура!..

Учаламиз Берлинни забт аскарлардай қувонамиз.

Бу орада машинанинг эгаси бизни техникадан беҳабар нодонлар эканимизни айтиб, роса пўнғиллаб ҳам олади. Аммо унинг гапига ҳозир ким ҳам қулоқ тутар эди! Қолаверса, унинг сўкиши ҳам номига эканини сезиб турибмиз. Машина коинотга учадиган кемадай нур сочиб гувуллаб турганда, унинг кўнглидаги губор кунпаякун бўлиб кетгани аниқ.

Жўнаймиз!

Танатанавор, ичимиз байрамга тўлиб жиламиз.

Йўл-йўлакай билган-билмаган кўшиқларни варанглатиб айтамиз. Кулаамиз. Қийкираамиз. Хурсанд бўлаамиз.

Машина қанот чиқариб учади. Шавкатнинг юзида бесас табассум.

- Қалай? – дейди у тезликдан завқланиб.
- Зўр! – деймиз! – Зўр!

Тошкентга келганимиздан кейин биз тобига етказган машина сотилиб кетди.

Дўстимизнинг техникани тушунадиган бир яқини:

– Оббо, машинанинг расвосини чиқарибсизлар, – дебди бош чайқаб. – Буни энди сиз минолмайсиз-ов! Менга сотақолинг. Буни мен тузатиб, эплаб юрарман...

Машина сотилди.

Машина эгаси билан эса дўстлигимиз (пўнғиллашлари жўрлигида) давом этаверди. Ўша саёҳатдан гап очилганда сотилиб кетган шўрлик машинадан кўра, Шавкатнинг ҳайдовчиликдаги маҳоратини шавқ ва ҳайрат билан эслаб юрдик.

* * *

Шавкат бировни яхши кўрса – охиригача яхши кўрар эди. Иззат-хурматини жойига кўяр, унинг учун кўлидан келганича хизмат қилишга ҳам тайёр турар эди.

Сарвар Азимов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис бўлиб келгач, Шавкатни ўзига ёрдамчи қилиб олди.

Маълумки, ёрдамчи деганлари ярим хизматчи, ярим мулозим, ярим тансоқчи, ярим югурдак ва ҳоказо. Хуллас, минг тешикка бир тикин.

Аммо Сарвар ака билан Шавкат ўртасидаги муносабат раҳбар ва ходим муносабатидан кўра жуда юксак бир мақомга – биродарлик, ака-укалик мақомига кўтарилди.

Сарвар Азимовнинг ишлаши пиринциплари – истеъдодларни кадрлаши; умумўзбек маданияти ва санъатини ҳис қила билиш даражаси; унинг истикболини кўтаришга ҳаракат қилиши; юртимиз ва унинг адабиёти обрўсини юксалтириш

йўлидаги саъй-ҳаракати; ҳар бир ёзувчига адолат кўзи билан қараши, яъни меҳнати ва салоҳиятига қараб баҳо бериши – Шавкатни ҳайратда қолдирди. Бунинг устига, бу улуг одам Адабиётга хизмат юзасидан қарамас, балки унинг учун хизмат қилишни шараф деб билар эди.

Шавкат шу сабабдан тажрибали, Шарку Ғарбда донг таратган бу одамни ниҳоятда ҳурмат қилди.

Сарвар ака ҳам Шавкатда беғубор бир инсонни, суянса бўладиган ука-биродарни кўрди. Шавкат ишчан эди. У идора ишини жуда тез ўзлаштирди. Икки тилни билиши ва идора тилида қойилмақом ёза олиши, адабиётга тоза қараши, тўғрисиўзлиги ва ҳалоллиги туфайли ўзига сафдош деб билди, кадрлади.

Шавкат раҳбарларга хушомадни пасткашлик деб биладиган шоир эди. Ғурури ва ор-номуси даражасини шоирнинг шеърлари билан таниш мухлис жуда яхши биледи. Ана шундай ғурурли одам Сарвар Азимов машинага чиқаётганда, унинг хизмат машинаси эшигини очиб турганига гувоҳ бўлганман. Шавкат бу хизматни жуда муҳим ва муқаддас бир ишни бажараётгандай ихлос билан бажарган.

Зеро, у Сарвар акага ихлос қўйган эди. Адабиёт ва адабиёт одамлари учун жонқуярликни кундалик ишига айлантирган бу одам, унинг учун пир даражасига кўтарилганди.

Шу сабаб, бу одамга бўлган ҳурматининг ҳар қандай кўринишидан ҳеч ҳам уялмасди.

Шавкатнинг Сарвар акага бўлган бу ҳурмат-иззатида “бировлар нима дер экан?” деган ёлғонсиз самимият барқ уриб турарди.

Раҳматли Шавкат!

Ҳамма вақт – кўнгил йўлидан юрган Шавкат!

* * *

Шавкат ҳурриятни соғиниб яшади.

Ўртаниб шеърлар ёзди.

Ҳуррият, мустақиллик, унинг назарида, ҳақиқат бор бўйича барқарор бўладиган – алақандай байрамга ўхшашроқми-ей – тоза, нурли нарса эди.

Мустақиллик келгач эса, шоир уни танимади.

Шўроларга астойдил хизмат қилганлар, мустақилликка қарши курашганлар; халқининг камситилаётгани парвосига ҳам келмаганлар; “шу тупроқ менинг ҳам Ватаним” деб бир мартагина ўйламаганлар; халқининг тили, дини ва маданияти йўқолишига рози маҳдудлар – идораларни тўлдириб ўтирар, гўё ҳеч нарса ўзгармагандай эди.

Бунинг устига, аллақайларда писиб ётган тубанлик, пасткашлик ва беҳаёлик бирдан юзага қалқиб чиқди.

Кўчалардан машиналарни ўғирлаб кетиш бошланди. Машинани бир зум қаровсиз қолдирсанг бас, уловингдан айрилсан. Бировнинг нарсасига ола қарашни ўзига эп билмаган элда қароқчилигу ўғрилик авжга чиқди. Нашафурушларнинг даврони келди. Улар деярли очикдан-очик ҳаракат қилишди. Хотин-қизлар кўчага тақинчоқ тақиб чиқолмай қолдилар. Тақинчоқларни юлиб қочадиган болалар изғиб қолди. Бу ҳаром-ҳариш ишларга эса қинғирликларга қарши курашадиган идораларнинг нопок ходимлари бошчилик қилгани ҳақида гаплар юриб қолди.

Дунё бир зумда бозорга айланди. Товламачилар “ишбилармон” деган ниқобда халқни талашга астойдил киришди. Йирик ўғрилар ва қимирбозлар ногоҳ ҳурматли

одамларга айланди ва партия-хукуматидан айрилиб қолган беимонлар уларга юкиниб бора бошлади. Порахўрлик ва “давлат мулки” аталмиш эгасиз бойликни ўғирлашга одатий ишдай қарала бошлади.

Тубанлик беҳаёларча кўчага чиқиб, ифлос оёқлари билан ҳалолликни бемалол босиб ўта бошлади.

Халқ учун қуйиб-ёнганлар, меҳнат қилганлар эса, иқтисодий бухрон оқибатида, ноиложликда мўлтираб қолдилар.

Хуллас, Озодлик Шавкат шоирона тасаввур этган озодликка ҳеч ҳам ўхшамас эди. Шоир қарахтланиб қолди.

Нима қилиш керак?

У яхши кўрган одамларга нима бўлди?..

Шоирни аллақандай тубсиз қарахтлик ва ҳасрат қамраб олди.

У ёзолмай қолди.

Менимча, ёзишга ихлосини ҳам йўқотди.

Ёзган билан дунё ўзгармаяпти-ку, ахир!

Ватан мана шу қаллобларга қолгандай туюлди унга.

Бунинг устига Ўш воқеалари юз берди.

Бу дунёда бировнинг тинчлигини кўролмайдиганлар бор. Улар, дейлик, ака-укани уриштириб, маза қилади. Маза қиладигина эмас, анқовлар англамаган аллақандай мақсадларини кейинчалик бемалол амалга оширади. Билдирмай хўжайинлик қилишни бошлайди. Бозорни қўлга олади. Жарақ-жарақ пул уларнинг чўнтагига оқади. Сени аввалига сийлаган бўлади. Сўнг – қарзингни бўйнингга қўйишгач – унга муте бўлиб тураверасан. Уларнинг бу сурбет сиёсати фақат кучни қудратинигина тан олади. Агар бўшашсанг.. минг бир балога дуч келасан. Крилов бобо “Дарахтнинг бўшини қурт ейди доим”, деган-ку!

Мен баъзан Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги қаттиққўл сиёсатини тўғри эканини тушунгандай бўламан. Ахир, рангли инкилобларнинг талотўмидан фақат бизнинг мамлакатимиз омон қолди, фақат бизда ҳарҳолда тинчгина ривожланиш имконияти яратилди...

Бўшашган Қирғизистонда эса бузгунчи қаро кучлар эмин-эркин ҳаракат қилдилар. Улар учун бу мамлакатда мудом парокандалик юз бериб туриши айни муддао эди. Қанча ранго-ранг найранглари хиралаша бошлагач, охир-оқибат, янги “лойиҳа” – қирғизларни ўзбекларга қарши қўйиш режасини туздилар. Бу машъум ишни амалга оширишни уддаладилар ҳам. Озми-кўпми тадбиркорлик қўлидан келадиган ўзбекларнинг бу соҳадаги ютуқлари қирғизларга “мамлакатни ўзбеклар эгаллаб олди” деб кўрсатилди. Натижада, икки халқ ўртасидаги азалий тотувликка раҳна солинди... Кўчага оломон чиқди. Ўзбекларни ўлдириш, молу мулкани талаш, уйларини ёндириш бошланди. Эс-хушини йўқотган, ташқаридан бетўхтов қиздириб туриладиган оломон селдай гап. Бу сел ўзбекларнинг устига беомон бостириб келди.

Албатта, тўполоннинг моҳиятини англаган икки халқнинг кўзи очик – дунёда нималар кечаётганини тушунадиган фарзандлари у фожианинг олдини олишга ҳаракат қилди. Телбаликдан тўлғониб турган оломон қаршисига кўрқмай чиқиб, дилидагини бежамай, рўй-рост айтган Чингиз Айтматовнинг ҳайқириғи қулоғим тагида ҳануз янграйди.

Эси борнинг ҳаммаси бу мудҳиш ишдан қарахтланган. Ўша маҳал мен ҳам апил-тапил бир шеър ёзиб, газетада чоп эттирганман. Мана, ўша шеър:

*Кўлларим бошимга муштлади ҳаргиз.
Аламдан тарихнинг афти буришиди.
Бир қўлим ўзбекдир,
Бир қўлим – қирғиз –
Менинг икки қўлим
нега уришинг?*

*Иккала кўзимда икки ёвуқ ҳис -
Наҳотки, тескари айланди дунё?
Бир кўзим ўзбекдир,
Бир кўзим қирғиз –
Менинг икки кўзим нега уришинг?*

*Қай бирингни айтсам зирқирайди жон.
Менинг икки жоним бекор суришинг...
Икковинг суйганинг, ахир, Туркистон,
Менинг битта халқим,
Нега уришинг?*

Бу шеърдан мени ўша пайт қандай аҳволга тушганимни англаган бўлсангиз керак. Энди Ўшда – киндик қони тўкилган она тупроқда – Шавкатнинг кўнглидан нималар ўтганини тасаввур қилинг!

Аммо у қайғуриб, уйда мўлтираб ўтирар эдими?

Шоир шоша-пиша – негадир болаларини ҳам олиб – Ўшга жўнайди. Эна юртда эса тўс-тўполон!.. Шавкат тўрт томонга югуради. Қурбон берганларга тасалли беради, ғазаб отига минганларни шаштидан туширишга ҳаракат қилади. Қўлидан иш келадиган қирғизларнинг ҳам олдига боради. Бу қирғиннинг олдини олишга ҳаракат қилаётганлар билан ҳам, оловга ўтин қалаётганлар билан ҳам учрашади. Чингиз Айтматов билан ҳам кўришади. Қаерда бир қатра нажот кўринса, излаб боради – ҳамфикр кидиради. Тинмай қон тўкилишининг олдини олиш тадоригини кўради. Уйқусизликдан кўзлари киртайиб, ғуссадан юзлари қорайиб кетади. Бирок бир зум ҳаловат билмай, эл-юрт тинчлигини кўзлаётган одамларни бирлаштирмақ йўлларини кидиради. Бунга қисман эришади ҳам. Бирок ақлдан озганлар мўл – қон хидидан маст бу ёвузларга қарши туриш осон эмас эди.

Жон куйдириб, елиб юрган шоирнинг элпарастлиги уларга ёқмайди. Қонхўрлар энди Шавкатнинг ўзини мўлжалга ола бошлайди. Бундан хабардор бўлган дўстлар машъум режадан Шавкатни хабардор этиб, Қирғизистондан чиқиб кетишни маслаҳат беришади. Шавкат кўнар эдими? Ўшда қиёмат кўпиб турган-да, жонини аяб қочиб қолсинми? Йўқ-йўқ! Ҳеч ёққа кетмайди! Ҳеч ёққа! Шавкат маслаҳатни рад этади. Ҳамма хайратда – кўлидан келганлар жонларини асраб, Ўшдан қочиб қолаётган-да, тинчгина Тошкентдан келган бу одам нега ўзини ўтга ташлаб юрибди? Улар шоирларнинг жони азалдан сабил қолганини билмайди-да. Ҳақиқат, эл-юрт, ор-номус учун кураш шоирларнинг қисмати эканидан хабарлари йўқ!

Шавкат, албатта, ўша кунлар бу қисмат ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган. У юраги буюрган – Парвардигор кўнглига солган ишни қияпти. Ўзининг халқи учун, адолат учун куйиб-пишяпти!

Яна хабар келади: тезроқ чиқиб кетиш керак. “Уларнинг” режалари жиддий.

Шавкат яна кетолмаслигини айтади. Қандай қилиб кетсин! Фарёд уриб турган Ўшини ташлаб кетаверадимиз? Фарзандларингиз бор, дейишади унга.

Фарзандлар!.. Шавкат болаларини бир зум ҳам унутгани йўқ. Ана, мўлтирабгина турган қизлари, норисида ўғли; бошларида айланаётган хатарни ҳис қилиб турса-да, бор кучи билан Шавкатни қўллаб турган Манзурахон... Уларга нима бўлади?

Шавкат кетишга кўнади.

Болаларини “Жигули” сига жойлаб, жўнайди. Кўнгли вайрон – боласини саҳрога ташлаб кетаётган аёлдай ортига қарагани қараган.

Аммо кетишга куч қайда? Аранг, Андижонга етиб келади.

Бир дўстиникига кўнадилар.

Бу кеча ҳам уйқу йўқ. Суҳбат фақат Ўшдан... Ўш! Ўш! Ўш... Ўшга нима бўлади?

Шавкат эртаси машинага бола-чақасини жойлайди-да, ортига – Ўшга – изиллаб турган Ўшга қайтиб жўнайди.

Яна ўша югур-югур! Неча-неча таҳдидлар остида бу дунёда инсоф борлигини одамларга уқтириш.

Ҳеч нарса беиз кетмайди.

Шавкатнинг бедаво касалга йўлиқиши, менимча, ана шу ҳасратларнинг оқибатидир, деб ўйлайман.

Саратон касали нимадан пайдо бўлишини ҳеч ким билмайди.

Аммо мен инсон бедаво ҳасратга дучор бўлмоғи оқибатида бу машъум касал юзага чиқади деб, ишонаман. Назаримда, ҳасрат инсон танидаги жами ҳимоя кўрғонларини кунпаякун қилади ва унинг ўрнига мана шу машъум “ажрик” ўсиб чиқади.

Бунинг устига, шоирларни хуш кўрмайдиган замон келаётганини Шавкат қандайдир бир онгорти туйғу билан ҳис қилган бўлса керак. Натижада, ҳасрат енгиб бўлмас даражада куч олган.

* * *

Шавкат Раҳмон ҳеч қачон ёлғиз қолгани йўқ.

Дўстлар унга баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзди.

Мурод Муҳаммад Дўст ўзи бош идорада Ташқи алоқалар шўъбасини очиб, унга дўстини мудир қилиб қўйди. Аммо Шавкат бу ишга кўнгил қўёлмади. У ҳақиқий – халқи учун эртаю кеч бош кўтармай ишлайдиган хизматни истар эди.

Аслида шоирга Ватаннинг шеър ёзишдан бошқа қандай хизмати бўлиши мумкин?

Шеър ёзишдан совиган Шавкат учун ўзини ҳар тарафга уриш бошланди. У Муроднинг ишхонасидан кетди.

Аммо кун кўриш керак: Шавкатнинг рўзғори катта, эшиги дўстлару қариндошларга очик, фарзандлари катта бўлиб қолган...

Нимадир қилиш лозим?

Мен мамлакатнинг энг катта раҳбарларидан бирини Шавкат фаолият кўрсатиши учун кенг йўл очадиган бир ишга таклиф этишга кўндирдим. У одам, расмига кўра, Шавкат билан юзма-юз гаплашиб, сўнг ишига “оқ йўл” тиламоқчи бўлди.

Ҳаммамиз хурсандмиз. Ниҳоят, Шавкат ўзига келади!

Албатта, бир-икки кун аввал Шавкатга кўнғироқ қилиб, унга “тадбирнинг аҳамиятини” тушунтирган бўлдим.

Тайинланган кун вазифасига кўра бу ишлар билан шуғулланадиган казо-

казолар, менга, ўртоғимни соат фалонча пайт – кечикмай! – етиб келишини айтиб, оғохлантиришди. Мен, ўз навбатимда, Шавкат билан гаплашдим: “Шоир, эсдан чиқмасин-а!”

Дўстим неча алвон ваъдалар бериб, зинҳор-базинҳор хавотир олмаслигимни – вақтида етиб келишига мени ишонтирди.

Бандасига нима буюрилганини фақат Оллоҳ билади дейишади-ку! Шу гап ҳаққи рост экан!

Одатда, Раҳбарнинг қабулига кирадиган одамлар анча олдин таклиф қилинади. Катта даргоҳ! “Атрофга кўз ташлаб, шароитга кўникишсин”, дейишади. Кўпни кўрган хизмат ходимлари озроқ фойдали маслаҳатлар ҳам беришади.

Ана, айтилган вақтда тайинланган одамлар ҳозир нозир бўлади. Барчаси ҳаяжонланган, бетоқат... Уларнинг кўпчилиги пасту баландни кўрган одамлар. Улар бир неча соатдан кейин тақдирларида қай йўсин ўзгаришлар бўлишини аниқ сезиб турибдилар.

Хуллас, ҳамма етиб келган. Фақат...

...Шавкат қани?

Бу жараёни бошқариб турадиган хизматда ўша йилларда адабиётни кадрлайдиган, шоиру адибларни номма-ном танийдиган ходимлар ҳам кўп эди. Баъзилари шоирлар қутилмаган ҳар қандай ишга қодирлигини тасаввур ҳам қилар эдилар. Аммо бу синчков одамлар бу тақдирмал соатларнинг юришини шоир ҳам бузолмайди, деб ўйлаган бўлишлари Эҳтимол.

Шу сабабданми, улардан бири ҳар Эҳтимолга қарши менга қувноқ овозда кўнғироқ қилди:

– Шоирингиз йўқ-ку!

Оббо!.. Мен негадир хавотирга тушдим. Дарҳол Шавкатнинг уйи билан боғландим.

– Шавкатбек “ашетга бораман”, деб чиқиб кетганларига анча вақт бўлди, – деди Манзураҳон.

– Қачон?

– Анча бўлди! Бориб қолгандир...

– Бирор жойга кириб чиқаман, демаганмиди?

– Йўқ...

Телефон дастагини қўйдим. Аммо хавотирим кучайди. Ҳалиги масъул ходимларга эса бепарво оҳангда кўнғироқ қилдим:

– Йўлда экан. Ҳали замон келиб қолади.

Рўпарамдаги соатга қараб-қараб қўяман.

Ярим соат ўтди.

Яна кўнғироқ.

– Келдими?

– Йўқ-да!

Энди масъуллар хавотирга тушдилар.

Бу хавотирда жон бор – ахир, бу идора хизматида етганлар бор, етмаганлар бор. Кўпчиликнинг назарида, дейлик, бир шаҳар одамнинг орасидан бир кишинигина тақдир суйиб, бу идора хизматида олиб келади. Ахир, бир шоирни деб, обрўсига доғ тушса, ёхуд – Худо кўрсатмасин! – ишдан ҳайдалиб кетса... нима бўлади?

Соат кургур чиқиллайди. Қабул вақти беомон яқинлашиб келяпти. Шоир эса йўқ.

Безовталиқ ва хавотир аста-аста бутун бинони қамрайди. Бинонинг шифтларидан

ўрмалаб чикиб, шаҳар бўйлаб таралаётганини деразадан кўриб тураман. Аммо буни фақат Шавкат Раҳмон сезмайди, холос.

Энди масъулларнинг каттароғи эшигимда пайдо бўлади. У терлаб кетган. Ўзини идора қилолмаслик остонасида турибди.

– Ака, – дейди у, гарчи мендан ёши катта бўлса ҳам. Бировга бу тарзда муружаат бу идорада мустақиллик туфайли пайдо бўлган. Катта-кичик бир-бирига “ака”лайверади: – Шоир йўк.

Мен яна телефонга ёпишаман.

– Вой, бормадими? – дейди ташвишланиб Манзураҳон ва “Шавкатбек ашетга бораман” деб, чикиб кетгани”ни ҳаяжонланиб, яна такрорлайди.

Энди унга мен тасалли бераман:

– Хавотир олманг, келиб қолар.

Масъулларнинг каттароғи асабийлашади:

– Балога қоламиз!

Мен бепарво бўлишга уринаман. Масъулга тасалли бераман:

– Келиб қолади.

Аммо Шавкат келмайди.

Масъулларнинг каттароғи “уф” тортганча, чикиб кетади.

Соат чиқиллагани чиқиллаган.

Бироздан сўнг яна кўнғирок:

– Келмадими?

Кўнғироклардан безор бўлиб, масъул вазифаларга даъвогарлар йиғилган хонага мен ҳам бораман.

– Ака, нима бўлди? – дейди ҳалиги масъул афтода бир ҳолда.

– Билмадим... Келмаяпти.

Айланмай ўлгур соат миллари шафқатсизларча тайинланган вақтга яқинлашиб келяпти.

– Бунингиз келмайди, ака! – дейди масъулларнинг каттароғи тақдирга тан бериб.

Унинг руҳи тушиб кетган. Ахир, бу тадбирга жавобгар шу мардум-да! Бир лаҳзада оёғи осмондан келиши ҳеч гап эмас.

Унга раҳмим келиб қарайман. Ўзини тутиб тургани билан юраги қон бўлиб кетган бечоранинг.

Соат миллари тайинлаган вақтга етиб келади.

Аммо Шавкатдан дарак йўк.

Мен ичимда афсусланаман: Шавкатни биламан-ку, ахир? Ўзим бориб, олиб келмайманми?

– Келмади, – дейди масъул ва дунёда илк бор дучор бўлганим энг оғир – сўзсиз таъна билан менга қарайди.

Кўзимни олиб қочаман.

– Тайёр бўлиб туринглар, – дейди масъул даъвогарларга ва қабулхонага йўл олади.

Бу маросимда ана шу дақиқалар энг нозик ва асабий тарзда кечади. Жуда оғир сукунат чўқади. У раҳбарнинг суҳбатига таклиф этиладиган даъвогарларни босиб, эзиб ташлайди. Бечораларнинг гапиришга ҳам мажоллари қолмайди. Вақт қийналиб тўхтайтиди. Унинг таранг тортилиб чўзилаётганини, лаҳзалар чидаш беролмай, “чирс” этиб узилаётганини – негадир бирдан жониворлардай сезгир бўлиб қолган даъвогарлар эшитиб туради. Кимдир тоқат қилолмай ўрнидан туради. Кимдир сигаретни қўлига олади. Аммо чекишга журъат қилолмайди.

Менга уларнинг бу азоби негадир кулгили туюлади. Аммо ўзимни жиддий тутиб, қабулхонага йўл оламан.

Қабулхонада қанча раҳбарларни кўрган қари ёрдамчи мени кулиб қаршилайди:

– Қани? – дейман масъулни кўзда тутиб.

– Ичкарида, – дейди сирли жилмайиб ва негадир хурсанд бўлиб такрорлайди: – Қолиб кетдилар, ака, қолиб кетдилар...

У менга чой узатади.

Бу ўрис чол жуда ажойиб. Бу ернинг ҳавосини роса ўзлаштирган. Ўрисча ҳам, ўзбекча ҳам, тожикча ҳам сайрайверади. Ким билан нима бўлишини аввалдан аниқ англайди. Одамларга раҳбарнинг муносабатига қараб, муомала қилади. Ҳамма нарсани билади.

Мен илиқ чойни олиб, бир кўтаришда ичаман.

Ичкаридан қизариб масъул одам чиқиб келади. У мени кўрмай, ташқарига отилади.

– Ёмон бўлди, ака! – дейди чол. – Шоир келмагани ёмон бўлди!

Ташқаридан масъул одамнинг овози эшитилади:

– Сизларга жавоб! Раҳбар бошқа кун қабул қиладиган бўлдилар! Ўзимиз хабар берамиз!

Мен коридордан даъвогарлар ва масъул ғойиб бўлгунча қабулхонада ўтираман.

Сўнг бирпас ҳаяллаб, масъулнинг хонасига қираман.

– Нима бўлди?

– Расво бўлди! – дейди алам билан масъул. – Аввал Шавкатни чақир, шоир билан суҳбатлашайлик десалар бўладими? Мен касалланиб қолганини айтдим. Бирдан аччиқлари чиқиб кетди...

– Нима деди?

– “У қанақа одам? Раҳбар таклиф қилса ҳам келмайдими”, деб уришиб берди. “Бошқаларни қабул қилмайман”, деди.

Ҳақиқатан ҳам, ўша даъвогарларни бу коридорларда, ҳатто ундан пастроқ идора коридорларию кабинетларида ҳам яна қайтиб кўрмадим.

Эртаси Шавкатнинг ўзи кўнғироқ қилиб қолди.

Уни жон-жаҳдим билан койишга тушиб кетдим. Шавкат менга нималардир тушунтирмоқчи бўлар, менинг аччиғим чиққан – унинг гапини эшитишни ҳам истамай, тутақар эдим. Ҳовримдан тушгач, иккаламиз учрашадиган бўлдик.

Бирпасда ишхонага келди.

Кулишга ҳаракат этиб турса-да, анчадан буён уриниб юрган режамиз чиппакка чиққанини аниқ туюб турарди. Назаримда, уйдан ҳам гап эшитган.

– Нима жин урди сизни? Биз шунча ҳаракат қилсаг-у, сиз эса... Эсингиз жойидами? Нега келмадингиз?

– Шу, Усмонжон... бошқа иш топилиб қолди...

Алкисса, Шавкатбой уйдан жуда эрта чиқади.

Бир ҳофиз дўстининг уйига кириб, сўнг айтилган пайтда қабулга етиб келмоқчи бўлади.

Ҳофизэса Шавкатни суҳбатга чорлаган Раҳбарнинг америкалик қариндошиникига меҳмонга чақирган – зиёфат авжида бўлади. Суҳбат давомида Шавкат америкалик қариндошга ёқиб қолади. Қариндош катта бир ташкилот тузгани, иш юритиш учун унга Шавкатдай саводхон одам керак эканини айтади.

– Мана, Шавкатнинг ўзини ола қолинг, – дейди ҳофиз.

Шавкат – содда одам. Бунинг устига ингичка узилиб, йўғон чўзилиб турган пайт.

Рузгор тебратишнинг ўзи бўлаётгани йўқ. У Америкадаги ишхоналар ходимларига қанча маош беришини билади. Шу сабабданми, қариндошни яхши билмаса ҳам, бир-икки қистовдан кейин рози бўлади.

Аммо... суҳбатга бориши керак-ку!

– Нима қиласиз бориб, – дейди катта кетиб қариндош. – Ўзим айтиб қўяман!

Ҳофиз ҳам унинг гапини бош қимирлатиб тасдиқлайди.

“Одамнинг омади келса, бирдан келар экан”, деб ўйлайди Шавкат ва унинг ҳамма муаммоларини бир зумда ечган бу сеҳргар одамларга меҳру муҳаббат билан қарайди.

Аммо уйига боргач, шубҳага туша бошлайди.

Мен орадан бироз вақт ўтгач, Раҳбарга Шавкатнинг бошидан ўтган бу савдони гапириб бердим.

У киши кулиб қўяқолди.

Ўн беш кундан кейин Шавкат қўнғироқ қилди. Овози жуда ташвишли эди.

– Э, бу жой менга бўлмас экан.

У тахминан уч ойдан сўнг ишдан бўшади.

Барибир Шавкатнинг мамлакат миқёсидаги бундайроқ бир идорага ўринбосар этиб тайинланишига эришдик. Аммо у жойда ҳам Шавкат истаган – жонини жабборга бериш йўқ эди. Шавкат эса кўпчилик қаби кун ўтиши учун хизмат қилишни тасаввур ҳам қилолмас эди.

Бу ишдан ҳам кетди.

Мен Шавкатга бу дунёда шоир учун иш йўқлигини айтолмадим. Етти қават осмондан тушадиган мўъжизани – шеърни одамларга инъом этадиган зот қайси ишдан ҳаловат олади? Фақат ижоддан! Ўзининг йўриғида юрадиган иш эса ижодни писанд қилмайди. Кўнгилда беҳаловат норозилик пайдо бўлади. Қани эди, фақат ижод қилишнинг иложи бўлса!..

Шавкат, қанча шеърларимиз ичимизда ўлиб кетди!

Раҳбар барибир Шавкатга илиқ муносабатини сақлаб қолди. Касалхонада ётганида унга унвон берилди. Ўша пайтда топилмайдиган дори-дармонлар топиб келинди. Ҳатто Мурод Муҳаммад Дўст орқали моддий ёрдам ҳам берилганидан хабардорман.

* * *

Шавкат саратон касалига йўлиқди.

Аввалига йўталиб юрди.

Ўзи ҳам, уйдагилари ҳам, дўстлари ҳам “шамоллаган бўлса керак, ўтиб кетади”, деб ўйлади. Ўтиб кетавермагач, дўхтирга борди.

Бир кун каттакон идорада ишлайдиган шоир биродаримиз қўнғироқ қилиб қолди. “Шавкат шунақа-шунақа... дардга йўлиқибди”.

Биз у пайтлар ҳарҳолда ёш эдик. Аллақандай тўлиб тошганча, алангаланган ёнишда яшардик: ғайрату шижоат билан ўзимиз ҳақиқат билган адолатни ҳимоя қилардик, юрт озодлиги йўлида – ҳеч нарса кўзимизга кўринмай, ҳеч нарсдан қайтмай – жон қуйдириб, ўзимизни ҳар томон урардик, қарсиллатиб шеърлар ёзардик.

Ўша – кечган замон кунларининг руҳини ҳис қилиш жуда осон. Бунинг учун Шавкат ва унинг тенгдошлари истиқлол арафасида ёзган шеърларни кўздан кечириш кифоя.

Ҳа, ўша йиллар адабиёт – ҳақиқий Ватан адабиёти экани; мустамлакачилар

йўқ қилган, хибсга солган, хўрлаган ватанпарварларнинг чинакам вориси эканини исбот этган эди. Табиатига кўра бирлашмайдиган (шахслар-да, шахслар! Оломон эмас...) адабиёт аҳли ўшанда илк бор бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилган ва бутун Ўзбекистон қад кўтариб, уларнинг ортидан эргашган эди...

Хуллас, шахсан мен ўлимни ҳеч қачон унутиб яшамаган бўлсам ҳам, гарчанд бу улугвор фожиа шеърларимга кўлкасини ташлаётган эрса-да (ўша пайтлар “Тазарру боғлари” шеърый туркумлар гулдастаси ва “Ғусса” китобларим чоп этилган), ўлим бус-бутун даҳшати билан менга бу қадар яқин келмаган эди.

Ўзим ҳам, яқинларим ҳам, дўсту биродарларим ҳам соғ-саломат... Баъзан гуриллаб, баъзан кулиб-ўйнаб, баъзан ғуссаю андух қуршовида яшаб юрибмиз. Муҳими шу, яшаб юрибмиз! Аммо бу нимаси?

Шавкат? Йўғ-е... Қандай қилиб?..

Ҳа, Шавкат... Шунақа дейишяпти. Кўкрак жарроҳлиги шифохонасига ўтказишибди.

Борамизми?

Ҳа!..

Мен шошиб кийинарканман, бу гапга барибир ишонмайман. Ахир, қандай қилиб, Шавкат?.. Дўстим кўз олдимга келади: гавдаси пишиқ, вужудидан соғлиқ уфуриб турадиган одам...

Бирпасда шифохонага етиб борамиз. Назаримда, агар Шавкат ҳақиқатан ҳам ҳалигидақа касаллик билан оғриган бўлса, бу жойлар қайғуни кўтаролмай, мотамсаро бир тарзда туриши лозимдай эди. Аммо ҳамма жой тинч, оқ халатли одамлар у ёқ, бу ёққа одатдагидай кулишиб, гаплашиб, ишнинг нукси урган жиддиятда ўтиб туришибди.

Шифохонада “ором соати” экан. Катта идорада ишлайдиган дўстимиз хужжатини кўрсатади. Тезлик билан қайсидир қаватга кўтарилиб, шифохонанинг бош шифокори хузурига кирамиз.

Ёши ўтган жиккаккина киши бизни қабул қилади.

Биз Шавкатни суриштирамиз.

– Шавкат... Раҳмоновми? Ҳа, у киши бизда ётибдилар... – дейди бош шифокор совуққон бир жиддиятда. Оҳангида на бир ҳаяжон бор, на бир ҳамдардлик. Одатда, бундай оҳангда, шу атрофдаги дўкон қаердалигини сўраган одамга, “хўв, ана”, деб жавоб берилади-да, ўтиб кетилаверади.

– Унга нима бўлди ўзи? – дейман иложи борица енгил гапиришга ҳаракат қилиб. Агар шундай гапирсам, бош шифокор, “э, арзимаган бир нарса” деб юборадигандай.

– Шу... – дейди бош шифокор, катта идорада ишлайдиган дўстимизга ишора этиб. – Бу кишига боя кўнғироқ қилиб, айтган эдим...

– Ўзи... – дейман умидвор бўлиб, – Яхшилаб текширдиларингми? Эҳтимол,... бирор жойда янглиш бўлгандир?

Бош шифокор оҳангини ўзгартирмайди. Менга бир қараб олади-да, кўзини стол устидаги қўлларига тикади:

– Биз янглишмаймиз.

– Шунчаликми?

– Ўтказиб юборилган. Охирги босқич.

Жимлик чўқади. Мен барибир мантиққа кўра берилиши лозим бўлган сўнгги – оғир саволни бераман:

– Қанча умри қолди?

– Кўпи билан... Икки ой.

Тамом. Нуқта. Бошқа саволга ўрин йўқ. Беилож сукунат.

Шавкатни кўрсак бўладими?

– Албатта. Фақат... Эҳтиёт бўлиб гаплашасизлар...

Мен бу гапга барибир ич-ичимдан ишонмайман.

Биз Шавкат ётган палатага кирамиз. Ва бирдан кўрмаганим бир муддат орасида Шавкатнинг ўзгарганини ҳис қиламан. Ориқлаган, кўзлари ичига тортиб, аллақандай узоқлардан қараётгандай...

Шавкат билан, ҳамишадагидай, ҳазил-ҳузил йўсинда гаплашишга ҳаракат қиламан. Чапанироқ одам ролига кириб:

– Э, бундай чўзилиб олибдилар? Ҳа, ётаверасизми? Туринг-э!.. – деб ёнига бораман.

Дўстларим билан муомалам ҳар хил. “Сен-сен”лайдиганларим бор, негадир муомаламиз “сиз”да қолиб кетганлари ҳам мўл. Нега бундай бўлган – билмайман, аммо шундай... Шавкат менинг “сиз”лаб гаплашадиган азиз биродарим! Мен Шавкат Раҳмон ва Хуршид Давронга “сиз”лаб, эъзозлаб дўстлик қилганман.

Шавкат бизни кўриб, жилмаяди. Ўрнидан кўзғалади. Аммо ҳаракатида шиддат йўқ. Биз унга ўрнидан кўзғалмаслигини таъкидлаб, шошиб бориб кўришамиз. Шавкат кўришаётиб, ичидан бостириб келган йўтални қайтармоқчи бўлади. Зўриқади. Тескари қараб, йўталиб олади.

– Ҳа, нима бўлди? – дейман, қувноқ овозда гапиришни ўзимча ўринлатиб.

– Шу... Бир йўтал теккан. Ҳеч кетмаяпти...

Шавкат, ҳақиқатан ҳам, дўхтир бизга айтган ташхисдан беҳабар эканини тушунаман.

Биримиз қўйиб, биримиз йўтални ўтиб кетадиган касал эканини, бу шифохонанинг дўхтирлари зўрлигини, Шавкатнинг кўриниши бинойидай эканини айтишга тушамиз...

Қайтарканмиз, барибир Шавкатнинг бундай мудҳиш хасталикка дучор бўлганига ишонмаётганимни туюман. Борлигидан ҳаёт ва шеър уфуриб турадиган; меҳри ҳам, қаҳри ҳам ажиб бир ўжарликда собит; шу билан бирга, ниҳоятда содда Шавкат Раҳмонга – азиз дўст, бебаҳо шоир, юраги Ватану Адолат оловида лангиллаган инсонга, назаримда, Парвардигор бундай касалликни раво кўрмаслиги керак эди. У ёш эди-да, ахир!

Ҳозир ўйласам, бу хаёлларимда бир бандасининг дўстига меҳридан пайдо бўлган ўжарлик борга ўхшайди. Бироқ икки инсоннинг бир-бирига бўлган меҳри туфайли Оллоҳ бандасининг бундай хатоларини кечирса керак деб ўйлайман. Чунки Шавкат Раҳмондай йигит шафқатга, меҳрга, ачинишга арзимаса, ким арзийди? Эҳтимол, Танграм унинг умрини шеърларига боқий этиб бергандир?..

* * *

Шавкат иродали одам эди.

Шавкат машъум хасталикни ҳам мана шундай ирода билан қарши олди. У яшаш учун жасорат билан курашди. Аллақандай тоқату сабр, сокин ирода, дарҳол кўзга ташланмайдиган матонат уни ҳеч қачон тарк этмади.

У ўлмасликка уринди.

Натижада, ўлим ҳам маълум бир масофада ҳурмат билан тўхтагандай бўлди. “Икки ой” деб каромат қилинган даҳшатли арафа бир йилу беш ойга чўзилди. Бу кунларнинг қийноғи фақат Шавкатга-ю Парвадигорга маълум. Албатта,

Парвардигорга маълум! Бўлмаса, бир йилу уч ойлик умрни унга яна тортиқ этган бўлар эдимиз?

Шавкат! Оғайни! Қандай яхши яшадинг! Ҳалол, ҳаётни кўзига тик қараб, шеърнинг шавқида мастона тўлғониб...

Бу сатрларни эса, ўлим билан мардона курашинг ҳам бошқаларнинг хотирасида қолсин деб ёзганман.

* * *

Ҳеч ким ўлим нималигини билмайди.

Ҳеч ким ўлиб кўрмаган.

Эҳтимол, ўлим умрнинг қисқалигини, ҳаётни кадрлаш лозимлигини инсониятнинг эсига боз-боз солиб турмоқ учун Парвардигор юборган кескин бир огоҳлантиришдир? Одамлар ғафлат уйқусидан уйғониб, яшашнинг қатқат маъносини теран англаш учун уринмоғи лозимлигига даъватдир? Ўзларини, Оллоҳни ва Оллоҳ яратган дунёни кашф этиш йўлида ҳалол ва тийракнафас ҳаёт кечирмоқ учун ҳаракат қилишлари кераклигини уларга уқтирмоқчидир? Одамлар ҳушёр тортсин, ўз ҳаёт тарзига, қай тариқа умргузаронлик қилётганига бир назар солсин, деб – фақат Ўзигагина маълум улкан Сирнинг машъум бу дебوحаси орқали уларга ишора этаётгандир балки?

Ҳа, шундай! Фожеий дамларда инсон дафъатан бу огоҳлантиришни юраклари оғриб ҳис қилади. “Э, нималар қилиб юрибман ўзи?” қабилида бироз ўйланиб ҳам қолади. Аммо йўқотиш фожиасининг ҳавоси юмшагач, яна ўша-ўша – ўзи билганича яшаб кетаверади. “Тангри нега мени яратди? Эҳтимол, мени Парвардигор бу ҳаётнинг бир каму кўстини бут қилиш учун дунёга келтиргандир?” каби саволлар унинг кўнглидан ҳатто дурустгина шаклланмай, шу сабабдан, қалбу руҳга таъсир ҳам этмай – шарпадай ўтиб кетаверади.

Ўлим билан юзма-юз қолган одам эса, назаримда, бу дунёнинг гўзаллигини, мукамаллигини қайта кашф этишга тушади. Борликнинг ҳар бир қатраси уни мўъжиза каби ҳайратлантиради.

Мўъжизалар эса ёнимизда. Ҳар қадамда. Бу ёруғ дунё фақат мўъжизалардан иборат... Ана, деразадан кўринган дарахт, япроқлар, уларни титратиб турган шамол, новдаларнинг соялари орасидан ерга сочилган қуёш нурлари, дарахтнинг тагидан – соядан қочинқираб ўсган майсалар...

Руху кўнгил кўзи билан қарасанг, бари мўъжиза.

Менимча, теварагимиздаги Парвардигор қудрати ила бунёд бўлган ҳар бир яралмишнинг муфассаллиги ва мукамаллиги бу мўъжизани ҳис этган одамга дарс беради. Оллоҳнинг қудратини англатади. Унга кўнгилларни яқин қилади. Чунки бу дунё аслида Оллоҳ томонидан бандаларига муқофот тарзида берилганким, бу муқофотнинг нақадар олийлиги ва улканлигини ҳис қилиш – унинг мукамаллигидан завқланган, ҳайратланган, ғуссага чўккан – инжа туйғулар туйиб энтиккан кишигагина насиб этади. Фақат шу энтикишда яшаган одамгина дунёнинг кўкаришидан, гуллашидан, хазон бўлишидан сеҳрли маъно уқади. Оллоҳни тушуниш, Оллоҳнинг васлига ёниқ юрак билан бориш – у яратган тирикликнинг қаршисида ҳайратдан бошланади деб ўйлайман.

Аммо бу ҳолга етмоқ учун одам ичидаги энг теран бепоёнликларга етиб бормоғи, жону жаҳони бир нуқтага йиғилмоғи, руҳ кўзи ниҳоят ўткирлашмоғи лозим бўлади.

Назаримда, инсон умри қисқалигини аксар ҳолда Ҳаёт ва Ўлимнинг – аслида бу ягона Бирликнинг – бир-бирига қарама-қарши, аммо мантиқий тугаллик касб этган машъум чегарасидагина яққол сезади.

* * *

Қуйидаги воқеани сергак ва синчков Мирзо Кенжабек гапириб берган эди.

Шавкат Дўрмонда – Ёзувчилар боғидаги бир чорбоғчада бир дам яшади. Турли-туман оғир муолажалардан толган танига бироз дам берган бўлди.

Сентябрь. Адибларнинг қатор тизилган чорбоғларидаги иморатлар – ҳаракатдан тўхтаган қарвон каби ҳолсизланиб тўхтаган. Шавкат, улардан бирининг айвонида, креслода – хотини Манзурахон авайлаб ёпиб қўйган одеялга ўранибгина ўтирибди.

Қўлида олма.

Қирмизлиги ним қизилга, заъфарон ранглари ним сарғишга тарам-тарам ўтган олма. Ранглари ажабтовур уйғунликда товланади. Ҳиди ҳам ажабтовур – димоғингга урмайди: майин назокатда таралади. У жону жаҳонингни сентябрнинг мана шу беозор ёғдулари билан тўлган куни каби эркалайди. Авайлаб эркалайди. Сен олмага термулиб, ютоқиб қарайсан. Тўймайсан. Бу олмани қандай қилиб тасвирлаш мумкин? Гўё тирикликнинг бори мана шу олмага жамлангандай!

Шавкат олмани қўлидан қўймай томоша қилади. Узоқ томоша қилади. Нотаниш оламга дуч келиб қолгандай унга қарайди.

– Қаранг, – дейди ниҳоят Мирзога. – Худойим бу олмани бунчалар мукамал яратган!

Воҳ, Шавкат!

Мана ҳозир ҳам ўша олмани қандай теран ва инжа туйғуларда томоша қилганингни кўриб-билиб турибман! Сен бу дам биргина олма қаршисидаги ҳайратинг билан Яратганга сажда қиляпсан, оғажоним! Айтадилар-ку, “тўзалликдан ҳайратга тушмоқ ҳам ибодатдир” деб. Сен Тангрим яратган бу дунёнинг мўъжизалигини биттагина олмада тасаввур этияпсан. Парвардигорнинг қудрати чексизлигини, улканлигини ва нозиклигини сезиб турибсан. Сен шу олма орқали Парвардигори оламнинг қудратини тасаввур этияпсан...

Шавкат, ортиқ ёзолмайман. Йиғлагим келди.

Сен ҳақингда хотира ёзиш тушимга кирган эдимиз?

Шу савдо ҳам бошимга тушди.

Тақдир, биродарим, тақдир...

* * *

Шавкат беморлигида ҳол сўрагани бир борганим эсимда. Бу боришим, кейинчалик маълум бўлишича, шоирнинг умрига нуқта қўядиган даҳшатли дамдан тахминан бир ойларча аввал экан.

Шифохона ҳовлисида Набижон Боқийни учратдим. Набижон яхшиларга беминнат укалик қилоладиган одамлардан. У Шавкатнинг бошида ҳеч кимга навбат бермайдиган узлуксиз навбатчи эди.

Ундан беморнинг аҳволини суриштирган бўлдим. Набижон “Ёмон эмас... Яхши...” қабилида нималардир дер экан, овози титраниб, кўзларида ёш милтиллади. Мен ҳам йиғлоқиман. Шу сабаб, Набижоннинг аҳволини сезмаган каби тезгина бурилдим-да, Шавкат ётган палатага бир аҳволда йўналдим.

Палатага кирсам, Шавкат қароватда ним ётиб, “Ўзбекистоннинг дам олиш масканлари” деган суратли китобни кўтаринки бир руҳда варақлаб турган экан.

– Усмон, – дейди у худди хирқи, аммо соппа-соғ пайтларни эсга соладиган ўктам оҳангда, – қаранг, Ўзбекистоннинг қандай чиройли жойлари бор экан-а? Кўрмаган

эканмиз-эй!.. Худо хоҳласа, яхши бўлиб кетсам, буларни бир айланиб томоша қилмаймизми?

Бирдан томоғимга зим этиб, йиғи тикилади.

– Борамиз! – дейман иродамининг борини сафарбар этиб, ўзимни ушлаб турар эканман. – Борамиз! Бутун Ўзбекистоннинг чиройли жойларини томоша қиламиз! “Шавкат Раҳмон тузалиб кетди!” деб довруқ солиб борамиз!

“Довруқ солиб” борамиз? Бу жумла қаердан тилимга келди? Ҳа... Ўша пайт эндигина “Алпомишнинг қайтиши” драмасини ёзиб битказган эдим. Бу жумла ўшандан эмасми? Худди шундай! Зиндондан озод бўлиб, юртининг дийдорига шошаётган Алпомишга йўлда учраган Қултой Қўнғиротга довруқ солиб боришни таклиф қилмайдими? Демак, мен онгорти бир мантиқда Шавкатни Алпомишга қиёс этган эканман-да!

Чиндан ҳам юртини, халқини севишда, ёниб шеър ёзишда, ўлим билан матонат ила курашишда Шавкат Алпомишга қиёс этгулик эди.

* * *

Анча йиллардан сўнг – бир далли юришда – Эркин Аъзам билан Жалолободга бориб қолдик.

Бу шаҳарга Эркин ҳам, мен ҳам иккинчи келишимиз. Илгари дўстимиз Ёкубжон Хўжамбердиев элликка тўлганда – дўстлари қатори – чегаралар оша – келганмиз. Мана, яна бу масканны қайта кўришни Парвардигор насиб этиб турибди! Бошқа қачон келишимиз эса энди фақат Ўзига аён. Чунки ўртада чегара, аллакимлар ўртага ташлаган ғашлик... Шу сабабданми, дилимизда ўзга мақсад бор: замона зайли билан хорижга айланиб қолган Ўшга боргимиз келади. Ўшда дўстимиз Шавкатнинг – улуғ шоир Шавкат Раҳмоннинг ота ҳовлисини зиёрат қилишни, бу уйнинг чироғини ёкиб ўтирган укаси билан суҳбатлашишни, фарзандининг доғини кўтаролмай, ўғлининг ортидан дорилбақога рихлат қилган аямизнинг хотирасига дуои фотиҳа ўқишни ният этганмиз. Бу фикрга мезбонлар қатори бизни кутиб олган Ёкубжон ҳам кўшилди.

Эртаси Ўшга – Шавкатнинг юртига жўнаймиз.

Йўқотиш ҳиссидан юрагимиз ачишиб, тақдири азалнинг қилмишидан ўртаниб йўлга чиқамиз.

Мана, Ўш!

Мен Шавкат билан бу шаҳарга кўп келганман.

Бизнинг биргаликда сайру саёҳатларимиз кўп бўлган. Йўл-йўлакай дунёдан завқланиб, ҳаёту адабиётдан баҳсу мунозара айлаб юришларимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Саёҳатларимизнинг энг қизғинлари эса Ўшу Бойсунга бориш эди.

Шавкатнинг уйига кирдик.

Ҳовли жуда ўзгарибди. Ниҳоятда, кўркам. Шавкат бу ҳовлини таъмирлаш ниятида ташвишланиб юришларини эсладик. Шавкатнинг аясини ёдладик. Аянинг фарзандини йўқотган дамларидаги хириллаб йиғлаганлари – аччиқ фарёдлари кўз олдидан ўтди. “Шоир болам!” деб нола этаётган онанинг фиғонига ўлимдан бошқа, ҳеч ким чидаш бермаган – ҳамма кўшилиб йиғлаган эди. Мен Шавкатнинг нега шоир бўлганини ўшанда тушунганман. Ая шундай куйма шеърини сатрлар айтиб, боласини йўқлар эдики, бу сатрлар юрагимдан ўтиб миямни зирқиратар, ўзимни идора қилолмай, ўкириб йиғлардим. Жойи бўлмаса ҳам, “Шавкатга шеър онасидан ўтган экан”, деб ўйлаган эдим ўшанда.

Она боласини Ўшга – ўзининг Ўшига, Шавкатнинг Ўшига олиб кетмоқчи эди. Аммо тақдир: Шавкат Тошкентда, ая Ўшда...

Ўш жуда ўзгариб кетибди.

Илгари менга тинчу сокин, аллақандай латиф кўринган бу шаҳар энди кўзимга катта бозордай туюлди. Бунинг устига, Ўшга Шавкатсиз келишимда аллақандай ғариблик, етимлик бордай эди. Мен шаҳарга бегонасираб қараётганимни; у ҳам менга бепарво эканини шундоқ ҳис қилдим. Бу шаҳар нега мени илгари кадрдонларча, меҳр билан кутиб олишини ҳам тушундим. Шавкат туфайли... Эҳтимол, менинг ёнимда ҳозир Шавкатни кўрмай, Ўш ғамгин тортгандир? Эҳтимол, бу бегонасираш эмас, балки орамиздаги мудхиш йўқотишдан ҳатлаб ўтишга журъат тополмаганмиздан – бир-биримизнинг елкамизга бош қўйиб, хўнграб юборишдан чўчиганимиз туфайли рўй бергандир? Шаҳарнинг ҳам елкасига бош қўйиб бўладими? Бўлади! Мен аниқ биламан, бўлади! Ахир, бу шаҳарда Шавкат билан келганимизда қанчалар меҳру шавк бор эди! Энди-чи? Энди...

Энди Шавкатсиз бу шаҳардан кўксимга совуқ бир нафас урилгандек бўлди. Тезроқ кетишни истаб қолдим...

Мен вужудим билан ҳис қилиб турганим бу ҳасратларни Эркинга ҳам, Ёқубжонга ҳам сездирмадим.

Кўнглингдан нима ўтаётганини баъзан фақат ўзинг тушунасан.

* * *

Шавкатнинг “Келинг, иш бор” деб кўнғироқ қилиб қолишлари бор эди.

“Нима иш?” деб суриштиришларимга тайинли жавоб бермас – “Ҳа, келинг-чи”, деб гапни яқунлаб қўяқоларди.

Ишхонасига борсам, мени кўриб юзи ёришар, “ҳозир”, дерди-да, ишларини битиргач, ажиб бир хушбахтликда эшик томонга имо қиларди:

– Кетдик!

Иккаламиз ҳазил-ҳузил билан суҳбат куриб, кўчага чиқардик. Энди бирпас тўхтаб, ичимизда тўпланиб қолган жиддий гаплардан гаплашардик. Сўнг тўхтовсиз суҳбатлашганча, ошхонага бурилардик. Ошхонада ҳам, дунё ташвишлари фақат бизга қолгандай, нималардандир баҳсу мунозара эта-эта тамадди қилар эдик. Сўнг “Нима иш бор эди?” деб суриштирмасдан, у билан хайрлашганча, ишхонага кетар эдим

Чунки Шавкат шу дийдорлашувни – суҳбатимизни соғинганини шундоқ англаб етган бўлар эдим.

Шу соғинишлар ҳозир ҳам кўнглимда қолган.

Назаримда, дунё улкан Соғинчга айланиб боряпти.

Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” романининг услубий ва жанр хусусиятлари



Биби РОБИЯЪ

Ўтган асримизнинг 70-80 йилларида адабиётимизга Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзам каби ёзувчиларнинг янги авлоди кириб келди. Буларнинг ичида санокларда кўпда тилга олинмай ўтиладиган, аммо ўзига хос бадиий тасвир услубига эга Аҳмад Аъзам ҳам бор эди. Унинг ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотномаларда ўқиймиз: “Ойнинг гардиши”, “Бу куннинг давоми”, “Аскартоғ томонларда”, “Соясини йўқотган одам”, “Ҳали ҳаёт бор” деган насрий асарлар, “Масъул сўз” деган адабий-танқидий мақолалар тўпламлари, “Ўзи уйланмаган совчи”, “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” романлари чоп этилган”. Унинг асарлари махсус тадқиқ қилинмаган, фақат Қ.Йўлдошев, М.Йўлдошевларнинг “Рўё” ҳақидаги ва Д.Қурононов, М.Шералиевларнинг адибнинг баъзи ҳикояларидан олган та-ассуротлари ҳақидаги мухтасар мақолалар эълон қилинган. Буларга С.Ўнар, Н.Жонузокнинг ҳамда хориж радиосининг ёзувчи билан суҳбатларини ва ай-рим наср муҳокамаларида тўхталиб ўтилганини ҳам кўшиш мумкин.

Гарчи структурал таҳлил қоидалари фақат матн билан ишлашни, муаллифнинг шахси, асар ёзилган давр ва сабабларини четлаб ўтишни тақозо қилса-да, ушбу қисқача “кириш” сиз “Рўё”га кириш ноқулай туйилди.

А.Аъзам “Рўё”нинг бошламасида “...қанақа асар бўлиб чиқишидан катъий назар, қисса дейманми, рўмонми ё кузатувларми, балки сафар таассуротларидир, ўқиб чиқсангиз, ундаги воқеалардан воқиф бўлсангиз кифоя”, деб асар жанрини хоҳлаганидай белгилаб олишни ўқувчининг ўзига ҳавола қилади. Гарчи биз асардан юқорида тилга олинган жанрларнинг кўпгина хусусиятлари синтезини кузатсак-да, унинг бадиий кўлами, шахс ва жамият муносабатларининг вақт нуқтаи назаридан катта бир даврини қамраб олганлиги ва ниҳоят ғоявий-фалсафий юки жиҳатидан роман деб қабул қиламиз. Қолаверса, бу асар адабиётшунослиқда роман жанри учун истифодада бўлган бироз умумий ва анъанавий ўлчамлар талабларига ҳам жавоб беради.

Матндаги тасвир услуби, бадиий воситаларнинг хилма-хиллиги, воқеалар, деталлар, диалогларнинг тағмаёнолари, муаллифнинг ҳам ровий, ҳам қаҳрамон

Биби РОБИЯЪ – Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт университети докторанти

сифатидаги иштироки бу асар романнинг қайси типига киради, деган саволга ҳам жавоб бериб кўришга мажбур қилади. Роман назарияси асосчиларидан бири М.Бахтин таснифлаган олти хил роман типига хос хусусиятларнинг элементларини «Рўё»дан топиш мумкин. Умуман, М.Бахтиннинг ушбу заррабини орқали хоҳлаган романи назардан ўтказса, (гарчи бу ҳар бир одамни текшириб, танасида ДНК борми-йўқлигини аниқлашга ўхшаса-да), албатта бировида кўпроқ, бировида камроқ ўша адабий-бадий элементлар мавжуд эканлигига гувоҳ бўламиз.

Адабиётшуносликда мактаб, йўналиш, ҳатто жанр деб турли хил номланадиган романтизм, реализм, модернизм, постмодернизм, детектив, фан-тастика каби услублар қаторида утопик ва антиутопик услублар ҳам мавжудлиги маълум. Утопик асарларда шахс ва жамият манфаатлари бирлашиб кетган, шахс орзу умидлари, руҳий озодлиги, интилишлари билан комил жамиятнинг тутуми, мақсадлари ягона бўлган ҳаёлий мамлакатни кўрамиз. Бундай асарлар инсонни ўз-ўзини, яшаб турган муҳитини тафтиш қилишга, фикрлашга, одам ва олам комиллигига эришишга ундайди.

Антиутопик асарларда эса шахс ва жамият манфаатлари айро, шахснинг орзу-умидлари буйсуниш ва хато қилмасликдан иборат, руҳий озодлик ёки шахсий фикр деган тушунчалардан мосуво, мустабид жамият ва унинг ту-гумларини бахт деб қабул қилишга кўникирилган. Қизиғи шундаки, утопик йўналишга пародия сифатида юзага келган антиутопик асарлар ҳам инсонни ўзидан, яшаётган муҳитидан огоҳ қилади, кўрқувни енгишга, комил шахс ва жамият ҳақида тафаккур қилишга ўргатади.

Уйғониш давридан бошлаб Кампанелланинг “Қуёш шаҳри” (1623), Ф.Бэконнинг “Янги Атлантида”си (1627) билан адабий йўналиш сифатида шаклланган утопия жанрида ҳозирга қадар яратилган мингдан ортиқ асарлар ҳақида ҳам, 20-асрда Евгений Замятиннинг “Биз” романи билан бошланган антиутопик услубдаги Жорж Оруэллнинг “1984”, Рэй Бредберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража”, Олдос Хакслининг “Ғаройиб янги дунё”си сингари юзлаб романлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Шарқда эса утопик асар элементларини одил шоҳ, доно вазир ҳақидаги эртак ва афсоналарда кўрамиз. Утопик йўналишдаги шоҳ асар Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” китоби ҳисобланади. Ўзбек адабиётида шахс ва жамият масаласи реалистик, детектив, тарихий, саргузашт асарларда қай бир даражада акс этган бўлса-да, аммо ХХI асрга қадар соф антиутопик услубда қаламга олинмаган. А.Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” романига қадар фақат Эркин Аъзамнинг “Чапаклар ёки чалпаклар мамлақати” қиссасида антиутопик услубнинг баъзи хусусиятлари мавжуд эди. Анти-утопия услуби ҳақидаги назарий ва амалий тадқиқотлар асосида бу икки асарни жаҳон адабиёти тажрибаси билан, айниқса, Е.Замятиннинг “Биз” романи билан қиёслаб ўрганиш зарурати бор деб ўйлайман.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб “Рўё”ни жузъий тафовутларини ҳисобга олган ҳолда антиутопик услубда ёзилган асар дейиш мумкин. Романда ровий-қахрамон ўтиб қолган, ғайриинсоний қонун-қоидалар билан яшаётган, ўзи борми-йўқлиги номаълум дохий бошқарадиган, фуқароси ўзларига тақилган занжирни бахт деб биладиган, ҳамма кузатиладиган ва таъқиб қилинадиган, фақат ўрнатилган қоидалар билангина яшайдиган, бошқа дунё ҳам борлигини тасаввур қилмайдиган жамият ва унинг таназзули тасвирланади.

Гарчи асар “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” деб номланса-да, романдаги воқеалар

жараёни тушда содир бўлса-да, қахрамон тилидан муаллиф “Ҳаётнинг асли билан у ҳақдаги тасаввурларим ўртасида адашиб юргандек бўламан. Ғулистонга ҳам шундай бориб қолдиммикан” деса-да, (28 б.) муаллиф сифатида китобнинг “Кириш” қисмида асл ҳақиқатни айтади: “ Ёзувчи – ўз мамлакатада ўзи биладиган одамлар ва, энг асосийси, ўзи билган ҳаёт ичида ёзувчи, унинг ҳаёл тасаввурга бойлиги ўз юртида иш беради, яъни у асарларига материални шу ҳаётнинг ўзидан олади, ҳатто ҳаёлий асарлар яратса ҳам, ҳаёли шу ҳаётга таянади” (6 б.). Фикрининг давоми сифатида эса “Лекин мен кўрган Ғулистон шундай мамлакат эдики, унинг ўзи ҳаёл, у ерда ёзувчи одамнинг оғзини очиб томоша қилишдан бошқа ҳеч иш қўлидан келмайди” деб аввалги қарашларини инкор этади. Яна бир ўринда “...сизга таништирганим ғулийлар ҳам тўқима бадий образлар эмас, балки, танқидчилар ибораси билан айтганда, образга прототип, яъни жонли одамлар” (4 б.) дейди. Китоб эпиграфи билан эса ёзувчи ўқувчини яна юқоридаги жумлаларнинг тағмаъносини қайта-қайта мушоҳада қилишга ундайди: “Еттинчи жавоб: бу қиссамизнинг аввали ҳам туш, ўртаси ҳам туш, охири ҳам тушдир”.

Назаримда, маҳорат билан битилган асарларда чиқиш йўллари бир нечта бўлган маъно лабиринтлари мавжуд бўлади. Ундан тўғри йўлни топиб чиқиб кета олиш китобхоннинг ўзига ҳавола этилади. “Манзил”га элтадигандек туюладиган йўллар ҳам кўп. Уларда адашмаслик, чалғимаслик ўқувчидан ўзига яраша эстетик тафаккурни, дидни талаб қилади. Юқорида келтирганимиз муаллиф айтган асар моҳиятига боғлиқ фикрлар хилма-хиллигида ҳам бизга лабиринт тақдим этилаётганини ҳис қилишимиз мумкин. Аҳмад Аъзам нафақат бу романи, балки бошқа кўплаб асарлари орқали китобхонни лабиринтлар майдонига ташлайди.

“Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” китоб номланишидан ҳам, асар қахрамони тили билан айтганда ҳам романдаги барча воқеалар ривожи тушда содир бўлар экан, биз унинг маъноларини таъбирлашга ҳаракат қиламиз. Авваламбор эпиграф ҳақида. Маълумки Юсуф алайҳиссаломнинг юлдузлар тимсолида кўрган туши ўнгидан келади. Яъни туш ва ҳаёт бир хил. Икки марта юз берган битта воқеа – бири рамзий, бири асли. Аҳмад Аъзам ҳам романдаги воқеаларни ҳам, кўрганлари, ўй-мушоҳалари, изтироблари, роман ичида келтирган ёшлиги, ота-онаси, акаси, ҳамкасблари билан юз берган воқеаларни ҳам барисини тушлигига ишора қилмоқда. Бу билан ўнг ҳам - ҳаёт ҳам лаҳзалик туш демокчи. “Қиссамизнинг аввали” яъни қахрамоннинг Тошкентдан Жиззахга йўлга тушгани – агар Тошкентдан Жиззахга йўлни умр деб қабул қилсак – туғилгани ҳам тушдир. “Ўртаси ҳам туш” – яъни Ғулистонга сафар ҳам туш. “Охири ҳам тушдир” – Жиззахга етиб боргани, яъни умр охири ҳам тушдир. Энди “Ҳаётнинг асли билан у ҳақдаги тасаввурларим ўртасида адашиб юргандек бўламан. Ғулистонга ҳам шундай бориб қолдиммикан”, деганда ёзувчи туш кўрилатган “Ҳаётнинг асли” деганда нимани, қаерни назарда тутяпти, поклик ва софликдан иборат руҳ макони бўлган оламними ёки залолатга ботган, инсоннинг ҳайвоний, шайтоний сифатлари ғалабасига қурилган Ғулистоними. Ёки Ғулистон – “тасаввурларим”ми?

Унда “Лекин мен кўрган Ғулистон шундай мамлакат эдики, унинг ўзи ҳаёл, у ерда ёзувчи одамнинг оғзини очиб томоша қилишдан бошқа ҳеч иш қўлидан келмайди”, деган жумласига эътибор қаратишимизга тўғри келади. Романда тасвирланган Ғулистондаги ҳаёт инсон эркининг, руҳининг дўзахи, ҳатто у ҳаёл бўлса ҳам на уни, на фуқароларини ўзгартириб бўлмайди. Ёзувчининг, яъни бу дунёни қабул қолмаётган, ғайриинсоний эканлигини кўриб турган, “ҳаётнинг асли” нима эканлигини уларга уқтиролмаётган, фикрлаётган инсоннинг “томоша қилишдан бошқа ҳеч иш қўлидан келмас”лиги орқали муаллиф инсон тийнатидаги

аҳволга ҳам ишора қилади. Бу “хаёл” – Ғулистон орқали учта ишорани тасаввур қилиш мумкин: биричиси собиқ шўро мамлакати – якка инсон қарши чиқиши маҳол, иккинчиси инсоннинг ботини – руҳидаги қулликни, нафсни енгишга ожиз, учинчиси асарда роман қаҳрамони тушиб қолган мамлакат.

Асар сюжетини ҳаракатлантирувчи, қаҳрамонлар психологиясини очиб берувчи, ровийнинг фикр ва мулоҳазалар оқимини йўналтириб турувчи, умуман романдаги воқеалар тизимини бор-бирига боғлаб турувчи асосий рамз бу занжир. Қаҳрамон Жиззах йўлидан бурилиб бориб қолган мамлакат тасвири ҳам, фуқаролари тасвири ҳам занжир-ғул билан бошланади. “Амалдори ҳам, ҳайдовчиси ҳам, қўриқлаб юрган каттю кичик аскарлари ҳам, хуллас ҳаммаси занжирга чулғанган... Шу қадар кўникиб кетганларки, усиз юрмайдилар, юрмаганлар ҳам, юришни тасаввурларига ҳам келтирмайдилар. Шунда хаёлимга бир фикр келди-да: “”Сизлар кимсизлар?”, деб сўрадим. Холдори менга ажаббсиниб қаради-да “Ғулиймиз!”, деди”. Тушда кечаётган бу асирлик даврида қаҳрамон ғулийларнинг қароргоҳида яшаб уларнинг ҳаёт тарзи, бошқарув тизими, қонунлари, адабиёти, санъати, тарихи ҳамма-ҳаммаси занжирга топинишга қурилганини, фуқароларга занжирсиз юртларда яшаётганлар ёввойи, ҳайвон қатори махлуклар эканлигини уқтиришларини, одамларнинг нафақат ҳар бир қадами, ҳатто нигоҳлари ҳам занжир манфаати учун назорат қилинишини, ҳатто олма етиштиришдан мақсадлари организмда темирни кўпайтириб алал оқибат болаларни ҳам занжир билан туғиладиган бўлишига эришиш эканлигини батафсил тасвирлайди. Бу қуллик салтанатини бошқариб турувчи кўринмайди, аммо унга ва занжирга худога топингандай топинадилар. Ниҳоят унинг нима мақсадда келганлигини аниқлаш учун машинасидан топиб олинган китобини ўқиб кўришади ва занжирсиз яшаш мумкинлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиб эътиқодларига путур етади. Фуқаро тарафдорлар ва қаршиларга бўлинади. Ҳатто давлат топшириғи билан ровий-қаҳрамонни севиб қолган ғулия қиз ҳам бош назоратчига “Энди қайтмайман, дастурни бажариш баробарида мен кўнглимдек кўнгил топдим”, дейишгача боради. Китобни ўқиганлар Тозалаш сабоғидан ўтказила бошлайди. Ғулистон раҳбарияти ровий-қаҳрамонга ишора билан қайтиб кетишига изн беришади. У Жиззахга манзилига етиб келганда машина йўл ўлчагичи ҳам, орадан ўтган вақт ҳам унинг Ғулистонда бўлганлигини, неча ойлаб қолиб кетганлигини тасдиқламайди. Шу ўринда Е.Замятиннинг антиутопик романи “Биз”нинг сюжети билан ҳамоҳанг жиҳатларга эътибор қаратмай иложимиз йўқ:

Воқеалар узоқ XXVI асрда Ягона Давлат деган утопик мамлакатда содир бўлади. Уларнинг мақсади бутун сайёраларни забт этиб, ёввойиларча озодликда яшаётганларни беҳато математик бахтга мажбуран эриштириш. Шунинг учун “Интеграл” номли космик кема ясаш билан машғул. Асар Д-503 номли инженернинг қундалиқ тарзидаги ҳикояларига тузилган. Фуқаролар шу даражада шахсидан маҳрум қилинганки, уларнинг исмлари йўқ, рақам билан белгиланган, рақамлари зарб қилинган кўкрак нишони тақиб юришади. Улар “Сақловчилар” деб аталадиган сиёсий полиция доимий равишда кузатиб туриши учун шиша уйларда яшашади. Ягона Давлатнинг ҳукмдори Марҳаматли Зот ҳар йили бир марта бир овоздан қайта сайланади, Ҳамфикрлилик куни деб аталадиган ягона байрам ҳам шу (*Шестаков В.П. Утопия и антиутопия XX века. – М.: Прогресс, 1990. – 720 с.*). Оила қуриш таъқиқланган, фақат танланган соғлом одамларга фарзанд кўришга руҳсат берилади. Одамларнинг вақти соатга соат тақсимланиб жадвалга солинган, бир вақтда уйғонишади, бир вақтда овқаланишади, бир вақтда ишлашади. Тартиб-қоидаларга амал қилишни “Сақловчилар” Бюроси назорат қилади. Фуқароларнинг

соғлигига Медицина Бюроси жавоб беради, инсонда рух, юрак, илҳом мавжудлиги, санъат, адабиёт, илм-фан, муҳаббат ва озодлик ҳақида тасаввурларнинг бўлиши тутканок сингари касаллик ҳисобланади. Бунинг ўрнига Ягона Давлат Фани, механик мусиқа ва Давлат поэзияси жорий қилинган. Шахсий характер, шахсий фикр бўлиши ёвузлик деб баҳоланади ва қаттиқ жазоланади. Бунга Олий ҳукмдор ҳақида “нотўғри” шеър ёзган шоирнинг қатл қилинишини мисол келтириш мумкин. Шеърят биттаю битта давлат шоирига ишониб топширилган. Ҳаммага бир хил кийим жорий қилинган, бир-бирларига рақамларини айтиб мурожаат қилишади. Сунъий таом билан овқатланишади, дам олиш соатларида Мусиқали завод карнайларидан янграган Ягона Давлат марши садолари остида бир қаторда тўрттадан сафланиб юришади. Бу ҳаётни ҳақиқий бахт деб билишади. Бу давлат ўзга оламдан Яшил Девор билан ихоталанган. “Девор ортида тартиб-қоида билмайдиغان цивилизациядан маҳрум “ёввойи” одамлар яшайди”, деб уқтирилади фуқароларга.

Роман қахрамони Д-503 нинг ҳаётида 1-330 номли қиз пайдо бўлади. Қиз Яшил деворни бузиб бутун инсониятни бирлаштириш учун “Интеграл”дан фойдаланмоқчи бўлган “фитначи”лардан бири. Д-503 “севги туйғуси”ни ҳис қилади ва Қадимий Уйда яшовчи қизни кизни кизга кўчиб ўтади. “Интеграл” тайёр бўлиб парвоз қилганда инженернинг ҳамкасбларидан бири сотқинлик қилади. Ва тутилган исёнчилар қатори инженерни ҳам Буюк Операция – (X-нурлар билан миядаги тасаввур маркази аталмиш томирчани уч марта куйдириш) орқали тасаввурдан маҳрум қилишади. Сўнгра у ҳамма нарсани айтиб беради ва собиқ севгилисини 1-330ни Газ хонасида қийноққа солишларини бефарқ кузатади. Роман инсон руҳи деган касалликдан даволаниб яна “бахт” ато қилинган инженернинг “Мен ишонаман – биз ғалабага эришамиз. Чунки ақл ғалаба қилиши керак”, деган сўзлари билан якунланади (*Замятин Е.И. Мы. – М.: Азбука, 2006. – 224 с. <http://SamoLit.com/>*). Тадқиқотчилар романи социалистик жамият келажигининг башорти деб баҳолашган. Дарҳақиқат, шўролар даврида шахс – “Мен” романига номи берилган “Биз”га, тўдага, қиёфасиз оломонга айлантирилди. Марҳамали Зот ролини кетма-кет алмашган шўро диктаторлари бажаришди. “Сақловчилар” Бюросида НКВД, КГБ қиёфасини таниш қийин эмас. Марҳаматли Зот сайлови фақат яккахукмрон партияси бўлган давлатдаги демократик сайловлар ўйини билан, шиша уйлар – қамокхона қазармалари, рақамланган фуқаролар – ГУЛАГ маҳбуслари билан, Яшил девор – шўро фуқароларини ташқи дунёдан ажратиб турган “Темир парда” билан икки томчи сувдек ўхшаш. (Роман-антиутопия в русской литературе <http://www.platonov.org.ru>.)

Аҳмад Аъзам романидаги ҳар бир воқеа, образ, мамлакат тасвирларини худди шундай қиёслар билан шарҳлаш, тушунтириб бериш мумкин. А.Аъзам асарида бир-бирини тўлдириб турувчи воқеалар, руҳий ҳолатлар, онг оқимига ўхшаш фикрлаш вақт ва макон нуктаи назаридан параллел равишда уч ўлчамда кечади: Ғулистонда, болалигида, шўро даврида. Бундан ташқари воқеа ичидаги воқеалар, кўрган тушлари ва реаллик ўртасидаги мантиқий боғлиқликлар таҳлил қилинса юқорида айтиб ўтилганидек рамзий ва фалсафий маъно қатламлари аён бўлиб бораверади. Хулоса қилиб айтганда ушбу рамзий воқеаларга, диалогларга, кўпмаъноли тасвирларга бой асар структуралистик ва постструктуралистик таҳлил учун янгича манба бўла олади.



**Феруза
ХАЙРУЛЛАЕВА**

Мустақиллик — юртнинг бир бўлаги эканингга ишонишингдир

Мен бобомнинг хотиралари билан катта бўлганман. Урушни, ундан кейинги очарчилик даврларини кўрган, “тўқчилик” пайтларидаги кўшиб ёздилар сабаб неча жонлар жувонмарг бўлган замоннинг қурбонига айланган бобом телевизорда бериладиган мустақиллик ҳақидаги кино, кўрсатувларни жимгина томоша қилар, газеталардаги мақолаларни ўқиб “ух” тортар, сўнг нимадир эсига тушгандек жилмайиб кўярди. “Тинчлик замониغا, озод одамнинг шукронасига ҳеч не етмайди. Ўз тилингда гапиришингга, ўз гапингни айта олишингга, ўзинг учун ишлашинг, орттирганинг болангга қолишига ҳеч нима етмайди”, дерди бобом. Бола онгим билан истиқлолнинг яхши эканига, яхшиям мустақил бўлганимизга суюнардим.

Шунгами, ўқишга кирганимда, жамият ҳаётидаги воқеликларга куюнчақлик билан билдирилган фикрлар, танқидларни гуруҳнинг деярли ярми жимгина эшитишини кўриб ҳайрон қолар, қийналардим бундан. Ҳолбуки, мен жамиятнинг овози бўлиши керак бўлган соҳа вакиллари тийёрлайдиган даргоҳ – журналистика факультетида ўқирдим... Ўшанда илк бор фикрсизлик, фикр эрксизлиги ичида қолиш қанчалар қийин эканини ҳис қилган бўлсам керак. Аммо шунда ҳам, ҳаммамиз озод одамлармиз, деган тушунчамда собит эдим. Кейинроқ Республиканинг энг номдор газетасида амалиёт ўтай бошладим. Кунларнинг бирида газетада мақола эълон қилинди. Ҳозир мазмуни эсимда йўқ, лекин шу куни муҳаррир унча-мунчага жирингламайдиган қора рангли телефонида ким биландир гаплашиб, юзида ташвишли табассум билан бундан кейин эҳтиётроқ бўлишимизни айтганига қараганда яхши мақола эди. Ўшанда илк бор мустақил газетамизнинг мустақил экани ҳақидаги фикримга дарз етганди, балки. Шундан кейин дабдадабли тўйларнинг зарари, ашулалардаги бемаъни сўзлар, мустақиллик шарофати билан қурилган намунали уй ва коллежлар ҳақидаги материаллар тийёрлайдиган бўлдик. Газетада ҳам шу мавзу, кўчада одамлар оғзидаям кимнингдир ҳашамдор тўйи-ю қайсидир артистнинг кийими ҳақидаги муҳокамалар тинмасди. Гўё ўзбекнинг ташвиши фақат тўй-у тантанадек...

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА – 1993 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистранти.

Ҳар йили сентябрь арафасида озодлигимиз, мустақиллигимиз ҳақидаги мақолалар, кўшиқлар, фильмлар кўпаяди. Телевизор, радио, матбуот тинимсиз шу мазмундаги чиқишлар билан тўлдиради эфир ва саҳифаларни. Уларни ўқиганимда, кўрганимда негадир бобомдек жилмая олмайман. Эсимга устозимнинг ташвишли табассумда айтган, “эҳтиётроқ бўлишимиз керак”, деганлари тушаверади... Ва курсдошларимни хаёлан кечираман, тушунгандай бўламан уларни. Уларга менадан аввалроқ кимдир “дарс” берганига ёки ҳеч йўқ ота-онаси, “Ҳар нарсага аралашаверма, болам, тинчлик керак”, дейишганига ишонаман. Улар учун кимлардир фикрлашига ишонишларига ишонаман. Бунинг акси ўлароқ бугун атрофимиздаги одамларнинг юриш-туриши, фикрлаши, турмуш-тарзи ҳамон кимларгадир боғлиқ, кимларгадир суянган, кимларнингдир ишорасини кутаётгандек туюлаверади менга. Йўқ, ҳамма ҳам эмас.

Масалан, ҳозир ҳам худди минг йиллар аввалгидек, деҳқонларимиз, бугунги тил билан айтганда, фермерларимиз ижарага олган ерига кузда, баҳорда экин экиш учун кимнингдир имосини кутишмайди: “ер келганини” билишлари билан донни экишади, боғбонларимиз ҳам шундай, пайванд вақтида дарахт пайвандлашади, вақти келса суғоришади, ҳосил йиғишади. Чўпонлар ҳам эрта билан подасини далага ҳайдайди. Улар ўз ишларини билиб қилишади. Бироқ, орамизда шундайлар бор, қилиши керак бўлган ишининг на вақтини, на тобини билишади. Юқоридан топшириқ кутиб кун ўтказишади. Бу менга ҳу-ув собиқ тузум вақтидаги Москванинг рухсатисиз пахта теролмайдиган, чигит ҳам қадолмайдиган, ҳатто газетани нашр қилолмайдиган мустақиллиги бўлмаган шўрпешона ўзбек халқини эслатади. Бундайлар билан яшаш осонмас, улар учун ҳам сен фикрлашинг, доим олдга тушиб сен югуришинг керак. Энг муҳим паллаларда атрофингдагилардан фикр кутасан, аммо улар сенинг оғзингни пойлашади.

Шуларни ўйларканман, бундай одамлари бисёр юртнинг пешвосига осон эмаслигини ҳис қиламан. Бир ўзи ҳам меъмор, ҳам механик, ҳам қурувчи, ҳам бизнесмен, ҳам ўқитувчи бўлиб фикрлаши керак. Машиналарнинг орқа ойнаси қорайтирилиши у қадар хавфлимаслиги ҳақида ҳам, қаерга қайси бино қурилиши ҳақида ҳам, ўқитувчиларга бериладиган ойлик камлиги ҳақида ҳам биргина ўзи ўйлаши керак. Юртбошининг ҳар соҳани тушуниши муваффақиятли, албатта, аммо асли шу соҳага масъул бўлганлар-чи?! Улар нима қилишади, нимани ўйлашади, нега у жойда ишлашади?! Афсуски, уларнинг кўпчилиги мустақиллик бу – фақат юртнинг тинчлиги, уруш бўлмаслиги, қорин тўқлиги деб билишади. Биргина янги фикр тараққиётни юз йил олдга суриши мумкинлигини ўйлашмас ҳам балки. Аммо унинг соҳасида бирор фикр билдирсанг, елкангдан босиб қўйишни билишади, бетгачопарлик яхшимаслигини, тинчликнинг қадрига етиш кераклигини айтишади. Ҳолбуки, фикрсиз элат билан узоққа бориб бўлмаслигини тарих жуда кўп бор исботлаган... Ундайларга қараб биз озодмиз, ҳеч ким биз учун ишламаслиги, қайғурмаслигини айтгинг, биз ўзимизни-ўзимиз шакллантиришимиз керак, дегинг келади!

Мустақиллик асли – ўзингни билдира олишинг, юртнинг бир бўлаги сен эканингни ишонишинг, шунинг учун тинимсиз изланишинг, фақат ўзинг тўғрингда эмас, атрофингдагилар ҳақида ҳам ўйлашинг, фикрлашинг эканини айтгинг келади. Айтасан ҳам, аммо, ўн марталаб овозингга жавоб фақат акс-садо бўлавергач,

жим бўласан. Жим бўласан-у, аммо юрагинг ачишиб тураверади.

Бир вақтлар ўкигандим, циркда филларни болалигидан қўлга ўргатишаркан. Албатта, ўрмонда эркин юрган ҳайвоннинг қўлга ўрганиши қийин, улар доимо қочишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ўргатувчилар фил болаларининг оёғидан қалин арқон билан боғлаб қўйишади. Филчалар аввал бошида қочишга қўп ҳаракат қилади, аммо қалин арқонларга кучи етмайди. Бора-бора улар қутилиб кетолмаслигига ишониб, қочишга ҳаракат қилмай қўяди. Кейинчалик улғайиб кучга тўлиб, арқонни уза оладиган бўлганларида эса ўша болаликдаги қочолмасликларига бўлган ишонч сабаб, арқонни узмайди. Ва бир умр эрксизликда қолишади. Бугун аллақачон озод бўлган юртда ҳамон юқоридан топшириқ кутадиган, қуйидагиларнинг фикрини бўғадиганлар худди шу филлар каби туюлади менга. Шу филлардек, бир жойда айланаверадиган, кенгликларни унутган, ўз кучини билмайдиган ва фақат қорин тўйишини кутиб яшайдиганлар...

Бобомнинг бир оёғи йўқ эди. Бирор жойга бормоқчи бўлсак, уларнинг юришларига қараб, мен ҳам секин қадам ташлардим. Буни сезган бобом менга, “Мен бир оёғимни сенинг чопқиллаб юришинг учун ташлаб келганман, қани югур!” дерди. Мен уларнинг бир оёқлари йўқ, бироқ забардаст жуссасига қарардим, сўнг шамолдек елиб кетардим! Мен улардан биз учун қилинган қурбонликлар беиз кетмаслиги кераклигини ўргандим. Оёғимиздаги тушовлар тўқсонинчи йиллардаёқ ечилган, олға юришимиз учун ўзимизга-ўзимиз ва биздан кейингиларга тушов бўлишни тўхтатишимиз керак, холос.

СИРЛИ ТУЙГУ

(дугонамга мактуб)



**Мадина
НОРЧАЕВА**

Дугонам Садоқат, эсингдами, кишлоғимизда ваҳимали миш-миш тарқаганда, биз энди учинчи ё тўртинчи синфда ўқирдик. “Кўшни мактабни тамомлаган қиз Тошкентга қочиб кетибди. Мактабда ўқитувчиси сен яхши расм чизасан, отанга айт ўқишга киритсин, деган экан шунга қочиб кетганмиш... Афтобусда фалончи савдогар кўрибди, бир дунё китоб-дафтар кўтариб олганмиш” каби гапларнинг кети узилмас эди. Ўшандан бошлаб даштда мол-қўй бокиб юрган болалар катта йўлдан кунда икки бор ўтадиган, ойнасига боришда “Тошкент”, қайтишда “Термиз” деб ёзилган автобусга бошқача қарай бошлагандик. Унда нимадир бор эди. Баҳор ойлари ҳамма ёқ турфа гуллар билан бурканганда туристларни олиб юрадиган автобуслар эса биз учун мўъжизадек кўринар эди. Бир гал автобус тўхтаб ундаги одамлар пастга тушиб атрофни томоша қила бошлади. Биз бир тўда қорақура болалар улар томонга югурдик, якин боролмай сал наридан уларга ажабланиб тикилар эканмиз, улар бизни имо-ишора билар чақириб қолишди. Бир ёш аёлнинг оппоқ сочлари мени ҳайратга солди. Одам қаримасдан туриб ҳам сочи оқариб кетар эканда! Аёл бизга бир нималар дея қўлимизга конфет ва печение тутқазди. Кейин қолганлари ҳам. Улар биз билан суратга тушишди, фотоаппаратлари худди кинолардагидек, расмга олган заҳоти кичкина қоғозга чиқариб беришарди. Биз учун ўша кун туш каби ўтди. Буни уйда ҳам, мактабда ҳам анча вақт гапириб юрдик. Бу воқеани эшитган тарих ўқитувчимиз: “Энди ундай қилманглар, улар расмларни олиб кетишади. Ватанларига бориб, мустақил бўлган Ўзбекистоннинг аҳволи шу, болалари мана шундай юрибди, деб кўрсатишади. Ватанни уятга қўйманглар, мустақилликни уятга қўйманглар”, деди. Кейин буни кўп ўйладим. Устоз бизнинг йиртилган ва кир уст-бошимизни, ширинликларига суқланган кўзларимизни уларга кўрсатгиси келмаган эди. Биз уларнинг нимасига ҳавасланган эдик. Қайсимиздир пуштиранг кўзойнақларига, турфа хил шляпаларига... Сен эса шундай дегандинг: “Буларнинг болалари йўқими-а? Бўлса, уларни кимга ташлаб келишди экан?!” Уларнинг болаларини ўйлашим билан кўз олдимга “Гарри Поттер” киносидагидек айрича қобилиятли болалар келарди. Демак биз ундай эмасмиз. Биз жуда оддий болалармиз, мактабимиз-у синфхоналаримиз ҳам оддий. Лекин ватанимиз оддий эмас, мана келиб – кўриб юришибди-ку, деб хаёл қилар эдим. Шундан кейин

Мадина НОРЧАЕВА – Зулфия мукофоти совриндори. 1995 йили туғилган. Камалиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси.

биз ўзимизни мустақиллик ҳимоячиларидай ҳис қила бошладик. Туристларнинг автобуслари қирларимизда тўхтаганда ҳам уларнинг ёнига бормаидиган бўлдик, узоқдан уларни қизиқиб, шу билан бирга Ўзбекистонни ҳимоя қилаётганимиздан гурурланиб кузатардик...

Мақтабни тамомладик. Садоқат, сен билан коллежга ҳам бирга қатнадик. Ҳамманинг орзуси осмон пайтлар эди. Гўёки биз асарнинг муқаддимасида эдик ва уни тезроқ ўқиб тугатишни истардик. Кейинчалик ҳамма ўз асарининг қаҳрамонига айланди. Коллежни битириб ўқишга ҳужжат топширдим. Сенга рухсат беришмади... Ана шунда мустақилликнинг яна бир маъноси борлигини англагандай бўлдик – орзулар мустақиллиги, фикр мустақиллиги, инсон мустақиллиги. Уни ҳам ҳимоя қилиш кераклигини ангадик, уни ҳам Ватандай севиш кераклигини ангадик... Мен кириш синовларидан ўтолмадим. Сен ўз бахтингни кутардинг. Мен келгуси йил яна “йиқилдим”. “Тамом, дейишди акаларим, бошқа ўқишни ўйламасин!” Мен бу ҳукми қабул қилолмадим. Ичимдаги овознинг таскинларга овуниб юравердим, унинг айтишича, ҳар биримиз битта япроқ эмас, алоҳида дарахтлар эканмиз, дарахтнинг эса ўз тупроғи ва қулоч ёзарга майдони бўлади. Баъзан овоз алдаётгандек туюлса, руҳимнинг эркинлигига ишондим, у мени олиб кетишига ишондим. Сен эса менинг талаба бўлишимни мендек кутдинг. Ниятимиз ижобат бўлди. Сени эса барибир ўқишга қўйишмади. Қиримиздаги йўлдан ўтадиган транспортларнинг саноғи бўлмаса ҳам ҳамон ойнасида боришда “Тошкент” қайтишда “Термиз” ёзуви бор автобус сен учун сирлилигича қолди. Болалиқдаги мустақиллик туйғумизнинг сирлилигича...

Садоқат, бу туйғунинг сирлилиги ҳамон мени ҳам тарк этгани йўқ. Акамни биласан. У қариндошларимиз билан чет мамлакатда ишлар эди. Табиатан вазмин, меҳнатқаш, умуман ёлғон гапиришни эплолмайдиган акам уйга ҳам кам хат ёзарди. Дадам таниш-билишлардан доим уни суриштириб юрар эди. Бора-бора хатлар сийраклашгани етмагандек акамдан мутлақо хабар келмай қўйди. Кўрдим, дегани ҳам бир олти ой илгари қаердадир учратганини айтарди. Дадам икки марта бориб келди. Жамики аввал ишлаган жойлари, ҳамкасбларидан сўраб тайинли гап ололмай уйга қайтарди. Аям йиғлаганини бизга сездирмас, “Ўзинг бергансан, Ўзинг асра” дея дуо қилар эди. Аммо, акамнинг расмини бузилган соатнинг гардишига солиб деворга илиб қўйган, гоҳида унга қараб, “болажоним, Баҳромжоним”, дея гапириб ўтирганини кўрардим. Ишга кетганига олтинчи, бедараклигининг иккинчи йили куз тонглариининг бирида акам уйга кириб келди. Озиб кетган, аввалгидан ҳам камгап эди. Дадам ва аямга айтиб бераётганда эшитдим: “Финляндияга бориб ишламоқчи эдик, чегарани бузишда айблаб суд қилишди. Товон пули катта экан, барибир тўлолмаимиз деб сизларга айтмадим. Бир йил ушлаб туришди. Кетишимиздан олдин икки марта кимлардир олдимга келди, Ўзбекистонни, мустақилликдан кейинги шароитни ёмонлаб қайсидир радиога интервью беришимни сўрашди, эвазига Финляндия фуқаролиги, иш, уй билан таъминлаймиз, дейишди, кўнмадим...”

Ўшанда севиндим. Акам дадамни, аямни шунча куттирса ҳам Ватанни уятга қўймабди. Уни алмашмабди! Бугун ўша сўз тарих устозимиз овозида қулоқларимда жаранглайди: “Мустақилликни уятга қўйманглар, Ватанни уятга қўйманглар!” Туристларнинг конфет ва печениеларини олиб, сўнг ана шу сўзларни эшитганлар орасида акам ҳам бор эди, сен ҳам бор эдинг...

Даврон
СУЛТОНОВ

Афсонавий кўзгу сири

Саргузаши-детектив қисса¹



* * *

Якшанбани Ҳаркер кизи билан ўтказишни режалаштирган эди. Унга ойда икки бор куни билан рухсат бериларди. Қолган вақтлари у бир ўғил ва қизчани муҳофаза этарди. Ҳафтада олти кун уларни ўз қизи билан мактабга олиб бориб, ўзи олиб келар, бошқа ерларга боришга ҳам ўзи бош бўларди. Болалар унга шундай ўрганиб қолишгандики, бўш вақтларида у билан ўйнашарди.

Ҳаркер жуда эрта туриб соқолини олди. Оиланинг эҳтироми туфайли унга кўпгина имтиёзлар берилган эди. У болалар учун ажратилган фойтунни отга кўшиб, қизи билан шаҳар марказига йўл олди. Газета сотувчи болалар ўтган окшомдаги ўлим ҳақида жар солиб, кўлларидаги газеталарни жуда тез сотишарди. Ҳаркер энг машҳур уч газетадан олди. Бироқ отни бошқараётгани учун уларни ўқимай, фойтунга ташлаб кўйди. Қизи Люссини аввал қаҳвахонага олиб кириб, ширин кулча билан сийлади. Сўнг кўғирчоқ театрига боришди. Соат бирда ресторанда тушлик қилишди. Ҳар ерда одамлар газетани кўлига олиб, кўзгу ҳақида гапирарди. Бироқ Ҳаркер кизи билан андармон бўлишни ўйларди. Тушдан сўнг циркка киришди. Қизча булардан жуда хурсанд эди. Қизининг севинчидан Ҳаркер ҳам хурсанд бўларди. Бироқ юрагидаги бир тош уни бироз босиб турарди. У бахтли ҳаётини ўзи барбод этганди. Ўшанда ҳушёр бўлганида, эҳтимол, ҳозир ёнида рафиқаси ҳам бўлармиди? Энди қанча хоҳламасин, вақтни ортга қайтара олмайди.

Шу тарика шом маҳал уйга қайтишди. Йўл-йўлакай одамлар оғзидан янги хабарни эшитди. Эрик Брэдлининг жасади топилган эди. Одамлар рўзномаларга асалари гулга ёпишгандек ёпишарди. Ҳаркер ҳам ур-тўполонда янги газеталардан сотиб олди. Сўнг уйга келиб, қизи билан кечки овқатни иштаҳа билан туширди-да, қизининг пешонасидан ўпиб, ўрнига ётқизгач, ўз хонасига кириб, рўзномаларни ўқий бошлади. Мутолаа вақти озроқ ичмоқчи бўлди-ю, ўқиганларидан хулоса чиқаришда мияси сусткашлик қилмаслиги учун, қаҳва ичиш билан чекланди.

Журналистлар муболаға қилишлари рост, аммо улар барча далиллар ҳақида, ҳатто баъзи изкуварларнинг фикрлари ҳақида ёзишган эди. Ҳаркер ишончли маълумотларни сохталаридан айириб олишда ортиқча қийналмади. Барча мақолаларни ўқиб чиққанида соат кечки тўққиз бўлганди. Шундан сўнг у камин ёнидаги тебранма курсида трубка тутатганча кўзини юмиб, ўқиганлари ҳақида фикр юрита бошлади. Соат ўнга яқин оқсоч уни безовта қилди.

– Тинчликми, Эмили?

– Деразангиздан чирокни кўриб, ухламаётгандир, деб ўйладим. Дауглиш хоним ҳозиргина зиёфатдан қайтдилар. Сиз билан суҳбатлашмоқчи.

Ҳаркер бўлажак суҳбат мавзусини тахмин қилди. Аёллар орасида ваҳимали миш-мишлар яна ҳам кучлироқ талқин этилади. Бека ёноғи қизил, кўзлари сузилиб туришидан ширакайфлиги ҳамда толиққани сезилиб турарди. Кўлида эса бир талай рўзномалар бор эди.

– Сизни безовта қилмасдим, жаноб Ҳаркер, агарда мана бу воқеалар бўлмаганида. Одамлар саросимада, ҳамма шу ҳақда гапирмоқда.

¹ Давоми. Бошланishi ўтган сонларда.

– Кўпдан газета ўқимай қўйганман. Журналистлар уйдирмадан четга ўтишмайди. Газеталарга ишонишни бошлаган одам, куни келиб олтин балиқ борлигига ҳам ишониб қолади.

– Бироқ гап олтин балиқ ҳақида кетмаяпти. Наҳотки, одамларнинг гаплари кулоғингизга чалинмаган бўлса?

– Кунни қизим билан ўтказдим. Бировнинг гапини эшитишга эса тоби-тоқатим йўқ.

– Ҳаркер, биз кўп ҳам тил топиша бермаймиз. Сиз асосан эрим билан қалинсиз. Менинг шаддодлигимни эса енгилтаклик, деб ҳисоблайсиз...

– Аслида ҳам, енгилтаксиз, хоним, – унинг сўзини бўлди Ҳаркер. – Шаънингизга доғ туширувчи иш қилмаслигингизни биламан, бироқ ёш боладек ўйинқароксиз.

– Нима бўлганда ҳам, бекангиз эканлигимни унутманг. Мени калака қилишингизни истамайман.

– Хоним, сизни калака қилган одамнинг охирати куйиб кетади.

– Бас!... Сизни бир вақтлар мамлакатнинг энг яхши инспекторларидан бири бўлганингиз учун чорлаган эдим. Мен онаман ва бўлаётган ишлар менга ёқмаяпти. Кўпчилик оналар болаларини мактабга юбормасликни ўйламоқда. Мен сиздан маслаҳат сўрамоқчиман. Балки, шаҳарни тарк этишимиз лозимдир? Бу иш ҳақида оиламиз хавфсизлиги юзасидан қандай маслаҳат бера оласиз?

– Болалар мактабга бораверишсин. Мен доимо ёнларида бўламан. Ўша кўзгуга келсак, менга ишона беринг, хоним, ҳеч ким кўзгу ёрдамида бировнинг умрини сўриб ололмайди. Афсонада айтилган кўзгунинг соҳиби бировнинг умри ва қиёфасини ўзлаштириб ололар экан, нега олдинроқ бундай маш-машаларни бошламаган? Нега уч аср сабр қилиб ётди экан? Кўзгу исталган еридан ғойиб бўлиб, бошқа ерда пайдо бўлар экан, нега шайхнинг қасрида узоқ вақт сақланиб келди? Менимча, шуларнинг ўзи мантикий фикрлашга етарли озуқа бўлади.

– Аммо бўлаётган ишлар-чи? Кўзгу ҳақиқатдан ҳам маҳкамада ғойиб бўлипти. Худди ўз қурбонлари сингари кулга айланипти. Эҳтимол, ўша шайхнинг аждоди кўзгуни яширганида унинг ёвузликларини ҳам ертўласига қамаб қўйиш йўлини топгандир? Эрик Брэдди эса, ундаги ёвузликни чиқариб юборган.

– Бу хурофотдан бўлак ҳеч нарса эмас. Бир вақтлар Африкада шунга ўхшаш жумбоққа дуч келганман. Натижа эса, кўтарилган ваҳимачалик бўлмади.

– Ҳа-а, турмуш ўртоғим бу ҳақда нималарнидир айтиб берган эди. Сиз ўша махфий курулни барчадан, Натландия ҳукуматидан ҳам яширган экансиз.

– Бу ҳақда ортиқ гапирмоқчи эмасман. Маслаҳатимни бердим, деб ўйлайман. Энди қарши бўлмасангиз, бориб ухламоқчиман.

– Тўғриси, сиздан кўпроқ нарсани кутган эдим. Илгари одамларни қийнаётган муаммони, уларни кўрқитаётган хавфни бартараф этардингиз. Ҳозир бутун шаҳар аҳлини кўрқув босган. Бу иш борасида четдан эркин иш бошлайсиз, жумбоқни ечиш учун кўпроқ эркинлик беришимни сўрайсиз, деб ўйлаган эдим.

– Қачонлардир мени шаҳарнинг ҳимоячиси, қаҳрамони сифатида кўкларга кўтаришарди. Ҳозир кўчага чиқсам, бирон ит қайрилиб боқмайди. Одамлар яхшиликни кадрлашларига ишонмай қўйганман. Аччиқ қисматим энг катта тажриба бўлди.

– Одамлар сизни унутишмаган. Сиз уларнинг хотирасида яшайсиз. Фақат, ўзингиз панага ўтиб олдингиз. Керак вақтда мағлубиятни кўтара олмагансиз. Сиз улкан иқтидор соҳибсиз, бироқ иродангиз бўш. Бир бор йиқилсангиз, туриш ҳақида ўйламайсиз.

Айтилган аччиқ ҳақиқат Ҳаркерни эсанкиратиб қўйди. Айниқса, аёл кишидан буларни эшитиш... Ҳаркернинг бўғзига нимадир тикилди, кўзида аччиқ ёш қалқди. Ҳеч нарса демай, ортига ўгирилди-ю хонадан чиқиб кетди. Дауглиш хоним ортидан пушаймон бўлиб туриб қолди.

– Жаноб Ҳаркер!..

Аммо кеч бўлганди. Тиг яраси тез битар, аммо тил яраси битиши қийин. Дауглиш хоним ҳаддидан ошиб кетгани учун ўзини койиди. Бир вақтлар Ҳаркер унга болаларини топиб бериб, жуда улкан ёрдам қилганди. Ўша яхшилик туфайли ҳам жим туриши лозимиди?

Ҳаркер хонасига кира солиб эшигини беркитиб олди. Қони қайнаб ҳамма ерни остин-устун қилгиси келди-ю, ўзини тийди. Бу иши билан навбатдаги аҳмоқликка қўл урган бўларди, холос. У эса олдин иродасиз бўлган бўлиши мумкин, ҳозир ўзини жиловлашни билади. У чуқур нафас олиб, жойига ётди ва буларни унутмоқчи бўлди. Кўзига ҳадеганда уйқу келмади. Кўзгу ҳақида ўйлай бошлади. Сўнгги иши кўз олдига келди. У ҳақиқатни талаб этди, аммо судья унинг ўзини қамокқа олди. Ички ишлар вазири уни ўша куниек қўйиб юборди. Бир неча кун аламини ичкиликдан олди. Тунларнинг бирида рафиқаси билан театрдан уйига қайтаётганида унга хужум қилишди. Учасига бас кела олди. Тўртинчи одам эса ортидан бошига нима биландир урди. Ҳушидан айрилаётганида уни тепалашарди. Фақат, рафиқаси чинқириғи ёдида. Ўшанда ҳам маст эди. Агар хушёр бўлганида, бари бошқача бўлармиди?.. Кўзини шифохонада очди. Оғримаётган жойи йўқ эди. Бироқ оғрикни ўйламай, рафиқаси ҳақида сўради. Сўнг... Сўнг шундай азоб чекдики, танасини шундай олов ўз тафтида қовурдики, Ҳаркер душманларига ҳам бундай азобни тиламасди.

Кечқурун оғриқдан тўлғониб ётганида ўша жиноятчининг отаси, лордлар палатасининг аъзоси лорд Седрик келди. Агар қасос олишни ният қилгудек бўлса ҳам, қизини қийма-қийма қилишини, жим юриб, буларни унутиши ўзига ва қизига фойда келтиришини таъкидлади. Ҳаркер унга жавоб бермади. Нафрат тўла кўзи билан тикилиб тура берди. Сўнг эртасига жаноб Дауглиш келиб, унга ёрдам беришини айтди. Жавоб берилгач, тўғри ўз уйига олиб келди. Шундан буён Ҳаркер шу уйда яшаб келмоқда. Оталик масъулиятини яна ҳам яхши ҳис этиши уни бостириб қўйди. Қасос олишга шошилмади. Бунга тайёр бўлганида эса, қотил бўла олмаслигини тушунди. Вақт ўтиши билан эски дардлар босилди. У энди ўзини бахтиёр бўлган ҳисобларди, зеро, аҳвол бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди. Иши ҳам, маоши ҳам яхши. Қизига етарлича ғамхўрлик қила олади. Ахир, дунёда фарзанд бахтидан ортиқроқ нарса бормикан? Ҳаркер ўзи ва қизининг келажаги ҳақида бош қотириб уйқига кетди.

* * *

Эшикнинг қаттиқ тақиллаши уни уйғотиб юборди. Ўрнидан туриб, “Ҳозир”, деди-ю кийимларини эгнига ташлади. Остонада эса қутилмаган учрашув кутиб турарди. Нигоҳлар бир дам тўқнашди. Уч киши эски дамларни ёдга олиб жим қотган бўлса, Хиггенс уни биринчи бор учратганидан сукут сақларди. Ҳаркер ўрта бўйли, кенг елкали, келишган, Робсон сингари ўттиз беш-қирқ ёшлар орасидаги одам эди. Сукунатни жаноб вазир бузди. Юзига табассум югуриб, қўлларини ёзди.

– О, Ҳаркер, бормисиз, бу оламда?

– Ие, жаноб вазир, ўзингизмисиз? Суратингизни қайсидир бетайин остонамга ҳам илиб кетиптимиз, деб ўйлабман.

– Ҳазил қиялпсизми? Демак, кайфиятингиз яхши. Очиғи, мендан ранжигансиз, деб юрардим.

– Араз болаларга хос. Робс, кўришмаганимизга ҳам минг йил бўлди-ёв, – Ҳаркер уларга озроқ тикилиб турди-да, эшикни кенгроқ очиб, йўл бўшатди. – Марҳамат!

– Жаноб Ҳаркер, сиз билан танишиш мен учун шараф, – деди Хиггенс ичкарига киришгач, унга қўл чўзиб. – Мен жаноб вазирнинг ёрдамчиси Хиггенс бўламан.

Ҳаркер унга бош ирғаб қўйди. Мехмонлар хонани кўздан кечиришди. Каравот,

шкаф, камин ёнидаги кичик стол ва унинг атрофидаги икки стул. Рўзномалар стол устида устма-уст бўлиб ётар, Ҳаркер баъзи саҳифаларни қўлда йиртиб, полга ёйиб қўйганди. Хона ҳар куни тозаланса-да, Ҳаркер кийимларини тўғри келган ерда қолдирганлиги унинг батартиб инсон эмаслигини кўрсатарди. Ҳаркер тебранма курсига, вазир ва инспектор стулларга ўтиришди. Жой етмаган Хиггенс тик туриб қолди. Ҳаркер унга стол устига ўтириш мумкинлигини айтди, Хиггенс кўпинча тик туришини важ қилиб, аввалги жойида қолди.

– Вазирликда курсилар етишмаслиги менга аён, – деди Ҳаркер. – Сизни тўғри тушунаман, жаноб Хиггенс. Хўш, жаноблар, хўроз кўноқдан тушмай, мени йўқлашларингиз боиси нима?

– Эҳтимол, эшитмагандирсиз, шаҳримизда жуда хунук ишлар бўлмоқда, – деди жаноб вазир мулойимлик билан.

– Ё, Худойим, нима бўлипти?

– Наҳот, ҳеч нима эшитмаган бўлсангиз?

– Ўлимдан хабарим бору...

– Ҳатто рўзномаларга ҳам боқмадим, денг.

– Мен бошланғич мактабни ҳам тугатмаганимни ўзингиз биласиз-ку, жаноб вазир. Ахир, ҳарф танимасам.

– У ҳолда мана бу нима? – вазир кўзгу сурати туширилган мақолани олиб, унга узатди.

– Ҳа-а, каминга ўт ёқиш учун қоғоз керак бўлиб қолади. Баъзан бир нечта шундай сурати бор қоғозлардан олиб келаман. Анчага етади.

– Уларнинг бари кеча босиб чиқарилган. Демак, қоғоз захирангиз шанба куни тугаб, кеча бошқатдан ғамлаб олипсиз-да?

– Зехнингизга қойилман, жаноб вазир. Бу кўзгу аукционда сотиляптимикиан? Сотиб олиш учун маслаҳат олгани келган бўлсангиз, икки пулга қиммат нарсага ўхшаяпти. Яхшиси, пулингизни тўғри ишларда сарфлашни ўрганинг. Мисол учун оёғимда икки ҳафта туриб, учта оғиз очган пайпоғимни олайлик. Уй ортидаги ахлат уюмидан топсангиз бўлади. Фақат, қорни қазिशга тўғри келади. Эски дамларимиз ҳақи, уни сизга текинга бериб юбораман.

– Назаримда, – ўрнidan турди вазир, – бу ерга адашиб келиб қолдик.

Робсон вазирга тинчланишини ишора қилиб, Ҳаркернинг тўғрисиغا келди, – Ҳаркер, сиз юзимизга тупуришингиз мумкин, аммо одамларга ёрдамингиз керак. Илтимос, майнавозчиликни йиғиштиринг!

Ҳаркер озгина жим тургач, тилга кирди:

– Кеча кечкурун келмаганларингизга қараганда, тунда яна нимадир бўлган.

– Компаниянинг раҳбарларидан бири жаноб Остин ўз уйида вафот этди, – енгил тортиб сўзлади Робсон. Вазир ҳам ўрнига қайтди. – Кўзгу ҳамон ўша ерда. Бу хабар одамлар орасидаги ваҳимани баттар алангалатди.

– Демак, кўзгу ҳақидаги афсона бандлари бирин-кетин бўй кўрсатмоқда. Бирок бу ерда мўъжиза борлигига амин эмасман. Агар найранг бўлса, буни фош этиш осон кечмайди. Рақиб ёки рақибларингиз хатога йўл қўйишини кутишга мажбурсизлар... Менга ундай қараманглар. Хизматдаги одамман. Дауглишлар юзига оёқ қўйиб кета олмайман.

– Дауглиш хоним сизга биз билан ишлашингиз учун розилик берди, ҳатто буйруқ берди, аҳоли тинчлигини таъминлашда бор иқтидорингизни кўрсатишингиз учун. Ўрнингизни икки полисмен эгаллайди. Рақибимиз хатосига эса, назаримда, дуч келганман. Мен буни аниқ исботлай олмайман. Воқеа ҳозиргидек чигал бўлганди.

– Хўш, бизга ёрдам берасизми, Ҳаркер? – сўради вазир.

– Нима ҳам дердим. Биз кичкина одамимиз. Биздақаларни керак пайт қўлга олиб эркалашади, ишлари битгач, ерга ташлаб, топташади ёки балчиққа ботириб тушлашади... Яхши, Робс, нималарни билсангиз, менга барчасини бир бошдан

сўзлаб беринг. Бироқ терговга мен бош бўлишим лозим.

Вазир бунга тезда рухсат бера олмасди. У Робсонга тикилди. Инспектор уни хурсанд қилиб, ўзи розилик берди.

– Бунда муаммо бўлиши мумкин эмас, Ҳаркер. Мен сизга ёрдамчи бўламан. Жаноб вазир берган барча ваколат сизга ўтади. Энди ҳикоямни бошласам.

Робсон ўтган йили юз берган жаноб Шерман Ҳилберт ўлимини текширганида нималарни аниқлаганлигини: уй ҳайвонларининг йўқолиши, марҳумнинг Эрик Брэдли билан жанжаллашгани, Андерсоннинг кўрсатмалари ҳамда Пейнкрофтнинг дорга осилганини бирма-бир сўзлаб берди. Бу йилги машмашаларга тўхталди. Зиёфатдаги фожа, Эрик Брэдлиннинг йўқолиши, унинг уйига бориб топган қўлёмаси, Брэдлиннинг кемадан топилган жасади ва жаноб Остиннинг ўлими ҳақида барча билганларини гапириб берди. Ҳаркер инспекторнинг ҳар бир гапини диққат билан тинглади. Эрик Брэдлиннинг уйдан топилган марҳум Скот Брэдлига тегишли бўлган қўлёмани Робсондан олиб, ўқиб чиқди, сўнг заррабин билан қоғозни синчиклаб текширди. Яхшилаб ўйлаб, тилга кирганида кун ёришиб қолганди.

– Жаноблар, бу қўлёмаси асло ўн ёки йигирма йиллик эмас.

– Бўлиши мумкин эмас, – эътироз билдирди Робсон. – Унда акс этирилган воқеалар анча олдин бўлган. Марҳум вафотига кўп бўлган. Қоғоз ҳам эскирган.

– Қоғозни олдин маълум муддат салқин зах жойга кўйилади, – охишта жавоб қилди Ҳаркер, – қарапсизки, унинг сифати бузилади. Сўнг қуёш тушиб турадиган ерга кўйилса, ранги сарғаяди. Эскирган қоғозга перонинг учигина сиёҳга ботирилиб, ишлов берилади. Қўлёмаси боқиб, энг кичик сўзларда ҳам бир неча узилиш борлигини билса бўлади. Ёзув эскидек кўриниши учун перо учидан номига сиёҳ бўлади, натижада бир сўзни ёзиш учун перони сиёҳдонга қайта-қайта тикишга тўғри келади. Охирида қоғоз яна маълум муддат салқин ерда ва қуёш тушиб турган ерда сақланади. Кейин китоб орасига солиб кўйилади. Кўриб турипсизки, бир йиллик қўлёмаси ўн йилликдек кўринади.

Робсон қўлёмани қайтариб олиб, уни синчиклаб текширди ва Ҳаркер айтгандек, ҳар бир сўзда бир неча узилиш борлигини сизди. Олдин буни қўлёмаси эскириб, ёзув ўчаётганлигига йўйганди.

– Яхши, – деди кайфияти кўтарилган вазир, – бироқ кўзгу кўрсатаётган мўъжизаларга нима дейсиз?

– Бу ишда бир қанча тахмин пайдо бўлади. Биринчидан, барча фожиаларда ғайритабиий кучлар мужассам. Бироқ мен кўзгуда бирон қудрат борлигига ишонмайман. Бу бизнинг мағлубиятимиз бўларди. Кўзгу шунчалар қудратга эга экан, нега олдинроқ бундай воқеалар бўлмади, деган тахмин пайдо бўлади. Ўша алкимёгар ростдан ҳам тарихда бўлганида, ҳозир бутун дунёга ҳукмрон бўлмасмиди? Йўқ, бу тахмин ўзини оқламайди. Қолаверса, бизга ёрдам бермайди.

Иккинчидан, Эрик Брэдли барча ишларни режалаштирган ва ташқи кучлар иттифоқлигида мамлакатимизни инқирозга учратмоқчи.

– Ахир, у ўлган-ку, – деди вазир шошиб. – Жасади маҳкамада ётипти.

– Шошилманг, жаноб вазир, мен буни изоҳлайман. Кимдир Эрик Брэдлиннинг жасадини топгандир, мурда ёнидан унинг ҳужжати чиққандир, бироқ бу ерда сеҳр-жоду йўқ, деб ҳисобласак, у олдин бундай қотилликка қўл урган ва уни тахминий ўлимидан кейин зиёфатда бир қанча одам кўрган. Биз, фақатгина, жаноб Норманнинг ўлимини ҳақиқий, деб ҳисоблашимиз мумкин. Қолган икки ҳолда гувоҳлар бўлмаган. Жаноб Остиннинг хизматкори ҳам ўлимга тўлиқ шохид бўлмаган ва хўжайини ўзига ўхшамаганлигини айтган. Бу ўлимни ҳам шубҳа остига олишимиз мумкин. Доктор Бэнкс жасадларнинг янгилигини устухонига қараб аниқлапти. Биз ўтган йилги жасадни ҳам текширтиришимиз мумкин эди-ю, қабр олдин бир бор қазиб, тобут бўшатилган экан, иккинчи бор қазилиб, жасадлар

алмаштириб қўйилганига ишонсак ҳам бўла беради.

Хўш, яна иккинчи тахминга қайтамиз. Эрик Брэдли режанинг муаллифи бўлиши ҳақиқатга анча яқин, негаки, олдин ҳам бундай ишни удда қилган. Сафар чоғи ташқи душманларимиз унга мўмай пул ваъда қилишди, дейлик. У ҳолда ўзига оз бўлса ҳам шубҳа тушишини билиб, оиласини олдинроқ бирон ерга яшириб қўймасмиди? Ахир, у оиласини яхши кўришини Робсондан эшитдик. У уй фарзанди. Бундайлар оиласи олдида ўзини бурчли, деб билади. Бедаъво дардга йўлиққан (эхтимол, у хасталигига даво топгандир, оиласига вафодор эмасдир, бироқ буни ҳам четлаб турамыз, зеро, бу тахминлар ҳам тўғри бўлса, бизга жуда қийин бўлади), ўлимидан сўнг онаси ва синглиси бошига қийинчиликлар тушишини ўйлаган одамнинг сўнгги иши бу – оиласи ҳақида вафоти олдидан ғамхўрлик қилиш! Йўқ, бу тахмин ҳам ўзини оқламайди.

Ва ўз-ўзидан оиласи учинчи тахминни келтириб чиқаради. Брэдлининг шериклари борлиги аниқ ва улар Брэдлига ишонилмайди.

– Айтмоқчисизки, онаси ва синглиси гаровда туришипти? – сўради Робсон.

– Худди шундай. У ҳолда шерикларини шу ерликлар, дейишимиз мумкин. Брэдлини ҳисобга олмаганда ва жаноб Остинни ҳақиқатда ўлди дейдиган бўлсак, фақатгина, бир компания раҳбарлари ўлаётгани эътиборимизни тортади. Брэдлининг жасади, шунчаки, чалғитувчи босқич. Мен аминманки, жаноб Остин ўлими ҳақида рўзномалар хабар тарқатгач, мазкур компания акциялари маълум кўрсаткичда тушиб кетади. Мамлакатнинг энг катта компанияси инқирози бошқа кичик компаниялар ривожига йўл очади.

– Ўз ҳомийларини ўлдириши шундан, деб ўйлайсизми?

– Зиёфатда Брэдли ғойиб бўлган. Иссиқ кийимини ташлаб, совукда қаергача бориши мумкин бўларди? Қалин соқол-мўйловли бегона официант пайдо бўлиб, сўнг у ҳам топилмади. Булар, албатта, менинг фаразларим. Бу ерда мўъжиза юз берган бўлиб, биринчи тахмин тўғри бўлиши ёхуд Брэдлини оиласи қизиқтирмай, иккинчи тахминим ҳам тўғри бўлиши мумкин. Учала тахминим ҳам нотўғри бўлиб, воқеа аслида буткул бошқача бўлиши ҳам мумкин. Бироқ Брэдлининг оиласи атрофида тузоқ қўйишимиз мақсадга мувофиқ бўлиб чиқиши мумкин. Режа тўлиқ амалга ошиб, Брэдли мажбуриятини тўла адо этгач, оиласи хавфсизлигини таъминлашга мажбур бўлади. Иттифоқчилари унга ишонмагандек, у ҳам шерикларига ишона олмайди.

– Ҳа-а, бу ерга келиб адашмабмиз, – деди жаноб вазир. – Аслида, кечанинг ўзида келишимиз лозим эди. Сиз жаноб Остиннинг уйини ҳам кўздан кечиришингиз лозим. Биз пайқамаган ниманидир пайқашингиз мумкин, – вазир ҳамён чиқарди. – Бу харажатлар учун.

Ҳаркер пулни олиб, ўрнидан турди.

– Жаноблар, ишга киришдик бўлмаса... Фақат, мени кўчада озроқ кутиб туринглар, ахир, ювинганим ҳам йўқ.

Ҳаркер ўн дақиқада чиқди. Дауглиш хоним меҳмонлар учун нонушта тайёрлатган эди. Ҳаркер ҳам стол атрофига қўшилди. Сўнг вазир бошқа ерга, учовлон жаноб Остин уйига йўл олишди.

Кўзгунинг навбатдаги каромати

Уйда бир гуруҳ полициячилар билан жаноб Остиннинг ўғли бор эди. У курсида бош эгиб ўтирарди. Робсонни кўриши билан ўдағайлади:

– Инспектор, бу нимаси? Шундай оғир дамда одамларингиз мени отамнинг жасади ёнига қўйишмаяпти. Ўзларингни ким деб ўйлаяпсизлар?

– Робс, муаммойингизни ҳал этгач, етиб оларсиз, – дея Ҳаркер юқорига чиқиб кетди. Бу ёш меросхўрни баттар жиғибийрон қилди.

– Қандайдир чувринди отамнинг ёнига киролса-ю, унинг хотирасини таҳқирласа-ю, мен киролмасам. Инспектор, ишимдан айрилдим, деб ҳисоблайверинг.

– Ҳозироқ чакагингни юм! – қатъий тикилди Робсон. – Ҳаммани оқсоч қизнинг номусини топтаб, кетига тепиб юборганимдек эзгилай оламан, деб ўйлаяпсанми?

Ёш Остин тутилиб қолди. – Афтидан, кўлостимдаги хизматкорларимни бўшатишимга тўғри келади?

– Аҳмоқ, икки одамингдан бошқа ҳеч ким қолмади. Журналистлар бундай воқеаларни яхши кўришади. Одамлар асл башарангни кўргач, уйингда ким ишларкан, кўрамиз.

– Бу оқбилакнинг гаплари, – ғазабдан қизарди ёш Остин.

Робсон баттар ачиқланди. Қаршисидаги шалвираган бетайиннинг бўғзидан қисди.

– Мамлакат тинчи бузилиб турганида, ўзим ҳам ҳайронман, нега сен билан пачакилашяпман. Ишонавер, мухбирларга ўзим хабар бераман. Матбуот ҳам, одамлар ҳам озроқ чалғишади. – Робсон уни силтаб юборди.

Кичик Остин ортга тисарилиб, томоғини силади.

– Яхши, инспектор. Мен ҳам кўл қовуштириб ўтирмайман. Сиз журналистлардан отам ўлимни яшираётган экансиз, мен ҳам журналистларга бу ҳақда жар соламан.

Робсон ортиқ валдираб ўтирмади. Ёнидаги соқчиларга буюрди:

– Хонасига қамаб кўйинглар! Ўлиб қолмаслиги учун, овқат бериб турунглар. Қачон кўйиб юборишни ўзим айтаман.

– Ҳақингиз йўқ, – икки полисменнинг кўлидан чиқишга беҳуда уринарди кичик Остин. – Айбловингиз йўқ.

– Аҳоли орасига ваҳима ёйишга уринганинг учун хибсга олиндинг.

Робсон секин юқорига кўтарилди. Унга қадар Ҳаркер жаноб Остиннинг ишхонасини ҳам, хобхонасини ҳам кўздан кечириб чиқди. Жаноб Остиннинг пиёниста эмаслиги, ўтган кун ўзини ғалати тутгани, оқсоч хонани тозалаб, бош хизматкор унинг буйруғи билан графинни тўлдириб вино олиб келиши, сўнг хонадан унинг ўзи охириги бўлиб чиқиб, ҳеч кимса у ерга кирмаслигини тайинлаши, шу билан тунги бирдан ўтиб хонасига ўзи биринчи бўлиб кириши, кийимини ечмай винога ёпишиши, уни тезда бўшатиб, кўп ўтмай вафот этиши жуда шубҳали эди. Ҳаркер кўзгу ва жасадни назардан ўтказгач, Хиггенсни ҳайрон қолдириб хобхонага кирди ва шкафни кўриб мамнун бўлди. Эшиklarини очиб, ҳар бир бўлмани текшириб чиқди ва табассум билан ҳаммаси яхши кетаётганлигини айтди. Робсон кичик Остинни хонасига қамаб, марҳум хонасига кирганида улар курсида ўтиришарди.

– Хўш, текширув ўтказдингизми?

Ҳаркер ўрнига Хиггенс жавоб берди. Шкафни текшириб хурсанд бўлиши сабабини тушунтирмаганлигини кўшимча қилди.

– Биз жаноб Ҳаркерга бўйсунамиз, Хиггенс. Унга савол беришимиз керак эмас.

– Робсдан ўрнак олинг, – деди Ҳаркер ва Робсонга юзланди. – Маст кучерингиз қаерда? Уни сўроқ қилишимиз лозим.

– У жуда маст. Яхшиси, шу ерга олиб келамиз. Мурдани кўриб, уйқуси тезроқ очилади.

– Агар манзара уни чўчитиб, кекса хизматкорга ўхшаб қолса-чи?

– Жуда унчаликка бормас. Чол ёлғиз бўлган. Бу ерда шунча одам бор. Мабодо, аҳволи оғирлашиб қолса, докторни чақирармиз.

Робсон икки одамига кучер Уильямни шу ерга олиб келишини айтди. Уни келтирмасларидан хонага доктор Бэнкс кириб келди.

– Авлиё бўлиб кетинг, доктор, – деди Робсон. – Ҳозиргина сизни эслаб тургандик.

– Вино, графин ҳамда қадахдан ҳеч нима топилмади. Чол эса ўйлаганимдек, оғир аҳволга тушиб вафот этди... Ие, тушимми ё ўнгимми? Омонмисиз, Ҳаркер?

– Хайрли кун, доктор. Роса вақтида келдингиз. Бир пиёнистани ҳушига келтириш керак бўлиб қолди.

– Ўзим ҳам ўшандан бирон маълумот чиқариш учун келгандим.

– Уни ҳозир олиб келишади, – Робсон сўзини тугатмасидан тўрт полисмен кучерни кўтариб кирди.

– Чўчкадек сасияпти, – деди полисменлардан бири. – Оғирлигини айтмайсизми?

Пиёнистани кўрсатилган ерда қолдириб чиқиб кетишди, негаки, полисменларга кўзгу ёнида туриш малол келаётганди. Доктор Бэнкс саъй-ҳаракатлари билан Уильям кўзини очди. Аммо боши оғриётгани учун, тилга киришига ва берилаётган саволларнинг маъзини чақа олишига ўн дақиқалар кетди.

– Кеча нималар бўлди? – сўради Ҳаркер. – Бирон нима ёдингда қолганми?

– Барда тўйиб ичганим эсимда, – оғриётган бошини ушлаб жавоб қилди Уильям. Бирдан кўзи ердаги жасадга тушди-ю типирчилаб қолди. – Ё, Худойим, бу нима!?

– Хўжайиннинг жаноб Остиннинг жасади, – кучернинг елкасидан босиб, жойига ўтқазди Ҳаркер. – Менга қара, меров, шўринг куриб қолди. Хўжайиннинг қандай ўлганини билмаймиз, бироқ у кеча сен билан бўлгани учун, асосий гумондор ҳисобланасан. Жонинг омон қолишини истасанг, билганларингни тезда сўзлаб бер.

– Нима!? Менинг ҳеч бир айбим йўқ. Мен уни Қ... мавзесига олиб бориб қўйдим. Кейин одатдагидек мени барда қолдириб, ўзи пиёда кетди. Ҳар доимгидек томоқ хўллашим учун саҳийлик қилиб, пул берди. Мен уч соатча ўтирдим. Кейин бир пиёниста билан келди. Бемалол ичаверишимни айтди. Ҳали кўп ичмаган эдим. Бирдан бошим айланиб, кўз олдим хиралашиб кетди. Кейин ўзимни йўқотиб қўйдим, шекилли. Хохолаб тинмай қўшиқ айтаётганимда мени фойтунга чиқариб қўйишгани ёдимда.

– Одатдагидек, дегин? Қачондан у ерга борар эдинглар?

– Бир ойдан ошди. Ҳафтада икки ёки уч маротаба. Хўжайиннинг бўш вақт топишига қараб.

– У ерда нима қиларди?

– Билмайман. Менга ичишим учун пул бериб, бир ерга яёв кетарди-да, кейинроқ ўзи ҳам сал қизариб қайтарди. Одатда бир-бир ярим соатда келарди. Кеча узок қолиб кетди. Мен одатдагидан кўпроқ ичиб қўйдим. Аммо ҳушим жойида эди. Жаноб Остин келганида таъзимимни беради, деб ўйлагандим. Бироқ аксинча бўлиб чиқди. Ўзи ичимлик олиб келиб, қуйиб берди. Бор йўғи икки қадах ичган эдим. Ҳали кўп ича олардим. Аммо савил жуда ўткир экан.

– У ерга неччида борган эдинглар? Бар манзилини ҳам айт!

– Эрталаб жаноб Коннордан хабар олди, сўнг жаноб Норман оиласидан ҳам. Кейин соат иккиларда Қ... мавзесидagi Т... кўчасининг ўттиз бешинчи уйига, яъни барга бордик. Хўжайин соат бешда бир пиёниста билан кириб келди.

– Ёнидаги пиёниста қандай эди? Олдин ҳам етаклаб келармиди?

– Уни олдин кўрмаганман. Хўжайин одам етаклаб келмасди. Пиёниста озода, сочлари калталанган, ёши ва бўйи, юзи тахминан, жаноб Остинники билан ўхшаш эди. Аммо сарғайиб кетган юзидаги саноксиз ажинлар уни жуда қари кўрсатарди. У лапанглаб кириб келди ва асосий белгиси ўнг қўли калтирарди.

– Ўх-хў, шунақа, дегин, – полдаги жасадга бирров боқиб қўйди Ҳаркер. – Устида қандай кийим бор эди?

– Қўлда тўқилган иссиқ кийим, аммо ўзиники бўлмаса керак, ўнғайсизланиб, ҳадеб қашинарди. Назаримда, ойлар давомида кечагина чўмилиб, саргарошга учрашган эди. Негаки, оғзидан қўланса хид келарди. Сочи яқиндагина текисланганга ўхшарди. Саргарошлар ишлатадиган мой ҳам ҳали хид таратиб турарди. Пальто ёки плаши борлигини кўрмадим. Бироқ кўча совуқ эди ва яна нимасидир бўлгани аниқ. У кунлигиб турмасди, ваҳоланки, кўчадан шундайича кириб келганида, қўлига қўшилиб жағи ҳам қалтираши керак эди.

– Ҳа, синчковлигинг яхши. Бу бизга қўл келади. Этигига кўзинг тушмадимми?
– Йўқ. Ахир, ҳамма нарсани кўздан кечириб чиқа олмайман-ку. Фақат, кўзим тушганлари ёдимда қолган.

– Яна нимани кўшимча қила оласан?

– Бошқа ҳеч нарса.

Ҳаркер кулиб унинг ёнига ўтди-да, елкасига кўлини оҳиста қўйди.

– Биласанми, Уильям, сен менга жуда ёқиб қолдинг. Менга ишона бер, мана бу шерикларимнинг юзига тупуришга тўғри келса ҳам, сени озод қилиб юбораман. Негаки, жуда самимий сўзладинг. Бироқ энди сўзларинг ҳақиқатга қанчалар яқинлигини текшириш қолди. Унгача қамоқда бир-икки кун ётиб турасан-да, оғайни.

– Нима учун? Менинг айбим йўқ, – Уильямнинг кўрқувдан юрак уриши тезлашиб, нафаси тикилиб қолаёзди. – Мен... сизга бир нарсани айтиб бераман, инс... пектор.

– Қулоғим сенда, Уильям. Худо ҳақи, онамнинг болалигимда айтиб берган эртақлари ҳам сенинг гапларингчалик қизиқарли эмасди.

– Ўша куни... Жаноб Норман ўлган куни биз зиёфат олдидан уникага бордик. Хўжайиним уни зиёфатга ўзи олиб боришини айтганди. Шу баҳона Янги йил совғасини ҳам топширмақчи эди. У совға билан кириб кетди. Кўп ўтмай жаноб Норман иккиси қайтиб чиқишди. Иккисининг ҳам кайфияти кўтаринки эди, бироқ йўлда жаноб Норманнинг жаҳл билан бақирганини эшитдим. Тушундимки, улар жанжаллашиб қолди.

– Санъатингга тасанно, Уильям. Энг қизиқ ерига келганинда гапни айлантиришни бошлар экансан. Сендаги сўзлаш иқтидори менда бўлганидами, ҳозир Африкадаги мустамлакаларимизни мен бошқараётган бўлардим... Тезроқ гапирсанг-чи, – ўшқирди Ҳаркер, – у нима деди?

– У “Жин урсин ўша лаънати тузни!” деди.

– Бўлдими?

– Бошқа гапни эшита олмадим. Жаноб Норман, фақат, шу сўзларни бақириб айтгани учун ҳам, фақат, шуларни эшитиб қолдим.

– Ёзиб олдингизми, Робс?... Нега лаллаясиз? Ахир, “олтинга тенг” маълумот айтилди. Жиноятчилар энди чангалимизда, деяверинг.

– Сиз бунга тушунмадингиз, инспектор, – шошилганча изоҳ берди Уильям. – Мен эса тезда тушундим. Бир ойдан ошди, хўжайиним жаноб Норманга ювиниш тузини совға қилганди. Уни жуда шифобахш хусусиятларга эга, деганди. Тўғри, бу катта маълумот эмас, бироқ шундан сўнг бош бинога етиб боргунимизча икки дўст гаплашишмади.

Ҳаркер озроқ ўйланиб турди-да, кўрсатмалар бера бошлади:

– Робс, бир одамингизни Норманлар хонадонига юборинг. Ўша тузни топиб, маҳкама лабораториясига элтсин. Қ... мавзейи ва унинг атрофидаги ерларга одам юбориб, кеча ғойиб бўлган пиёнистанинг кимлигини аниқланг. Унинг асосий белгиси ўнг кўли қалтирайди. Сартарошлардан ҳам сўраб кўришсин, у кеча сочини қалталатган, – Ҳаркер ўрнидан турди.

– Нега пиёнистани ғойиб бўлган, деб ўйлаяпсиз? – Кўзларини синчков қисди Робсон.

– Тўғри тушундингиз, Робс. Бунга текшириб кўриш керак. Уильямнинг ўзи ҳам маст бўлган. Тўлиқ ишона олмаймиз.

– Мен-чи? – титроқ овозда сўради Уильям. – Кета берайинми?

– Маҳкамада ўтириб туришингга тўғри келади, ошна.

– Ахир, сэр...

– Ўчир овозингни!

– Ҳаркер, – норози оҳангда унга яқинлашди доктор Бэнкс, – биламан, бу менинг ишим эмас. Аммо узоқ вақт тергов ишидан четда бўлиб, баъзи қоидаларни унутиб

кўйибсиз. Гувоҳлардан маълумот олишингиз ёқмаяпти. Сиз уларни кўркитяпсиз. Бундан нотўғри маълумотларга ҳам эга бўлиб қолишингиз мумкин. Қамоққа тушишини ўйлаган одам, жон аччиғида ҳар балони сўзлайверади.

– Тугадими?... Доктор, қариб отамга ўхшаган насиҳатгўй бўлиб қолибсиз. Яна бир яхшилик қилиб, унинг ортидан нариги дунёга кета олмайсизми?

– Доктор, илтимос, унинг жиғига тегманг, – деди Робсон. – Бу ерга зўрға олиб келдик.

Доктор индамай Уильямга яқинлашди-да, унинг кўз қорачиғини текшириб кўрди.

– Ҳушингдан кетгач, жаннатда жононлар билан сайр қилмадингми?... Ҳа, дегин... Гап бундай, Робс, йигитчага афюн ёки шунга ўхшаш нарса берилган, катта миқдорда. У қаерда бўлганини ҳам билмаган.

– Унинг айби йўқлиги маълум, – деди остонага етган Ҳаркер, – бироқ шунчаки кўйиб юбориб бўлмайди.

Шу пайт ичкарига лейтенант Уотфорд югуриб кирди. Ҳаркернинг олдидан ўтди-ю хонага кира сола Робсонга гапира кетди:

– Уни кўришипти, инспектор!...

– Кимни, Уотфорд?

– Иблисни!...

* * *

Ҳаркер секин ортига ўтирилди. Уотфорднинг янгилиги қолганларни ҳам қизиқтириб қўйган эди. Уотфорд озгина тин олди-да, давом этди:

– Сэр, у Натландия миллий банкига, дастлаб, жаноб Остин қиёфасида кирган (албатта, одамлар ҳали жаноб Остин ўлганидан беҳабар, шу тариқа ундан чўчишмаган), сўнг Эрик Брэдли қиёфасида қайтиб чиққан. У қиёфасини ўзгартирган, бироқ кийими ўша-ўша қолган. Саросимада мижозлар тугул, ҳатто банк ходимлари ҳам бинодан чиқиб кетишган.

– Қачон, Уотфорд? – хонадан шошилиб чиқаркан сўради Робсон.

– Саккизу ўн бешда.

Учовлон ҳовлига ошиқишди. Икки полициячи Уильямни кишанлаб ташқарига олиб чикди. Доктор Бэнкс Уотфорд билан жасад билан кўзгуни олиб маҳкамага йўл олди. Улар кўзгуни катта қутига жойлашган эди. Маҳкамага етишгач, қути ва жасадни лабораторияга олиб киришди. Жасадни жойлашгач, қути оғзини очишди. Уотфорд кўркувдан чинқириб юборди. Доктор Бэнкс ҳам титраб орқага тисарилди. Қути қопқоғи қўлларида тушиб, қути оғзи ярим ёпилиб қолди. Бироқ очиқ ердан кул уюми кўриниб турарди. Кўзгу эса кўринмасди. Уотфорд ўзи билмаган ҳолда гапириб юборди:

– Доктор, кўзгу яна ғойиб бўлибти!

Иблиснинг намоён бўлиши

Бўлиб ўтган воқеа ҳаммани қарахт қилиб қўйди. Журналистлар янги тайёрлаётган мақолаларида жаноб Остин қиёфасидаги алкимёгар Миллий банкка кириб, “Коннорлар савдо бирлашмаси” компаниясига қарашли ўттиз беш миллион натални Италиядаги қандайдир компания акцияларини сотиб олиш учун ишлатганлигини ёзишмоқда эди. Қизиги, ўша акцияси сотиб олинган компания ҳақида ҳеч ким билмас экан. Бу олди-сотдидан Жейсон Коннорнинг ҳам, бошқа раҳбарларнинг ҳам хабари йўқлиги маълум бўлгач, жодугар мамлакатнинг энг йирик компаниясини хонавайрон қилгани маълум бўлганди. Бу ишда жаноб Остиннинг ўлимини аҳолидан сир тутган маҳкама ходимларининг ҳам айби катта эканлиги қўшимча қилинмоқда эди.

Компаниянинг хонавайрон бўлгани Робсонни ҳам оғир аҳволга солиб қўйди. Негаки, журналистларни жаноб Остин вафотидан воқиф этмаслик ғояси ундан чиққанди. У қийин аҳволдан чиқиш ҳақида тинимсиз ўйлар, энди Ички ишлар вазирининг ҳам боши балога қолиши маълум бўлиб қолганди. Компаниянинг инқироzi мамлакат иқтисодига путур етказиши турган гап эди. Энди “Коннорлар савдо бирлашмаси” компанияси акционерлари акцияларини сотишни бошлашган, бироқ уларнинг нархи кескин тушиб кетиб, олишни истовчи одам топилмасди. Робсон шериклари билан биринчилардан бўлиб Миллий банкка борди. У ердаги ходимлар ҳам довдираб қолишган эди. Жаноб Остин қиёфасидаги алкимёгарни кутиб олган ходим Робсоннинг нишонига айланди. У жуда ҳам кўрқиб кетганди.

– Сэр, Худо ҳақи, бундан мен ҳам таажжубландим. Жаноб Остин ғалати кўринарди. У ҳамма ҳужжатларни расмийлаштириб бўлганди. Ҳужжатда керакли одамларнинг барчаси, ҳатто жаноб Коннор имзоси бор эди. Мен ва банкимиз раҳбари имзо қўйиб, муҳр босишга мажбур бўлдик. Ундан нима учун компания мутасаддилари бундай қарорга келганини сўраганимизда шундай кулдик, умрим охиригача буну унута олмасам керак. У, “Ворисим учун, шундай қиялман”, деди. Мен ўша акциялари сотиб олинган Италия компаниясини билмайман, ваҳоланки, кўплаб йирик компанияларни биламан. Бироқ одамлар уни ҳақиқий жаноб Остин эмас, дейишмоқда. Мен ҳали ҳам кўрқялман, сэр. Ахир, ўша жодугар билан қўл бериб кўришдим. Назаримда, у компания пулларини ўз авлодларидан бири номига ўтказиб юборди.

– Буни бекор қилишнинг имкони борми? – сўради Ҳаркер.

– Муҳр босилган керакли қоғозлар Италияга етиб борса бўлди. Сўнг Италия банкларидан бири биздан пулни олиб кетади.

– Мен ҳозироқ Италияга жўнайман, – деди Хиггенс.

– Бундан фойда йўқ, – бошини чангаллади Робсон. – Соат ўн бўлди. Қоғозлар соат тўққиздаги кема билан мамлакатни тарк этган бўлса керак.

– Ҳозир нима қилишимни аниқ билмайман, бироқ ўша ерга бораман. Балки, бирон нима чиқиб қолар.

– Нима қилишингизни мен айтаман, Хиггенс, – деди курсида беғам ўтирган Ҳаркер. – Сиз ўша компаниянинг эгаси ва унинг атрофидаги одамларни текширинг. Бир учи биз қидираётган одамларга келиб уланса, билингки, бахтимиз. Йўқса, мен ҳам адашганимни, бу ишларнинг ортида ростдан ҳам сеҳр-жоду турганлигини тан олишимизга тўғри келади.

Хиггенс югуриб чиқиб кетди. Робсон Ҳаркерга юзланди.

– Беғам ўтиришингизни қаранг, Ҳаркер. Ахир, энди кўпчиликнинг шўри қуриydi. Биринчилардан бўлиб менинг.

– Нима қилай? Иккиюзламачилик қилиб, мамлакатимиз иқтисодига путур кетгани учун кўзёш тўкайми? Бундан нима фойда? Шунчаки, ўйлаш керак. Менда баъзи шубҳалар бор, уларни йўл-йўлакай сўзлаб...

Улар ўтирган қаватга Ички ишлар вазири, Жейсон Коннор, Жонсон ҳамда Рожерслар чиқиб келиб, Ҳаркер сўзини тугата олмай қолди.

– Биз мамлакатни шарманда қилдик, Робс, – қизариб кетган вазир қўлидаги янги рўзномани Робсонга улоқтирди. – Агар одамлар жаноб Остиннинг ўлимидан вақтида воқиф бўлганларида эди, банк ходимлари унга керакли ҳужжатларни расмийлаштириб бермаган бўларди.

– Жентльменлар, мен хонавайрон бўлдим! – нафаси тикилиб қолган Жейсон Коннор кўксини ғижимлаб, энгашиб қолди. Уни курсига ўтказиб, сув беришди. Жаноб Жонсон дарҳол ёнидан тинчлантирувчи дори чиқариб, унга берди. Сал ўтиб жаноб Коннорнинг аҳволи яхшиланди. Жаноб вазир беғам ўтирган Ҳаркерга юзланди:

– Ҳаркер, бу иш билан жиддий шуғулланасиз, деб ўйлаган, сизга ишонган эдим.

Эрталаб...

– Жаноб вазир, – маъноли бокиб унинг сўзини тўхтатди Ҳаркер. – Эрталаб ишни олаётганимда сиздан кўп нарса билмасдим. Ғайритабий кучлар қатнашган ишда менинг ақлим ҳам ожиз қолади. Истаган одамни ўлдириб, унинг қиёфасида юрувчи жодугарни тутиб бўладими?

– Наҳот, сиз ҳам ожиз қолган бўлсангиз, жаноб Ҳаркер? – деди Жонсон. – Сиз ҳақингизда илгари кўп эшитган эдим. Умуман олганда, ўша жодугар Рожерс иккимизнинг ҳисобимиздаги пулларни ҳам бўшатиб кетипти. Эҳтимол, Бойл хоним ҳамда мархум дўстимиз Норманнинг ҳам ҳисоби бўшаб қолгандир?

– Эҳтимолдан ҳоли эмас. Ахир, жодугарнинг тинчини сизлар буздинглар. У фақат сизларга ҳужум қилмоқда.

– Бироқ у чучварани хом санапти. Биз компанияни асраб қоламиз. Ишни тушиб кетган акцияларни сотиб олишдан бошлаймиз. Мен бу компания учун ярим умримни сарфладим. Қолган-кутган мол-мулкимизни сотиб бўлса ҳам, компания ишларини йўлга соламиз.

– Ғоят таъсирли, – деди Ҳаркер ўрнидан туриб. – Энди сизлар билан шу ерда хайрлашсак. Жаноб вазир ҳамда инспектор Робс билан маҳқамага бориб, жаноб Остин жасади таҳлилини кўздан кечиришимиз керак.

Ҳаркер шерикларига имо қилиб қўйди. Улар кўчага чиқишди. Жаноб вазирнинг сабри қолмаган эди. Отлар тезлашиши билан тилга кирди:

– Ҳаркер, ниманидир аниқладингизми?

– Бир неча тахмин бор. Биринчидан, фақат, Эрик Брэдли ва жаноб Остин пайдо бўлган. Жаноб Норман иштирокисиз. Тўғри, компания иш юритувчиси жаноб Остин. Барча расмий ҳужжатларни у тузади. Шериклари ҳисобида қанча пул борлиги ҳам, уларни қаердан олишни ҳам у билади, негаки, уларни ўзи назорат қилади. Дейлик, ўша алкимёгар жаноб Остин қиёфасида унинг хотираларига ҳам эга бўлиб, компания пулларини Италиядаги бир авлоди номига найранг билан ўтказиб юборди. Бироқ Эрик Брэдлиннинг Миллий банкдаги “Коннорлар савдо бирлашмаси” компаниясига тегишли бўлган ҳисоб рақамларидан хабари йўқ эди. Яъни иш усиз ҳам битарди. У шунчаки, оламон юрагига кўрқув солишни кўзлаган. Атайин соқчи ёнидан ўтаётганида унга хунук жилмайган. Хўш, алкимёгар нега жаноб Норман қиёфасига ҳам кирмади? Унинг ўлганини барча биларди. Одамлар яна ҳам кўрқишган бўларди... Негаки, жаноб Норман ростдан ҳам ўлган. Эрик Брэдли ҳамда жаноб Остин иккисига келсак, уларнинг ўлимига тўлиқ гувоҳ бўлган одам йўқ. Эрик Брэдли кемада ўлиб, кўзгудан унинг қиёфасида ўша жодугар чиқиб келмаган. Назаримда, Эрик Брэдли кемага чиқишдан олдин бир жасадни ўзи билан олволган.

– Жасадни қандай қилиб кемага олиб чиққан? – сўради жаноб вазир.

– Қутида! – бирдан кичкириб юборди Робсон.

– Тинчланинг, Робс! – деразадан ташқарига аланглади Ҳаркер. Робсон дарҳол жим бўлди. – Тўғри, жасадни, фақат, қутигагина яшириш мумкин эди. Кўзгу одам бўйидек келади. Ўйлашимча, қути баландлиги кўзгу остига одам сиғадиган даражада бўлган. Кема капитани Брэдлини ортиқча тинтиб ўтирмаган. Капитан жаноб Коннорни жуда ҳурмат қиларди. Эҳтимол, Брэдли унга жаноб Коннор билан таништириб қўйишини ваъда қилган. Қисқаси, капитан Брэдлига хушомадгўй бўлган. Йўлда тунларнинг бирида Брэдли ўзини босинқираганга солади. Кема бандаргоҳга кириб келганида қутидаги жасад шкафдан ўрин олади. Брэдли қаютасини бир кун давомида божхона текшируви туфайли ҳеч ким текширмаслигига ақли етган. Кўзгуни олиб, кемадан тушган. Жейсон Коннор шундай машҳур ва ҳурматли одамки, ҳатто божхона ходимлари ҳам уни яхши текширмай тушириб юборишган.

Хулоса шуки, мен Эрик Брэдли бошқа компания раҳбарлари ҳомийлигида

“Коннорлар савдо бирлашмаси”ни инқирозга дучор этмокчи, деб ўйлаган эдим. Энди кўрдикки, у жаноб Остин билан компания пулларини ўзлаштиришни ният қилган экан. Унинг вазифаси шу бўлган. Бурчини адо этди, энди ўша ўттиз беш миллиондан, тахминан, юз ёки икки юз мингини унга хизмати учун беришади. Сўнг у оиласи билан бу ердан ғойиб бўлади. Қисқаси, оиласи атрофидаги қопқонда турган полициячилар учун ўзларини кўрсатадиган пайт келди.

Жаноб Остин ўлими ҳақида сал кейинроқ гаплашамиз. Баъзи нарсаларни текширишим керак. Кейин унинг сохта ўлимини ҳам тушунтириб бераман.

– Бредли кўлимиздан чиқиб кетмаслиги керак. Робс, одамларингиз ишончлими?

– Албатта, жаноб вазир.

– Остин-чи? Унинг боласи кўлимизда-ку! У орқали отасини топиб олишимиз мумкин.

– Бу билан рақибларимизни чўчитиб қўямиз, – эътироз билдирди Ҳаркер. – Бизда етарлича далиллар йўқ. Айбловимизни асослай олмаймиз. Ёш Остин кўлимиздан балиқ мисол сирғалиб чиқиб кетади. Эҳтимол, отаси учун у ҳеч қандай аҳамият касб этмас. Йўқ, қулай фурсат келмагунча, тахминларимизни уларга билдирмаслигимиз керак.

– Нима, бори шуми?

– Биламан, жаноб вазир, сиз мендан кўп нарсани эшитмокчи эдингиз. Бирок ҳозир биринчи навбатда Ташқи ишлар вазири билан учрашишингиз керак бўлади. Керакли ҳужжатлар Италияга кетгани билан жаноб Коннор компанияси пуллари ҳали шу ерда. Ташқи ишлар вазири Италиядаги ишончли одамига хабар йўллаб, Италия ҳукуматига катта жиноий иш кетаётганлигини хабар қилишсин. Ўша номаълум италяннинг ҳисобига тушадиган пуллар музлатиб турилсин. У жаноб Остиннинг ишончли одами эканлиги аниқ. Йўқса, шунча пулни унинг номига ўтказиб юбормаган бўларди. Ахир, ўша номаълум италян жаноб Остиннинг ўзини чув тушириб кетиши ҳам мумкин. Пулни бўлишишни истамаса, Остин энди расман ўлганлиги учун қонунан ҳеч нарса қила олмайди. Демак, у жуда-жуда ишончли одам.

Италия ҳукумати билан боғланиб, муаммони тушунтиришнинг иложи борми?

– Билмадим, қийин иш. Аммо уриниб кўрамиз. Сиз эса, Ҳаркер, имкон қадар тезроқ натижага эришишга ҳаракат қилинг. Акциялар тушиши бошқа қимматли қоғозларга ҳам таъсирини ўтказмокда. Бу кетишда иқтисодий тангликка учраймиз.

Бойл хоним жасади

Жаноб вазир йўлда тушиб, ортидан келаётган ўз фойтунига ўтирди ва Ташқи ишлар вазири ҳузурига йўл олди. Икки инспектор бўлса, маҳкамага боришди. Уларни доктор Бэнкс хушхабар билан кутиб олди.

– Бу ерга, жентльменлар, лабораторияга киришлар, – доктор иш столидаги ювиниш тузини текшираётган экан. – Йигитлар жаноб Норман уйдаги ювиниш тузини олиб келишди. Унга мен биринчи бор кўраётган кукун қўшилган экан. Энг қизиғи, бундай элемент ҳали фанда аниқланмаган. Бу янги элемент ёки бизга маълум элементларнинг кимёвий жараёнга киришишлари ҳосили бўлиши ҳам мумкин. Бирок ҳозирча унинг хусусиятини аниқлай олмаяпман. Унинг ёрдамида Эрик Бредли қўллаган қуйдиришларни амалга оширмокчи бўлдим, аммо уддалай олмадим. Жаноб Норман устига шампан виноси тўкилган эди. Буни ҳам текшириб кўрдим, аммо натижаси бўлмади. Эҳтимол, саъй-ҳаракатларимиз, ахийри, биз кутган жавобни чиқариб берар.

– Йигитлар бошқа нарсани аниқлашмаптими? Кучер Уильям ўша куни ҳам хўжайини жаноб Норманга совға олиб борганини айтганди.

– Ҳа-я, уми? Ўшанда жаноб Остин зиёфат учун махсус тикилган либосларни олиб

борган экан. Жаноб Норман аслида, зиёфат учун ўзига-ўзи либос тайёрлаб қўйган, аммо дўстининг совғасини қадрлаб, зиёфатга ўша кийимларни кийиб борган.

– Демак, кийимлар!... – жилмайди Ҳаркер. – Мана кейинги оғу.

– Балки, билганларингизни менга ҳам айтиб берарсиз, – деди Робсон шеригининг хурсандлигидан унга нимадир аён бўлганини фахмлаб.

– Албатта, фақат, сал кейинроқ. Ҳозир эса йўқолган дайди билан шуғулланишимиз керак. Одамларингизни кутиб турамиз.

– Ҳа-я, – деди доктор, – сизларга яна бир расво хабарни айтмоқчи эдим. Кўзгу яна ғойиб бўлди.

– Нима!? – кичқирди Робсон. – Қандай қилиб?

– Уни кутида маҳкамага олиб келдик. Жаноб Остин уйда кутига солганимизда бус-бутун эди. Бироқ бу ерга келгач, қутини очиб, унинг йўқолганига шохид бўлдик. Ундан яна бир уюм кул қолибди.

Доктор кўзгудан қолган кул уюмини кўрсатди. Сўнг лабораториядан чиқиб, қабулхонадаги тўполон устидан чиқишди. Ўрта ёшлардаги бир одам тутақиб бақирарди:

– Бу ерда мияси бутун одам борми, ўзи? Рафиқам йўқолганига икки кун бўлди, сизлар бўлса иссиқ ўринларингизда ўтирипсизлар. Рафиқамни ўғирлаган одамни эса, касалхонада аллалаяпсизлар.

– Ўпкангизни босиб олинг, – жавоб қилди Уотфорд. – Ўша кучер оғир ярадор. У хотинингизни ўғирламаган. Ўзи бир ўлимдан қолипти. Бутун мамлакатни ташвиш тутиб турганида, сизнинг рафиқангизни излаш учун бир гуруҳ одамни жалб этганмиз. Қўлимиздан келганича ҳаракат қиляпмз.

– Ахир, у икки кундан буён йўқ. Унга нима бўлганини билмай ҳаловат тополмаяпман, – эркак ортиқ чидаб тура олмади. Бошини эгиб, қўллари билан юзини ёпганча, йиғлаб юборди. Ҳаркер ва Робсон тўғри ўша ерга боришди.

– Нима гап? – сўради Робсон.

– Сэр, бу киши шанба оқшомида келган эди, – жавоб қилди Уотфорд. – Шанба куни рафиқаси йўқолибти. Бироз ғалати иш. Кичик инспекторларимиздан бири бу иш билан шуғулланмоқда, балки тез орада топилиб қолар.

– Ишда бирон силжиш борми? Ахир, икки кун ўтиб кетибти.

– Баъзи маълумотлар... – чайналди Уотфорд. Робсон дарҳол унинг сўзини бўлди:

– Бу жанобни ва ўша ишга оид маълумотларни хонамга олиб киринг.

Икки инспектор Робсоннинг хонасига кирди. Бироз ўтиб Уотфорд бир неча варақ билан ўша одамни етаклаб кирди. Робсон саҳифаларни ўқимокчи бўлди-ю, ҳисоботлар чўзиқ тузилишини ўйлаб столга қўйди ва сўроқни бошлади:

– Мен инспектор Робс бўламан. Бу одам инспектор Ҳаркер. Бизга билганларингизни тўлиқ сўзлаб берсангиз.

– Мен Роберт Лоуриман. Рафиқам билан кичик уйимизда ёлғиз яшаймиз. Рафиқам “Пойтахт янгиликлари” газетасида ҳафтанинг олти куни эрталабки саккиздан кечки еттигача ишлайди. Ҳар доим соат етти яримда уйда бўларди. Биз уйга деярли баробар қайтамыз. Шанба куни у уйга келмади. Соат ўнгача кутиб ўтирдим, ҳеч қачон мени огоҳлантирмай, бирон ерга бормасди. Сўнг ишдаги дугонасининг уйига бордим. У рафиқамнинг ҳар доимгидек соат етти-ю бешда извошга ўтириб, кетганлигини айтди. Аммо извош биринчи муюлишдан тескари йўлга бурилиб кетган экан. Дугонаси бундан ҳайрон бўлипти, кейин рафиқамнинг бирон иши борлигини ҳаёл қилиб, бунга ортиқча эътибор бермапти. У извошнинг рақамини эслаб қолган экан. “Д-379”.

Рафиқамнинг йўқолгани дугонасини ҳам бефарқ қолдирмади. Эр-хотин полицияга мурожаат этишимни маслаҳат беришди. Ҳатто мен билан шу ерга келишди. Бир ёш инспектор кўрсатмамни ёзиб олиб, иш бошлади. Эрталаб шимолий хиёбондан ўша извошнинг ҳайдовчисини топишди. Унинг бошига

каттик нарса билан уришган экан. У кеча тунда шифохонада кўзини очиб, бир талай уйдирмаларни тўкиб-солди. Рафиқамни қидириш иши эса, тўхтаб қолди.

– Айтдим-ку, рафиқангизни ҳамон қидиришяпти деб, – унинг сўзини бўлди Уотфорд. – Кучер ҳам ёлғон гапираётганга ўхшамаяпти. У ўзини кечки соат олти яримларда икки одам тўхтатганини, хиёбонга етишгач, бошига уриб кетишганини гапириб берди. Шундай совукда эрталабгача беҳуш ётган. Ўлиб қолмагани бир мўъжиза. Бошидаги жароҳат оғир эмас, аммо совукдан қўл-оёғи ишламай қолган. Билганларини ҳам кеча базўр сўзлаб берди.

– Номингизга товон пули сўраб мактуб юборишмадими? – сўради Робсон жаноб Лоуридан.

– Йўқ, сэр. Айтишим мумкинки, мен бадавлат одам эмасман. Кимдир рафиқамни қасдан ўғирлаб, мендан катта пул ундира олмайди.

– Эҳтимол, рафиқангизнинг бирон душмани бордир? Балки, биронтасини танқидий мақола билан бошлаб пўстагини қоққандир?

– Унинг душмани борлигини ҳеч қачон эшитмаганман, сезмаганман ҳам.

– Рафиқангизнинг белгиларини ёзиб олишдими?

– Ҳа, келган кунимоқ, – жаноб Лоури кўзига ёш олди. – Биласизми, биз ўн икки йил тирноққа зор бўлиб ўтдик. Кўплаб шифокорларга учрашдик. Ва яқинда рафиқам ҳомиладор бўлган эди. Эндигина бахтли бўламиз, деб ўйлаётган эдик. Бошимизда шу кулфат ҳам бор экан.

– Сиз нима, дейсиз, Ҳаркер? – бироз ўйлаб олгач, сўради Робсон.

– Билмадим, жуда чигал иш. Аниқроғи, бизда бирон чиқиш эшиги йўқ. Одам ўғирлаш олдинлари ҳам бўлган: кимдир қасос олишни ёки товон пули олишни кўзлаб шундай қилган. Назаримда, кимга мурожаат этишимни биламан. Олдиндан бирон нимани ваъда қила олмайману, ҳарҳолда ўша одам жиноят оламида нималар бўлаётганлигини билиб юради.

– Мабодо, эски ошнангиз Стефан Томсонни назарда тутмаябсизми?

– Худди ўзи. Унга телеграмма юбормоқчи бўлиб тургандим. Кўзгу борасида топширигим бор эди. Энди жаноб Лоурининг рафиқаси ҳақида ҳам изланиш олиб боради.

– Илтимос, жаноб, – Ҳаркернинг қўлига ёпишди жаноб Лоури, – ўша одамга тезроқ хабар юборинг!

– Албатта.

Ҳаркер ташқарига чиқиб кетди. Робсон Уотфордга Лоури хонимни топиш учун керак бўлса, яна бир неча одамни жалб этишни тайинлади. Ҳаркер телеграммани жўнатиб, маҳкамага қайтди. У Қ... мавзеси ва унинг атрофига кетган одамлардан хабар кутарди. Маҳкамада эса кутилмаган хабарга дуч келди. Робсон шошилганча ҳовлига чиққанди. Ҳаркерни кўриб, фойтун томон имлади.

– Ҳаркер, ҳозиргина хабар қилишди: компания яна бир раҳбари Элиссон Бойл вафот этипти. У ҳам куйиб, кул бўлган.

Ўн дақиқага қолмай янги қурбон уйига етиб келишди. Робсон бу гал ўзларидан олдин етиб келиб, воқеа жойини суратга туширишга улгурган журналистларга ҳеч нима демади. Уй кичикроқ ва шинамгина эди. Бироқ уй соҳибаси дидли аёллигини исботловчи далил сифатида мўъжаз хоналарга файз бериб турган жиҳозларни кўриш мумкин. Хобхона саришга. Нақш туширилган диван, шкаф ва бошқа жиҳозлар билан хона тўлиб қолганди. Деразага яқин ерда чириган аёл жасади ётар, ёнида кул уюми бор. Қўшни хонада навбатчи полисмен кексароқ аёлни овутиб ўтирарди. Бу аёл Бойл хонимнинг хизматкори бўлиб, жасадни биринчи бўлиб кўрганди. Доктор Бэнкс жасадни текшираётганида икки инспектор ўша хизматкорни саволга тутишди. Аёл тутилиб бўлса-да, билганларини гапириб берди.

– Кеча уйга кетаётганимда Бойл хонимнинг аҳволи яхши эди. Хонасида ҳам ана у кул уюми йўқ эди. Одамлар уни... Ўша кўзгунинг кули, дейишмоқда.

Бугунга режалаштирган ишларим бор эди. Бойл хоним кеча, “Эртага тушдан сўнг келишингиз мумкин”, деганди. Эртароқ келишга ҳаракат қилдим ва уйга келиб... Ё, Худойим, бу ҳақиқий дахшатнинг ўзгинаси. Кечагина тирик эди.

– Бошқа гувоҳлар йўқми? – сўради Ҳаркер. – Мархуманинг оиласи қаерда?

– Ҳаркер, – деди Робсон, – сиз ҳақиқатдан ҳам рўзномаларни кам ўқийсиз. Бойл хоним кўпдан ёлғиз яшайди. Соҳибжамоллиги боис, бир бадавлат инсоннинг рафиқаси бўлганди. Аммо етти йиллик турмуш ичида улар фарзандли бўлишмади. Кейинроқ тиббиёт ходимлари Бойл хонимнинг бепуштлигини айтишган. Шундан сўнг эри уни шармандаларча қувиб солган. Ўшанда бу роса шов-шув бўлиб кетганди.

– Бу ҳақиқат, – орага қўшилди хизматкор аёл. – Уйнинг ягона хизматкори менман. Эрталаб олтидан кечки соат тўққизгача шу ерда бўламан. Қўшни бола ўтин ва керакли нарсаларни олиб келади.

Инспекторлар хобхонага киришди. Қидирув чоғи шубҳали буюмлар топилмади. Доктор ҳам тезда текширувни тугатди. Сўнг барча хонадан чиқарилиб, учовлон қолишди. Доктор стулга, ҳориган инспекторлар диванга ўтиришди.

– Жасад янги ва аввалгилари билан мутлақ ўхшаш. Бошқа ҳеч нарса қўшимча қила олмайман, – деди доктор. – Биласизларми, энди нима деб ёзишади. “Бойл хоним жаноб Остиндан олдин вафот этган. Кўзгу олдин бу ерда пайдо бўлган, сўнг жаноб Остинни қурбон қилган”, дейишади.

– Бунинг менга умуман қизиғи йўқ, – деди Робсон. Доктор нарсаларини йиғиштириб, хонадан чиқиб кетгач, Ҳаркерга юзланди. – Ҳаркер, улар банкни тунаб бўлишди. Бойл хонимнинг ўлимидан нима манфаат топишди, деб ўйлайсиз?

– Мен ҳам шуни ўйлаяпман. Уларга бу ўлим нега керак бўлиб қолди? Эҳтимол, жасадларни кўпайтириб, бизни чалғитишмоқчидир? Балки, компания раҳбарларининг барини ўлдиришар? Шу вақтгача неки содир бўлса, бир-бирига мантиқан боғланаётган эди. Бироқ энди... Очиғи, билмадим. Навбатдаги қадамларини кутишимизга тўғри келади. Ҳозир эса Томсон билан учрашим керак. Ўрнингиздан турунг, Робс! Бизга далиллар керак, далиллар!

Жиноятчи билан суҳбат

Доктор Бэнкс жасад ва кул билан маҳкамага қайтди. Икки инспектор извош тўхтатишди. Ҳаркер чекка мавзелардан бирининг номини айтди. Манзилга етишгач, жойига мос қовоқхонага киришди. Одам анча гавжум эди. Ҳаркер индамай қовоқхоначи ёнига ўтиб кетди. Робсон эса ўзига ёвқараш қилаётган бир неча барзангига алоҳида эътибор қаратди. Ўнг қўлини кўйнига суқиб, тўппончаси кўндоғини маҳкам ушлаб олди. Ҳаркер майхоначидан керакли гапни эшитиб олгач, унинг ёнига келди. Робсон Ҳаркерни секин туртиб, пичирлади:

– Роса расво жойларга келиб қолдик, шекилли. Ана у барзангилар, афтидан, бегоналарни ёқтиришмайди.

– Ҳадиксирашни тўхтатинг, Робс. Акс ҳолда бизга асаларидек ёпишиб олишади. Томсон ҳабаримни олиб, бизни юқорида кутаётган экан.

Улар ғичирлаган зинадан кўтарилишди ва қоронғи хонага киришди. Шу заҳоти овоз эшитилди:

– Ҳаркер, ёлғиз келасан, деб ўйлаган эдим. Нима эсингни едингми? Полиция билан алоқам яхши эмаслигини билардинг-ку.

Ҳаркер Робсонга ўтиришга ишора қилиб, ўзи ҳам унинг ёнидан жой олди. Уларнинг кўзи секин-аста қоронғиликка мослашди, столнинг у бошида деворга орқа қилиб ўтирган шарпани илғашди.

– Робс сенга бегона эмас.

– Албатта. Ўтган йили сал қолса қамоққа жойлаб қўярди.

– Эски танишлигимиз ҳурмати қочиб кетишинга имкон бергандим, – деди Робсон. – Бунга ҳали ҳам афсусланаман.

– Ўтган ишга саловат, – деди Ҳаркер. – Менга тезкор ва ишончли маълумот йиғиш хусусиятинг муҳим.

– Яна биронтасининг йўқолган боласини қидирябсанми?

– Йўқ. Бир аёлни. Уни шанба оқшоми ўғирлаб кетишган. Тўлик маълумотлар бу ерда, – Ҳаркер бир қоғозни унга берди.

Томсон гугурт чақиб, унинг нурида саҳифани ўқиб чиқди. Ҳаркер бир рўзномани ҳам Томсон олдига ташлади. Ундаги кўзгу суратини кўриб Томсоннинг юзи буришди.

– Ўзим ҳам асосий дардинг шу бўлса керак, деб ўйлаётган эдим. Жек!.. – қичқирди Томсон. Хонага бир йигит кириб келди. – Лаънати, мени музлатиб ўлдирмоқчимисан? Каминда чўғ ҳам қолмади. Тезда ўтин олиб кел! Мана буни эса йигитларга бер. Шанба оқшоми кимлар овга чиққанлигини аниқлашсин... Хўш, яна ёлғизмиз ва яна кўзгуга қайтамиз, азизлар. Ҳамма сеҳр-жоду ҳақида гапиряпти, бироқ мен бунга ишонмайман ва бундай найрангни ким қилаётганлигини билмайман. Бу борада ёрдам бера олмасам керак.

– Буни ким қилаётганлигини ўзимиз биламиз.

– Наҳотки? Унда мендан нима истайсизлар?

– Кўзгу ромига эътибор бер. XVI аср Италия наққошлиги. Бу ҳақда етарлича биладиган, қалбаки буюмларни дўндириб ясайдиган одамни топишинг керак. У яқин бир йил ичида ё мамлакатни тарк этган, ё қутилмаган фалокатдан ўлиб қолган бўлса керак. Наққош кимлигини билсак, бу нимагадир эшик очиб беради.

– Ҳеч нима ёдингдан чиқмадимми?

– Ҳа-я, – Ҳаркер ёнидан йигирма наталлик бешта олтин танга чиқариб, столга ташлади.

– Ҳаркер, ўзингдан кетма. Бу билан итга суяк ташладим, деб ўйлаябсанми?

– Пул керак бўлса, ана ол! Қолган ярмини ишни тугатиб оласан.

– Нима қилябсиз, Ҳаркер? – деди Робсон. – Унинг ўзи икки юз наталга арзимади. Уни шундоқ ҳам текинга мажбурлаб ишлатаман.

– Жиғига тегсангиз, фойдаси тегмайди. Йўқолган пойабзалингиз топилгунча, итнинг бошини силашингизга тўғри келади.

– Ҳаркер, ҳозирок овозингни ўчир, – ўрнидан турди Томсон. – Йўқса, тилингни кесиб, итга ташлайман.

Ҳаркер бунга эътибор бермай ўрнидан турди ва енгил таъзим қилди.

– Кўришгунча, Томсон. Мени қаердан топишни биласан.

– Ташқарида ана у мишқини кўрсанглар, тезроқ бу ерга келишини айтиб юборинглар!

Ғойиб бўлган пиёниста

Икковлон яна маҳкамага қайтишди. Йўл-йўлакай ресторанда тушлик қилишди. Маҳкамада уларни янги хабар кутиб олди. Энг чекка ғарбий мавзеда бир кўли қалтироқ пиёниста ғойиб бўлганди. У ерга соат тўртларда етиб боришди. Навбатчи полисмен уларни бир барга бошлаб кирди. Бармен ва кексароқ пиёниста кичик хонада ўтиришарди.

– Бу ер сизга қарашлими? – саволларини бошлади Ҳаркер барменга қараб.

– Йўқ. Мен барменман, холос.

– Назаримда, бир мижозингиз айна дамда ҳеч қаерда йўқ. Асосий белгиси ўнг кўли қалтирайди.

– Унинг исми Френк. Мана бу унинг кадрдон дўсти Реймонд. Улар деярли ҳар куни шу ерда. Баъзан икки-уч кун келмай ҳам қолади. Балки у ғойиб бўлмагандир?

Бирон ерда букчайиб, кайфи таркашини кутиб ётгандир? Аммо кеча уни бир хурматли жаноб олиб кетганди.

– Ўша одам мана бу суратдаги одамга ўхшармиди? – жаноб Остиннинг суратини чиқарди Ҳаркер.

– Йўк. Унинг қалин соқол-мўйлови бор эди. Биз унинг исмини билмасдик. Кийими ва ўзини тутишидан кибор одамлиги билиниб турарди, холос. Бизга одатда бундай нозик меҳмонлар келмайди. Лекин у одам бир ойдан ошиқ вақт мобайнида бу ерга келиб турди. Асосан Френк ва мана бу пиёниста билан отамлашарди. Уларни ўз ҳисобидан меҳмон қиларди. Умуман олганда, унинг бу ерда нима қилиб юргани кўпчиликка қизиқ эди-ю, сўраш нокулай бўлди-да. Ҳафтада икки-уч бор келарди. Жуда батартиб одам эди. Келишилган вақтдан бир сония кечикмасди.

Кеча Френк ва Реймонд иккиси туш вақтида келиб, ўша танишлари келишини айтишди. У яна белгиланган вақтда келди ва бир шиша бренди билан ошналари ёнига ўтирди. Кўп ўтмай Френк иккиси чиқиб кетишди. Реймонд эса столга бағрини бериб ётарди. У шу билан кечкурун кўзини очди.

– Бирон нима ёдингизда борми? – Ҳаркер энди пиёнистага юзланди. – Ўша одам ҳақида нималарни биласиз?

Пиёнистанинг кўзлари сузилиб турарди. Унинг оқ оралаган сочлари сийрак, тишлари оз эди. Яқин борилмаса ҳам, шароб ҳиди анқирди. У Ҳаркерга авлиёга қарагандек жилмайиб боқди.

– Хурматли жаноб, марҳамат қилиб фидойи фуқаро эканлигимни исботлашим учун қиролича зоти олияларининг соғлигига қадаҳ кўтаришимга садақа қилсангиз.

– Оғайни, қироличанинг ўлганига кўп бўлди. Яхшилаб ичсанг, ўзи билан қадаҳ уриштириб, қандай фуқаро эканлигингни кўрсатасан.

– У ҳолда зоти олияларининг руҳи шод бўлиши учун қадаҳ кўтаришимга садақа қилсангиз, зеро, фуқаролари ибодатисиз у киши гуноҳларидан осон фориғ бўлолмайди.

– Яхши, саволларимизга жавоб қил. Кейин кўлингга бир шиша бериб, руҳонийни ҳам чақириб берамиз. Кеча дўстингни етаклаб кетган одамни танийсанми? У ким эди?

– У ҳақиқий авлиё эди. Рим папаси ҳам унинг ёнида ип эшолмайди. Худо ҳақи, шунча вақт отам қилмаган яхшиликларни қилди. Ҳар доим ваъда қилган куни ўз вақтида келарди. Кейин тўйгунимизча ичардик. Қанийди, қирол ўлганидан кейин ўша одам тахтга ўтирса.

– Нима ҳам дердим, доимо орзуйингга етиб юр. Энди диққатингни жамла-да, кеча нималар бўлганини айтиб бер!

Пиёниста бир зум жим турди-да, тилга кирди.

* * *

Бир кун муқаддам

Бу одамнинг кимлигини мавзеда ҳеч ким билмасди. Кўпчилик уни хурматли жаноб, деб атарди. Бу ерда зодагонлар кам топилади. Борлари ҳам сарой оғилхонасидан баттар бўлган бу барга қадам босмасди. Унинг пайдо бўлганига бир ойдан ошган. Ҳар доим бир хил кийимда келади: жигарранг пальто, жигарранг этик ҳамда шундай рангдаги цилиндрсимон шляпа. Исмини билишмаса-да, кибор жаноблардан ва батартиб одам эканлигини билишади. У бугун ҳам тайинланган вақтдан кечикмай келди. Қорни ғарч-ғурч босиб, барга салобат билан кирди. Уни кўриб барменнинг чиройи очилди.

– Хуш келибсиз, жаноб... Шерикларингизми? Ана у ерда ўтиришипти. Шоввозлар сизни анчадан буён томоқлари тақиллаб кутишяпти... Мана сўраганингиз бренди.

Хурматли жаноб шишани кўтарганча, икки пиёниста томон йўл олди. Улар танишларини қучоқлагудек бўлиб ўриндан туришди.

– Сиздек батартиб одамни умрим бино бўлиб кўрмаганман, – брендидан кўз узмаганча ялтоқланди Реймонд. Шу заҳоти яқин столдагилардан бири мазах қилди:

– Йил ўн икки ой бар остонасида итдек ётганингдан кейин бош вазирни учратармидинг?

– Ўчир овозингни, Конол... О, жаноб, сизни қанчалар интиқ бўлиб кутдик, – Френкнинг томоғи қуриб, ютина олмай ҳам қолди. У тинмай чап қўли билан қалтироқ ўнг қўлини силарди.

Хурматли жаноб эса ҳар доимги жилмайиши билан шиша оғзини секин очди ва, фақат, Реймондга қуйиб берди. Реймонд шериги Френкнинг кўзини куйдириб қадахни тезда кўтариб юборди. Яна унинг қадахи тўлди. Френк мислсиз азобга базўр чидади. У жилмайишга уринарди-ю, юзи бўзариб кетганди. Еттинчи қадахдан сўнг чидай олмади. Шиша ҳам охираб қолганди.

– О, жаноб, мени қандай азобга гирифторм эъясиз!? Папа ҳазратлари танамни ўтда куйдирса ҳам, рози эдим, фақат, қўлингиздан бир қадах ичсам бўлгани.

Хурматли жаноб столга ётиб қолган Реймондга мамнуният билан боқди.

– Френк, дўстингга ҳавас қилма.

– Нега? Ахир, уни Худойимнинг ўзи сийлаяпти-ку.

– Сенга бир топшириқ бор, – ниҳоят унинг ҳам қадахига бренди қултиллаб қуйила бошлади. Пиёнистанинг мадори қуриди. – Агар уни бажарсанг, умринг охиригача шаробга бўкиб яшайсан.

Кишига онаси ҳам бундай ёқимли бўлиб кўринмаса керак. Пиёниста қадахни ҳузур билан бўшатди. Аммо бахтли онлар тезда тугаб қолгандек эди. Френк навбатдаги илтифотдан умидвор бўлиб мунгли тикиларди.

– Сизга хизмат қилиш, руҳонийга тавба қилиб покланишдан ҳам афзал. Нима қилишимни истайсиз?

– Биринчидан, кечгача ичмайсан. Иккинчидан, ҳозироқ бу ердан кетамиз. Қолганини йўл-йўлакай айтаман... Қўй ўша брендини! Кечгача сабр қил ва кейин сен учун нури кунлар бошланади... Дўстингми? У ҳам шу ерда қолсин. Бизнинг нозик ишимизда унга ўрин йўқ. У сенга ўхшаган шоввоз эмас.

Френк шиша ёнида қолаётгани учун дўстига ҳасад билан боққанча, юрагининг бир парчасини ташлаб, хурматли жаноб ортидан ташқари чиқди.

* * *

Бир кундан сўнг

– Бори шу, сэр, – деди Реймонд. – Улар мени ухлаб қолди, деб ўйлашган эди. Аммо туриб кетгунларича, ҳаммасини эшитиб ётдим. Оҳ, билсайдингиз, Френкни қанчалар лаънатлаганимни. Ўз дўстим мени ташлаб, шундай бахтга эришиш учун кетди-я. Ўрнимдан туриб, ортларидан кетардиму, бошимни кўтара олмай қолгандим. Ҳеч қачон кўрмаган онам ҳақи онт ичиб айтаманки, ўша пайт мархума хотинимнинг супургиси ҳам ўрнимдан турғаза олмасди.

– Ҳа, кеча тунда дўстинг ўз бахтини топгани, шубҳасиз. Агар у дунёда ҳаммага ўзи орзу қилган ҳаёт берилса, дўстинг шароб қўлида чўмилиб юргандир.

– Нима, Френк ўлдими? – сўради бармен.

– Ўлим сўзи у кўрган даҳшатдан анча чиройли эшитилади. Афсуски, сирли мижозингни энди ҳеч қачон кўра олмайсан. Мана бунисига куйинсанг бўлади.

– Уни ҳибсга оласизми?

– Кўп билсанг, сен ҳам ёнида ўтириб қолишингга тўғри келади...

– Биз жаноб Остиннинг кучери бўлган Қ... мавзесидаги барда ҳам бўлдик, – деди навбатчи кўчага чиқишгач. – У ердагилар кучернинг сўзини тасдиқлашди. У анча вақт бир ўзи ичиб ўтирган. Сўнг ёнига икки одам келган. Бирининг пальтоси, этиги ва шляпаси жигарранг тусда бўлган. Кўринишидан кибор жаноблардек салобат билан қадам ташлаган. Фақат, унинг соқол-мўйлови бўлмаган. Ёнида

яхши кийинган бўлса-да, ўзини тутишидан оддий, содда кекса бўлган. Улар келгач, кучер ўзини билмас даражада маст бўлиб қолган. Сўнг уни фойтунга ортиб, у ердан кетишган. Шу ерга яқин ҳаммом эгаси ҳам пиёниста Френкни кеча ўша одам билан кўрган. Улар бардан чиқиб, тўғри ўша ерга борган бўлишса керак. Ҳаммом эгаси Френкни таниркан. Аммо икки-уч ойда бир бор келарди, деб айтди. Кеча кетаётганида увадаларини ахлат кутисига ташлаб, шериги олиб келган янги либосларни кийиб олган. Сўнг уларни сартарошхонада кўришган.

– Яхши, у холда сартарошхонага йўл оламиз.

Сартарошхона ҳам оддий эди. Бош уста ва икки ёрдамчидан иборат бўлиб, жиҳозлар ҳам жуда одми. Бош уста Френкни дарҳол эслади.

– Бунга ажабланманглар. Мавземиз анча сокин ҳисобланади. Бу ерда кутилмаган воқеалар кам бўлади ва ўтган кун ана шундай ҳеч бир кутилмаган воқеа билан ёдда қоладиган бўлди.

Ўша пиёнистани жуда яхши танийман. Ҳамма уни Френк, деб атайди. У одатда барда бир дўсти билан ичиб ўтиради. Ўчиб қолгач, бармен бошқа пиёнисталар қатори уларни ҳам четга ёки орқа эшик билан чиқилувчи тор ифлос кўчага чиқариб кўяди. Ахир, столни тозалаш керак-ку. Хушига келгач, кўчага чиқиб остонанинг ўзидаёқ тиланчилик қилишади. Аллақачон вафот этган қиролича соғлиғи учун қадаҳ кўтаришига ёрдам сўрашади. Ўша итга бир неча маротаба, азбаройи, фақат, ачинганимдан танга улоқтирганман. Ўша заҳоти умримга умр кўшилишини тилаб, отаси қилмаган яхшиликни қилганимни айтарди.

Кеча эса у бир жаноб билан кириб келди ва сочини олишимни буюриб, пулни полга улоқтирди. Ит кутирса, эгасини қопади, деб шуни айтишса керак-да. Шериги унинг сочини ўзиникидек калталашимни илтимос қилиб, Френкнинг қилиғи учун узр сўради. Негаки, менинг жуда жаҳлим чиққан эди. Сўнг улар кетишди... Ўнг қўли қалтирармиди, дейсизми? Хумор тутганида текис йўлда ҳам бир неча ярдгача ўмболоқ ошиб бориши мумкин. Қўли шундай қалтирайдики, калитни бериб, эшигингизни очиб беришини сўрасангиз, тунни остонангизда ўтириб ўтказасиз. Аммо ярим шиша ичиб олса, дорбознинг ўзи бўлади қолади. Қўлига пат-қалам берсангиз, ноширу энг моҳир котибларни ҳам ҳасаддан ўлдирадиган хусниҳат билан ёзади... Нега уни суриштириб қолдинглар?.. Ҳа, ундай бўлса билмаганим маъкул. Кўришгунча, жаноблар.

– Мана, Робс, – деди Ҳаркер фойтунга чиқишгач, – энди икки қотилликни ишонч билан изоҳлай оламиз. Ҳа-ҳа, сиз нотўғри эшитмадингиз, бу ҳақиқий қасддан уюштирилган қотиллик. Буни жаноб вазир иккингизга жон-жон, деб кечки овқат маҳали айтиб бераман. Ҳозир менинг кулбамга борамиз. Сиз иккита телеграмма ёзинг! Бири маҳкамага: нимадир бўлгудек бўлса, менинг уйимга хабар йўллашлари учун. Иккинчисини жаноб вазирга жўнатишларини сўранг. Тезда етиб келсин... Ундай қараманг. Кимдир ўлиб қолса, уйимда ўтирдик нима, маҳкамада бўлдик нима? Мен жуда чарчадим. Бу ишлардан бошимни озроқ чалғитмасам бўлмайди.

Дастлабки ишончли қадам

Улар йўл-йўлакай телеграмма жўнатишди. Шомда Дауглишлар хонадонига етиб боришди. Ҳаркер ошпаз аёлга уч кишилик таомни ўз хонасига олиб киришини айтди. Робсонни ўз хонасига бошлаб, қизидан бирров хабар олди, сўнг трубкасини тутатганча, камин ёнига ўтирди. Беш дақиқа ўтмай, Дауглиш хоним эшикни жаҳл билан очиб, кириб келди.

– Жаноб Ҳаркер, бу сафар ҳаддингиздан буткул ошиб кетдингиз... Сизни яна кўриб турганимдан хурсандман, инспектор. Марҳамат қилиб, меҳмонхонамизга кирсангиз. Хизматкорларимиз дастурхонни тузаб бўлишди.

– Дауглиш хоним, эркаклар хонасига кириш олдидан эшикни тақиллатиш керак,

– пинак бузмай трубкасини чекишда давом этди Ҳаркер.

– Одам деган ҳам эски дўстини шу ерда кутиб оладими?

– Ўзингиз айтгандек, жуда эски дўст.

– Бас қилинг! Мен бунга йўл қўймайман. Сизнинг дидсизлигингизга ортик чидай олмайман. Ошпазга уч кишилик овқат тайёрлашни буюрибсиз. Кейинги меҳмонингиз ким эди? Ишқилиб...

– Тўғри топдингиз: жаноб вазир.

– Нима!? – Дауглиш хоним жаҳли чиққанидан оғзи очилганча гапира олмай қолди. – Жаноб вазирни шу оғилхонада кутиб олмоқчи бўлдингизми? Нима, бизни элга шарманда қилмоқчимисиз?

Ҳаркер қўлларини ёзиб, елка қисиб қўйди.

– Ҳозирок ўрнингиздан туринг!.. Илтимос, инспектор, мен билан юрсангиз! Афсуски, турмуш ўртоғим хизмат юзасидан Африкага кетган эди. Аммо акам бугун меҳмон бўлиб келганди. Сизларни зериктириб қўймаймиз. Сизлардек азиз меҳмонлар ҳар куни ҳам кела бермайди. Жаноб Ҳаркер ақл бобида беназир, аммо нозик ишларда ҳеч балога ярамайди. Акс ҳолда сизни шу ерга бошлаб кирармиди? Илтимос, бизни маъзур тутинг!

– Хижолат тортманг, хоним. Умуман олганда, бизга шу ер ҳам бўлаверади.

– О, йўк, инспектор, сиз ҳам юрагимга наштар санчманг!

Дауглиш хоним уларни қўярд-қўймай ўз уйига бошлаб кирди. Унинг акаси ўқимишли, зиёли инсон эди. Жаноб вазир келгунга қадар дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтиришди. Сўнгги меҳмон узоқ куттириб қўймади. Тановулдан сўнг улар Дауглиш хонимга қайта-қайта миннатдорлик билдириб, ёлғиз қолишларини сўрашди. Бека буни тўғри тушуниб, уларни кўшни хонада қаҳва кутиб турганлигини айтди. Ўзи акаси билан бошқа хонага ўтиб кетди.

– Хўш, Ҳаркер, нималарни аниқладингиз? – ёлғиз қолишлари билан сабри чидамаган вазир тилга кирди. – Мен Ташқи ишлар вазири билан учрашиб, италиялик танишларимизга керакли хабарни етказишини келишиб олдим. Бирок биз жиноятни тўлиқ очишимиз керак. Етарлича далил билан. Йўқса, мамлакат хонавайрон бўлади. Минглаб одамлар пулларига куйиб қолишади, мени ҳам вазифамдан четлаштиришади.

– Қисқа қиламан. Хуллас, катта эҳтимол билан айта оламанки, Эрик Брэдли жаноб Остин ва (агар бўлса) унинг ҳамтавоқларига режани пишитиб берган. Эвазига унга мўмай пул ваъда қилинган.

Эрик Брэдли ўз ихтиросини ўтган йили амалга оширган бўлса керак. У биринчи қурбони этиб юзига шапалоқ туширган қўшнисини танлаган. Назаримда, йўқолган ит ва мушуклар иши ҳам, айнан, унга тегишли бўлган. Брэдли уй хайвонларидан тажриба сифатида фойдаланган. Одам танасидаги биринчи синов қўшнисида ўтган. Шундан сўнг у пойтахтга келиб, ўзига ҳомий излаган. Унинг ихтироси жаноб Остинни қизиқтириб қолган. Шунинг учун ҳам жаноб Остин унга компания мутасаддилари Мисрга саёҳат қилиши учун пул ажратишига ҳаракат қилган. Уларга кўзгу ҳақидаги афсонани ким тўқиб бергани менга номаълум. Эҳтимол, бу ҳам Брэдлининг ақлига келгандир? Ҳа-а, бу ишонни университетдан хайдаб, каландимоғ профессорлар катта хато қилишган. Ўз вақтида унга яхши эътибор қаратилганда борми, ундан жуда яхши олим етишиб чиққан, ихтиролари мамлакат равнақи учун ишлаган бўларди.

Қисқаси, афсонага монанд кўзгулар керак эди... Адашмадинглар, кўзгулар! У ҳеч қачон битта бўлмаган. Унинг нечта нусхада ясалганини Томсон орқали билиб оламиз, деган умиддаман. Шу орқали нечта қотилликлар режалаштирилганини билиб олишимиз мумкин. Брэдлининг орзуси ва бош мақсади бор эди. Орзусиу Мисрга боришни болалигидан хоҳларди. Куни битиши яқин қолган одам ўз орзусига эришди ҳисоб. Бугун бош мақсадига ҳам эришди. Ўзидан сўнг онаси ва

синглисига етарлича пул қолдириш унинг асосий мақсади эди. Хуллас, у Мисрни айланиб чиққунича, шериклари керакли ишларни навбати билан бажаришган. Кўзгу ромлари уста наққош томонидан аслидагидек, яъни қадимий кўринишда қилиб ясалган. Улардан бири бўлақларга ажратилиб, Эрик Брэдлига юборилган ёки Брэдли уни ўзи билан олиб кетганди. У Натландияга қайтувчи кемага чиқишидан олдин кўзгуни тиклайди ва бир одамни, бўйи, тахминан, ўз бўйига тенг одамни қурбонликка танлайди. Ҳар ерда кемага чиптасиз чиқишни орзу қиладиган одам топилади. Дейлик, ҳужжатида муаммоси борлар ёки қидирувдаги қочқинлар. Кема капитани унинг кўзгу солинган қутисини текширмаган. Кўзгу остида биз билмаган бегона одам бўлган ва Брэдли уни кема Натландияга келишидан бир неча кун олдин ўлдирган. Матрос тунда чинқирикни эшитганини айтгани ёдларингдами? Брэдли яширин ҳамроҳини ўшанда ўлдирган бўлиши мумкин. Бунинг бошқа, осонроқ йўли ҳам бор. Брэдли қотилликни кемага чиқишдан олдин қилган. Куйган жасад енгил бўлиши ҳам унга қўл келарди. Матрослар кўзгу билан енгил жасадни қийналмай кемага олиб чиқишган. Кемадан тушиш олдидан Брэдли жасадни шкафга яширган. Икки бир хил куйдирилган сохта паспорт нусхаларидан бирини ҳам марҳум ёнида қолдириб кетган. Кўзгуни эса зиёфатга олиб борган.

Жаноб Норманнинг ўлимини жаноб Остин уюштирган. У бир ой олдин марҳум дўсти жаноб Норманга ювиниш тузини беради ва унинг шифобахшлигини мақтайди. Туз таркибида Брэдли ихтиро қилган оғунинг бир қисми бор эди. Жаноб Норман тузни бир ойдан ошиқ ишлатгани учун оғу унинг танасига сингиб кетади. Зиёфат кунни жаноб Остин унга махсус кийимни олиб борган. Менимча, кўйлак ичида махсус қоғоз бўлиб, у ва мато ўртасида оғунинг иккинчи қисми бўлган. Ёки шунга ўхшаш бирон нима билан кўйлакка заҳар яширилган. Бундан беҳабар жаноб Норман дўстининг хиёнатини хаёлига ҳам келтирмай унга миннатдорлик билдириб, либосни кийиб олган. Бироқ улар фойтунда жанжаллашиб қолишган. Бу жанжал бўлгани ва жаноб Норманнинг жаҳл билан ўша тузни лаънатлагани бизнинг чинакам бахтимиз бўлди, деб ҳисоблайверинглар. Кучернинг бу маълумотисиз ишимиз бунчалар юришмаган бўларди. Ўшанда уни калака қилгандим. Бироқ у ростдан ҳам олтинга тенг маълумотни бизга сўзлаб берган экан.

Брэдли зиёфат бошида кўзгуни бинога олиб боради ва даврадагиларга ўша ёлғон афсонани гапириб беради. Сўнг ҳожатхонада сохта паспортнинг иккинчи нусхасини ҳамда куйган пиджагини қолдиради. Вақт етганида юзига қалин соқол-мўйлов ёпиштириб жаноб Остин ҳамда жаноб Норман ёнига шампан виносини олиб боради. Ҳаммаси режага мувофиқ бўлган. Жаноб Остин худди беҳосдан бўлгандек дўсти устига ичимлик тўкиб юборади. Жаноб Норман устини тозалаш учун кўзгуга боқади. Бу вақт ичида суюклик кўйлак ичидаги қоғозни эритиб юборади ва оғунинг икки қисми бирлашиб кимёвий жараён бошланади. Жаноб Норманнинг танаси куя бошлайди. Тана тиришиб атрофдагиларга қариянинг ажин босган терисидек кўринади. Бу шунчалар тез содир бўладики, натижада сал олдин тингланган афсонадаги сингари инсон қолган умри бир зумда ўтишига барча ишонади. Тўс-тўполон вақти Брэдли бинодан чиқиб кетади.

Энди жаноб Остиннинг сохта ўлимига келсак. У бир ойдан ошиқ вақт давомида нафақат жаноб Норманни, балки Френк исмли пиёнистани ҳам заҳарлайди. Ҳеч ким танимаслиги учун, юзига сохта соқол-мўйлов ёпиштириб, ҳафтада икки ёки уч кун унга оғунинг бир қисмини ичкиликка қўшиб беради. Унинг танаси ҳам заҳарга тўйинади. Кеча эса ҳал қилувчи дам етиб келганди. Жаноб Остин Френкнинг шеригини ўчириб қўйиб, ўзини ҳаммомга олиб боради. Сўнг саргарош унинг сочини жаноб Остинники сингари калталайди. Кучер ухлатиб қўйилади. Ярим тундан оққанда Жаноб Остин фойтунини ўзи бошқариб уйига келади. Аравада унинг жигарранг пальто, этик ва шляпасини кийган Френк ҳамда беҳуш Уилям бўлган. Хизматкор кучернинг юзини кўриш тугул, овозини ҳам эшитмайди. Сабаби оддий.

Жаноб Остиннинг овозини хизматкори осон таниб қоларди. Эшик очилиши билан хизматкорнинг димоғига шароб ҳиди урилади. Френк кўп ичмаган эди. Шароб ҳидини ўздан таратаётган Уильям бўлган. Шунчаки, хизматкор уни қоронғида кўрмаган, бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Френк имкон борича юзини хизматкорга кўрсатмайди. Кўп гапирмайди ҳам. Аммо зинадан юқорига кўтарилаётганида қалтироқ кўлини хизматкор кўриб қолади ва бу ҳам бизга зарур далил бўлиб хизмат қилди. Френк ичкарига кириб винога ёпишади. Унинг учун камин ёнида жой бор эди. Кўзгу ҳам ўша ерда эди. Уни жаноб Остин кундузи чиқиб кетаётиб камин ёнига қўйиб кетганди. Кўзгунини эса анча олдинроқ янги шкаф ичида хобхонасига олиб келиб, шу кунгача асраётганди. Френк баланд олов ёнида қалин кийимларини ечмай ичиб ўтириши лозим эди. Кўрсатма шундай бўлган. Натижада, устма-уст ичилган вино ҳамда ловуллаб ёнаётган олов уни қизитган. У терлаган ва кийими ичидаги қоғоз эриб ичидаги заҳар танасига сингган. У ҳам жаноб Норман сингари куйиб кул бўлган. Хизматкор воқеа охирини кўриб қолган. У даҳшатли оғриқ билан ўлаётган одам ўз хўжайинини эмаслигини англашига етарлича вақт бўлмаган. Ҳа-а, кучер ростдан ҳам бизга кўп ёрдам қилди. У барда Френкни биринчи кўрганидаёқ унинг янги либосида ўзини ўнғайсиз сезганини пайқаган. Сабаби пиёнистанинг янги кийими ичида қоғоз бўлиб, унинг терисини қичитган. Шу тариқа жаноб Остин саҳнадан чиқиб, парда ортидаги актёрга айланди.

Сохта ўлимидан сўнг компания пулларини ва ҳамкасблари ҳисобидаги пулларни шилиб олди. Гўё жинойатчи унинг қиёфасига кириб олган уч юз ёшдаги алкимёгар бўлиб кўриниши учун ҳам унга сохта ўлим зарур эди. Улар бир ердан иккинчи ерга зумда кўчиб ўтишнинг имконини қила олишмасди. Фойтун билан ҳар бир банкка боришгани уларнинг сирларини очиб берди.

Миллий банкдаги томоша ҳам жуда оддий эди. Фойтун бино ёнида тўхтаб, ундан жаноб Остин ўзининг жигарранг пальто ва шундай рангдаги шляпасини кийган ҳолда тушади. Эшик ёнидаги бино соқчиси бор эътиборини унга қаратади. Бу орада Эрик Брэдли юзини соқчидан яширганча ичкарига кириб олади. Жаноб Остин ҳужжатларни расмийлаштиргач, бирон ҳоли жойда Эрик Брэдли билан кийимларини алмаштиради. Брэдли бинодан чиқиб, соқчига хунук жилмаяди. Соқчи эҳсонаси чиқиб унга тикилиб қолган дамда жаноб Остин бошқа кийим билан бинодан чиқиб кетади. Брэдли жаноб Остинни олиб келган фойтунга чиқиб кетиши бизга муҳим далил бўлиб хизмат қила олади. Яъни барча уни кўриб кўрқаннидан қочаётганида кучер жойидан қимирлаб ҳам қўймаган. Кимдир алкимёгар кучерни кўрқитиб қўйган ёки сеҳрлаб қўйган, дейиши мумкин. Бироқ бундай бўлмаганини эндиликда жуда яхши биламиз.

Сўнг сўзга келадиган бўлсак, Брэдли ўзининг пулини олди. Энди оиласини ўзи хавфсиз ва тинч, деб билган жойга кўчириши турган гап. Қишлоқда уни Робсоннинг икки пихини ёрган хуфяси ҳамда майор Уорсоннинг ўн одами кутиб турипти. У, албатта, ҳийла ишлатишга уринади. Оғзимизни очиб қолмасак, уни қўлга оламиз ва у орқали қолган шерикларини ҳам ҳибсга оламиз.

– Ишқилиб, у одамларимизни лақиллатиб кетмасин-да. Қишлоқда Робс ёки ўзингиз бўлганингиз яхши эди.

– Шарт эмас. Йигитлар ўзлари эплашади. Брэдли шунчаки куйдирувчи оғу ихтиро қилган. Шунча одамни енга олмайди. Фақат, ақлига таянишга мажбур.

– Мен ҳам шундан хавотирдаман-да... – ўйга толди вазир, сўнг нимадир эсига тушгандек яна Ҳаркерга тикилди. – Ҳа-я, айтганча, кўзгулар қандай куйдирилган? Иккитаси маҳкамада куйиб кетди-ку.

– Ўринли савол, жаноб вазир. Бу ҳақда кўп ўйладим. Ягона чора сифатида маҳкама аъзосини танлаш мумкин. Яъни полициячилар орасида хоин бор. Кўзгу ясалаётганидаёқ роми заҳарнинг бир қисмига бўктирилган. Ромлар шундан куйган... Кўзгу-чи, дейсизми? У қандай ясалади? Оддий тиниқ ойна ортига махсус

қоғоз ёпиштирилади. Фараз этайлик, ўша қоғоз икки қават ва орасида оғунинг бир қисми яширин. Исталган одам у турган хонага кириб оғунинг иккинчи қисмини, масалан, шприц билан сепеди. Кўз очиб-юмгунча кўзгу кулга айланади.

– Наҳотки, орамизда хоин бўлса? Лаънати!... У ким бўлиши мумкин? Ҳаркер, кимдандир гумонингиз борми?

– У маҳкамага кира оладиган исталган одам бўлиши мумкин. Ҳатто доктор Бэнкс ёки инспектор Робс ҳам бўлиши мумкин. Хоин эмас, ҳатто хоинлар бўлиши ҳам мумкин.

– Алжиманг! Доктор Бэнкс билан Робсга ўзимга ишонгандек ишонаман.

– У тўғри айтяпти, жаноб вазир, – деди Робсон. – Мен ҳам докторга, Уотфордга, умуман, барча одамимга ишонаман. Бироқ унинг назарияси мантикка суянган. Пул ҳар кимни йўлдан оздириши ёки ҳар қандай одамнинг ҳам нозик еридан тутиб, кўзланган ишга мажбурлаш мумкин. Хоин борлигини, фақат, учаламиз биламиз. У топилгунга қадар бу гап орамизда қолгани маъқул.

– Яхши. Бойл хоним ҳақида нима дейсиз?

– Ёлғиз аёл. Тунда уйида ўзидан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Уни куйдиришган. Кейин ишни кўпайтирмаслик учун кўзгуни ҳам куйдира қолишган. Ундан қандай из қолишини икки бор кўриб олдик. Кўзгуни бутун қолдиришмаса ҳам бўларди. Бироқ ҳамон унинг ўлимидан нима фойда борлигини билмаяпман. Эҳтимол, жаноб Остин барча ҳамкасбини йўқ қилар? Бу ҳам афсонага яқин факт. Компания мутасаддилари кўзгунинг тинчини бузишди ва уларни қарғиш урди. Қисқаси, шунга ўхшаган гаплар.

Биз имкониятимиз доирасида ишляпмиз. Ҳозирча уларни кузатиб, хато қилишларини кутишдан ўзга чорамиз йўқ. Қўлимизда муҳим далиллар етишмайди. Тўғри, тузнинг қолганидан чиққан кукун заҳарнинг бир қисми эканига шубҳам йўқ. Аммо бизда унинг иккинчи қисми йўқ. Улар мамлакатдан осонликча чиқиб кета олишмайди. Брэдлиннинг оиласи ва жаноб Остиннинг фарзанди шу ерда. Агар улар ўз оилаларидан воз кечиб юборишмаса, қўлимизга келиб тушишади.

– Эслатганингиз яхши бўлди. Жаноб Коннор ва жаноб Жонсон мenden кичик Остинни уй қамоғидан озод этишимни сўрашди. Мен унинг ҳаётини муҳофаза этиш баҳонаси билан бунга розилик бермадим. Рожерс ва Жонсонни ҳам одамларимиз кузатишяпти. Бироқ жаноб Жонсон компанияни тиклашга роса уриняпти. Айтишича, банкдаги ҳисобидан ташқари йиғиб қўйгани ва рафикасининг пуллари ҳам бор эмиш. Камига бор мол-мулкени сотяпти. Бунга ёш Остинни ҳам жалб этипти. Улар биржада компаниянинг кескин тушиб кетган акцияларини сув текинга сотиб олишмоқда. Иккиси компаниянинг аввалги қудратини тиклашга ишонч билан қарашмоқда. Ҳатто зоти олийлари мамлакат равнақи учун компания учун банклардан узоқ муддатли қарз берилишига рози.

– Кичик Остин жуда дангаса ва бетайин йигит эканлигини билиб олдик, – деди Робсон ниманидир англагандек кўзларини синчков қисиб. – Отаси ўлимидан сўнг бирдан инсофга кириб қолгани, компанияни асраб қолишга уриниши бироз шубҳа уйғотмаяптими?

– Ҳа-а, бу ерда бир гап бор, – қўшилди Ҳаркер. Эшик тақиллаши барчанинг эътиборини тортди. Сўнг Дауглиш хоним томоқ кириб, ичкарига кирди.

– Мени афв этинглар! Аммо аллақандай жаноб Томсон, деган киши жаноб Ҳаркери сўраб келипти.

– Уни бу ерга киритиб юборинг, хоним... – деди Ҳаркер, сўнг ёнидагиларга шивирлади. – Афтидан, жуда муҳим маълумот топган кўринади.

Томсон хонага кириб, барчага хайрли тун тилади. Сўнг кўрсатилган ерга ўтирди. Вактни чўзмай, тўғридан-тўғри мақсадга кўчди:

– Италия қадимги санъатини яхши ўрганган, қалбаки асарларни аслидагидек ясай оладиган учта одам ҳақида маълумотни қўлга киритдим. Бири ҳозирда тирик. Иккинчиси, бир ярим йил олдин вафот этипти. Учинчиси эса икки ой олдин юрак хуружидан вафот этипти. Ҳозироқ уларнинг шогирдлари билан боғланишни бошлайман.

– Яхши, – деди Робсон, – унда бу ерда нима қиялсан?

– Шошманг, Робс, – уни тинчлантирди Ҳаркер. – Назаримда, Лоури хоним ҳақида нимадир эшитамиз. Томсон ортиқча вақт йўқотадиган одам эмас.

Томсон Робсонга ҳафсаласи пир бўлгандек боқиб қўйди-да, сўзида давом этди:

– Шанба оқшоми икки безори овга чиққан. Уларни сизларга тутиб бера олмайман. Йўқса, ҳамкорларим хоинлигим учун бошимни олишади.

– Ундан олдин бошингни мен оламан, – ғазабдан қизарди Робсон. – Уялмай жиноят олами вакили эканлигингни айтиб, устимдан қуялсанми? Ўша безориларни ҳозироқ сўроқ қилишим лозим. Бечора эри қай аҳволда ўтирипти. Лаънати, ҳозироқ мени ўша ерга бошла! – ўрнидан турди Робсон.

Бироқ Томсон ундан олдинроқ ўрнидан туриб, қўйнидан тўппончасини чиқарди.

– Қимирлама, Робс! Бу ерга Ҳаркерни деб келдим. Йўқса, яна ўн йил ортимдан беҳуда қувиб юрардинг. Яхши, мени ҳибсга оласанми? Қандай айблов билан? Судга қандай далил топширасан? Тушимда аён бўлди, дейсанми?

– Жентльменлар, тинчланинглар, – орага тушди Ҳаркер. – Робс, жойингизга ўтириб, жимлик сақланг! Бу ишда мен раҳбарлигимни унутманг.

Робсон ноилож жойига ўтирди.

– Сен ва сенга ўхшаганлар ҳамма ерни талон-тарож қиласанлар. Ҳали шошмай тур, муносабатимизга ойдинлик киритиб оламиз.

– Тўғри айтдинг. Мендақалар ҳамма ерда бор, ҳатто давлат идораларида ҳам. Нечтамитни тутиб, қанчамитни қамокқа тикасан?

– Келинглар масалани тинчгина ҳал этамиз, – деди жаноб вазир. – Робс, олдин жаноб Томсонни тинглайлик. Давом этинг, жаноб Томсон.

– Улар бир извошни ёллаб хиёбонга боришган, сўнг кучерни ҳушсизлантиришган. Бир одамнинг буюртмаси билан “Пойтахт янгиликлари” газетаси жойлашган кўчага бориб, бир аёлни ўғирлашган. Бири кучер ўрнини эгаллаган, иккинчиси арава ичида бўлган. Аёл чиқиши билан унинг ҳам боши ортига тушириб ҳушсизлантиришган. – Томсон чап қўлини силаб қўйди. – Уларни гапиртириш осон бўлмади. Қанча уринмайин, буюртмачи номини била олмадим. Менимча, улар ҳақ гапирди. Ўзлари ҳам кимнинг топшириғини бажарганлигини билишмайди. Аёлни белгиланган вақтда келишилган ерда кутиб турган фойтунга кўчиришган ва пулларини олиб, ўшандан буён байрам қилишяпти. Уларни мен гапиртира олмадимми, бошқа биров гапиртира олмайди. Хуллас, ўша аёл ҳозир исталган ерда бўлиши мумкин. Бундан ортиғига қурбим етмайди. Фақат, қаердадир кўриниш берсагина, хабар топишимиз мумкин. – Томсон ўрнидан турди. – Эртага қолган ишни ҳам битираман, Ҳаркер. Пулни тайёрлаб тур.

– Хўш, жаноблар, – деди Ҳаркер Томсон хонадан чиқиб кетгач. – Навбатдаги воқеа содир этилгунча кутиб турамиз. Ҳозир эса озгина ҳордиқ чиқармоқчиман. Сизларга ҳам шуни тавсия этаман. Лоури хоним борасида эса, тезроқ топилишини Яратгандан илтижо қилиб сўрашдан бошқа ҳеч нарса қила олмаймиз. Ишқилиб, қаерда бўлса ҳам, омон бўлсин!

– Мен маҳкамада бўламан, – деди Робсон. – Бирон нима бўлса, шу ерга фойтун юбораман.

Робсон жаноб вазир билан уйни тарк этди. Ҳаркер эса хонасига кириб, ўзини диванга ташлади, бироқ узоқ ухлаш насиб этмади.

Иблис билан суҳбат

У довюрак журналистлар қаторига киради. Аҳолини қизиқтириши мумкин бўлган ҳар қандай воқеа содир этилган ерга полициячилардан олдин етиб боришга ошиқади. Ундан ҳатто юқори мансаб эгалари ҳам чўчишади. У ҳар қандай зодагон ёки мансабдорнинг қора ишларини мақоласида уриб чиқишдан қўрқмайди. Матбуотда юқори мавқе эгаллашига ҳам, айнан, шу хислати, довюраклиги орқали эришган. Одатда жиддий ҳол юз берганда керакли одамлар унга биринчи бўлиб хабар беришади. У ҳеч қачон хабар етказувчилар билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Ҳар бир маълумот учун сахийлик билан пул тўлайди. Бугун бошига бахт куши кўниб турипти. Аммо кунни қўрқув билан ўтказди. Энди тун кирди-ю қўрқуви икки хисса ошди. Учрашувга оз вақт қолди. Агар борса, эртага унинг мақоласини бутун шаҳар аҳли ўқийди. Бироқ ҳамманинг юрагини увиштириб қўйган ўша жодугар билан учрашиш...

Унинг номига битилган мактуб туш вақти қўлига келиб тушди. Юборувчининг манзили ёзилмаган эди.

“Биламан, сиз бу юртдаги энг номдор журналистсиз. Сизни ҳатто қирол хонадони вакиллари ҳам ҳурмат қилишади. Одамлар полиция ҳисоботидан кўра сизнинг мақолаларингизга кўпроқ ишонади. Шу сабаб суҳбат учун сизни танладим. Одамлар мендан беҳуда чўчишмоқда. Нима исташимни авомга сиз етказишингизни истаيمان. Менинг асл ёвузликларим ўтмишда қолди ва тинч ором олишни истаганим учун ҳам, уч аср олдин танамни ўтда куйдиришларига йўл қўйиб бергандим. Бироқ тинчимни бузишди ва энди яна ором топишим учун ҳамда оромимни бошқа бузмасликлари учун ҳам, тинчимни бузганларни жазоламогим даркорки, бу келажакда руҳим кўним топган кўзгуга қизиқувчиларга сабоқ бўлсин. Мен шаҳар аҳлига ёмонликни раво кўрмайман. Бироқ шовқин кўтариб йўлимга тўғаноқ бўлишларига, айниқса, полициячилар изимдан қувишига тоқат қила олмайман. Истакларимни сизга айтаман ва сиз буни қолганларга етказасиз. Сизга зарар етмаслигига кафолат бераман. Соат кечки саккизда бандаргоҳ яқинидаги кўприк остига келинг. Ёлғиз келинг, акс ҳолда шеригингиз қаҳримга учрайди.

Антонио Бануччи”

Соат етти яримда у шахт билан ўрнидан турди. Қўрқуви кучли, аммо алкимёгар унга омон қолишни кафолатлаган экан, ҳадикни бир четга суриб учрашувга боргани маъқул. Талаб этилганидек, извошни кўприкка етмасдан қўйиб юборди. Кўприк остига базўр етиб келди. Тиззаси калтирар, пешонасини совуқ тер босиб, юраги кинидан чиккудек урарди. Қандай қилиб хушидан кетиб қолмаётганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Енгил тортиш учун сигара тутатди. Ортидан шарпа овози эшитилганида сигарасини тушириб юборди. Ортида баланд бўйли яхши кийинган одам турарди. Журналист сесканиб кетди. Қоронғилиги сабаб, алкимёгарнинг юзи кўринмасди.

– Қўрқманг. Ахир, сизга зарар етказмасликка ваъда бергандим... Таклифимни қабул этиб, бу ерга келганингиздан хурсандман. Сизни танлаб хато қилмаганимни исбот этдингиз... Нега ҳамон титраясиз? Йўқ, бунда бир иш чиқмайди. Тинчланинг! Бошқа сигара тутатинг ва титрашни тўхтатиб, кўлингизга қалам олинг. Талабимни одамларга сўзма-сўз етказишингизни истаيمان.

Журналист унинг айтганларини қилди. Беш дақиқа ўтиб унинг қўрқуви анча босилди. Ҳатто бу ердалигидан юрагида ўзгача завқни туяр, эртага бошқа журналистлар ўзига ҳасад билан боқишини ўйлаб терисига сиғмай кетётгандек эди. Кулоқлари тинглар, қўллари ёзиш билан банд эди.

Ўзгача қотиллик

Жаноб Рожерс учун сўнгги икки кун жуда-жуда оғир кечди. Шерикларининг ўлими, энди эса лаънати жодугар унинг бор-шудини тортиб олди. Энди умри давомида мисқолаб йиққанларини тушидагина кўради, холос. Аммо... Тушларида пулини боши узра сочиб, шундан лаззат олса ҳам майли эди. Кўзи илинди дегунча ўша кўзгу тушига кириб, ўз овозидан чўчиб уйғониб кетарди. Доимо чакнаб турган кўзлари бир кунда маъюс тортди, қип-қизил юзи сарғайиб, қовоклари осилиб қолди. Пулидан ҳам айрилгач, туш вақтигача томоғидан овқат ўтмади. Аммо мечкайлиги ўз ишини кўрсатиб, куннинг иккинчи ярми яна кавшанишни бошлади. Кўрқувдан ҳадеб асабийлаша берганидан яна ҳам кўпроқ ея бошлади. Тинчлантирувчи дорини эса тез-тез ичарди. Тинимсиз бу ердан бош олиб кетишни ҳамда пулларини қайтариб олишни истарди. Имкони йўқлигини ақлан тушунса-да, пулларини қайтиб олишни орзу қилар, тинмай ўша алкимёғарни лаъанатларди. Кечга яқин одамлардан дўсти жаноб Жонсон компания акцияларини сотиб олаётганлигини эшитди-ю уникага йўл олди. Бироқ акцияларнинг нархи жуда тушиб кетганди. Агар у ҳам шундай нархда сотса, кўча тиланчисининг кунлик даромадидан ҳам оз топишини ўйлаб сиқиларди. У акциясини эски нархда сотиб, йўқотганларининг ўрнини тўлдиришни ва бу ерлардан бош олиб кетишни истарди. Аммо Жонсон тулкидек айёр. Ўлса ҳам, унга эски нархда пул бермайди. Бироқ чўкаётган одам хасга ҳам ёпишади, деганларидек, Рожерс ҳам шундан умид қиларди.

Жонсон дўстини яхши кутиб олди. Кўчадаги аравада соқчилик қилаётган икки полициячи ва уй хизматкорларини айтмаганда Жонсон ёлғиз эди. У ҳам Рожерс сингари оиласини бошқа ерга юборганди.

– Келганингиз яхши бўлди, Рожерс. Энди тановул қилмоқчи бўлиб тургандим. Марҳамат қилинг, ичкарига.

Мезбон уни ичкарига бошлади. Тамаддихонада бир киши учун таом қўйилган эди. Жонсон зумда шериги учун ҳам ликобча тўла овқат олиб келди. Рожерс суҳбат олдидан дори ичиб олди ва дарҳол санчқини гўштга сукди.

– Жонс, ёнингизга муҳим иш билан келдим. Сиз компаниямиз акцияларини сотиб олаётган экансиз.

– Ҳа. Мархум дўстимиз Остиннинг ўғли ҳам бу ишга бош қўшган. Балки, сиз ҳам биз билан ҳамкорлик қиларсиз? Ким нима деса деяверсин, биз компаниянинг аввалги нуфузини тиклаймиз.

– Бунга асло шубҳам йўқ. Ҳеч ким компания ишларини сизчалик тушунмайди. Бироқ мен кетяпман ва акцияларимни сизга сотмоқчиман. Ўзингиз билган компаниянинг етти фоиз акциясининг ҳаммасини. Бу озмунча эмас.

– Тушунаман, Рожерс, бўлаётган ишлар сизни чўчитмоқда. Бироқ ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, дейишади. Балки, фикрингизни ўзгартирарсиз?

– Мени асло кўрқяпти, деб ўйламанг. Анчадан буён сокин жойга кетишни кўзлаётгандим. Биласиз, соғлигим яхши эмас. Шифокорлар тоза ҳаволи жойларни тавсия этишяпти. Бугун хонавайрон бўлдим ҳисоб. Сиз ишнинг кўзини биласиз. Компанияни тиклайман, дедингизми, демак, мақсадингизга етасиз. Шунинг учун акцияларим режангизда қандай ўрин тутишини билиб, уни қадрлашингизга аминман. Уларни сизга бугунги нархда сота олмайман.

– Сизни тўғри тушундим, азиз дўстим. Бироқ менда ҳозир кўп пул йўқ. Акцияларингизни сотиб ололмайман. Агар ҳозир шартномага қўл қўйиб, тўловни ярим йил кутишга ваъда берсангиз, у ҳолда келиша олишимиз мумкин.

– Ярим йил, – Рожерснинг кўзлари катта очилди. – Ундан кўра уч қават теримни шилиб олсангиз бўларди.

– Ҳозир ҳеч ким сизнинг акцияларингизни бугунги нархда ҳам сотиб олмайди. Мен сизга саховат кўрсатяпман. Бундан бошқасини таклиф эта олмайман. Яхшилаб

ўйлаб кўринг, Рожерс.

Рожерс яна дори ютди. Негаки, авзойи бузилиб, нафаси қисаётганди. Бироқ у умридаги энг тўғри йўлни тутди. Бундан ўзга чораси ҳам йўқ эди. Жаҳлини босиб, ликобчасини бўшатди ва шунинг билан ўзини узоқ ўйлаган киши қиёфасига солди. Ахийри, “Розиман”, деди.

– Фақат, ҳозироқ тилхат ёзиб берасиз.

– Албатта, Рожерс, – жилмайди жаноб Жонсон. – Марҳамат, ишхонамга ўтайлик.

Жонсон иш столига ўтириб, қоғозга пат-қалам билан келишув шартларини ёза бошлади. Унга қадар Рожерс яна бир бор дори ичди. Ўз иши билан машғул Жонсон унга бирров қараб қўйди.

– Дорини кўп ичиб юбормаяпсизми?

– Жин урсин. Норманнинг ўлимидан буён ҳаловатим йўқ. Назаримда, озиб, чўпдек бўлиб қолгандекман. Кеча қандай туш кўрганимни биласизми?

Ташландиқ маконда эканман. Ҳамма ёқ зим-зиё. Шохлари тарвақайлаган дарахтлар кўнглимга ғулгула солади. У ерга қандай бориб қолганимни билолмасдим. Югуриб қочгим келарди-ю, базўр юрардим. Энг ёмони, қаердан нажот топишни билмасдим. Бир пайт олисдан нур кўринди. Оёқларим ўзимга бўйсунмай ўша ёққа қараб юра бошлади. Кейин билсам, у ер кўзгули лабиринт экан. Ишонасизми, Жонс? Ўша лаънати кўзгунинг нусхалари девор бўйлаб саф тортганди. Улар нур таратарди. Бақириб ёрдам сўрагим келарди-ю, овозим чиқмасди, худди сув тубида бўғилаётгандек. Ҳатто қочиб кета олмасдим. Ичкари кирганим сайин дўстларимизни кўрдим. Норман, Элиссон Бойл, Остин, жаноб Коннор ва сиз ҳам бор эдингиз. Барча кўзгу ичида ухлаётгандек муаллақ осилиб турарди. Йўлак охиридаги кўзгуда эса кекса италян бор эди. У менга хунук жилмайди. Гўё танам тилиб ташлангандек қаттиқ оғриқ туйдим. Қаршимдаги қария эса сония сайин ёшармоқда эди. Шунда тушундимки, у менинг умримни тортиб оляпти. Шу заҳоти қўлларимга боқдим. Юзга кирган одамникидек қартайган терини кўриб, додлаб юбордим. Ўрнимдан туриб қарасам, қора терга ботиб кетибман. Тушим эканлигидан қанчалар хурсанд бўлганимни билсангиз эди. Аммо ўша лаънати Остиннинг қиёфасида пулимни шилиб кетгач, бу хурсандчиликдан асар ҳам қолмади. Ундан кўра тушим ҳақиқат бўлгани яхши эди.

– Ҳа-а, – деди Жонсон чўзиб, – бундай тушлар ҳозирда кўпчиликни қийнамоқда. Ҳеч кимга ҳавас қилиб бўлмайди, ўша жодугарнинг ҳозирда Италияда яшаётган авлодидан бўлак. Аммо тушқунликка чўчиманг. Муҳими, сиз соғ-саломатсиз. Кўзгуга дуч келиш, ялангоёқ бўлишдан даҳшатлироқ бўлиши аниқ, – Жонсон ишини тугатиб, дўстига қаерга қўл қўйиши лозимлигини кўрсатди. Рожерснинг сал чиройи очилди. Эгилиб, дарҳол имзо қўйди.

– Ҳа, Жонс, сиз ҳақсиз.

– Мана иш ҳам битди. Бу вексел олти ойдан сўнг кучга киради. Эҳтимол, сафарга кетгунингизча кўришмасмиз, шу сабаб сизга оқ йўл тилайман.

– Раҳмат, Жонс. Сизни ҳар доим ҳақиқий жентльмен сифатида билганман, – Рожерс унинг қўлини маҳкам қисиб хайрлашди. Фойтунига ўтиргач, уйга тезроқ боришни буюрди. У совуқни хушламасди. Аммо кайфияти кўтарилган, Жонсонни бошлаб аҳмоқ қилганидан хурсанд эди. Ҳатто авлиёлар ҳам бу компанияни энди оёққа турғаза олишига ишонмасди. Одам аҳмоқ бўлмаса, африкаликлар чиғаноқчилик қиймати қолмаган акцияларни шундай баланд нарҳда сотиб олармиди? Рожерс ўзининг ақллигидан бир коп семиргандек бўлди. Эртагаёқ бу лаънати, қарғиш теккан шаҳардан жўнаб кетади. Шу билан барчаси ортда қолади. У ўзини енгил ҳис этар, дори ичишни ўйламай ҳам қўйганди.

Уйига келгач, дарҳол ишхонасига югурди. Камин ёнига ўтириб, совқотган қўлларини ҳузур билан бир-бирига ишқалади. Векселни тортмадаги зарур ҳужжатлар қаторига қўшиб қўйди. Саралашни қоғозлардан бошлаб, қиймати

қолмаган барча келишувлар акс этган варақларни камин оловига ташлади. Ёқимли ҳидга эга сигарасини тутатиб, ўзини курсига ташлади-да, оёқларини каминга узатиб, эртанги кўчишини бир чеккадан ҳисоблай бошлади.

Бу вақт унинг уйига бир от қўшилган арава келиб тўхтади. Бу уй ёнида юрган икки полисменнинг эътиборини тортди. Аммо аравадан аёл киши тушганлигини кўриб, бунга ортиқча аҳамият бериб ўтиришмади. Аёл кучерга кетиб қолмаслигини тайинлаб, дарвозага яқинлашди. Икки барзанги дарвозабонлар унинг юзидаги тўр туфайли кимлигини кўра олмагач, ўзини танитишини сўрашди.

– Мен жаноб Рожерс билан кўришишим керак, – деди аёл кўлидаги қутини авайлаб ушлар экан. Унинг овози шунчалар майин эдики, дарвозабонлар дастлабки кўпол муомалаларини беихтиёр ўзгартиришди. – Бир вақтлар жаноб Рожерс оиламизга улкан саховат қилган эди. Ўйлайманки, сизлар ёлғиз хонимни совук кўчада куттириб қўядиганлардан эмассизлар.

– Бизни афв этинг, хоним, – деди дарвозабонлардан бири ва эшикни очди. – Ичкарига марҳамат қилинг! Ҳозироқ жаноб Рожерсга келганингизни етказамиз.

Дарвозабонлар уни уйга қўйиб юборишди. Бош хизматкор Рожерс олдига кирди.

– Жаноб, сизни бир хоним сўраб келипти. Уни кўриб хурсанд бўлар эмишсиз.

– Ким бўлди экан? – ўйга толди Рожерс. Сўнг ўрнидан туриб, ўзини эпақайга келтирди. – Майли, киргазиб юбор.

Аёл пальтосини хизматкорга топширди, бироқ юзидаги тўрни олишга ошиқмади. Рожерснинг олдига сипо-камтарин ҳолда кириб келди.

– Хуш келипсиз, хоним, – унинг сарвқоматига боқиб жилмайди Рожерс. – Сизни таний олмадим, эҳтимол, тўрингизни олсангиз, сизни таниб оларман.

– Бусиз ҳам мени танишингизга аминман. Энг аввало, тунда безовта қилганим учун узр сўрайман... Сиз ҳақиқий жентльменсиз, жаноб Рожерс. Бир вақтлар отамга оғир аҳволида ёрдам берган эдингиз. Бизни унутиб юборган бўлишингиз мумкин, аммо биз сизни ҳар доим ёд этиб келамиз. Мана бу қутини марҳум отамнинг совғаси сифатида қабул этинг. Қути оғзини очиб бизни эслашингизга аминман. Шўрлик отам уни ўз қўли билан сизга топширишни ният қилганди. Афсус, бу армон бўлиб қолди.

– Менга Янги йил совғалари ёқади, – дея Рожерс унинг дилбар қоматига маҳлиё бўлганча қутини олди. Қутининг оғзини очди-ю уни кўлидан тушириб юборди. Йўқ, у адашиши мумкин эмас. Бу ўша кўзгунинг ўзи эди. Фақат, ҳажми кичик, аммо нақшлари ўша-ўша. Рожерс қаттиқ сесканиб кетди. Бу ҳам етмагандек аёл хунук хиринглади. Гўё жодугарнинг ёқимсиз кулгисига ўхшарди.

– Кунинг битди, Рожерс!

Рожерс барча нарсани чалкаштириши мумкин, аммо бу овозни эмас. Бир сонияда овоз эгаси ўлганини ёд этди ва кўрқув билан аёлга боқди. Энди аёлнинг юзи очик бўлиб, ўзига Элиссон Бойл ёвузларча жилмайиб турганлигини кўрди. Юрагида қаттиқ оғриқ туйди-ю кўксини чангаллаганча ерга йиқилди. Полда ихраганча озроқ типирчилаб, сўнг жимиб қолди. Бойл хоним унинг иш столини текширди. Тортмадан қоғозларни чиқариб, уларни назардан ўтказди ва бир саҳифани кўриб мамнун жилмайиб қўйди. Уларнинг барини оловга ташлади. Қоғозлар зумда бужмайиб кул бўлди. Сўнг кўзи очик қолган жасадга қараб, унинг ён чўнтагига бир қутичани солди ва хонадан чиқиб кетди. Уйдан чиққанида тўри яна юзини тўсиб турарди. Дарвозабонлар унга эшикни очиб беришди. Полициячилар унинг извошга чиқиб, тинчгина кетганини кўришди. Аммо кўп ўтмай уйдагилар шовқин кўтаришди. Икки полициячи извош ғойиб бўлган томонга боқишди, сўнг уйга қараб чопишди.



Orif TO'XTASH

Bir chekkada qoldim men

O'rgimchakning pashshaga yozgani

– Salom, pashsha janoblar,
Singan yo'qmi qanotlar?

Hamisha bo'ling bardam,
Va kelib turing har dam.

Ko'nglingizni to'q qilib,
Parvozingiz o'q qilib.

O'ngu so'lga boqmasdan,
Darvozamni qoqmasdan,

Kelishingiz kutaman,
Yo'llarga ko'z tutaman.

Unutib qo'ymasin deb,
Xat yozishni ko'rdim ep.

Qopqonning mushukka yozgani

– Oshna, kezi kelganda,
Aytib o'tay dardimni.
Xizmatiga yarasha –
O'z o'rmi bor har kimning.

Nomard sanamasin deb,
Yozayapman mardnoma.
Endi o'rtaga qo'ysak,
Arzimas bir shartnoma.

Orif TO'XTASH – 1976 yilda tug'ilgan. Samarqand davlat universitetida tahsil olgan. Uning "G'unchalar tabassumi", "Quyosh yo'li", "Ko'ngilga tashrif", "Vatan atri" nomli she'riy to'plamlari nashr etilgan.

Soxta soʻzlaring bilan,
Aylantirib boshimni.
Necha bor olib qochding,
Ogʻzimdagi oshimni.

Hammasiga xoʻp, deya
Sezmaslikka oldim men.
Rahmatni sen eshitib,
Bir chekkada qoldim men.

Senga bunchalik koʻmak –
Bermas hech kim, hech qachon.
Iflos boʻlgan yuzimni,
Yalab ham qoʻy, oshnajon!

Mixning bolgʻaga yozgani

– Men seni doʻst deb yursam,
Nomard ekansan bolgʻa.
Boshimdan uraverib
Keltirding qanday holga?

Umidlarim koʻp edi,
Barini toʻkib ketding.
Mador boʻlish oʻrniga,
Belimni bukib ketding.

Oʻylab koʻrsam, vazifang –
Birgina “toʻq-toʻq” ekan.
Doʻstman, deganing bilan,
Oqibating yoʻq ekan.

Endi mening hayotim,
Barbod boʻlgani tayin.
Shu holdan kelib chiqib,
Senga bir soʻz aytayin.

Nasihatmas, bu – niyat,
Doim ishi olgʻa boʻl!
Har zarbda ham doʻst boshin,
Oʻpib qaytgan bolgʻa boʻl.

Shamning lampochkaga yozgani

– Porlab turgin baxtimga,
Sen borsanki, omonman.
Oʻchib qolsang mabodo,
Bir kechada tamomman.

Doskaning bo'rga yozgani

– Oq rangni eslar hamma,
Bo'r nomingni deganda.
Lekin, xafa bo'lma-yu,
Ko'ngling qora ekanda!

Asoslarim anchadir,
Har bir aytgan so'zimga.
Yozganing-yozgan, axir,
Toza turgan yuzimga.

Mayli, do'stlik tufayli,
Qo'yaqolay indamay.
Hech bo'lmasa yoz endi,
Insof bilan, tirnamay.

Bo'rining quyonga yozgani

– Quyon, kelgin yonimga,
Oro kirgin jonimga.
Belim qilday, qornim och,
O'tiribman noiloj.

Seni rosa sog'indim,
Yuragim to'lib borar.
Yonimda xalta-xalta
Sabzilar so'lib borar.

Vaqt topib, bir kep ketgin,
Olib ket, yo yeb ketgin.
Manzilib pistirmada,
Lekin ko'p kuttirmada!

Xo'rozning chuvalchangga yozgani

– Mening arzimni eshit,
Go'ng titishga yo'q mazam.
Yer chopilgan kezlarda,
Chiqib qolasan ba'zan.

Boshqa vaqtlar chiqmaysan,
Sira yerning yuziga.
Loy kechamiz kunma-kun,
Rahming kelsinda bizga.

Jo'jalar nima yeydi,
Ko'klam ham keldi sovuq:
– Ota bo'lsang oziq top! –
Deb, janjal qilar tovuq.

Men nima ham qilayin,
Hech ish kelmas qo'limdan.
Muhimi – asrash kerak,
Jo'jalarni o'limdan.
Egam qurg'ur faqirning,
Tugaganmish doni ham.
O'zi kasalxonada,
Emishmiyey qoni kam.

Xullas, shunaqa gaplar,
Kayfiyatim yo'q biroz.
Seni sog'inib, xatni –
Yerga ko'nguvchi – xo'roz.

Вужудим лолалар қўйнида қолсин



ОТАЁР

Ватан

Кўксингга бош қўйиб, суюниб
Айлай, Ватан, изҳори дил.
Рухсорингга тўйиб-тўйиб:
Ризо кўнгил, ризо кўнгил!

Десам, сенга фидодир жон,
Кўнгил тўймас бу аҳдимдан.
Бошгинангда бўлиб осмон:
Алқай Ватан, алқай Ватан!

Йўлим тушса йироқларга
Васлинг қўмсаб кезган кезим,
Барҳам берар фироқларга:
Сенинг исминг, сенинг исминг!

Дунё бўйлаб кучганда ишқ,
Қувонтирса кўзимни шаън,
Мен сел бўлиб айтар қўшиқ:
Ўзингдирсан, ўзингдирсан!

Сени жондан ортиқ севсам,
Ҳавойимас айтар сўзим.
Ватан – сенсан соғинганим:
Қаро кўзим, қаро кўзим!

ОТАЁР – (1947 – 2001) Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг “Ишқим баёни”, “Лоларанг эртак”, “Ўша кўзлар”, “Оқ фасл” шеърӣй китоблари ҳамда “Қуёшни кўргани келдим”, “Дунёга тенгдош хазина”, “Одамлар учун яшайман” эссе ва очерклар тўплами муаллифи.

Баҳор шамолига

Баҳорни елкамга ортқила, шамол...

Измингда чайқалган лоларанг чаман
Тинчимни бермайин кўрсатсин жамол.
Шудрингли чаманни кўмсаб кучаман,
Сахарлар уйқумдан бедор эт, шамол.

Майлига, лолалар хаёлим олиб,
Хур қизлар базмини эсимга солсин:
Майлига, қониксам ҳовлиқиб, толиб,
Кўкатларнинг ранги тиззамда қолсин.

Шудринг жилосида нигоҳим қотиб,
Тонглар ҳикматидан англайин рўё.
Тонгларим шундайин беором отиб,
Майли, гўзалликка бўлай маҳлиё.

Чехрамга лолалар жилоси кўчиб,
Шундай қарши олай куёшни ҳар кун.
Янги кунни алқаб, баҳорни кучиб,
Шудрингла ювайин майсалар гардин.

Майли, сен ҳам – шамол, қаршимдан эсиб,
Лолалар атрини уфур, энтикма.
Мен чўққида ёнган лолаларни деб,
Янги сўқмоқ солиб интилай тикка.

Қизлар этагини тортқила, шамол,
Атлас жилосидан кўзим қувонсин.
Баҳорни елкамга ортқила, шамол,
Вужудим лолалар кўйнида қолсин.

Миртемир

Эзгулик дарчасин чертмади бекор,
Сокин кечиб ўтди ўту сувидан.
Умри ўтиб оддий, бетинч, камсухан,
Аянч ҳар даҳмаза – ортиқча ва ор.

Шундай: оддий бўлди, миқти ва девтарз
Куйлайди ёндириб, ёниқ бир овоз –
Дунёни губордан бўлсин деб халос,
Жаҳонга, ногаҳон, тушмасин деб дарз.

Бу зилол уммондан қатра ичалмоқ
Беғараз кўнгиллар армони бўлди,
Чанқоқ йўлчиларнинг дармони бўлди,
Осонмас оддийлик зангини чалмоқ.

Олисларга етди овози, сози,
Халқининг кўнглидан айтди не деса,
Бир силтаб қайирда не довон келса,
Беминнат умридан эл-юрти рози.

Сокин ҳайқириқ у, сокин садо у,
Она тупроғини суйган энг суюк.
Поку нопок ичра юраги куюк,
Мангу маконим деб, куйган адо у.

* * *

Бир кун кетгум мангу уйқуга,
Тупроғимга синггум бегумон.
Берилмасман ортиқ туйғуга,
Унут бўлар яхшию ёмон.

Тебрангумдир майсами бўлиб
Ё ўлканинг алвон лоласи.
Ё қувлашиб, қийқириб-кулиб,
Топтаб ўтар бир тўп боласи.

Рашкингни қўй, сен ҳам малагим,
Кўз тутмасман илтифотишта.
Лаҳзанг бахтли кечган маҳали
Олиб қўйгил бирров ёдингга.

Қўйгил, сен ҳам мотамни, дўстим,
Рухим озор чекмасин десанг.
Бизку, эзгу маслаклар кўксин
Безаб ўтдик, босмасин деб занг.

Ўғил-қизим, қароғим-кўзим,
Кипригимда ялтираган нам.
Неваралар – ўзим-юлдузим,
Чарақлангиз осмонимда шам.

Келтирганда руҳимга оят,
Эслаб қўйинг, отам-онамни.
Улар ёдин севдим бағоят,
Ёритдилар улар хонамни.

Бир хонаки, ёвга тор бўлсин,
Ҳеч сўнмасин шодлик, қўшиқ, ўй.
Шу ўлканинг куни бор бўлсин,
Узилмасин мен бошлаган куй.

* * *

Сой бўйи. Хиёбон. Икков кезаркан
Пойимизни ялаб ловиллайди куз.
Муҳаббат тафтидан чехранг қизарган,
Кўзларингида ҳислар: қуюн қорақўз.

Мен эса дил розин унсиз айтаман:
“Бир сен қолган эдинг кўнгил бермаган.”
Севиб-севилишдан вафо кўрмаган,
Бу кўнгил изтироб чекар қайтадан.

Юрагинг майлини сезаяпман, бу –
Балоғат ёшингда гуноҳ санамас.
Бироқ, вужудимда таниш бир ғулу
Аврайди, аврайди: “Бу оддий ҳавас...”

Шу сас балқир кузак шивирита ҳам,
Сой тўлқинида ҳам шу сас қалқийди.
Эҳ-ҳе, мен учун ҳам бу ҳис, маликам,
Муқаддас ишқ бўлиб қолса қанийди?

Манзара

Шамоллар сасида хазонлар зори,
Улар зор-зорига айланган боғлар.
Ўтиб кетган йилнинг нозли баҳори,
Лолаларсиз мизғир жунжикиб тоғлар.
Энди, қушчаларнинг сайри узоқда,
Яйдоқ далаларда дайди изғирин.
Атрофни ўхшатиб минг бир ямоққа,
Тўшала бошлайди фойзсиз кечқурун.
Ошиқлар сайридан бенасиб қолиб,
Безовта бевадай тўлғанади сой.
Унинг тўлқинида хазонлар оқиб,
Тўлин ой аксини парчалар тинмай.
Фақат, шамол хазон сочиб ўйнайди,
Совуқ авзонига кўнмас табассум.
Кимдандир эшитган, у ҳам куйлайди,
Хазон сипоҳига моне бўлур ким?

* * *

Кун-тунлар юкини елкага ортади,
Кечарак лаҳзалар умрдан узилилар.
Асабий лаҳзалар – мисоли муғузлар
Юраклар қатига зил қатим тортади.

Умрдан умрлар сўрайди лаҳзалар,
Тақдирлар яратур лаҳзалар шу куйи.
Шу куйи узаяр тақдирлар ўйини,
Шунчаки ўйинмас, умрга – ларзалар.

Умрдан лаҳзалар – боқийлик дояси,
Дояки, доялар дояси – устивор.
Умрдан умрзоқ, метинроқ не ҳам бор,
Ҳар ўтган соз умр боқийлик қояси.
Қалбларни ўртайвер, беаёв ларзалар,
Умрни узайтсин кечарак лаҳзалар.

Ишонмасангиз, “ҳамкасб” лардан

сўранг

ҳажвия



Ғайрат
БОБОҚУЛОВ

Мен сизга айтсам, севги-муҳаббат деганлари худди ёпишқоқ елимга ўхшаркан. Бу дардга мубтало бўлдим уйкумдан ҳаловат кетди, узун тунларни тонгга улаб “ўшани” ўйлайман. Муҳаббат ақлингни ўғирлайди, деганлари рост экан. Бир куни катта йўлда кетаётиб, яна ўшанинг қадди-қомати, нафис сўзлари, жозибали ҳусни ҳаёлимни банд этди. Қаттиқ ҳаёлга чўмган одам ҳеч нарсани пайқамас экан, яъни паришонхотир бўлиб қоларкан. Шу денг, йўлда кетаётсам кимдир чунонам биқинимга тепдики, гандираклаб, йиқилишимга оз қолди. Бурилиб қарасам, водариф ёнгинамда машина турибди. Нақ асфаласофинга кетишимга бир баҳя қолган экан-ов. Устига-устак ҳайдовчининг бўралаб сўкканини айтмайсизми?! Севгилимнинг жамолига етолмай, нарги дунёга равона бўлмаганимга шукр қилдим.

Севганингда икки қалба ишқ бирдай туғён кўтарса-ку яхши-я, худди икки варақ оқ қоғозни ёпиштиришдек осон кўчади. Аммо бу юракларнинг бири Бухоро газининг алангасида ловуллаб ёнса-ю, иккинчиси ҳўл ўтиндек буруксиб тутайверса, ўйлаверингки, елим ҳам иш бермайди. Бизнинг дардимиз ҳам ана шунақасидан. Ошиқмиз “ўшанга” жигар, ошиқмиз. “Ўша” деганинг ким дейсизми? Жуда кувсизда, жигар, сизга сиримни айтиб берсам-да, а?! Ҳо, тушингизни сувга айтинг. Бўлмаса, кўп лоф урма деяпсизми? Ўлай агар, ўша қиз мени худди оҳанрабодек тортади. Ишонмасангиз, бирорта офатижон қизга маҳлиё бўлингу, тасодифан севиб қолинг. Шундай севингки, сизнинг севгингиз олдида Фарҳод ва Мажнунлар ҳам ип эшолмай қолсин. Ана шундан кейин кўрамиз, ҳолингиз не кечаркан. Айтмасдим, лекин “пақ” этип ёрилиб кетиб, ажалимдан беш кун олдин ўлишдан кўрқаман.

Тунов куни десангиз шаҳарда ўша хурлиқога кўзим тушиб қолди-ю, вужудимга аллақандай нарса учиб кириб “жаз” этиб юрагимга тармашди. Вой-бўй нақд сув париси дейсиз. Юзларига упа-элик суртганиданми, худди сугга чайиб олингандек тиник, сурма тортилган жоду кўзлари нақ юракка қараб олов пуркайди. Ўсма кўйилган қошлари икки кўприк бирлашиб кетгандек беихтиёр ҳаёлингизни тортади, шахло кўзларининг посбони бўлган найзадек киприкларини айтмайсизми, юракни тилим-тилим қилиб юборади-я. Унинг ёнидан ўтаётиб муаттар ва ўткир атир

хидларидан икки юз грамм ароқ ичгандай маст бўлиб, йиқилишимга сал қолди.

Ўша жононнинг ортидан эргашиб, расталар олдидан бораяпману, ишқилиб адаштириб қўймайин деб жоним ҳалак. Бозорда одам кўплигидан қиз мени эргашиб юрганимни сезмади. У атторлик, газмоллар ва универсал дўконларга ҳам кирди, ҳеч нарса харид қилмасам ҳам уни кузатиб юрибман. Мақсадим танишиб олиш. Биз яна турли ярмаркаларни оралаб кетаяпмиз. Ҳозир айтаман дейман-у журъат этолмайман, у бепарво. Бир вақт пинҳоний маъшуқамиз бир хонага кириб кетди. Мен ҳам ҳеч иккиланмасдан шу ерга ташриф буюрдим. Кўзларимга ишонмайман, йўқ, йўқ худди ўзи. Бу макон аёлларнинг сочларига оро берадиган сартарошхона экан. Нима қиларимни билмай турсам, бир сартарош аёл: “Сочингиз калта-ку, синглим”, деб қолди. У менинг афти-ангоримга боқмасдан айтдими ёки жўрттагами, буни англай олмадим, лекин шу ерда ўтирган аёллар шарақлаб кулиб юборишди. Бирдан фурсатни ўтказмай ташқарига қараб отилдим. Ҳалиги қизнинг олдида ўсал бўлганим алам қилади. Ичимда ўзимни шундай койидимки... Аввал пештоқига ёзилган сўзларни ўқиб қирмайсанми, номард. Одам ҳам шунчалик гўл бўладими, галварс, дейман ўзимча. Ўша нозаниннинг чиқишини кутиб, шу ердаги скамейкага чўқдим.

Бу аёлларга ҳам ҳайронсан киши. Бирон жойга кирса, чиқиши қийин бўлади. Бу ерга аёллар, қизлар қиряпти, чиққанини кўрмайман-да!

Бироз мизғиб ҳам олдим. Кўзимни очдим уйганиб қолдим. Ие, биз ваъдалашмаган бўлсак, гўё у мени мизғиган пайтимда ҳам уйғотиб олиб кетадигандек бамайлихотир ўтирганимни қаранг. Ҳали чикмагандир-ов деган ўй билан умидвор бўлиб, икки соат кутсам-а. Ҳамма учун белгиланган иш вақти ҳам тугаб борарди. Бирин-кетин сартарош аёллар ҳам жўнаб қолишди-ю, минг марта таажжуб ва таассуфлар бўлсинки, ул паризод бу макондан чиқмади. Ё, тавба, нималар бўлаяпти, ўзи? Бир пайт шу хонага бир кампир кириб кетди. Нима бало қариганда ҳам қуюлмабди, шекилли, бу онахонимиз, дея ўзимча жилмайиб қўйдим, чоли ҳали ёшроқ бўлса керак-да. Йўқ, мен ўйлагандек бўлиб чиқмади. У кампир шу “паризод йўқолиб кетган” маконнинг фарроши экан.

Кампир ҳам ишини тугатиб чиқди. Сўнгра менга юзланиб:

– Ҳа, болам, кеч бўлганда кимни кутиб ўтирибсан? – деб қолди. Муддаомни айтдим.

– Ўша қизнинг сочи узунмиди? – деди ҳайратомуз боқиб.

– Ҳа, сочи ҳам узун эди, ўзи жудаям гўзал, – дедим шоша-пиша.

– Қираётганда сочи “причёска” эмасмиди? – ўсмоқчилади кампир.

– Йўғ-е онахон, – таажжубланганлигимни яшира олмадим.

– Оббо, ўғлим тушмагур-е, бу ерга қирган қизлар сочларини мана бундай қилиб “лайлак уя” қилиб оладилар. Сен шунга танимагансан ёки кўрмай қолдингми, онанг қоқиндиқ?!

Шунга ҳам ақлим етмапти-я, деб пешанамга бир урдиму уйга жўнадим. Ўшандан бошлаб ошиқлигимдан нақ телба бўлиб қолаёздим. Ёниб-куйиб ҳасратларимни қоғозга тушира бошладим. Тез орада дуппа-дуруст “шоир” бўлиб қолдим. Бир тингланг-а:

*Эй, нозанин, кўйингда адо бўлиб қолдим-ей,
Бир боқдим чехрангга гадо бўлиб қолдим-ей,
“Причёска” хонага кириб кетдинг, найлайн,
Девонадек тополмай, жудо бўлиб қолдим-ей.*

Дўстларим ҳам гоҳ-гоҳ мени кўриб қолсалар қулишиб: “Ҳа, шоир Топилдик, пинҳоний жононангизни излаб топтингизми?” деб сўраб қолишади.

Мен эса, чуқур хўрсиниб “уф” тортаман. Улар ҳам шеърларимни эшитгач, аҳволимни яхши тушунишади-да.

Асли исмим – Тешабой, фамилиям – Пармонов. Ошиқлик дастидан шоир бўлиб Топилдик Пинҳонийга айландим. Юрагим ёнганда ёзган шеърларимни кўринг:

*Сени излаб кўзёшларим дарёдай оқар,
Паришон бу ҳолларимга маймунлар боқар.
Юзларингга уна суриб, ақлим олибсан,
Тушларимга кириб чиқсанг қанчалар ёқар.*

Аста-секин ўша гўзал малак ҳам ёдимдан кўтарила бошлади. Шунини айтишим керакки, кейинчалик бир нарсанинг фаҳмига етдим. Бу севги бир баҳона бўлди-ю “шоир” деган ажойиб “унвон”га сазовор бўлдим. Бироқ ҳали бирорта шеърим матбуотнинг кўркига-кўрк қўшолгани йўқ. Аммо яқин ўртада ошна-оғайнигарчилик қилиб бўлса ҳам китоб чиқариш умидида гуллаб-яшнаб ижод қиляпман. Менинг фалсафам шу – шоир аҳли борки, ўз севганига етишолмай доғда қолиб, менга ўхшаб “Эйжод” майдонига кириб кетган. Ишонмасангиз “ҳамкасб” дўстлардан сўранг. Кейин каминаи камтариннинг сўзларини бир умр эслаб юргайсиз-а, лаббай?!

Адабий ҳаёт

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

МИРТЕМИР. Йўллар ўтиб кетмиш хижрон доғида.4

НАЗМ

Мирзо КЕНЖАБЕК. Мени ҳам соғинган бирор зот борми? ...20

Хосият БОБОМУРОДОВА. Ҳали юрагимда гулханлар ёнар. ...53

Қамчибек КЕНЖА. Ўтганлар сардафтарин варақланг бот-бот. 63

Гулжамол АСҚАРОВА. Япроққа ёзибман дастхатлар.69

Даврон РАЖАБ. Кетиб бораман кўзларим илҳак.113

НАСР

Ҳаким САТТОРИЙ. *Икки ҳикоя*. Кўхна ҳақиқат.9

Садбаргул.12

Даврон СУЛТОНОВ. Афсонавий кўзгу сири.

Саргузаит-детектив қисса.27

Назар ЭШОНҚУЛ. Тақиқ меваси. *Роман (давоми)*.74

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Абдували ҚУТБИДДИН. Уфқминдинг, куёш кетгач йиқиласан. ...86

ШОИР ҲАҚИДА СЎЗ

Баҳодир КАРИМ. “Умрим вақтга етди, сенга етмади”.94

ТАЛҚИН

Шавкат ҲАСАНОВ, Гулбахор ЭРНАЗАРОВА.

Абдували Қутбиддин поэтикасига бир назар.99

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. Ҳазрат навоий ижодидан руҳ олиб... 58

Иқболой АДIZОВА. Ноёб жанр.109

Дамин ТЎРАЕВ. Ботмонқуш кўшиғи ёхуд бир новелла таҳлили. 126

ЁШЛАР ИЖОДИ

ЖОНТЕМИР. Ўзига айланай ўзимда туриб.118

ТАДҚИҚОТ

Равшан НИЯЗОВ. Анъанавий шаклда янги услуб.130

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Ориф ҲОЖИ. Бир кулиб, ўн ўйлатиб кетмоқучун келдингми, ёр? 137

САИД АҲМАД ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Саид АҲМАД. Киприкда қолган тонг. *Қиссадан парча*.143

МУШОИРА

Салима УМАРОВА.152

Собир ЖАББОР.153

Зухра ЯНГИБОЕВА.155

Собир ОЛИМЖОН.156

Турди ҲАЙДАР.157

Олия ОРТИҚОВА.158

Абдукарим ИСЛОМ.160

Карим ТОШҚУЛОВ.161

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Мухайё ТЎЛАГАНОВА. Қизикарли асарларнинг ўрни

билинаяпти.163

BOLALAR DUNIYOI

Qudrat НIKMAT. Uchib yurar mayin shamollar.166

ГУЛҚАЙЧИ

Алп ЖАМОЛ. Ошхонанинг мушуги. *Интермедиялар*.169

Адабий ҳаёт.174

Шарқ юлдузи

2020

6-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек адабиёти» ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўча, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@umail.uz

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими 70x108^{1/16}

Офсет босма усулида офсет коғозда босилди. Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Наشريёт хисоб табоғи 17,2.

Адади 1950 нусха.

Буюртма №20

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT RABEL” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,

Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта

чоп этилади.

Мусаххихлар:

Дилфуза Маҳмудова

Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Шаҳриёр Ибрагимов

Copyright © «Шарқ юлдузи»